


40 МЛН НУСХАДА СОТИЛГАН



**МУВАФФАҚИЯТЛИ  
ИНСОНЛАРНИНГ  
КҮНИКМАСИ**

Шахсий камолотнинг  
қудратли қуроли

**Стивен Р.Кови**

Стивен Р. Кови

МУВАФАҚИЯТЛИ  
ИНСОНЛАРНИНГ

7

КҮНИКМАСИ

ТОШКЕНТ  
2020

**УҮК** 159.923

**КБК** 88.52

**К** 55

**Кови, Стивен Р.**

Муваффакиятли инсонларнинг етти кўникмаси/ “Offset-print” МЧЖ, “Nihol” нашриёти, 2020. 384 б.

**ISBN** 978-9943-23-175-7

*Инглиз тилидан  
Орифаҳон Ғуломова  
таржимаси*

*“Asaxiy Books” лойиҳаси доирасида таржима ва  
чоп қилинди.*

“Муваффакиятли инсонларнинг етти кўникмаси” илк нашридан буён 40 дан ортиқ тилга таржима қилиниб, 40 миллион нусхадан ортиқ сотилган. Ёзилганига 30 йил ўтса-да, ҳамон бизнес ва шахсий ривожланишга доир бестселлер асар мақомини сақлаб келмоқда. Асар ўткинчи трендлар, юзаки ва сийқаси чиққан оммабоп психологияга эмас, бокий тамоийиллар – адолат, самимият, садоқат ва инсон қадр-қимматига таяниб, маслаҳатлар беради.

**УҮК** 159.923

**КБК** 88.52

**К** 55

**ISBN** 978-9943-23-175-7

© “Asaxiy Books” МЧЖ

© Стивен Р. Кови

КИСМ



Парадигма ва  
тамойиллар

## ИЧКАРИДАН – ТАШҚАРИГА

*Бу дунёда түгри яшашдан айрича мукаммаллик  
мавжуд эмас.*

ДЕВИД СТАР ЖОРДАН

Камина йигирма беш йилдан бүён тадбиркорлик, олий таълим, никоҳ ва оила масалалари билан шуғулланаман. Бу вакт мобайнида ақл бовар қилмас зохирий муваффақиятларга эришган шахслар билан мулоқотда бўлдим. Уларнинг кўпчилиги бошқалар билан соғлом алоқа ўрнатиш, шахсий хотиржамлик ва самарадорликка ич-ичидан муҳтоҷ эди.

Улар эътироф этган мана бу муаммолар сизга ҳам таниш бўлса керак:

– Мен карьера масаласида ўз олдимга қўйган барча мақсадларимга эришиб, улкан муваффақият қозоняпман. Лекин бу шахсий ҳаётим эвазига бўлди. Мен энди рафиқам ва болаларимга гўё бегонадекман. Ҳатто ўзимни ҳам таний олмай қоламан, ўзим учун аслида нима муҳимлигини ҳам аниқ билмайман. Шунда ўзимга савол бераман – эришганларим чиндан ҳам шунча курбонликка арзийдими?

– Мен яна парҳез қилишни бошладим – шу йил ҳисобида бу бешинчиси. Ортиқча вазнга эгалигимни яхши биламан ва ўзгаришни, қоматимни тартибга келтиришни истайман. Шунга дахлдор нима янги маълумот учраса, қолдирмай ўқиб бораман, олдимга қатъий мақсад қўяман, ўзимни руҳлантириб, парҳез қилиш қўлимдан келишига ўзимни ишонтираман. Аммо барибир охиригача уddaлай олмайман. Парҳез бошлаганимдан бир неча ҳафта ўтгач, иштиёқим сўнади. Мен шунчаки ўзимга берган ваъдамни

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

бажаришга ожизлик қиласан.

— Самарали бошқарувни ўргатувчи бир нечта курсларга қатнашдим. Ходимларимга нисбатан талабчанман, лекин уларга ҳамиша түғри ва дўстона муносабатда бўлишга астойдил ҳаракат қиласан. Таассуфки, улардаги садокат хиссини туймайман. Тобим қочиб, бир кун ишга бормасам, барча ходимлар асосий вақтини иш қолиб, гап сотиб ўтказадигандек гўё. Нима учун уларни мустақил ва масъулиятли бўлишга ўргата олмайман? Наҳот ўзим истагандек хислатларга эга ишчиларни топишни ҳам эпломасам?

— Ўсмир ўғлим жуда қайсар, боз устига, гиёхванд моддаларга ружу қўйган. Қанча уринмай, менга умуман кулоқ солмайди. Нима қилсан бўлади бу вазиятда?

— Бажаришим керак бўлган ишлар жуда кўп, вақтим етмайди. Ҳафтада етти кун, йигирма тўрт соат кучли босим остида ва муаммолар гирдобида юргандек бўламан. Буларга барҳам бериш учун вақтни түғри тақсимлаш бўйича семинарларда иштирок этдим, турли хил усувларни синаб кўрдим. Қайсиdir маънода улар менга ёрдам берди. Шундай бўлса ҳам, ҳаётим ҳануз ўзим истагандек баҳтли, самарали ва осуда эмас.

— Фарзандларимни меҳнаткашликка ўргатишни истайман. Аммо уларга бирор юмушни бажартириш давомида ҳар бир ҳаракатини кузатишинга, адоги йўқ нолишларини тинглашимга түғри келади. Бу ишларни ўзим бажарсам, осонроқ битади. Нега энди болалар ўз юмушларини ўзлари истаб, хурсандчилик билан бажармайди?

— Мен бандман – чиндан ҳам бандман. Лекин баъзан қилаётган ишларим охир-оқибат ниманидир ўзгартирармикан деб ўйлаб қоламан. Мен чин юракдан ҳаётимда мазмун борлигига, менинг мавжудлигим мухим аҳамият касб этишига ишонгим келади.

— Дўйстларим ёки қариндошларим муваффақиятга

эришаётганини, ютуқлари туфайли эътироф этилаётганини кўриб, хурсанд бўламан ва завқ-шавқ билан уларни табриклайман. Бошқа тарафдан, ичимни ит тирнай бошлайди. Нега ўзимни бундай ҳис қиласман?

– Менинг иродам жуда кучли. Аниқ биламан: деярли барча муносабатларда натижани ўзим назорат қила оласман. Кўпинча бошқаларни ўзим истаган ечимга кўндириш орқали бунга эришаман. Ҳар бир вазиятни кўздан кечириб, фикрим ҳаммага бирдек маъқул бўлади деган хаёлга бораман. Шу билан бирга, ўзимни нокулай ҳис қиласман. Бошқалар мен ва менинг фикрларим ҳақида қандай ўйларкин деб қизиқаман.

– Оилавий ҳаётим издан чиқди. Турмуш ўртоғим билан уришмаймиз, жанжаллашмаймиз; биз шунчаки ортиқ бир-биrimizни севмаймиз, холос. Вазиятни тўғрилашга уриндик, мутахассислардан маслаҳат олдик. Бари – бефойда. Қачонлардир бўлган ҳис-туйғуларни қайтара олмайдиганга ўхшаймиз.

Буларнинг бари жуда чуқур ва оғрикли муаммолардир. Уларни қисқа муддатда ҳал қилишнинг асло иложи йўқ.

Бир неча йил муқаддам, рафиқам Сандра иккимиз худди шунга ўхшаш муаммо билан курашгандик. Ўғилларимиздан бирининг мактабдаги ўқиши оқсарди. Унинг ўзлаштириши пасайиб кетган, синовлардан муваффақиятли ўтиш тугул, ҳатто тест йўриқномаларини ҳам эплаб тушуна олмасди. Боз устига, одамлар билан муносабатда жуда ғўр бўлиб, тез-тез яқинларининг юзини ерга қаратиб кўярди. Шунингдек, фарзандимизнинг жисмоний ҳолатига ҳам ҳавас қилиб бўлмасди. У заиф, озғин ва бесўнақай эди. Масалан, оддийгина бейсбол ўйинида, таёқни копток ҳавога ирғитилмасидан аввалроқ силкитиб юборарди. Бошқалар уни мазах қиласади.

Сандра билан ўғлимизга қандай ёрдам беришга бошимиз қотганди. Муваффақиятли бўлиш ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида, жумладан, ота-оналиқ бурчини адо

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

этишда ҳам муҳим эканлигини ҳис қилдик. Шунинг учун фарзандимизга бўлган муносабатимизни ўзgartириб, унинг хулки билан жиддий шуғуллана бошладик. Ижобий фикрлаш усулларидан фойдаланиб, ҳар бир юмушда рухий далда беришга интилдик. Мисол учун, бейсбол ўйнаётган ўғлимизга шундай дердик: «Бўлақол, болам! Сен буни уддалайсан! Сенга ишонамиз! Иккала қўлинг билан бейсбол таёгини ушла ва бироз баландроқ тут. Коптодан кўзингни узма. Коптот сенга яқинлашмагунча, таёкни силкитма». Шундан кейин, агар ўйинда бироз яхшиланиш кузатсак, уни янада кўпроқ рағбатлантиридик: «Баракалла, ўғлим! Шундай давом эттири!»

Фарзандимизнинг устидан кулганларга:

– Болани тинч кўйинг: у эндиғина ўрганяпти, – деб танбеҳ берардик. Шундай дамларда ўғлимизнинг мижжаси ёшга тўлар, ҳеч қачон бу иш қўлидан келмаслигини, умуман, бейсболни жинидан бешбаттар ёмон кўришини айтиб йиғларди.

Хуллас, фарзандимизни муваффакиятли қилиш учун уринишларимиз зое кеттач, чиндан ҳам ташвишга тушиб қолдик. Унинг ўзига бўлган ишончи тобора пасайиб борарди. Ўғлимизни руҳлантиришга, хайриҳоҳлигимизни кўрсатишга ҳар қанча ҳаракат қилмайлик, такрор ва такрор муваффакиятсизликка учрадик. Шунда ниҳоят бир қадам ортга чекиниб, вазиятга бошқа томондан қарашга қарор қилдик.

Айнан ўша пайтлари касбий фаолиятимда янги лойиҳага жалб этилдим. Бу лойиҳа етакчиликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишдан иборат эди. Мижозлар турфа хил бўлиб, улар бутун мамлакат бўйлаб тарқалганди. Хусусан, мен IBM компаниясининг Ижровий ривожлантириш лойиҳаси иштирокчиларига мўлжалланган ўқув-машғулот дастури тайёрлашга киришдим. Икки ой давом этадиган дастур мулокот ва идрок мавзусида эди.

Шу мавзу юзасидан изланиб, тақдимотлар тайёрлар

эканман, идрокнинг шаклланиш ва ишлаш механизмига кизиқиб қолдим. Шу боис, «Умидворлик назарияси», шунингдек, ўз-ўзини бажо келтирувчи башоратлар, бошқача айтганда, «Пигмалион эффекти»ни чуқур ўрганиб чиқдим. Идрокимиз накадар чуқур аҳамиятга эга эканлигини англаб етдим. Ўрганганларимдан маълум бўлдики, биз атрофни, ундаги вазиятларни махсус линза орқали кўрамиз. Шундай экан, бирор ҳодисани таҳлил қилаётганда, нафақат вазиятга, балки вазиятни кўрсатётган линзага ҳам эътибор қаратишимиш зарур. Чунки ана шу линза дунёни идрок этишимизда асосий восита ҳисобланади.

IBM компаниясида ўқув машғулотларим ҳамда бошимиздаги ташвиш ҳакида Сандра билан гаплашар эканман, иккимиз бир ҳақиқатни тушуна бошладик: ўғлимизга ёрдам бериш учун қилаётган ишларимиз ва уни аслида қандай кўришимиз ўртасида уйғунлик йўқ экан. Биз ички ҳиссиётларимизни вижданан таҳлил килдик. Тан олиш керак, фарзандимизни чиндан ҳам қолоқ ва ношуд бола деб ўйлар эдик. Уни муваффақиятли килиш учун уринишларимиз самара бермаётгани бежиз эмасди. Муомала ва муносабатимиз, меъёрдан ортиқ рағбатлантиришлар орқали биз боламизга: «Сен лаёқатли эмассан! Сен химояга муҳтожсан», – демокда эдик.

Шу тариқа рафикам билан тушуна бошладикки, вазиятни ўзгартириш учун дастлаб ўзимизни ўзгартиришимиз зарур экан. Ўзимизни самарали ўзгартиришимиз учун эса аввало идрокимизни ўзгартирмоғимиз талаб килинарди.

### ШАҲС ВА ФЕЪЛ-АТВОР ЭТИКАСИ

Идрок борасида изланиш олиб бориш билан бир қаторда, мен 1776 йилдан бери Америка Кўшма Штатларида чоп этилган муваффақият сирлари тўғрисидаги адабиётларни ўрганишга шўнғидим. Камина ўзини такомиллаштириш, оммабоп психология, ўз-ўзига ёрдам бериш каби мавзулар ёритилган юзлаб китоб, мақола ва эсселарни ўқиб ёки кўздан кечириб чиқдим. Озод ва демократик бу халқ

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

вакиллари муваффақиятли ҳаёт калити деб ҳисоблаган омилларни жамладим.

Тадқиқотим мобайнида 200 йил аввал битилган муваффақиятга оид асарлар билан танишар эканман, ўша давр адабиёти мазмуни хайратланарли даражада ўзгача бўлганини кўрдим. Оилас, шунингдек, йиллар давомида мен бирга ишлаган кўплаб одамларнинг ҳаёти ва муносабатларида ўзим гувоҳ бўлган изтироблар туфайли сўнгти 50 йил ичидаги чоп этилган муваффақиятга доир адабиётлар жуда саёз эканлигига тобора амин бўлиб бордим. Бошқача айтганда, муваффақият сирлари ҳақида ёзилган замонавий адабиётлар жамиятда ижтимоий имиж яратиш усуслари, одамларни қийнайдиган жиддий муаммоларга тезкор, бироқ юзаки ечим топиш чоралари билан тўлибтошган эди. Бу худди боши қаттиқ оғриётган одамга Аспирин беришдек гап. Аспирин бош оғригини вақтинча тўхтатиши мумкин, лекин сурункали касалликларга даво бўлмаслиги шубҳасиз. Худди шу каби, замонавий адабиётларда битилган ечимлар муваффақиятга эришиш йўлида шахс дуч келадиган қийинчиликларни вақтинча енгиллатади, лекин муваффақиятсизликнинг асл сабабини бартараф қилмайди.

Бунга қарама-карши ўлароқ, дастлабки 150 йил давомида чоп этилган деярли барча адабиётлар муваффақиятнинг асоси сифатида феъл-автор этикаси, яъни ҳалоллик, камтарлик, садоқат, мулойимлик, жасорат, адолат, сабртоқат, ишбилармонлик, соддадиллик каби хислатлар ва «Олтин қоида»ни ўзлаштиришни асосий ўринга кўйган. Бенжамин Франклиннинг автобиографияси ана шундай адабиётнинг ёрқин намунасидир. Унда бир инсоннинг ўз табиатига муайян тамойил ва кўникмаларни қандай сингдиргани ҳикоя қилинади.

Феъл-автор этикасига кўра, самарали яшаш учун бирламчи тамойиллар мавжуд. Одамлар шу тамойилларни ўрганиб, туб феъл-авторига сингдира олсагина ҳақиқий

муваффакият ва чексиз саодатга эришади деб ҳисобланган.

Бирок Биринчи жаҳон урушидан сўнг, қарашлар ўзгариб, муваффакият асоси сифатида феъл-автор этикаси эмас, балки шахс этикаси олдинга чиқди. Унга кўра, муваффакиятга жамиятда шахсий имижга эга бўлиш, ўзгалар билан муносабатларни силлиқловчи муомала ва хулқ орқали эришилар эди. Шахс этикаси икки асосий йўналишни ўз ичига оларди: 1. Инсон ва жамият ўргасидаги алоқа усуллари; 2. Ижобий руҳий муносабат (ИРМ). Бу фалсафанинг баъзи ғоялари: «Сизнинг муносабатингиз сизнинг юксаклигинги белгилайди!», «Табассум хўмрайишдан кўра кўпроқ дўст келтиради!», «Инсон онги ўзи англаган ва ишонган ҳар қандай нарсага эриша олади» каби илҳомлантирувчи ва кучли шиорларда ўз ифодасини топганди.

Бирок шахс этикасининг бошқа жиҳатлари очиқчасига манипуляция ва алдовга йўғрилган эди. Одамлар бошқаларга ёқиши учун ёлғон гапиришга, ўзлари истаган нарсага эришиш учун сохта маълумотлар тўкиб чиқаришга ёки қудратли кўринишга, кўрқитишга одатланиб қолди.

Ушбу адабиётларнинг айримларида феъл-автор муваффакиятнинг бош калити эмас, шунчаки таркибий қисми деб ҳисобланган. Шунинг учун уларда феъл-автор этикаси номигагина эсланиб, асосий эътибор муваффакиятсизликка тезкор ечим топиш усуллари, мулоқот маҳорати ва ижобий муносабатларга қаратилган.

Рафиқам иккимиз ўғлимиздаги муаммоларни ҳал қилиш учун қўллаётган чораларимизнинг англашмаган манбаи аслида шахс этикаси эканлигини тушуна бошладим. Шахс ва феъл-автор этикаси орасидаги фарқни чуқурроқ англаганим сари, фарзандларимизнинг хулқига қараб жамиятдаги ўрнимиз баҳоланади деган хато талабни миямизга сингдириб олганимизни, ўғлимиз эса бу талабга жавоб бера олмаганини фаҳмладим. Биз одамларга яхши, ғамхўр ота-она эканимизни исботлаш учун боламизни

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

борича қабул қилишдан воз кечган эдик. Аслини олганда, ўғлимиз бахти борасидаги хавотиримиздан кўра, муаммони кўриш ва ечиш усулимизда кўп гап бор эди.

Холосаларимни рафиқам билан бўлишгач, иккимиз ҳам феъл-авторимиз ва ўйларимиз ўғлимизга қаттиқ таъсир қилишига амин бўлдик. Ижтимоий таққослаш омиллари ички қадриятларимиз билан ҳамоҳанг бўлмаса, бу шартли севгига ва охир-оқибат боламизнинг ўз-ўзини қадрлаш туйгуси пасайиб кетишига олиб келиши мумкин эди. Шундай қилиб, биз бундан буёғига бор дикқатимизни фарзандимизни муваффакиятли қилиш учун кўллаётган чораларимизга эмас, балки ўзимизга, туб омилларимизга ва ўғлимизни тушунишга қаратдик. Фарзандимизни ўзгартиришга уринмай, аксинча, уни ўз ҳолига кўйдик – ўзини англашига, мустақил бўлишига ва қадр-қимматини хис қилишига имкон яратдик.

Шундан сўнг, теран фикрлаш, иймон ва ибодат ҳамроҳлигида ўғлимизнинг ўзига хос хусусиятларини кўра бошладик. У вақти-соати етиб юзага чиқадиган қатлам-қатлам иктидор соҳиби эди. Биз хотиржам тортиб, фарзандимиз ўз йўлини ўзи топишига тўсик бўлмасликка келишдик. Бундан буён ота-она сифатидаги ролимиз уни қадрлаш, яхши кўриш ва борича қабул қилишдан иборат бўлди. Шу билан бирга, ички ҳиссиётларимизни вижданан жиловлаб, бизнинг қадр-қимматимиз фарзандларимизнинг барчага «мақбул» келиши билан ўлчанмаслигига ўзимизни тайёрладик.

Фарзандимиз ҳақидаги эски тушунчалардан воз кечиб, қадриятта асосланган мотивларни ривожлантирганимиздан сўнг, янгича ҳис-туйфулар пайдо бўла бошлади. Энди ўғлимизни бошқалар билан таққослаш ёки муҳокама қилиш ўрнига, унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатидан завқланардик. Биз боламизни ўз тасаввуримизга ёки жамият андазаларига мослаштиришга ҳаракат қилишни тўхтатдик. Чунки у ҳар томонлама соғлом эканлигига, ўз ҳаётини ўзи эплай

олишига кўзимиз етди. Кимлардир унинг устидан кулса, бошқа эътибор бермадик.

Ўғлимиз ҳамиша қанотимиз остида улғайгани, энди эса химоясиз қолаётганлиги сабаб илк оғрикли изтиробларни бошдан кечирди. Буни бизга изҳор этганида, индамай эшитдик, лекин ҳеч қандай жавоб қайтармадик. Бу орқали «Сен муҳофазага мухтоҷ эмассан! Сенда мутлақо муаммо йўқ!» деб унга билдирилди.

Шу тариқа ҳафталар, ойлар ўтди. Фарзандимизнинг ўзига ишончи анча юксалди ва ўзини борича қабул қилишни ўрганди. Унинг иқтидори ўз ҳолича ўса бошлади. Вакти соати келганда, жамият мезонларига жавоб берадиган – ақлий, жисмоний ва ижтимоий жиҳатдан баркамол шахсга айланди. Ўтаётган йиллар давомида у талабаларнинг турли уюшмаларига етакчи этиб сайланди, мамлакатнинг энг яхши спортчиларидан бири бўлди ҳамда уйга аъло баҳолар тўла табель билан қайта бошлади. Ўғлимизда шаклланган жозибадор ва софдил шахсият одамлар билан қийинчиликсиз алоқа боғлашга имкон берди.

Ҳозир рафиқам билан ишонамизки, жигарбандимиз эришган ютуқлар шунчаки бир ижтимоий мукофотга жавобан эмас, балки ўзига нисбатан ҳис-туйғуларининг ёрқин ифодаси эди. Бу мен учун ҳам, Сандра учун ҳам ажойиб тажриба бўлди ва бошқа фарзандларимизни тарбиялашда муҳим қўлланма вазифасини ўтади. Биз муваффақиятга эришишнинг феъл-автор этикаси ҳамда шахс этикаси ўртасидаги фарқни билиб олдик. Бизнинг қарашларимизни мукаддас матндан олинган куйидаги сатр жуда яхши ифода этади: «Қалбингизга шундай иштиёқ билан ишлов берингки, ҳаётий муаммолар ундан чиқиб кетсин».

### **БИРЛАМЧИ ВА ИККИЛАМЧИ ҚУДРАТ**

Ўғлим билан бўлган воқеа, идрок бўйича тадқиқотим ва муваффақиятга оид адабиётларни мутолаа қилганларим бирлашиб, ҳаётда барча нарса ойдинлашувчи лаҳзадан

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

иборат «Аҳа!» ҳолатини вужудга келтириди. Мен кутилмаганда шахс этикасининг кучли таъсирини кўришга муваффақ бўлгандим. Бундан ташқари, мен тўғри деб биладиган нарсалар – болалигимда сингдирилган тушунчалар, қадр-киммат борасидаги ботиний қарашларим – ҳамда кундалик муаммоларга тезкор ечим топишга мўлжалланган фалсафалар орасидаги тафовутлар юзага чикқанди. Бу жуда нозик тавофтларни кўпинча онгли равища аниқлаб бўлмасди. Камина нима учун ўзим ўқитаётган ва самарали деб билган нарсалар тезкор ечим фалсафаларига зид келишини чукурроқ тушуниб етдим.

Мен шахс этикасининг таркибий қисмлари – шахсий ривожланиш, муроқот маҳорати машғулотлари, шунингдек, ижобий фикрлаш ва таъсир кўрсатишга йўналтирилган таълим бефойда деб айтишдан йирокман. Аслини олганда, баъзан улар муваффакият учун керакли ҳамдир. Мен уларга ишонаман. Аммо юқоридаги таркибий қисмлар муваффакиятнинг иккиласми омилидир, бирламчи эмас. Муаммо шунда эдики, бор салоҳиятимизни ишга солиб, замонавий ҳаёт деб аталмиш иморат деворини куришга шунчалик берилиб кетганимиздан, шу деворни тутиб турувчи пойdevорни ёддан чиқардик. Ваҳоланки, бу пойdevор ўтмиш аждодларимиз томонидан бой тажрибага асосланиб курилган эди. Ё бўлмаса, далага бориб, ўзимиз экмаган буғдойни ўришга шунчалар кўп вақт сарфладикки, буғдой экиш заруриятини унутдик. Феъл-авторим табиатан бузук бўла туриб, бошқа одамларни ўзим истаган ишни қилишга, яхши ишлашга, илҳомлантиришга, мени ва бир-бирини яхши кўришга ундаш йўлида носамимилик ва иккисозламачиликка йўғрилган стратегиялардан фойдаланмаслигим керак. Бу ҳолатда мустаҳкам муваффакиятга эриша олмайман. Мендаги иккисозламачилик кун келиб ишончсизликка сабаб бўлади. Ўшанда мен бажарадиган ҳамма нарса – ҳатто инсонлар билан самарали алоқа ўрнатишнинг энг

машхур усулларини қўллаганимда ҳам, хийлакорлик сифатида қабул қилинади. Нутқим нақадар аъло, ниятим нақадар яхши бўлмасин, ишончсизлик бор жойда доимий муваффақият пойдеворини қуриш имконсиз. Фақат эзгуликкина муваффақиятли бўлиш учун кўллайдиган услубларга ҳаёт бағишлади.

Услубларга диққат қаратиш худди йўл-йўлакай, юзаки тайёргарлик кўриб имтиҳонга киришга ўхшайди. Баъзан йиқилмайсиз, яхши баҳо олиш эҳтимолингиз ҳам бор. Лекин бунинг келажаги йўқ. Ҳар куни жиддий шуғулланмасангиз, на ўрганаётган фанингизнинг чин билимдонинг айланасиз, на онгингизни ривожлантира оласиз.

Баҳор чоғи фермага бориш, уруғ экишни унугтиб, ёз бўйи ўйнаб-кулиб юриш ва куз келганда йўқ ҳосилни йиғиб олишга уриниш нақадар бемаъни бўлиши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ферма – табиий тизим. Найрангни тан олмайди – меҳнат қиласангиз, натижага эришасиз. Ҳамиша экканингизни ўрасиз; бошқача бўлиши мумкин эмас. Ушбу тамойил инсонларнинг ўзини тутиши, шунингдек, бошқалар билан алоқаси борасида ҳам бирдек амал қиласи. Чунки хулқ-автор ва муносабат «Ҳосил Қонуни»га асосланган табиий тизим ҳисобланади. Қисқа муддатли воқеликларда – айтайлик, мактаб каби сунъий ижтимоий тизимда – одамлар ўйлаб топган «ўйин қоидалари»га амал қилиб, манипуляция қилишни ўргансангиз, вазиятни ўз ҳисобингизга ҳал қилишни улдалайсиз. Бир марталик ёки узокқа чўзилмайдиган мулокотда шахсият этикасидан фойдаланиш, жозибали ва моҳир кўриниш, ўзингизни суҳбатдошнинг ҳаётига қизиқаётгандек тутиш орқали ёқимли таассурот қолдириш имконияти мавжуд. Иккиласми омиллардан иборат шахс этикаси қисқа муносабатлар жараёнида иш бериши мумкин, бироқ узок муддатли муносабатлар учун яроқсиз бўлади. Агар сизда тўғрилик, самимийлик сингари хислатлар бўлмаса, кун келиб ҳаёт

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

қийинчилеклари асл башарангизни ошкор қилиб кўяди. Натижада қисқа муддатли муваффақият ўрнини барбод бўлган муносабатлар эгаллайди.

Иккиласмчи кудрат соҳиблари, бошқача айтганда, иктидори туфайли жамиятда танилган кўплаб инсонларнинг феъл-авторида бирламчи кудрат ёки соғдилилк етишмайди. Эртами-кеч, улар бизнес ҳамкори, турмуш ўртоғи, дўсти ёки ўсмир фарзанди кабилар билан бўлган ҳар бир узоқ муддатли муносабатда шахсий инқизозни бошдан кечиради. Аслида мулоқот қилишни феъл-авторимизга қўйиб беришимиз керак. Эмерсон айтганидек: «Феълингиз кулокларим остида шу кадар қаттиқ қичқирадики, сизнинг нутқингизни тинглай олмайман».

Албагта, орамизда кучли феъл-авторга эга, бироқ мулоқот маҳоратини яхши ўзлаштиргмаган инсонлар ҳам топилади. Улардаги ушбу хусусият ҳаётий муносабатлари сифатига таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Лекин, барибир, бу таъсир иккиласмчи бўлиб, ўта салбий оқибатларга етакламайди.

Ниҳоят сўнгти таҳлил: бизнинг феъл-авторимиз гапсўзимиз ёки амалларимиздан кўра самаралироқ мулоқот килади. Биз ҳаммамиз буни биламиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг: энг яқин инсонингизга нега ишонасиз? Жавоб оддий: чунки унинг феълини яхши биласиз. Унинг сўзамол бўлиш-бўлмаслиги, мулоқотни билиш-билмаслигидан қатъи назар, сиз шунчаки унга ишонасиз ва муносабат сақлайсиз.

Уилям Жорданнинг сўзи билан айтганда: «Ҳар бир бандага кўринмас куч ато этилган – у орқали инсон ўз ҳаётига таъсир кўрсатади. Ижобий ёки салбий таъсирга эга бу куч – инсоннинг ички «мен»идан муттасил таралиб турувчи кувватдир».

### ПАРАДИГМА ҚУДРАТИ

«Муваффақиятли инсонларнинг етти кўникмаси» асари инсон самарадорлигининг фундаментал тамойилларини

ўзиди мужассамлаштирган. Бу кўнималар асосий ва бирламчи бўлиб, баҳт ва муваффақиятга элтувчи тўғри тамойилларнинг ўзлаштирилишини ифодалайди.

Лекин ушбу «Етти одат»ни ўзлаштиришдан аввал, биз шахсий «парадигма»ларимизни англашимиз, «Парадигма ўзгариши» қандай амалга оширилишини тушунишимиз зарур.

Феъл-автор этикаси ҳам, шахс этикаси ҳам ижтимоий парадигма намунасидир. «Парадигма» сўзи асли юонончадир. Аслида илмий атама бўлган бу сўз бугунга келиб модель, назария, идрок, фараз ёки дунёқараш маъносида фойдаланилади. Умумий маънода, парадигма бу – дунёни «кўриш» усулимиз хисобланади; факат, тўғри маънода визуал кўриш эмас, балки идрок этиш, тушуниш ва талқин қилиш услубимиздир.

Бизнинг вазиятда, парадигмаларни осон тушуниш учун уларни харита сифатида тасаввур қилиш керак. Барчамизга маълумки, харита – реал ҳудуд эмас, у ҳудуддаги маълум томонларнинг аксидир. Парадигма ҳам ҳудди шундай – бирор нарсанинг модели, изоҳи ёки назарияси саналади.

Фараз қилинг, сиз Чикаго марказидаги бирор жойга бормоқчисиз. Манзилингизга етишда шаҳар кўчалари туширилган харита асқатиши турган гап. Лекин сизга нотўғри харита берилди. Техник хатолик туфайли кўлингиздаги «Чикаго» деб ёзилган харита аслида «Детроит» шаҳриники бўлиб чиқди. Бутунлай бошқа харитадан фойдаланиб, кўзлаган манзилингизга етиб бориш накадар ортиқча оворагарчилик бўлишини тасаввур қиляпсизми?

Бундай вазиятда ҳаракатингизга ишлов бериб, тезлигингизни икки баробар оширишингиз, кунт билан олдинга интилишингиз мумкин. Бироқ уринишларингиз сизни нотўғри манзилга тезроқ олиб боради, холос.

Балки, вазиятга муносабатингизни ўзгартириб, воқеанинг ижобий томонларини кўришни таҳомима бўймада

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

ҳам тұғри манзилни топиб боришиңгизни таъминламайды. Балки бунга ахамият бермассиз. Муносабатингиз шунчалик ижобийлигидан, қаерда бўлсангиз ҳам хурсанд бўласиз.

Гап шундаки, юқоридаги икки услубдан қай бирини кўлламанг, барибир ютқазасиз. Чунки муаммонинг асоси сизнинг ҳаракатингиз ёки муносабатингиз эмас, балки харитангиз хатолигидир.

Агар сизда Чикагонинг ҳақиқий харитаси бўлса, ҳаракатингиз катта ахамият касб этади; йўл-йўлакай қийинчиликларга дуч келсангиз, муносабатингиз уларни енгиб ўтишга кўмаклашади. Демак, манзилга етиш учун сиздан талаб қилинадиган энг биринчи ва энг муҳим талаб – тўғри харитага эга бўлишдир.

Хар биримизнинг бошимизда ана шундай кўплаб хариталар бор. Бу хариталарни икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Воқеликни бор ҳолиша кўрсатувчи хариталар, бошқача айтганда, ҳақиқатлар;

2. Воқеликни қандай бўлиши керак бўлса, шундай кўрсатувчи хариталар, бошқача айтганда, қадриятлар.

Биз бошимиздан ўтган ҳар бир воқеани мана шу рухий хариталар орқали талқин этамиз. Одатда, хариталарнинг тўғри ёки нотўғри экани ҳакида ўйлаб ўтирмаймиз; чунки уларнинг мавжудлигидан деярли бехабар бўламиз. Бирор воқеликни кўраётганда, у ростдан ҳам шундайлиги ёки шундай бўлиши кераклигини тахмин қиласиз, холос.

Ана шу тахминлардан эса воқеликка муносабатимиз ва хатти-ҳаракатимиз шакланади. Бундан келиб чиқадики, фикрларимиз ва ҳаракатларимизнинг бош манбаи вазиятни қандай идрок этишимиз хисобланади.

Мавзуни давом эттиришдан аввал, сизни ақлий ва ҳиссий тажриба ўтказишга таклиф қиласман. Бир неча сония вақт ажратиб, қўйидаги суратга назар солинг.



Энди эса келаси расмга эътибор қилинг ва нима кўрганингизни диққат билан тасвирлаб беринг.



Хўш, кимни кўрдингиз? Аёл кишиними? Унинг ёши нечида деб ўйлайсиз? Ташқи кўриниши қандай? Эгнида қандай кийим бор? Уни қандай образда тасаввур қиласиз?

Ҳойнаҳой, иккинчи расмни кўриб, тахминан, 25 ёшдаги жуда ёқимтой, одмироқ кийинган, нафосатли,

## I ҚИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

бурни хушбичим аёлни тасвирласангиз керак. Агар бўйдоқ бўлсангиз, аёлни учрашувга таклиф қилишингиз мумкин. Аёллар лиbosлари билан шугулланувчи тадбиркор бўлсангиз, уни модель образида кўрарсиз эҳтимол.

Аммо, лекин, бироқ... Сизга «Ноҳақсиз», десам, ишонасизми? Бу камида 60-70 ёшли жуда ғамгин, бурни узун кампирнинг сурати, у модель бўлишга ярамайди, аксинча, ёрдамга муҳтож десам-чи?

Бу ерда ким ҳақ? Расмга яна бир назар солинг. Кампирни кўряпсизми? Агар жавобингиз йўқ бўлса, яна уриниб кўринг.

Кампирнинг узун бурнини илғадингизми? Шол рўмолини-чи?

Агар иккимиз юзма-юз гаплашаётган бўлганимизда, суратни муҳокама қилиб, унда нима кўрганимизни бир-бirimизга тасвирлаб берардик. Сиз менга, мен сизга нима кўрганимизни аниқ исботламагунча тортишув давом этиши турган гап эди.

Ҳозир бунинг иложи йўқлиги туфайли марҳамат қилиб галдаги расмни синчиклаб текширинг. Сўнг тепадаги расмга қайта эътибор қаратинг.



Энди пайқадингизми қария аёлни? Ўқиши давом эттиришдан аввал, уни кўришингиз ўта муҳим. Бу машқа мен бир неча йиллар мукаддам Ҳарвард Бизнес Мактабида дуч келганман. Ўқитувчимиз бир хил нарсани кўрган икки одам мудом баҳслашиши, лекин аслида иккиси ҳам ҳақ бўлиши мумкинлигини кўрсатиш учун ундан фойдаланганди. Кўпчилик мантиқий деб ўйлаган ушбу машқ аслида психология билан боғлик эди.

Ўшанда, ўқитувчи хонага катта ҳажмдаги бир талай карта олиб келганди. Карталарнинг ярмида сиз 19-саҳифада кўрган ёш аёл, қолган кисмида эса ўша саҳифада кўрганингиз иккинчи тасвир – қари кампир тасвири бор эди.

Ўқитувчи хонадаги талабаларни икки гурухга бўлди. Сўнгра биринчи гурухга ёш аёл, иккинчи гурухга кампир акс этган карталарни тарқатгач, биздан ўн сония мобайнида суратга дикқат билан тикилишимизни айтди. Керакли вақт ўтгач, карталарни қайтариб олди ва катта экранда 20-саҳифадаги расмни кўрсатди. Ўқитувчи биздан экранда нима кўраётганимизни тасвирлаб беришни сўради. Шунда ғалати ҳол юз берди. Гарчанд, экранда ягона расм бўлсада, у талабалар томонидан икки хил талқин қилина бошлади. Дастьлаб, ёш аёл сурати туширилган картани кўрган талабалар катта экранга қараб ёш аёлни, кампир суратига 10 сония тикилиб турган талабалар эса қария кампирни тасвирлай кетди.

Профессор ҳар иккала гуруҳдан биттадан талабани турғизиб, бир-бирига ўз фикрини аникроқ тушунтиришни илтимос қилди. Улар бошлаган мунозара тобора қизий бошлади.

– «Қария аёл» деганда нимани назарда тутяпсан? Ахир 22-25 ёшдан нарига бормайди-ку бу қиз! – дерди куйиб-пишиб биринчи талаба.

– Кўйсанг-чи! Ҳазиллашяпсанми, оғайнни? Ахир, унинг ёши камида 80 га қараб кетяпти, шекилли?! – деб эътиroz билдиарди иккинчи талаба.

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

— Томинг жойидами, ошна? Расмдаги аёл жуда ёш. Жон деб уни учрашувга таклиф қилардим! Ташки кўриниши ёқимтойгина, — биринчи талаба бўш келмай тортишарди.

— Ёқимтойгина? Кўзинг кўр бўлиб қолдими, нима бало? Алвастига ўҳшайди-ку! — деб хуноби чиқарди иккинчи талабанинг.

Баҳснинг охири кўринмасди. Ҳар бир талаба ўзининг жавоби тўғри эканлигига юз фоиз ишониб, ўз нуктаи назарини сабот билан ҳимоя қиласди. Талабаларнинг аксарияти дарс бошланганида ўқитувчининг хатти-харакатидан расмда чиндан қандайдир жумбок яширинганини тахмин қиласди. Шунга қарамай, баҳс давомида улар ўз фикридан воз кечишни истамасди. Факат саноқли талабаларгина экрандаги расмга бошқа тарафдан назар солишга уриниб кўрди.

Бехуда тортишув ниҳоясига етмагач, талабалардан бири экран ёнита бориб, расмдаги чизиқларни кўли билан кўрсатиб, изоҳ берди:

— Мана бу ёш аёлнинг маржони бўлади.

Иккинчи талаба эса эътиroz билдириди:

— Бу маржон эмас, қари кампирнинг оғзи!

Шундан сўнг, улар ўзини босиб, расмлар ўртасидаги муайян фарқларни босиқлик билан муҳокама қила бошлиди. Орадан бир муддат ўтди. Ниҳоят, ҳар иккала талаба ҳам бирин-кетин битта расмда акс этган икки хил тасвири идрок этишга муваффақ бўлди. Улар мулоқотини сокинлик, мулоҳаза ва ҳурмат билан давом эттирас экан, биз бир-биримизнинг нуқтаи назаримизни тушуна олдик, лекин барибир нигоҳимизни экрандан узиб, бироз муддат ўтиб қайта қарасак, кўз олдимизда дастлаб бизга берилган картадаги тасвир шаклланарди дейишиди.

Мен одамлар ва ташкилотлар билан ишлашда юқоридаги идрок машқидан тез-тез фойдаланиб тураман. Чунки у ҳам шахсий, ҳам шахслараро самарадорлик борасидаги кўплаб тушунчаларни изоҳлаб беради.

Биринчидан, ушбу машқ мавжуд шарт-шароит бизнинг идрокимиз ва парадигмаларимизга қанчалик кучли таъсир этишини кўрсатади. Жуда қисқа муддат – атиги ўн сония картага қараганимиз бутун бошли тасвирни қандай кўришимизни белгилаб берар экан, унда бутун умр давом этадиган шарт-шароитлар-чи? Оила, мактаб, черков, иш муҳити, дўстлар, ҳамкаслар ва шахс этикаси сингари маълум ижтимоий парадигмаларнинг барчаси ҳаётимизда мавжуд таъсир турлари ҳисобланади. Улар сездирмасдан онгостимизга таъсир ўtkазиб, бевосита дунёқарашимизни, парадигмаларимизни ҳамда хариталаримизни шакллантиради.

Юкоридаги машқ, шунингдек, парадигмалар бизнинг муносабатимиз ва хулқ-авторимиз манбаи эканлигини кўрсатади. Биз парадигмаларимиздан ташқарида дадил ҳаракатлана олмаймиз. Чунки идрок қилганимиздан бошқача гапириш ва ҳаракат қилиш яхлитликни йўқотишимиизга олиб келади. Масалан, сиз экранда ёш аёлни кўрсангиз, шубҳасиз, унга кўчани кесиб ўтишга ёрдам бериш ҳақида тасаввур қилишингиз жуда мушкул. Демак, аёлга нисбатан муносабатингиз ва хатти-ҳаракатингиз уни қай йўсинда идрок қилишингиз билан ҳамоҳанг бўлади.

Шахс этикасининг энг асосий камчилиги ана шунда кўринади. Муносабат ва хулқ-авторимиз шаклланадиган парадигмаларимизни ўрганмас эканмиз, хатти-ҳаракатимизни ўзгартиришга уриниш беҳудалигича қолади.

Идрок машқининг яна бир афзал жиҳати шундаки, у парадигмаларимиз бошка инсонлар билан мулокотимизга таъсир қилишини очиб беради. Машқ сўнгидা биз аниқ ва холисона кўриб турган маълум воқеани бошқалар ҳам ўз нуқтаи назаридан тўғри кўриши мумкинлигини англаймиз. Бошқача айтганда, «Қаерда турганимиз ўтирган жойимизга боғлиқ» эканини фаҳмлаймиз.

Ҳар биримиз ўзимизни ҳодисаларни борича идрок этадиган, яъни холис инсон сифатида тасаввур қиласиз.

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

Лекин ҳақиқат бироз бошқачароқ. Биз дунёни ўз ҳолича кўрмаймиз. Аксинча, ўзимиз қандай бўлсак, дунё кўз ўнгимизда шундай шаклланади. Нима кўраётганимизни айтиш учун оғиз жуфтлаганимизда, биз аслида ўзимизни, идроқимизни, парадигмаларимизни тасвирилашни бошлаймиз. Бошқа одамлар бизнинг фикримизга қўшилмаса, дарҳол улар ҳакида нотўғри фикрга борамиз. Лекин юкоридаги идрок машқидан кўриниб турганидек, самимий, ақлли инсонлар ҳам бир ҳодисани икки хил кўриши одатий ҳол. Сабаби оддий: ҳар бир шахс ўз тажрибасига асосланган индивидуал линзага эгадир.

Лекин бу дунёда факт умуман йўқ дегани эмас. Машқ вақтида дастлаб талабаларга алоҳида берилган иккита расм чиндан ҳам икки хил эди. Кейинроқ уларга учинчи расм баробар кўрсатилиди. Энди талабалар бир хил далил – кора чизиклар ва оқ бўшликларга баробар қарайди ва факт сифатида қабул қиласди. Лекин бу фактни талқин қилиш машқ бошидаги тажрибага асосланган бўлади. Демак, фактлар – талқиндан ташқарида ҳеч қандай маънога эга бўлмайди.

Биз асосий парадигмаларимиз, ҳариталаримиз ёки тахминларимиздан хабардор бўлишимиз, ўтмиш тажрибаларимиз бизга қандай таъсир ўтказишини ўрганиб чиқишимиз зарур. Ана шунда парадигмалар учун жавобгарликни ҳис қилиб, уларни доим текширишга, бошқа инсонларни тинглашга ҳамда бегона фикрларни қабул килишга тайёр бўламиз. Алал-оқибат, дунёкарашимиз янада кенгайиб, янада холис инсонга айланамиз.

### «ПАРАДИГМА АЛМАШИНУВИ» ҚУДРАТИ

Идрок машқи парадигма алмашинувини тушунишга ҳам кўл келади. Ёш қиз расмига тикилган талаба учинчи расмда ниҳоят кампирни кўргач, «Аҳа!» тажрибаси деб аталадиган ҳолатни ҳис этди. Инсон бошланғич фикрига қанчалик событ бўлса, ундаги «Аҳа!» тажрибаси ҳам шунчалик кучли бўлади. Бу худди қоронғи хонада тўсатдан

ёқилган чироққа ўхшайди.

«Парадигма алмашинуви» атамаси илк марта Томас Куннинг «Илмий инқилобларнинг тузилиши» номли асарида тилга олинган. Кун илмий соҳадаги деярли ҳар бир аҳамиятли ютуқ энг аввало анъаналар, эскича фикрлаш, эски парадигмалардан ажралиш эканлигини кўрсатади. Таникли Миср астрономи Птоломей ҳамиша Ерни оламнинг маркази деб ҳисоблаган. Лекин Коперник Оламнинг марказига Қуёшни кўйиш орқали «Парадигма алмашуви»ни амалга оширди. Шундан кейин тўсатдан ҳамма нарса бошқача талқин қилина бошлади.

Физикадаги Ньютон модели – соат механизми парадигмаси бўлиб, бугунги кунда ҳам замонавий муҳандисликнинг асоси саналади. Лекин бу модель тўлиқ тугалланмаган эди. Эйнштейннинг ниҳоятда аҳамиятли «Нисбийлик назарияси» парадигмаси илм-фан дунёсида яна бир инқилоб қилди.

Аввалинчи туғруқ вақти вафот этадиган аёллар ва чақалоқлар сони жуда юқори эди ва уларнинг ўлими сабабини ҳеч ким аниқ тушунмасди. Ҳарбий касалхоналарда аксар аскарлар жанг майдонидаги оғир шикастланишлардан эмас, аксинча, майда жароҳат ва касалликлардан жон берарди. Орадан маълум муддат ўтгач, бутунлай янги парадигма – микроблар назарияси ишлаб чиқилди. Бу парадигма тиббиёт ривожланишига улкан ҳисса қўшди.

Бугунги Америка Қўшма Штатлари ҳам парадигма алмашинувининг мевасидир. Монархия, шоҳларнинг илоҳий ҳокимияти ҳақидаги тушунча асрлар давомида ҳукм сурди. Кейин бошқа – инсонлар учун хизмат киладиган ҳукумат парадигмаси ривожланиб, конституцион демократия дунёга келди. Бу алмашинув дебочасида инсонларнинг беҳисоб қуввати ва заковати уйғониб, озодлик ва ҳурлик, яшаш, умид-ва имконият меъёри яратилди.

Тан олиш керак, парадигма алмашинувининг барчаси

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

ҳам ижобий бўлмайди. Кузатганимиздек, феъл-автор этикасидан шахс этикасига алмашув оқибатида биз баҳт ва муваффакият дарахти озиқланувчи туб илдизлардан узоқлашиб кетдик.

Хоҳ ижобий ёки салбий натижага олиб келсин, хоҳ бир зумлик ёки давомли бўлсин, парадигма алмашинуви дунёни қандай идрок этишимизни ўзгартириб юборади. Ва бу ўзгаришлар кудратли бўлади. Бизнинг парадигмаларимиз, тўғри ёки хотўғрилигидан қатъи назар, муносабатимиз ва хулқ-авторимизнинг, демакки, бошқалар билан мулоқотимизнинг бош манбаидир.

Ўз бошимдан ўтган кичик парадигма алмашинуви ёдимда. Нью-Йорк метроси. Якшанба тонги эди. Вагон ичидаги одамлар хотиржам ўтирас, баъзилар газета ўкир, бошқалар ўйга толган, яна аллакимлар кўзларини юмганча дам оларди. Манзара жуда осойишта ва сокин эди.

Кутимаганда вагонга бир эркак фарзандлари билан кириб келди. Болакайлар шунчалик шовқин солардики, вагондаги осудаликка бирдан путур етди.

Эркак ёнимга ўтириди ва ҳеч нарсага эътибор қилмай, кўзини юмди. Унинг фарзандлари вагон ичida тинмай қичқирав, тўполон қиласар, нарсаларни у ёқдан-бу ёкка улоқтирав, ҳатто одамларнинг кўлидаги газетага ҳам тап тортмай тегинарди. Бу ҳолат анча тартибсизликни келтириб чиқарди. Лекин ёнимдаги эркак чурқ этмасди. Унинг бефарқлиги мени ҳайрон қолдирди. Вагондаги бошқа одамларнинг ҳам жаҳли чиқаётгани кўриниб турарди. Ниҳоят, сабрим косаси тўлиб, эркакка ўгирилдим ва дедим:

— Жаноб, болаларингиз кўпчиликка халал беряпти. Уларни назорат қилсангиз бўлмайдими?

Шунда эркак худди ҳозиргина ҳушига келган одамдек кўзини очди ва мулойим оҳангда сўз бошлади:

— Ҳа, сиз ҳақсиз. Нимадир чора кўришим керак. Гап шундаки, биз ҳозир касалхонадан қайтаямиз. Бир соат олдин рафиқам вафот этди. Рости, ҳозир нима қилишни

ҳам, нима ўйлашни ҳам билмайман. Болаларим ҳам онаси вафотини кўтара олмаяпти чоғи.

Эркакнинг сўзларини эшишиб нималарни ҳис қилганимни тасаввур кила оласизми? Менинг парадигмам алмашди. Кутимаганда вазиятни бошқача кўра бошладим, ўзимни бошқача ҳис қилдим ва муносабатим ўзгарди. Мендаги жаҳл ғойиб бўлди. Энди мен муносабатим ёки хулқ-авторимни назорат килиш тўғрисида умуман ўйламасдим; қалбим ёнимдаги одамнинг изтироби билан лиммо-лим тўлган эди. Раҳм-шафқат ва тасалли ҳислари ўз-ўзидан кўйилиб кела бошлади. Мен энди ҳамдардлик билдиришга тутиндим:

– Рафиқангиз оламдан ўтдими? Сабр тилайман. Нима бўлганини айтиб бероласизми? Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

Ўша лаҳзада атрофимдаги дунё зумда ўзгариб кетган эди. Кўпчилик одамлар ҳаётига хавф соладиган инқирозга дуч келса, худди шунга ўхшаш фундаментал ўзгаришни бошдан кечиради ва ўзидаги устунликни кўра бошлиди. Ёки бўлмаса, ҳаётда янги ролга қадам қўйганида, масалан, рафиқа, эр, ота-она ёки бобо-бувига айланганида, бошлиқ ёки етакчи сифатида лавозими ошганида ҳам шу ҳолат такрорланади.

Дунёни бошқача идрок қилишни бошлаганимизда тўсатдан юз берадиган парадигма алмашинуви ҳодисасини ўрганмай туриб, муносабатимиз ва хатти-ҳаракатимизни ўзгартиришга, шахс этикаси устида ишлашга ойлаб, йиллаб вақт сарфлашимиз мумкин.

Кўриниб турибдики, ҳаётимизда майда ўзгариш қилишни истасак, муносабат ва хулқ-авторимизни тартибга солмоғимиз даркор. Аммо жуда муҳим, йирик ўзгаришлар учун, биз албатта, шахсий парадигмаларимизга алоҳида эътибор қаратишмиз зарур.

Торо таъбири билан айтганда: «Ёвузлик дарахтини йўқ қилиш учун, унинг минглаб баргларини узиш эмас,

## I ҚИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

илдизига бир марта қаттиқ зарба бериш кифоя». Демак, хаётда улкан муваффақиятларга эришиш учун биз муносабат ва хулқимизга ҳадеб тегинавермай, балки улар униб чиқадиган илдиз, яъни асосий парадигмаларимизга ишлов беришимиз керак.

### КЎРИШ ВА БЎЛИШ

Албатта, парадигмалар доим ҳам бир зумда амалга ошмайди. Метродаги воқеадан фарқли ўлароқ, ўғлимиз билан содир бўлган парадигма алмашинуви мураккаб, жуда секин ва атай амалга оширилган жараён эди. Ўғлимизга кўллаган биринчи ёндашувимиз – шахс этикасининг онгимизга ўтказган таъсири эди. Бу ёндашувга отона сифатидаги ютуқларимизни ва фарзандларимиз муваффақиятини қандай ўлчаш борасидаги чуқур парадигмаларимиз сабаб бўлган эди. Ва биз ана шу парадигмаларни алмаштирганимизда, ҳайтимиз ва тушиб қолган вазиятимизда квант ўзгаришга эришдик.

Фарзандимизнинг ижобий жиҳатларини кўриш учун, Сандра иккимиз ўзимизни ўзгартиришмизга тўғри келди. Феъл-авторимизни ривожлантириш ва ўстириш орқали янги парадигма яратдик.

Бизнинг парадигмаларимиз – дунёни ёки воқеа-ходисаларни кўришимиз, дунёқарашимиз ҳисобланади. Ўз навбатида, парадигмалар – феъл-авторнинг ажralmas қисмидир. Бошқача айтганда, биз нимани кўрсак, ўшамиз. Нимани кўришимиз эса ким бўлишимиз билан узвий боғлиқдир. Бундан келиб чиқадики, дунёқарашимиз билан бир қаторда ўзлигимизни ўзгартирмас эканмиз, тўлиқ муваффақиятга эриша олмаймиз. Ёки аксинча.

Метродаги бир лаҳзалик парадигма алмашинуви – дунёқарашим ўзгариши ҳам аслида феъл-авторим натижасида юз берганди. Масалан, вагондаги вазиятнинг асл сабабини тушунгандан кейин ҳам, бироз афсус ва айборликдан бошқа ҳеч вақони ҳис қилмайдиган одамлар топилишига ишончим комил. Улар азадор эркакнинг ёнида

шунчаки мум тишлаб ўтираверади. Шу билан бирга, ушбу вазиятда қандайдир муаммо борлигини сўзсиз англаб етадиган ва ёрдам қўлини чўзадиган инсонлар борлигига ҳам аминман.

Парадигмаларимиз жуда қудратли. Чунки улар биз дунёни идрок қиласидиган линзаларни яратади. Парадигма алмашинуви эса – хоҳ бир лаҳзалик, хоҳ мураккаб ва узок муддатли бўлсин – улкан ўзгаришларни амалга оширишда энг зарурый куч ҳисобланади.

### ТАМОЙИЛЛАРГА ТЯНГАН ПАРАДИГМА

Феъл-автор этикаси жуда фундаментал ғояга асосланган. Ушбу ғояга кўра, инсон самарадорлигини бошқарувчи маҳсус тамойиллар мавжуд. Улар худди физикадаги «ернинг тортишиш қонуни» сингари инсондаги ўзгармас, ҳақиқий ва исбот талаб қиласидаги қонулар саналади.

Тамойилларниң таъсири ҳамда ҳақиқийлиги кўйидаги парадигма алмашинуви тажрибасида кузатилиши мумкин. Бу ҳакида Френк Кок Ҳарбий Денгиз жамиятига тегишли «Жараёнлар» журналида ҳикоя қиласиди:

«Икки жанговор кема бир неча кундан бери очик денгизда, оғир об-ҳаво шароитида ўкув машғулотларини ўтаётган эди. Мен етакчи кемада хизмат қилаётгандим. Қоронғи тушгач, бошқарув бўлинмасига чиқиб, навбатчиликни қабул қилиб олдим. Куюқ туман туфайли атрофни деярли илғаб бўлмасди. Шу боис, барча ҳаракатларга кўз-кулоқ бўлиш мақсадида капитан ҳам бўлинмада қолди.

Тун чўккандан бироз ўтиб, юқоридаги борт кузатувчиси хабар берди:

– Ёруғлик! Кема тумшуғида ёруғлик кўриняпти!

– У ҳаракатланяптими ёки муаллақ турибдими? – деб қичкирди капитан.

– Муаллақ турибди, капитан! – жавоб қайтарди кузатувчи. Бу бизни олдинда ҳавфли тўқнашув кутаётганини англатарди.

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

Капитан сигнал берувчига буйруқ берди:

– Олдиндаги кемага хабар йўлланг: тўқнашув хавфи бор. Йўналишни 20 даражага ўзгартиришни маслаҳат бераман.

Шу пайт жавоб хабари етиб келди:

– Йўналишни 20 даражага ўзгартиришни маслаҳат бераман:

– Уларга айтинг: мен капитанман! Йўналишни 20 даражага ўзгартиринг дарҳол!

– Мен – иккинчи даражали денгизчиман, – деган жавоб келди. – Сиз яхшиси йўналишингизни 20 даражага ўзгартиринг.

Бу вақтга келиб, фигони фалакка кўтарилиган капитан газаб билан ўшқирди:

– Хабарни юборинг: мен жанговор кемадаман. Йўналишни 20 даражага ўзгартиришни талаб қиласман!

– Мен маёқман! – деган жавоб келди иккинчи томондан ва милтиллаган ёруғлик кўзга ташланди.

Шундан сўнг биз йўналишни ўзгартирдик.

Парадигма алмашинуви – бирор воқеа-ҳодисани бошқа тарафдан кўрганда ёки англаганда юз берадиган «Аҳа!» тажрибасидир. Капитан бошдан кечирган Парадигма алмашинуви вазиятни бутунлай бошқа томондан ёритиб беради. Бунда биз унинг чекланган идроки орқали алмашган ҳақиқатни кўра оламиз. Бу ҳақиқат туманда турган капитан учун қанчалик муҳим бўлса, кундалик ҳаётимизда ҳам шунчалик аҳамиятга эга.

Тамойиллар маёқка ўхшайди. Уларни бузиб бўлмайди. Чунки улар табиий қонунлардир. Сесил Б. де-Милл яратган машҳур «Ўнта Бурч» фильмида айтилганидек: «Биз қонунни буза олмаймиз. Қонунга қарши чиққанда ўзимизни синдирамиз, холос».

Одамлар ҳаётга ва ўзаро муносабатларига ўз парадигмалари, яъни хариталаридан келиб чиқкан ҳолда қарайди. Улар эса бошдан ўтган тажриба ва вазиятларга

асосланади. Лекин юқорида таъкидланганидек, харита – муайян ҳудуд эмас. У ўша ҳудудни маълум жиҳатдан тасвирлайдиган «субъектив ҳақиқат»дир.

Ҳудуднинг ўзи эса «объектив ҳақиқат» ҳисобланади. Ушбу «объектив ҳақиқат» инсон ривожи ва баҳтини бошқарувчи «маёқ» тамойилларидан иборат. Ўз ўрнида, бу тамойиллар табиий қонун бўлиб, улар тарихдаги ҳар бир тараққий топган жамият, фаровон оила ҳамда муассасаларнинг асосини ташкил этган. Руҳий ҳариталаримиз маълум воқеани турлича аниқликда тасвирлаши мумкин, лекин унинг мавжудлигини ўзгартирмайди.

Ижтимоий тарих даврларини тадқиқ қилувчиларга бу каби тамойиллар ёки табиий қонунларнинг ҳақиқатлиги яққол намоён бўлади. Бу тамойиллар замонлар оша такрор ва такрор юзага чиқаверади. Тамойилларнинг барқарор яшаб қолиши ёхуд барбод бўлиши жамиятдаги одамлар уларни қанчалик тан олиши ва уйғунликда яшасига боғлиқдир.

Мен айттаётган тамойиллар яширин, сирли ёки «диний» ғоялар эмас. Кўлингиздаги китобда келтирилган тамойиллар муайян бир эътиқод, динга дахлдор эмас. Аксинча, бу тамойиллар дунёдаги асосий йирик динларнинг, шу билан бирга, ижтимоий фалсафа ҳамда ахлоқ тизимларининг бир парчаси саналади. Улар аниқ ва равshan бўлиб, ҳар бир шахс томонидан осонликча тасдиқланиши мумкин ва эътиқодидан қатъи назар, одамзотда тамойиллар ҳамиша бор.

Масалан, АДОЛАТ тамойилини олайлик. Тенглик ва ҳаққонийлик ҳақидаги тушунчамиз ана шу тамойил моҳиятида ривожланади. Тажрибаси тескари натижа кўрсатса ҳам, ёш болаларда табиатан адолат ҳисси бўлади. Адолат тушунчаси, унга эришиш усуллари турлича таърифланади. Бироқ барча учун умумий бўлган адолат ғояси мавжудлигича қолади.

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

Тамойилларга яна бир мисол тариқасида ТҮФРИЛИК ва ҲАЛОЛЛИКни келтириш мумкин. Бу икки тамойил шахсий ва шахслараро муносабатнинг ривожланиши, узоқ муддатли ўзаро ҳамкорлик учун зарур ишончнинг пойдеворини яратади.

Галдаги тамойил – ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ. АҚШнинг Мустақиллик Декларацияси худди шу қадрият ёки тамойилни юқори ўринга кўтаради. «Биз ушбу ҳақиқатларни равshan деб биламиз: барча инсонлар Яратувчи томонидан тенг қилиб яратилган ҳамда уларга яшаш, озодлик ва баҳт-саодатга эришиш сингари ажralмас ҳуқуқлар инъом этилган».

Тамойиллардан яна бири – ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, бошқача айтганда, инсоният ривожига ҳисса кўшиш ғояси бўлса, бошқаси – СИФАТ ёки МУКАММАЛЛИКдир.

Булардан ташқари, ИМКОНИЯТ тамойили ҳам мавжуд. Унга кўра биз – инсонлар эмбрионик эканмиз, кун сайин ўсиб, салоҳиятимизни янада кўпроқ кўрсатиш, истеъодидимизни ривожлантириш имконига эгамиз.

ЎСИШ – имкониятта яқин тамойил ҳисобланади. У САБР, FAMХЎРЛИК ҳамда RAFБАТЛАНТИРИШ каби бошқа бир қатор тамойиллар билан салоҳиятни юзага чиқариш ва қобилиятни ривожлантириш жараёнидир.

Тамойиллар – амалиёт эмас. Амалиёт аниқ фаолият ёки ҳаракатни англатади. Бир вазиятда қўл келган амалиёт иккинчи вазият учун номуносиб бўлиши ҳеч гап эмас. Иккинчи фарзандини ҳам худди биринчиси сингари тарбияламоқчи бўлган ота-оналар бу гапимни шубҳасиз тасдиқлади.

Амалиётлар муайян вазиятта монанд бўлса, тамойиллар барча вазият учун мос келувчи туб ҳақиқатлардир. Улар алоҳида шахслар, никоҳ ва оиласлар, хусусий ҳамда жамоат ташкилотлари учун бирдек амал қиласи. Шу ҳақиқатларни ўзига сингдирган одамлар турли вазиятларни ҳал қилиш учун кўп сонли амалиётларни яратиш уддасидан чиқади.

Тамойиллар – қадрият эмас. Мисол учун, маълум қадриятларга эга ўғрилар тўдаси биз айтаётган фундаментал тамойилларни бузиш билан шуғулланади. Тамойиллар бу худуддир. Қадриятлар эса шу худуд ҳаритаси. Биз тўғри тамойилларни қадрлаганимизда, ҳақиқатга эришамиз.

Инсон феъл-автори қадр-қимматга эга. Тамойиллар ана шу феъл-авторни тўғри шакллантириш учун кўрсатма вазифасини ўтайди. Улар фундаментал. Тамойиллар яққол бўлгани туфайли уларнинг мавжудлиги борасида баҳслashiш асоссиз. Уларнинг яққоллигини англаш учун, юқорида саналган тамойилларга бутунлай тескари ғояларга амал қилиб, самарали ҳаёт кечиришга уриниш нақадар бўлмағур экани ҳақида ўйлаш кифоя. Ҳеч ким адолатсизлик, ёлғон, қолоқлик ёки ахлоқсизликни умрбод давом этувчи баҳт ва муваффақият учун мустаҳкам пойдевор деб ҳисобламайди. Гарчанд одамлар тамойилларга қандай изоҳ бериш, тушуниш ва ўзлаштириш борасида баҳслашса ҳам, уларнинг мавжудлиги ҳақидаги билим туғмадир.

Парадигмаларимиз тамойилларга қанча мос бўлса, ўз вазифасини шунча аниқ бажаради. Тўғри ҳариталар шахсий ва шахслараро муносабатларга хатти-ҳаракатни ўзгартириш учун сарфланган ҳар қандай уринишдан кўра кўпроқ ижобий таъсир кўрсатади.

### **ЎСИШ ВА ЎЗГАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Шахс этикасининг ўзига тортувчи жозибаси шундаки, у ҳаёт сифатини ошириш – шахсий самарадорлик, бошқалар билан сермазмун муносабат ўрнатишнинг бир нечта тез ва осон йўлларини таклиф қиласди. Лекин шахс этикаси муваффиқаятга эришишда меҳнат ва ўсиш каби табиий жараёнларни инобатга олмайди. Бу эса мазмунсиз рамзга ўхшайди. Уни, шунингдек, «ишимасдан тишлиш»ни ваъда қилаётган «тезда бой бўл» дастурига қиёслаш мумкин. Дастур муваффақиятли кўрингани билан, барибир ясамалигича қолади.

Шахс этикаси алдоқчи ва ҳийлакордир. Унинг

## I ҚИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

техникалари ва тезкор чоралари ёрдамида юқори сифатли натижа қўрсатишга уриниш – Чикагодаги бирор манзилни топишда Детройт харитасидан фойдаланишга ўхшайди.

Бугун биз робот каби ҳаракатланувчи шахсларга дуч келамиз. Улар ўзининг кимлигини билмайди ёки тушунмайди. Улар фақат ким бўлиши, ўзини қандай тутиши кераклигидан хабардор, холос. Уларнинг ҳаётида мулоқот нутқи ўрнини маъносиз сухбат, самимий қаҳқаҳа ўрнини соҳта табассум, ҳақиқий изтироб ўрнини эса зерикарли умидсизлик эгаллаган. Бу каби шахсларга икки хил ташхис қўйиш мумкин. Биринчиси шуки, улар шахсиятнинг ўзига хос нуқсонларидан азоб чекади. Бу нуқсонлар давосиз туюлади. Шу билан бир қаторда, юқоридаги сингари шахслар ер юзидаги ҳар бир тирик инсондан умуман фарқ қилмайди.

Бутун ҳаёти давомида одамзот ўсиш ва ривожланишнинг кетма-кет босқичларини бошдан кечиради. Митти болакай даставвал ўгирилишни, сўнgra ўтиришни, эмаклашни, юришни ва ниҳоят югуришни ўрганиши ҳеч кимга сир эмас. Ҳар бир босқич жуда аҳамиятли ҳамда маълум вақт талаб этади. Энг муҳими, бу босқичларнинг ҳеч бирини ташлаб ўтиб бўлмайди.

Ушбу ҳақиқат ҳаётнинг барча томонларига – пианино чалишни ўрганишдан тортиб ҳамкасб билан самарали мулоқот қилишгача бўлган ривожланишнинг ҳамма жабҳасига мос келади. Ҳар бир шахс, никоҳ, оила ва муассаса буни бошдан ўтказади.

Биз ЖАРАЁН тамойилини моддий ҳодисалар мисолида биламиз ва қабул қиласиз. Бироқ унинг ҳиссий ҳолатлар, ижтимоий муносабатлар ва ҳатто шахс феъл-автори билан содир бўлишини тушуниш бироз ноодатий ва мураккаброқдир. Тушунган тадқирда ҳам, Жараён тамойилини қабул қилиш ва у билан уйғунликда ҳаёт кечириш янада ноодатийлик, қийинчиллик келтириб чиқаради. Натижада биз баъзан вақт ва қувватимизни

тежаш, аммо исталған натижани күлгә киритиш илинжидә ушбу зарурий босқичларнинг айримларини қисқартириш пайига тушамиз.

Хўш, ўсиш ва ривожланишимиздаги табиий жараённи тезлаштиришга уринсак, нима бўлади? Ўзингиз айтинг, ўртамиёна теннисчи бўла туриб, бошқаларни қойил қолдириш учун профессионал теннисда ўйнашга қарор қылсангиз, нима бўлади? Профессионал теннисчига қарши майдонга тушиш учун ижобий фикрлашнинг ўзи етарлими?

Ёки даражангиз ибтидоий бўлса-ю, дўстларингизга мақтаниш мақсадида катта саҳнада концерт беришга отлансангиз, натижангиз қандай бўлади?

Бу саволларнинг жавоби ўз-ўзидан кўриниб турибди. Ривожланиш жараёнини қисқартириш, беътибор қолдириш ёки бузиш мумкин эмас. Бу табиятга бутунлай зид бўлиб, фақатгина кўнгилсиз, нохуш натижаларга олиб келади.

Ўн баллик тизимда қараганда, мен бирор соҳада иккинчи даражада бўлсам ва бешинчи даражага ўтишни истасам, дастлаб учинчи, сўнг тўртинчи даражаларни босиб ўтишим лозим. «Минг километрга чўзилган саёҳат илк қадам билан бошланади» ва бир вақтнинг ўзида фақат битта қадам ташлаш мумкин, холос.

Ўқитувчингизга савол беришга, билмаслигингишни ошкор этишга уялманг. Акс ҳолда, ҳеч қачон ўрганмайсиз, ўсмайсиз. Сиз узок муддат давомида муғамбирлик қилиб, ўзингизни ақлли кўрсатиб юра олмайсиз, охир-оқибат барибир фош бўласиз. Билмасликни тан олиш одатда таълимнинг илк босқичи ҳисобланади. Торо ўргатганидек, «Мавжуд билимимиз асқатганда, ривожланишимиз сабабчиси бўлган билимсизлигимизни эслай оламизми?»

Бир куни дўстимнинг икки қизи кўзида ёш билан олдимга келиб, дадасининг кўполлиги, гапга тушунмаслиги устидан шикоят қилди. Оқибатидан кўрқиб қизлар ота-онасига очиқ гапиришга чўчириди. Бироқ улар ота-онасининг меҳр-муҳаббати, тушуниши ва йўл-йўрикларига

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

муҳтоҳ эди.

Мен қизларнинг отаси билан хабарлашдим ва у бўлаётган ишлардан вокифлигини билдим. Дўстим чиндан ҳам қизиқёнлигини тан олди, лекин бу феъл-автори учун жавоб бериш, ҳиссий ривожланиш даражаси паст эканлигини тан олишни истамади. Ўзини ўзгартириш учун илк қадамни ташлашга унинг гурури йўл кўймади.

Турмуш ўртогимиз, фарзандларимиз, дўстларимиз ёки ҳамкасларимиз билан самарали алоҳа ўрнатиш учун, биз аввало уларни тинглашни ўрганмоғимиз даркор. Бу эса кучли ҳиссий кувватни талаб этади.

Тинглаш – сабр-токат, очиккўнгиллик, сўзловчини тушуниш истаги каби юксак феъл-автор фазилатларини қамраб олади. Кўпчилик учун сухбат вақтида суст ҳиссий зътибор кўрсатиб, юқори даражада маслаҳат бериш анча осон.

Пианино чалиш ёки теннис ўйнаш давомида қанчалик моҳирлигимиз яққол сезилиб туради: чунки муғамбирлик қилиб, уста ўйинчи сифатида кўринишнинг иложи йўқ. Лекин феъл-автор ва ҳиссиётлар борасида қай даражада ривожланганимизни бир қарашда аниклаб бўлмайди. Бегона одам ёки сухбатдошимиз олдида ўзимизни бошқача инсон сифатида кўрсатиб, «роль» ўйнай оламиз. Аммо бу бироз муддат иш бериши мумкин. Баъзан ўйнаётган «роль»имизга ўзимиз ҳам ишониб қоламиз. Шунга қарамай, ишончим комил, кўпчилигимиз ички дунёмиздан, аслида ким ва қандай эканлигимиздан яхши хабардормиз; нафакат биз, балки бирга яшайдиган ва ишлайдиган инсонлар ҳам бундан вокиф.

Ривожланишнинг табиий жараёнини тезлатишга уриниши бизнес оламида қандай оқибатлар олиб келганига кўп марга гувоҳ бўлганман. Масалан, айрим иш бошқарувчилар таъсирили нутқ, сохта табассум ва бошқа носамимий усуллар орқали ходимларнинг меҳнат унумдорлиги, ахлоқи ва сифатли хизматини «сотиб олиш»га ҳаракат

килади, ясама манипуляциялар ишончсизлик келтириб чиқаришига кўз юмади. Бу услублар иш бермаган маҳал улар мустаҳкам ишонч пойдевори бўлган табиий тамойил ва жараёниларни оёқости қилувчи шахс этикасининг бошқа техникаларидан фойдаланишга ўтади.

Кўп йиллар муқаддам ўзим ҳам ота сифатида шу тамойилни бузган эдим. Ўша куни кичик қизим уч ёшга тўлгани муносабати билан кичик байрам уюштирган эдик. Уйга кирганимда, қизалогим меҳмонхонанинг бурчагига бориб, митти кўлчалари билан ўзига берилган совғаларни маҳкам қисганча туар, бошқа болаларга ўйинчоқларини беришни истамас эди. Туғилган кунга йиғилган ота-оналардан бир нечтаси қизимнинг худбинларча хатти-харакатидан кўз узмасди. Буни кўриб, икки карра уялиб кетдим, сабаби ўша пайлари университетда ижтимоий муносабатлар бўйича дарс ўтардим. Бу вазиятда ота-оналар мендан нима кутаётганини фаҳмладим.

Хонада чиндан ҳам таранг муҳит ҳукмрон эди – болалар қизалогимни ўраб олган, ҳозиргина ўzlари совға қилган ўйинчоқларни бирга ўйнашни сўрарди. Қизим эса қатъиян рад этарди. Шунда ўз-ўзимга айтдим: «Мен қизимга баҳам кўришни ўргатишм керак. Баҳам кўриш – биз ишонадиган энг асосий қадриятлардан бири».

Ишни илтимос қилишдан бошладим.

– Асалим, дўстларинг берган ўйинчоқларни улар билан бирга ўйнайқол, илтимос.

– Йўқ, – деб қуруққина жавоб берди қизим.

Кейин бироз тушунтиришга ҳаракат қилдим.

– Ширин қизим, дўстларинг меҳмонга келганида ўйинчоқларингни баҳам кўрсанг, сен меҳмонга борганда, улар ҳам қўғирчоқларини сен билан ўйнайди.

– Керак эмас! – деди қизим дарҳол.

Гапларим ҳавога учайдигани мени баттар хижолатга солди. Учинчи усул сифатида хаёлимга «пора бериш» келди. Мен мулойим оҳангда дедим:

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

– Қизим, агар ўртоқларингга ўйинчоқларингни бериб турсанг, сен учун маҳсус совғам бор. Сенга бир қути сақиҷ бераман.

– Мен сақиҷ хоҳламайман! – дея тутақиб кетди қизим.

Буни кўриб, ғазабим кўзиди. Тўртинчи уриниш учун мен дағдаға ва пўписани ишга солдим.

– Агар ҳозироқ ўйинчоқларни бўлишмасанг, ўзингдан кўр!

– Менга фарқи йўқ! – шундай деб, қизим йиғлаб юборди. – Ўйинчоқлар менини! Уларни бировга беришим шарт эмас!

Ниҳоят, тоқатим тоқ бўлиб, куч ишлатишга ўтдим. Қизалогимнинг қўлидан бир нечта ўйинчоқларни тортиб олдим ва бошқа болаларга бердим.

– Мана, болалар, мана буларни ўйнанглар.

Ўша маҳал қизимнинг ўсиши ва ривожланиши, иккимизнинг муносабатларимизни эмас, атрофдаги отаоналарнинг мен ҳакимдаги фикрини устун қўйган эдим. Мен шунчаки дастлабки хulosамга кўра ўзимни ҳак деб билдим; қизим баҳам кўриши керак, бундай қилмаяптими, демак, у ноҳақ.

Менимча, ўшанда қизимдан кўпроқ нарса кутиб юборгандим, чунки ўзимнинг ҳиссий ривожланиши даражам паст эди. Мен уни тушуниш, сабр билан тинглашнинг уддасидан чиқмадим ёки шунчаки истамадим. Шунинг учун осон йўлдан бориб, ўйинчоқларни беришни талаб қилдим. Камчилигимни яшириш илинжида обрўим ва оталик мавқеимдан куч қарзга олиб, қизимни ўзим хоҳлаган ишни бажаришга мажбурладим.

Бироқ қарзга куч олиш кучсизланishi олиб келади. Бунда дастлаб қарз берувчи заифлашади. Боиси у бир ишни қилиш учун ташқи омилларга суюниб қолади. Кейин эса ўзи истамаган ишни қилишга мажбурланган одам кучсизланади. Чунки унинг мустақил фикр юритиши, ўсиши ва ички интизомининг ривожланишига зарба

берилади. Ва ниҳоят, ўртадаги муносабатларнинг мазаси қочади. Ҳамкорлик ўрнини кўркув эгаллайди, ҳар иккала одам ҳам ўзбошимча ва ўзини ҳимоя қилувчан бўлиб қолади.

Хўш, қарзга олинган кучнинг манбаи – у хоҳ жисмоний куч бўлсин, хоҳ мавқе ёки мансаб, обрў, ташки кўриниш ёки ўтмишдаги ютуқлар – камайса ёки тугаб қолса нима бўлади?

Агар ақлим етукроқ бўлганда эди, ўша вазиятда ички кучимга – фарзандимни севиш, ғамхўрлик қилиш имкониятимга, ўсиш ва баҳам кўриш ҳақидаги тушунчаларимга суюниб, қизимга танлов имкониятини берардим; ўйинчоқларни баҳам кўрадими ёки йўқ, буни ўзига ташлаб қўярдим. Эҳтимол, иккинчи услуб, яъни тушунтириш бесамар кетгандан сўнг, болаларнинг эътиборини бирор қизиқарли ўйинга жалб қилиб, қизимга қаратилган руҳий босимни юмшатган бўлардим. Шуни ўргандимки, болалар эгалик ҳиссини бир марта бошдан кечиргач, ўзидаги нарсаларни табиий равищда ўз хоҳиши билан баҳам кўришни бошлайди.

Тажрибамдан шундай хулоса чиқади: баъзан ўргатиш керак бўлган пайтлар, баъзан эса ўргатиш талаб қилинмайдиган ҳолатлар мавжуд. Ўзаро муносабатлар кескинлашган ва ҳиссиётлар бизни бошқарган маҳал ўқитишга уриниш кўпинча ҳукм ва рад этиш шакли бўлиб кўринади. Муносабатлар силлиқ бўлган пайтда, бола билан холи қолиб, босиқлик билан унга қадриятларни ўргатиш ёки муҳокама қилиш яхшироқ самара бериши шубҳасиз. Қизимнинг туғилган кунида буни шундай қилиш учун менда сабр-тоқат ва ички назорат етишмаган, ҳиссий етуклик даражам паст бўлгандир балки.

Эгалик ҳисси одамда баҳам кўриш ҳиссидан олдинроқ пайдо бўлади. Турмуш ва иш жараёнида, ўзидаги нарсани баҳам кўришни рад этувчи одамлар, менимча, эгалик ҳиссини ҳеч қачон туймаган бўлади. Фарзандларимизнинг

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

тўғри ўсишига ёрдам бериш учун сабр килиб, уларга эгалик хиссини бошдан кечиришига имкон беришимиз керак. Шу билан бир қаторда, ақлга таянган ҳолда баҳам кўришни ўргатишмиз даркор.

### **МУАММОНИ КЎРИШ УСУЛИМИЗНИНГ ЎЗИ МУАММО**

Одамлар ҳамиша қатъий тамойилларга амал қилувчи бошқа шахслар, оила ва ташкилотлар ҳаётида содир бўлаётган ижобий ҳодисаларни, ютукларни кўриб, ҳаяжонга тушади. Шахсий фаоллик ва етуклик, оиласвий бирлик, жамоа бўлиб ишлаш, ўзаро ташкилотчилик маданияти кўпчиликни қойил қолдиради. Муваффакиятли шахсларни кўрганда пайдо бўлган илк савол инсоннинг асосий парадигмасини ошкор қиласди. Масалан, «Бунча ютукларга қандай эришяпсиз? Менга ҳам муваффакиятли бўлиш сирларини ўргата оласизми?» деган сўрок ортида «Ҳаётимдаги муаммоларни ҳал қилишим учун тезкор маслаҳат ёки ечим беринг» деган маъно мужассам.

Бундай саволга жавоб топиш учун, аксарият одамлар ўзи лозим топган шахсга мурожаат қилиб, унинг маслаҳатига амал қилишни бошлайди. Бир муддат ўргангандек туюлади. Аспирин бош оғригини тезда ёнгиллатгани каби, тезкор ечим ҳам қийин муаммоларни бир қарашда бартараф этиши мумкин.

Аммо... Аспирин сурункали бош оғригини даволашга ожизлик қилиши сир эмас. Худди шу сингари, тезкор ечим қўллаш муаммонинг асл илдизига зарба бермайди. Натижада орадан маълум вакт ўтиб, муаммо кучлироқ тарзда яна бўй кўрсатади. Одам тезкор ечимлар орқали даво топишга қанча кўп ўрганиб қолса, сурункали ҳолатнинг ривожланишига шунча кўп ҳисса қўшади.

**Муаммони кўриш усулимизнинг ўзи муаммо.**

Ушбу боб муқаддимасида саналган муаммолар ва шахс этикасининг инсон тафаккурига ўтказадиган таъсирига яна бир назар солинг.

– Самарали бошқарувни ўргатувчи бир нечта курсларга

катнашдим. Мен ходимларимга нисбатан талабчанман, аммо уларга ҳамиша түғри ва дўстона муносабатда бўлишга чин кўнгилдан харакат қиласман. Бахтга қарши, улардаги садоқат туйғусини ҳис килмайман. Агар тобим қочиб, бир кун ишга бормасам, барча ходимлар асосий вақтни иш қолиб, бехуда гап сотишга сарфлайдигандек гўё. Нима учун уларни мустакил ва масъулиятли бўлишга ўргата олмайман? Наҳот ўзим истаган хислатларга эга ишчиларни топа олмасам?

Бу вазиятдан чиқиш учун шахс этикаси менга бир нечта жиддий чоралар – пўписа қилиш ёки жазолаш орқали ходимларимни бир қолига солиб, шукр қилишга мажбурашга ўргатади. Ёки уларни рағбатлантирувчи ўкув машғулотларини ташкиллаштиришга ундайди. Булардан наф чиқмаса, яхшироқ ишлайдиган янги ходимлар ёллашни маслаҳат беради.

Бироқ ходимларимнинг намойишкорона садоқатсизлиги ортида бошқа сабаб яширинган бўлиши мумкинми? Балки чиндан ҳам уларнинг манфаатини кўзлашимга ишонишмас? Ёки муносабатим туфайли ўзларини жонсиз буюмдек ҳис этарлар? Бу қанчалик ҳақиқат?

Аслида ҳам ҳаммаси мен кўргандекми? Мен учун ишлаётган инсонлар ҳақиқатан ҳам муаммонинг бир қисмими?

– Бажаришим керак бўлган ишлар жудаям кўп, вақтим эса умуман етарли эмас. Ҳафтада етти кун, йигирма тўрт соат кучли босим остида ва муаммолар гирдобида юргандек бўламан. Буларга барҳам бериш учун вақтни тўғри тақсимлаш бўйича семинарларда иштирок этдим, турли хил усусларни синааб кўрдим. Қайсиdir маънода улар менга ёрдам берди. Шундай бўлса ҳам, ҳануз ҳаётим ўзим истагандек баҳтли, самарали ва осуда эмас.

Бу ҳолатда шахс этикаси менга ишларимни режаловчи қандайдир янги дастурдан фойдаланишни ёки босимни самаралироқ усулда енгишга ўргатувчи семинарга

## I ҚИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

қатнашишни таклиф этади.

Лекин муаммонинг ечими эҳтимол самарадорлик эмасдир? Кўп вазифаларни қисқа вақт ичида бажариш ниманидир ижобий томонга ўзгартирадими ёки инсонлар билан муносабатимни ва ҳаётимга таъсир этадиган ҳолатни жадаллаштиради холосми?

Ниманидир кўздан қочиргандирман? Балки вақтим, ҳаётим ҳамда табиатим ҳақидаги тасаввуримни шакллантирувчи ички парадигмамга чукурроқ назар ташлашим керакдир?

— Оиласвий ҳаётим издан чиқди. Турмуш ўртоғим билан уришмаймиз, жанжаллашмаймиз; биз шунчаки ортиқ бир-биримизни севмаймиз, холос. Вазиятни тўғрилашга уриндик, мутахассислардан маслаҳат олдик. Бари — бефойда. Қачонлардир бизда бўлган ҳис-туйғуларни қайта тиклай олмайдиганга ўхшаймиз.

Бу масалани ҳал этиш учун, шахс этикаси менга оиласвий масалалар ёритилган бирор янги китоб мутолаа қилишни ёки инсонлар жам бўлиб, ички кечинмаларини ўртоқлашувчи машғулотларда иштирок этишни тавсия қиласди. Мабодо шунда ҳам рафиқам мени кўнгилдагидек тушуна олмаса, ўзим мұхтож бўлган севгига эришиш учун янгитдан муносабат бошлишим кераклигини уктиради.

Бироқ муаммо менинг рафиқамда бўлмаса-чи? Балки ўзим умр йўлдошманинг ожизлигини кучайтириб, ҳаётимни менга килинган муносабатга мувофиқлаштираётгандирман?

Ҳаётимдаги муаммони алангалаётган турмуш ўртоғим, никоҳ ва чин севги қандай бўлиши ҳақида бош парадигма мавжудми менда?

Мисоллардан кўриб турганингиздек, шахс этикаси шакллантирадиган парадигмалар муаммоларни кўриш ва ечиш йўлимизга катта таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда аксарият одамлар шахс этикасининг қуруқ ваъдаларига билиб-бilmай алданиб қолмоқда. Мамлакат бўйлаб саёҳат қилиб, турли ташкилотларда

руҳлантириш психологияси ҳамда «мотивацион» ҳикояларни сўзловчи маъruzачилардан узокни кўзловчи раҳбарлар безор бўлганига гувоҳ бўламан.

Бу раҳбарлар ҳақиқат истайди; уларга тараққиёт керак. Уларга тезкор ечим шарт эмас. Улар сурункали муаммоларни ҳал қилишни кўзлади. Шунинг учун узок муддатли ижобий натижа келтирувчи тамойилларга эътибор қаратади.

### ТАФАККУРНИНГ ЯНГИ ДАРАЖАСИ

Алберт Эйнштейн таъкидлашича, «Биз муаммоларимизни уларни яратган вақтимиздаги фикрлаш даражамиз билан ҳал қила олмаймиз».

Атрофимизга ва ички оламилизга назар солиб, шахс этикаси туфайли пайдо бўлган муаммоларни англар эканмиз, улар чукур, фундаментал эканлигини тушунамиз. Уларни ечиш учун янги, янада чуқурроқ фикрлаш босқичига – самарали инсон бўлиш ва мулоқот қилиш ўлчовини аниқ белгилаб берувчи тамойилларга асосланган парадигмага муҳтоjмиз.

«Муваффакиятли инсонларнинг етти кўникмаси» китоби айнан ана шу янги фикрлаш босқичини ёритиб беради. Шахсий ва шахслараро самарадорликни таъминловчи ушбу босқич мағзини тамойилларга асосланган, феъл-авторга йўналган ҳамда «Ичкаридан ташқарига» ёндашуви ташкил қиласди.

«Ичкаридан ташқарига» ёндашувининг маъноси шуки, самарадор бўлишга илк қадам одамнинг ўзидан, аниқроқ айтганда, унинг ички дунёси, парадигмалари, феъл-автори ва мотивларидан бошланади.

Мисол учун, турмушингиз баҳти бўлишини истасангиз, салбий кувватни енгиг, ижобий кувват улашувчи инсон бўлинг.

Ўсмир фарзандингиз сизни яхши кўришини, дилкаш бўлишини хоҳлайсизми? У ҳолда тушунувчан, раҳмдил ва меҳрибон ота-онага айланинг.

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

Агар ишингизда күпроқ эркинликни орзу килсангиз, масъулиятли, ёрдамга шай, фойдали ходим бўлинг.

Сизга ишонишларини истайсизми? У ҳолда, ишончга лойик эканингизни исботланг.

Агар иккиламчи қудрат намунаси бўлган бирор иқтидорингизни юзага чиқаришни хохласангиз, дастлаб бирламчи қудрат, яъни феъл-авторингизни юксалтиришга эътибор қаратинг.

«Ичкаридан ташқарига» ёндашувига кўра, «Шахсий ғалабалар» ҳамиша «Оммавий ғалабалар»дан аввал келади. Яъни ўзимизга ваъда бериб, уддасидан чиқишимиз бошқаларга берилган ваъдани бажаришимиздан кўра муҳимдир. Шу боис, феъл-авторга нисбатан шахсиятни бирламчи билишимиз, ўзимизни такомиллаштирумасдан туриб бошқалар билан алоқаларимизни яхшилашга уринишнимиз бефойда.

«Ичкаридан ташқарига» – инсон ўсиши ҳамда ривожланишини белгиловчи табиий қонунларга асосланган давомли янгиланиш жараёнидир. У ўсишнинг юқори қисми бўлиб, янада самарали муносабатлар ва масъулиятли мустақилликка олиб боради.

Жуда кўплаб ажойиб, иқтидорли шахслар, чин қалбдан баҳт ва муваффақиятга эришишни истовчи инсонлар, тинимсиз изланишда бўлган ёки чексиз азоб чекаётган одамлар билан бирга ишладим. Камина йирик тадбиркорлару колледж талабалари, диний ва ижтимоий гурӯҳлар, турли оиласалар вакилларию келин-куёвлар билан мулоқотда бўлдим. Аммо бирор марта бўлсин, муаммоларга давомий ечим тақдим этувчи, умрбод баҳт-омад қалити бўлган «ташқаридан-ичкарига» ёндашувини кўрмадим.

«Ташқаридан-ичкарига» парадигмасига таянганлар ўзини жабрдийда ва кераксиз ҳисобловчи баҳтсиз одамлар бўлди. Улар бошқаларнинг ожизлигига диққат қаратади ва ўзининг абгор аҳволи учун мухитни айбдор деб билади.

Мен бир-бирини ўзгартиришга, «гуноҳлар»ини очиб

ташлашга тайёр, жуфтини ўзи истаган қолипга солишга интилувчи эр-хотинларга дуч келдим. Бундан ташқари, кўп вақт ва кувват сарфлаб, қонун яратиш ва шу қонун ёрдамида одамларни гўё ўзаро ишонч мавжуддек тутишга мажбуровчи меҳнат низоларига гувоҳ бўлдим.

Оиламиз аъзолари ер юзидаги учта энг «қайнок» нукта – Жанубий Африка, Истроил ва Ирландияда истиқомат қилган. Ишончим комил, «ташқаридан-ичкарига» ижтимоий парадигмасининг ҳукмронлиги ушбу ҳудудлардаги муаммоларнинг асл манбасидир. Ҳар бир гурӯҳ муаммо «ташқаридан» эканига, агар «улар» (яъни бошқалар) ўзини «тўғриласа», муаммо ҳал бўлишига ишонади.

«Ичкаридан ташқарига» – кўп сонли одамлар учун кескин парадигма алмашинуви саналади. Чунки у мавжуд вазият ва шахс этикасининг ижтимоий парадигмасига кучли таъсир ўтказади.

Лекин менинг шахсий ҳамда бошқа инсонлар билан ишлаш жараёнида орттирган тажриbam, шунингдек, ўтмишдаги муваффақиятли жамиятлар ҳамда шахсларни дикқат билан ўрганишимдан келиб чиқиб айта оламанки, «Етти кўникма»да келтирилган тамойилларнинг аксарияти аллақачон онгимиз ва виждонимизда мавжуд.

Уларни таниш ва ривожлантириш, энг оғрикли муаммоларимизни ҳал этишда фойдаланиш учун биз аввало бошқача фикрлашга, парадигмаларимизни фикрлапнинг янги даражаси – «Ичкаридан ташқарига» алмаштиришимиз зарур. Ушбу кўникмаларни англаб, ҳаётимизга татбиқ этишга ҷоғланар эканмиз, ишонаманки, Т.С.Элиотнинг кўйидаги фикри замиридаги ҳақиқатни қайта кашф этамиз:

«Биз изланишдан тўхтамаслигимиз керак. Изланишларимиз якуни – бошлаган жойимизга қайтиш ва уни янгидан кашф қилиш бўлади».

## ЕТТИ КҮНИКМА – УМУМИЙ ТУШУНЧА

*Одатларимиз кимлигимизни күрсатади.  
Шундай экан, комишлик бирор ҳаракатда  
эмас, балки күникмададир.*

АРИСТОТЕЛ

Феъл-авторимиз асосан күникмаларимиз жамланмасидир. «Фикр уруғини эксанғиз, ҳаракат етиштирасиз; ҳаракат уруғини экиб, күникма ҳосилини оласиз; күникма уруғидан феъл-автор униб чикади; феъл-авторни экканда эса, бутун тақдириңгиз яралади.» Тамойил шу тарзда давом этаверади.

Күникмалар – ҳәётимизда қудратли кучга эга омиллардир. Улар изчил, күпинча англаңмаган шаклда бўлгани туфайли, тўхтовсиз равишда бизнинг феъл-авторимизни ифода этади ва самарадорлик ёки самарасизлик даражамизни белгилаб беради.

Буюк педагог Хорейс Манн айтганидек, «Одатлар арқонга ўхшайди. Биз уни ҳар куни бир толадан эшамиз. Тез орада бу арқонни узиб бўлмай қолади». Шахсан мен юқоридаги жумлаларнинг сўнгги кисмига қўшилмайман. Чунки ҳар қандай «арқон»ни узиш мумкинлигини биламан. Күникмаларни нафақат орттириш, балки улардан воз кечиши ҳам мумкин. Фақат буни тезда амалга ошириш мушкул. Күникмалардан воз кечиши диққат-эътибор талаб этувчи узоқ муддатли жараёндир.

«Аполлон 11»нинг саёҳатига гувоҳ бўлганлар инсониятнинг Ойга қадам қўйиб, сўнг Ерга қайтиб келишини кўрганларида ҳайратдан ёқа ушлашганди. «Ақл бовар қилмас», «Ўта ҳайратланарли» каби орттирма сифатлар ҳам ўша воқеани тасвирлаш учун ожиз эди. Лекин Ойга етиб бориш учун фазогирлар Ернинг тортиш кучини ёриб ўтишига тўғри келган. Сафарнинг дастлабки дақиқаларида Ердан кўтарилиш, сўнгра илк

километрларни босиб ўтиш учун ишланган қувват келгуси миллион километр масофага учишга сарф этилган қувват миқдоридан күпроқ эди.

Худди шу каби, күникмаларда ҳам кучли тортиш кучи мавжуд. Мухим ишларни ортга суриш, сабрсизлик, ҳамма нарсага танкiidий рухда караш ёки худбинлик сингари инсон самарадорлигига салбий таъсир қилувчи күникмаларни енгиш осон эмас. Буни уддалаш учун, шунчаки истак ва ҳаётимизда бир нечта майда ўзгаришларни амалга ошириш етарли бўлмайди. «Кўтарилиш» жуда улкан жонбозлик талаб этади. Лекин тортиш кучини ёриб ўтгач, озодлигимиз бутунлай ўзгacha кўриниш олади.

Ҳар қандай табиий куч қатори, тортиш кучи ҳам бизнинг фойдамизга ёки аксинча ишлаши мумкин. Баъзи кўникмаларимизнинг тортиш кучи ўзимиз истаган манзилга етишимизга тўсқинлик қиласи. Бироқ унугтаслик керакки, айни шу тортиш кучи бизнинг дунёмизни бирластириб, сайёralарни ўз орбитасида саклайди ва фазодаги тартибни назорат қиласи. У жуда қудратли экани шубҳасиз. Кўникмаларимизнинг тортиш кучидан унумли фойдалансак, биз бирдамлик ва тартиб яратиб, ҳаётимизнинг самарадор бўлишига эриша оламиз.

### «КЎНИКМА» ЎЗИ НИМА?

Биз «кўникма» деганда билим, маҳорат ҳамда истак кесишган чорраҳани тушунамиз. Билим – назарий парадигма бўлиб, нима қилишни ва нима учун қилишни белгилайди. Маҳорат эса қандай бажаришни аниқлаб беради. Истак – туртки, бажаришга бўлган хоҳишдир. Ҳаётда бирор нарсани кўникмага айлантириш учун ана шу ҳар учала унсурга бир вақтда эга бўлишимиз талаб қилинади.

Жумладан, ҳамкасларим, турмуш ўртоғим ёки фарзандларим билан алоқаларим кўнгилдагидек бўлмаслиги мумкин. Бунинг асосий сабаби, уларга доим нима ўйлаётганимни айтаман, лекин ҳеч қачон тингламайман.

## I ҚИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

Инсонлар ўртасида самарали мулокотни таъминловчи тамойиллар ҳақида ўрганмасам, атрофимдагиларни тинглашими зарурлигидан бехабар ҳам қолишим мумкин.

Бошқалар билан самарали мулокотга киришиш учун уларни тинглашими кераклигини биламан ҳам дейлик, лекин менда буни бажариш учун маҳорат бўлмаслиги, бошقا бир инсонни қандай қилиб чин дилдан тинглашни билмаслигим мумкин.

Тинглаш зарурлигидан хабардор бўлишим ва қандай қилиб тинглашни билишим ҳам мақсадга эришишим учун етарли эмас. Агар ўзим истамасам, ҳоҳиш йўқ бўлса, тинглашни ҳеч қачон кўникмага айлантира олмайман. Кўриб турганингиздек, кўникма яратиш учун уч ўлчамда ишлаш талаб қилинади.

Бўлиш ва кўриш ўзгариши юқориловчи жараён ҳисобланади: қандай бўлишимиз – кўришимизни ўзгартиради, ўз навбатида қандай кўришимиз қандай бўлишимизга таъсир ўтказади. Шу тариқа, ўсиш спирали бўйлаб юкорига ҳаракатланамиз. Билим, маҳорат ва истак устида меҳнат қилиб, йиллар давомида сохта хавфсизлик манбаи бўлган эски парадигмаларни синдиришимиз, натижада шахсий ва шахсларро самарадорликнинг янги даражаларига ёриб киришимиз мумкин.

Бу жараён баъзан оғриқли бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Ўзгариш жараёнини юксакроқ мақсад билан, ҳозирги истагимизни эмас, келажакдаги ҳоҳишингизни устун қўйиш орқали рағбатлантиришингиз лозим. Муҳими, ушбу жараён маҳсули сифатида «мавжудлигимизнинг мақсади ва мазмуни» бўлган бахт дунёга келади. Бахт тушунчасига эса энг камида «ўзимиз истаган натижага эришиш йўлида ҳозирги истакларимизни курбон қилиш натижаси» дея таъриф бера оламиз.

### КАМОЛОТ ЧИЗИГИ

«Етти кўникма» – ҳар бири алоҳида бўлган психологик формуласалар йиғиндинси эмас. Ўсишнинг

табиий қонунлари билан уйғунликда, улар шахсий ва шахслараро самарадорликни ривожлантирувчи ўзига хос, изчил, бир-бирига узвий боғлиқ ёндашувни ҳосил қиласы. «Етти күникма» бизни камолот чизиги бўйлаб бошқаларга бир томонлама тобеликдан ўзаро боғликлек сари етаклаб боради.

Ҳаётимизни гўдакликдан, бошқаларга қарам бўлган ҳолда бошлаймиз. Атрофдагилар бизга ғамхўрлик қиласы, йўл кўрсатади ва ҳаётимиз давомийлигини таъминлаб беради. Буларсиз биз бир неча соат, нари борса, бир неча кунгина яшшимиз мумкин, холос.

Кейинчалик, аста-секинлик билан маълум ойлар ва ийллар мобайнида жисмоний, ақлий, руҳий ва молиявий жиҳатдан мустақиллашиб борамиз. Охир-оқибат, ички назорат ва ўзига ишонч туйғулари ривожланиб, ўз-ўзимизга ғамхўрлик қила олиш даражасига етамиз.

Ўсиб-улғайганимиз сари бутун бошли табиат ўзаро боғликлигини, яъни табиатни, шу жумладан, жамиятни ҳам бошқариб турадиган экологик тизим мавжудлигини англаб етамиз. Бундан ташқари, инсон табиатининг юқори чўққилари ҳам унинг бошқалар билан муносабатига алоқадорлигини, яъни инсонлар ҳаёти ҳам бир-бири билан боғликлигини кашф этамиз.

Гўдакликдан балоғатга етгунимизгача бўлган улғайиш жараёни табиий қонунларга мувофиқ кечади. Айни пайтда улғайишнинг бир неча шакллари мавжуд. Масалан, жисмоний камолотга етишимиз бир пайтнинг ўзида руҳий ва ақлий жиҳатдан камолотта етганимизни белгиламайди. Бошқа томондан, шахснинг жисмоний қарамлиги унинг ақлий ёки ҳиссий жиҳатдан ҳам етук эмаслигини англатмайди.

Камолот чизигида, қарамлик – «СИЗ» билан боғлиқ парадигма ҳисобланади: СИЗ менга ғамхўрлик қиласиз; қийин вазиятларда СИЗ мени қўллаб-кувватлайсиз; СИЗ ёрдам бермадингиз; натижа учун СИЗни айблайман.

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

Мустақиллик эса «ҮЗИМ»га йўналтирилган парадигмадир: ҮЗИМ кила оламан; ҮЗИМ жавобгарман; қийин вазиятларда ҮЗИМга таянаман; ҮЗИМ танлай оламан.

Шахслараро боғлиқликда бўлса, «БИЗ» парадигмаси хукмрон: БИЗ кила оламиз; БИЗ бир-биrimизга кўмаклаша оламиз; БИЗ қобилиятларимиз ва имкониятларимизни бирлаштирган ҳолда юксакроқ натижага эриша оламиз.

Тобе одамлар ўз истакларининг рўёби учун бошқаларга мухтоҷ бўлади. Мустақил одамлар ҳар бир нарсага ўз саъй-ҳаракатлари билан эришади. Муносабатларда шахслараро боғлиқликка таянадиган одамлар эса муваффакият чўққисини забт этиш йўлида ўз кучини атрофдагиларники билан бирлаштиради.

Агар мен жисмоний томондан қарам ҳолда, айтайлик, шол ёки ногирон, ёки жисмоний имконияти чекланган одам бўлсан, сизнинг ёрдамингизга мухтоҷ бўлардим. Агар руҳий тобе бўлганимда, шахсий қадр-қимматим тўғрисидаги тушунчам сизнинг мен ҳақимдаги фикрингиздан келиб чиқарди. Масалан, мени ёқтирмаслигинги зни улкан фожиадек қабул қилардим. Ақлий жиҳатдан қарамлигим бўлса, фикрлашда, ҳаётимдаги масалалар ва муаммоларни ҳал қилишда сизга таянишимда кўзга ташланарди.

Менинг жисмонан мустақиллигим ҳар қандай ишни ўзим кўнгилдагидай бажаришм билан белгиланади. Ақлий мустақилликда ўз шахсий фикримга эга бўлишим, ўйларимда мавхумликнинг бир босқичидан бошқасига томон кўчиб юришим мумкин. Танқидий фикрлаш, таҳлил қилиш, фикрларимни тартибга солиш ва уларни тушунарли тилда баён қилиш имкониятига эга бўламан. Руҳий жиҳатдан, ич-ичимдан ўзимни боримча қабул қила оламан. Ўз ҳаракатларимни ўзим бошқаришм мумкин. Инсон қадр-қимматини бошқаларнинг фикри ва муносабатларига кўра ўлчамайман.

Мустақиллик қарамликка нисбатан анча етук ҳолат

эканини пайқаш қийин эмас. Мустақиллик катта ютуқ ҳисобланади. Лекин у энг олий натижа эмас.

Бирок бугунги замонавий ижтимоий парадигма мустақилликни күкларга күтариади. У күпчилик одамлар ва ижтимоий ҳаракатлар белгилаган асосий мақсад ҳисобланади. Аксарият шахсий ривожланишга оид күлләнмалар шахс мустақиллигини ўзига пойдевор қилиб олган, гүёки ўзаро алоқа, жамоа билан ишлаш, ҳамкорлик каби тушунчалар тош босмайдигандек.

Мустақилликка бу қадар урғы беришими兹 бизни қарамлика, яъни бошқалар бизни назорат қилишига, бажарадиган ишимизни белгилаб беришига, биздан фойдаланишига ва бизга таъсир ўтказишига нисбатан реакциямиздир.

Унчалик ҳам кенг тарқалмаган шахслараро боғлиқлик тушунчасини аксарият инсонлар қарамлик билан алоқадор деб ўйлади. Ва натижада худбинона сабаблар туфайли турмушдан ажраган, фарзандларини ташлаб кетган, ҳар қандай ижтимоий мажбуриятлардан ўзини четта оладиган одамларга кўп дуч келамиз. Улар ўз муносабатларини мустақилликни рўкач қилиб осонликча бузиб ташлайди.

Инсоннинг «кишанларни парчалаб ташлашига», «озод бўлишига», «ўз фикрини исботлашига», «ўз ҳолича яшашига» олиб келувчи реакция, одатда, инсоннинг том маънода қарам эканлигини фош қиласди. Бу қарамлик ташқи қарамликтан фарқли ўлароқ, инсоннинг ичичида жойлашган бўлиб, ундан қочиш имконсиздир. Атрофдагиларнинг ожизлиги туфайли руҳий ҳолатимизнинг бузилиши ёки вазият назоратимиздан чиққани туфайли ўзимизни жабрдийда ҳис қилишимиз ҳам ички қарамлигимизнинг ёрқин намунасидир.

Балки вазиятимизни ўзгартириш керак дерсиз. Лекин қарамлик масаласи инсоннинг шахсий камолоти билан боғлиқ бўлиб, вазиятга деярли алоқасиз. Энг яхши шарт-шароитнинг мавжудлиги ҳам инсонни ғўрлик ва

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

қарамлиқдан халос этишига кафолат бермайди.

Феъл-автордаги ҳақиқий мустақиллик бизни бошқарилишдан күра бошқаришга ундаиди. У бизни шароитта ва атрофдагиларга тобеликдан халос қиласы да ғана көзінде күнделіктілікке жеткізу мүмкін. Шундай бүлса-да, мустақиллик самараға қарастырылады. Шундай олардың мүмкіншілігінде көзінде күнделіктілікке жеткізу мүмкін. Шундай бүлса-да, мустақиллик самараға қарастырылады.

Фақат мустақил фикрларының үзи ҳамма нарса үзаро боғлиқ реалликка мөс түшмайды. Башқалар билан үзаро ҳамкорлықда ишлашта лақапты, мустақил инсонлар үз касбінинг устаси бўлиши мумкин, лекин улардан яхши раҳбар ёки жамоа аъзоси чиқмайды. Улар турмушда, ойлада ёки ташкилий муассасаларда муваффакиятта эришиш учун зарурий үзаро боғлиқлик парадигмасига асосланмайды.

Ҳаётда табиатан ҳамма нарса бир-бирига үзаро алоқадор. Мустақил ҳолида юқори самарадорликка эришиш илинжида юрган одам худди гольф таёқчаси билан теннис үйнашга уринаётган үйинчига үхшайды – ундағы восита реалликка мөс түшмайды.

Үзаро боғлиқлик – анча етук ва мукаммал түшүнчә. Агар мен жисмоний жиҳатдан үзаро боғлиқ бўлсан, үз кучим билан кўп нарсани улдасидан чиқа оламан. Бундан ташқари, бошқалар билан бирга ишлаб, ёлғиз эришишим мумкин бўлган энг яхши натижадан ҳам юқорироқ натижани қўлга киритиш имконини ажратаман. Агар руҳий жиҳатдан үзаро боғлиқликка таянсан, ичичимда шахсий қадр-қимматимни юқори сақлайман. Шу билан бирга, инсонда бошқаларга меҳр-муҳаббат улашиш ва қабул қилишга эҳтиёж борлигини тушунаман. Ақлий ҳамкорлик, бошқаларнинг аъло фикрларини үзимники билан бирлаштириш фойдалы эканига ишонаман.

Үзаро боғлиқликка таянадиган шахс сифатида, мен чукур ва мазмұнлы фикрларымни бошқалар билан бўлишиш имконига эга бўламан. Айни вақтда атрофдагиларнинг улкан манбалари ва имкониятларидан фойдаланишимга

шароит ярлади.

Шахслараро боғлиқлик бу факат мустақил шахслар қилиши мүмкін бўлган танловдир. Ўзгаларга қарам инсонлар бу имкониятдан фойдалана олмайди. Уларда бундай қилишга ундайдиган феъл-автор мавжуд эмас; улар ўз имкониятларини бошқара олмайди.

Шунинг учун китобдаги 1, 2, 3-кўникмалар ўзини тута билишни ўргатади. Улар инсонни тобеликдан мустақиллик томон бошлайди. Улар «шахсий ғалабалар»дир, феъл-автордаги ўсишнинг асосидир. «Шахсий ғалабалар» «оммавий ғалабалар»дан олдин келади. Бу жараён аввал уруғ экиб, сўнг ҳосилни йиғиб олишга ўхшайди. Аввал ҳосилни йиғиб олиб кейин уруғ экмайсиз-ку. Бу «Ичкаридан ташқарига» жараёнидир.

Сиз чинакам мустақил шахсга айланганингиз сари бошқалар билан самарали алоқа ўрнатиш учун кучли таянч ҳосил бўлиб боради. Сизда 4, 5 ва 6-кўникмаларда тилга олинувчи жамоа билан ишлаш, ҳамкорлик ва ўзаро мулоқот каби хусусиятларни ишга солиб, оммавий ғалабаларга эришиш мүмкін бўлган феъл-автор асоси бунёд бўлади.

Бу 4, 5, 6-кўникмалар устида ишлашдан аввал 1, 2, 3-кўникмаларни тўлик ўзлаштириб олиш керак дегани эмас. Кетма-кетликни тушуниш сизга ўзингиздаги ўсишни осон назорат қилиш имконини беради, лекин мен сизга 1, 2, 3-кўникмаларни мукаммал эгаллаш мақсадида бир неча йил атрофдагилардан ажralиб юришни таклиф қилаётганим йўқ. Ҳар бир нарса ўзаро боғлиқ бўлган оламнинг бир бўлаги сифатида сиз ҳам ҳар куни дунё билан ҳамнафас бўлишингизга тўғри келади. Бироқ бу дунёning залварли ташвишлари феълимизда осонликча ўзининг сурункали изларини қолдириши мүмкин. Боғлиқлик жараёнига қандай таъсир кўрсата олишингизни тушунсангиз, ҳаракатларингизга қадам-бақадам, ўсишнинг табиий қонунлари билан уйғунликда эътибор қаратса оласиз.

7-кўникма – янгиланиш кўникмаси. У ҳаётнинг

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

тўрт жабҳасидаги мунтазам, мутаносиб янгиланишни қамраб олади ва бошқа барча қўникмаларни ўзида мужассамлаштиради. Бу сизни ҳар бир қўникмани англаш ва амал қилишнинг янги босқичига кўтарувчи давомли ривожланиш қўникмасидир.

Кейинги саҳифада акс этган диаграмма етти қўникманинг ўзаро боғлиқлиги ва кетма-кетлигининг кўргазмасидир. Биз ундан китоб давомида, алоҳида ҳолатда қўникмалар ўртасидаги ўзаро муносабат ҳамда уларнинг биргаликда нималарга қодир эканини тушуниришда ишлатамиз. Ҳар бир тушунча ёки қўникмага мурожаат қилинганда белги киритилади.

### САМАРАДОРЛИК НИМА?

«Етти қўникма» самарадорликни таъминловчи қўникмалардир. Улар тамойилларга асосланганлиги туфайли максимал даражада узоқ муддатли фойда келтиради. Ушбу қўникмалар муаммоларни ҳал қилишда, имкониятларни кенгайтиришда, ўсиш давомида дуч келадиган бошқа тамойилларни ўрганиш ва қўллашда самарали фойдаланиладиган тўғри «хариталарни» яратади. Шу тариқа шахс феъл-авторининг ажралмас қисмига айланади.

«Етти қўникма»нинг самарадорлик қўникмаси дейилишига яна бир сабаб бор. Улар камина «Т/ТВ мувозанати» деб атайдиган самарадорлик тамойили, табиий қонун билан уйғунликка асосланган. Афсуски, аксар кишилар бу тамойилни ўзига қарши бузиб ишлатади. Уни осонгина тушуниш учун Эзопнинг ғоз ва олтин тухум ҳақидаги масалини эслаш кифоя.

Масалда бир куни камбағал дехқон ғозининг инида олтин тухумни топиб олади. Бошида бу қандайдир найранг бўлса керак деб ўйлайди. Аммо тухумни ағдариб кўрганда бу тухум ҳақиқийлигини билади.

Тухум тоза олтиндан! Дехқон кўзларига ишонмайди. Бу ҳол эртаси куни яна такорланганда ҳайрати ошади.

Келаси куни у яна ғоз инига чопади ва яна битта олтин тухумни күради. Дехқон фавқулодда бойиб кетади; ҳаммаси ҳақиқатлиги қандай яхши. Лекин ортиб бораётган бойлик ўз ортидан сабрсизлик ва очкўзликни эргаштириб келади. Олтин тухумларни бир кун кутишга сабри чидамаган дехқон уларнинг ҳаммасига бирдан эга бўлиш учун ғозни ўлдиришга қарор қиласи. Ғознинг ичини ёриб кўрганида у ерда ҳеч нарса йўклигини кўради. Ҳеч қандай олтин тухумлар йўқ эди. Энди бошқа тухум олиш имкони ҳам йўқ эди. Дехқон уни таъминлаб берувчи ғозни ўлдиради. Масалда кўриниб турганидек, самарадорлик икки нарса: таъминот (олтин тухумлар) ва таъминот воситаси (ғоз) нинг биргаликдаги натижаси ҳисобланади.

Агар сиз факат олтин тухумларга эътибор бериб, ғозни эътибордан қочирсангиз, тез орада таъминот воситасидан айрилиб қолишингиз мумкин. Бошқа томондан, олтин тухумларга эга бўлишни ўйламай факат ғозга эътибор қаратсангиз, тез орада ўзингизни ёки ғознинг қорнини тўклиш учун керак бўлувчи керакли маблағдан маҳрум бўласиз.

Демак, самарадорлик мувозанатдадир. Мен уни Т/ТВ мувозанати деб атайман. Т – кутилган таъминот, яъни олтин тухумлар, ТВ бўлса таъминот воситасидир.

#### УЧ ВОСИТА

Асосан, воситалар уч хил: моддий, молиявий ва инсоний кўринишда бўлади. Келинг, ҳар бирини бирмабир кўриб чиқамиз.

Бир неча йил аввал моддий восита – электрон ўт ўрувчи машина сотиб олдим. Уни таъмирламасдан қайтла ва қайта ишлатавердим. Машина икки мавсум яхши ишлади, кейин ишламай қоладиган одат чиқарди. Уни ўткирлаб, тузатишга ҳаракат қилганимда билдимки, машина мотори дастлабки кувватининг ярмини йўқотиб бўлган экан. У энди бефойда матоҳга айланганди.

Агар мен ТВга эътибор қаратганимда, ўт ўриш

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

машинасини таъмирлаб, яхши сақлаганимда ҳали ҳам Тдан, яъни ўрилган майсадан ҳузурланаётган бўлардим. Машинани янгилаш учун уни таъмирлаб туришимга кетадигандан кўпроқ пул ва вақт йўқотдим. Бу шунчаки самарасиз натижа бўлганди.

Қисқа муддатли даромад ёки натижани ўйлаган ҳолда, биз кўпинча автомобиль, компьютер, кир ювадиган машина, ҳатто танамиз ёки атроф-муҳит каби моддий таъминот воситаларни вайрон қилишимиз ҳеч гап эмас. Т ва ТВ ўртасидаги мувозанатни сақлаш жисмоний воситалардан самарали фойдаланишда катта роль ўйнайди.

У шунингдек, молиявий воситалардан самарали фойдаланишга ҳам муҳим таъсир кўрсатади. Одамлар кўпинча асосий сармоя билан ундан келадиган фоизларни чалкаштириб юбормаяптими? Яшаш шароитингизни яхшилаш, янайм кўпроқ олтин тужумлар олиш учун асосий сармояга мурожаат қилганимисиз ҳеч? Асосий сармоянинг камайиши ундан келадиган фоизлар ёки даромаднинг пасайиши демакдир. Камаяётган капитал кичрайиб бораверади ва охир-оқибат асосий эҳтиёжларингизни қондиролмай қолади.

Биздаги энг муҳим молиявий восита – пул топиш имкониятимиздир. Шахсий ТВни яхшилашга доимо сармоя киритиб бормасак, имкониятларимизни кескин чеклаб кўямиз. Жамоа ёки хўжайнинг биз ҳақимиздаги фикридан қўрқиб, молиявий қарам бўлганча ҳозирги ҳолатимизга қамалиб ўтираверамиз. Юқоридаги каби бу ҳам шунчаки самарасиз натижа.

Инсонлар ўртасидаги Т/ТВ мувозанати бошқаларига қараганда муҳимроқ ўрин эгаллади. Чунки айнан инсонларда жисмоний ва молиявий таъминот воситаларини назорат қилиш имконияти мавжуд.

Агар никоҳдаги икки кишининг ҳар бири кўпроқ фойдага эга бўлиш ҳақида қайғурса, муносабатларни иложи борича ўзининг фойдасига буришга ҳаракат қиласди.

Улар ўзаро меҳр ва ҳамдардлик түйғуларининг теран муносабатлар учун зарур эканлигини менсимай, кўпинча бепарво ва беътибор бўлади. Жуфтликлар бир-бирига таъсир ўтказиш, ўз эҳтиёжларига эътиборни қаратиш, ўз позициясини оклаб, умр йўлдошининг ноҳак эканлигини исботловчи далиллар қидириш билан овора бўлиб қолади. Ўргадаги ришталар ўз-ўзидан ёмонлаша бошлайди. «Ғоз» кундан-кунга касалланиб боради.

Ота-она ва бола ўртасидаги муносабат-чи? Болангиз гўдаклигига сизга қарам ва ожиз бўлади. Бундан эса, уни тарбиялаш, мулоқотда бўлиш, тинглаш каби ТВга йўналтирилган ишларни эътиборсиз колдирилиши эҳтимоли ошади. Айни пайтда сизда устунликни ўз кўлингизга олишга, фарзандингизга таъсир ўтказишга, хоҳлаганингизни талаб қилишга барча имкониятлар мухайё. Сиз каттароксиз, ақллироқсиз ва сиз ҳақсиз. Шундай экан, нима учун болангизга нима қилиш кераклигини уқтирумас экансиз? Керак бўлса, унга бақирасиз, қўрқитасиз, ўз йўлингиздан юришни талаб қиласиз.

Ёки уни ўз ҳолига ташлаб қўйишингиз мумкин. Бошқа ишларга чалғиб, фарзандингиз истагини бажаришга шароит яратиб беришингиз мумкин. Ана шунда у шахсий интизом ва масъулият түйғуларидан йироқ бўлиб улғаяди.

Қаттиққўл ёки ҳамма нарсага йўл қўйиб берадиган – иккала ҳолда ҳам сиз олтин тухум дардидасиз. Ҳамма нарса сиз хоҳлагандай бўлишини ёки сизни яхши кўришларини хоҳлайсиз. Айни пайтда ғозга нима бўлади? Бир неча йиллик йўлни босиб ўтгандан сўнг, фарзандингизда яхши танлов қилиш ёки муҳим мақсадларга эришиш учун зарур бўлган масъулият, интизом, ўзига ишонч түйғулари қандай шаклланади? Ўргадаги муносабатлар-чи? Фарзандингиз айни ўсмирлик чоғида, руҳий муаммоларга дуч келганда сиз уни айбламай тинглашингиз, у ҳақда қаттиқ қайғуришингиз, нима бўлишидан қатъи назар, сизга ишониш мумкинлигини қандай англаб етиши мумкин?

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

Ўргадаги муносабат у билан мулоқот қилишга, унга таъсир ўтказишга ярайдими?

Тасаввур қилинг, сиз қизингизнинг хонаси озода бўлишини истайсиз. Буни – Т, таъминот, олтин тухум деб олайлик. Яна тасаввур қилинг, қизингиз хонасини ўзи тозалашини хоҳлайсиз бу – ТВ, таъминлаш воситаси. Сизнинг қизингиз бу ерда ғоз ўрнида, олтин тухумни таъминловчи восита. Агар Т ва ТВ ўртасидаги мувозанатни сақласангиз, қизингиз эслатмасангиз ҳам хонасини мамнуният билан тозалайди. Чунки у интизомга содик, мажбуриятларни доимо бажаришга интилади. Бу ўринда, қизингиз олтин тухум қўядиган ғоз каби бебаҳо таъминот воситаси бўлади.

Лекин сизнинг парадигмангиз фақат таъминотга, яъни хонани тозалатишга қаратилган бўлса, натижага эришиш йўлида фарзандингиз билан ўчакишиб қолишингиз мумкин. Тни рўёбга чиқариш учун, қизингизга бақириш ва кўрқитишгача боришингиз ҳеч гап эмас. Бу орқали олтин тухум дардида ғознинг саломатлигига путур етказиб қўясиз.

Келинг, сизга қизларимдан бири билан содир бўлган ТВга оид бир хотирани айтиб бераман. Вакт бўлганда ҳар бир фарзандим билан алоҳида, яккама-якка сайрга чиқиш одат тусига кирганди. Бу бизга жуда ёқарди ва сайр кунини интизорлик билан кутардик. Галдаги сайрни режалаштириш учун қизимнинг ёнига бордим ва дедим:

– Асалим, бугун сенинг навбатинг. Нима қилишни хоҳлайсан?

– Вой, дадажон, шарт эмас, – жавоб берди у.

– Йўқ, ростдан, – дедим. Нима қилгинг келяпти?

– Яхши, – у ахийри жавоб берди. – Лекин мен қилишни хоҳлаган нарсани сиз хоҳламайсиз-да.

– Ундей эмас, шакарим, – дедим жиддий оҳангда, – хоҳлайман. Нима бўлишидан қатъи назар, бу сенинг танловинг бўлади.

– Мен «Юлдузлар жанги»ни күришга боришни истайман, – қизим жавоб берди. – Лекин сиз «Юлдузлар жанги»ни ёқтирмаслигингизни биламан. Ўтган сафар ҳам бошидан охиригача ухлагандингиз. Сизга фантастик кинолар ёқмайди. Шарт эмас, дадажон.

– Йўқ, асалим. Агар сен шуни хоҳласанг, мен ҳам хоҳлайман.

– Дадажон, ташвишланманг. Бу сайдни доим ҳам ташкиллаштиришимиз шарт эмас-ку, – у тўхтади ва яна давом этди: – Биласизми, нимага «Юлдузлар жанги» сизга ёқмайди? Сиз Жеди Найтнинг дарслари ва фалсафасини тушунмайсиз.

– Тушунмадим?

– Сиз менга ўргатадиган нарсалар бор-ку, дадажон. Шулар Жеди Найтнинг дарсларида бериладиган нарсалар билан бир хил.

– Ростданми? Кетдик, унда «Юлдузлар жанги»га борамиз.

Ва биз бордик. У ёнимда ўтирди ва менга тушунтириб турди. Мен унинг ўқувчиси, талабаси эдим. Жуда ажойиб бўлди. Жеди Найтнинг тарбиявий фалсафаси асоси турли ҳолатларни қамраб олишини англай бошладим. Бу тажриба олдиндан режаланган Т амалиёти эмас эди. У ТВ учун сармоя киритишнинг ўзига хос кутилмаган меваси эди. Бу жудаям қониқарли ва ришталарни мустаҳкамловчи амалиёт бўлди. Шу билан бирга, биз олтин тухумдан ҳам баҳраманд бўлгандик. Фоз, яъни ўртадаги ришталар тўйдирилган эди.

### ТАШКИЛИЙ ТВ

Ҳар қандай тўғри тамойилнинг қимматли жиҳатларидан бири шундаки, у турли вазиятлар учун бирдек ўринли бўлади. Қўлингиздаги китоб орқали сизга ушбу тамойилларни турли муассасалар, шунингдек, оила ҳамда алоҳида шахслар учун қўллашнинг айrim усувларини баҳам кўраман.

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

Ташкилотлардаги фаолияти давомида моддий воситалардан фойдаланишда Т/ТВ мувозанатига риоя қилмайдиган одамлар ташкилий самарадорликни пасайтиради ва ўзидан кейингиларга ўлаётган ғозни ташлаб кетади.

Мисол учун, компаниядаги мавжуд жисмоний восита, айтайлик, ишлаб чыкариш машинасини бошқарувчи ходим ўз раҳбарларида илиқ таассурот қолдиришни истайди. Компания айни ривожланиш палласида, шунинг учун ходимларнинг мартабаси тез-тез оширилади. Хуллас, ўша ходим ишлаб чыкариш машинасини танаффуссиз юргизади. Ўз-ўзидан, маҳсулот миқдори кўпайиб, харажатлар камаяди, олинадиган фойда эса ошади.

Бундай натижадан сўнг ходимнинг мартабасини оширишади. У ўзи орзу қилган олтин тухумларни кўлга киритади.

Энди эса, ўзингизни ўша мартабаси ошган ходим ўрнига тайинланган ишчи сифатида тасаввур қилинг. Сизга топширилган ишлаб чыкариш машинаси худди бемор ғозга ўхшайди. У тўхтовсиз фойдаланилганлиги туфайли бузилиб, деярли яроқсиз аҳволга келиб қолган. Сиз уни тузатиш ва самарадорлигини таъминлаш учун сармоя сарфлашингизга тўғри келади. Натижада харажатлар осмонга кўтарилади, даромад эса ер билан битта бўлади. Хўш, кўрилган зарар учун кимни айблашади? Албатта, сизни. Гарчи таъминот воситаси бузилишига сиздан олдинги ходим айбдор бўлса-да. Лекин компаниянинг ҳисоблаш тизими фақатгина маҳсулот, харажат ва даромад тўғрисида хабар беради, холос.

Т/ТВ мувозанатини, айниқса, ташкилотнинг инсоний воситалари мижозлар ва ходимлар учун қўллаш жуда аҳамиятли.

Мен хуштаъм моллюскали крем шўрваси билан танилган бир ресторанни биламан. Авваллари тушлик вақтида, у ер ҳамиша мижозлар билан гавжум бўларди.

Кейинчалик ресторанни сотиб юборишиди. Янги хўжайин бор дикқатини «олтин тухумлар»ни кўпайтиришга қаратди ва ошпазларга шўрвага кўпроқ сув кўшишни буюрди. Тахминан, бир ой ичидা, харажатлар камайиб, даромад юкорилади ва соф фойда миқдори кўтарилди. Бироқ астасекин мижозлар ҳам кўздан ғойиб бўла бошлади. Ўргадаги ишонч йўқолиб, ресторан умуман фойда кўрмай кўйди. Янги хўжайин бизнесни эски ҳолига қайтаришга ҳарчанд уринмасин, бехуда бўлди. Чунки у мижозлар ҳақида қайғуришни унугиб, уларнинг садоқати ва ишончидан маҳрум бўлди. Олтин тухум билан таъминловчи восита ўлди.

Шундай ташкилотлар борки, улар мижозлар тўғрисида кўп ва хўп қайғуради, лекин мижоз билан ишловчи ходимларни бутунлай ёддан чиқаради. ТВ тамоилига мувофик, ходимларингиз мижозларга қандай муомала қилишини истасангиз, ўзингиз ҳам ходимларингизга шундай муомала қилишингиз керак.

Сиз инсоннинг меҳнатини сотиб олишингиз мумкин, лекин иштиёқ ва садоқатини сотиб ололмайсиз. Сиз унинг ижодкорлиги, дохиёна фикрлари ва зукколигини ҳам пул билан қўлга киритолмайсиз.

Ишдаги ТВ ходимларга худди мижозингиздек яхши муносабатда бўлишдан иборат. Аслида ҳам шундай. Ходимларингиз ўз ақли ва садоқатини компаниянгизга баҳшида этади.

Қандайдир йиғилишда ўтирганимда, бир киши ўртага савол ташлади:

– Дангаса, лаёқатсиз ходимларга қандай муносабатда бўласиз?

Тўпланганлардан бири луқма ташлади:

– Уларга нақ граната улоқтираман!

Бир неча киши бу жангари жавобни олқишилади. Эркакнинг сўзларида «ё айтганимдек ишла, ёки кўзимдан йўқол» деб аталувчи бошқарув шакли акс этганди.

## I КИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

Шунда бошқа киши сўради:

– Граната портлагандан кейинги харобаларни ким тузатади?

– Ҳеч қанақа хароба бўлмайди! – жавоб қайтарди «жангари» раҳбар.

– Ундан бўлса, нега мижозларингизга шу усулни қўлламайсиз? – давом этди ўша одам. – Харидорларингизга қараб, сотиб олгингиз келмаса, бу ердан даф бўлинг деб айтсангиз нима бўлади?

– Мижозларга нисбатан бундай қилиб бўлмайди, – деди «жангари» бошлиқ.

– Унда нега ходимларга қилиш мумкин?

– Чунки улар менинг қўл остимда ишлайди.

– Тушунарли. Айтинг-чи, ходимларингиз сизга садоқатлими? Улар жон куйдириб меҳнат қиладими?

– Ҳазиллашяпсизми? Ҳозир яхши кадрларни топиш умуман иложсиз. Ходимларим тез-тез ишдан бўшайди, иш қолдиради ёки иккита жойда ишлайди. Уларни ҳеч нарса қизиқтирумайди.

«Жангари» раҳбарнинг бу муносабати, парадигмаси фақат олтин тухумларга эга чиқишига йўналтирилган боис, у ҳеч қачон ходимларининг меҳрини қозона олмайди. Қиска муддатда натижа кўрсатиш – жуда муҳим. Лекин бундан бошқа аҳамиятли нарсалар ҳам бор.

Самарадорлик – мувозанат асосида ётади. Тга ҳаддан зиёд эътибор қаратиш соғлиқнинг ёмонлашуви, машиналарнинг ишдан чиқиши, банк ҳисоб ракамларидағи маблағнинг камайishi ва муносабатларнинг бузилишига олиб келади. Таъминотга қаратилган ортиқча эътибор худди кунига уч ёки тўрт соат югураётган одамга ўхшайди. Бу одам ҳаётининг ўртacha ўн йилини югуришга сарфлаёттанидан бехабар бўлади. Ё бўлмаса, буни бир умр ўқишга борадиган, лекин тайинли натижа кўрсатмай, бошқа кишиларнинг олтин тухумлари ҳисобига яшовчи абадий талаба синдромига қиёслаш мумкин.

Олтин тухум (таъминот) ва ғознинг саломатлиги, фаровонлиги (таъминот воситаси) ўртасидаги мувозанатни сақлаш баъзан мураккаб бўлиши мумкин. Лекин самарадорлик шунга боғлиқ. Шу жараён қисқа муддат ва узок муддат тушунчаларини тартибга солади; сиздаги хонани тозалатиш истаги ва фарзандингиз билан меҳрли муносабат қуриб, уй ишларини ўз хоҳишига кўра бажариши ўртасидаги мувозанатни таъминлайди.

Бу тамойилнинг исботини ўз ҳаётингизда кўришингиз мумкин. Масалан, кўпроқ олтин тухум олиш илинжида, тер тўкиб ишласангиз, охир-оқибат ҳолдан тойиб, бутунлай ишга яроқсиз бўлиб қоласиз; тунда мириқиб ҳордик чиқарсангиз, тонгда янги марраларни эгаллашга тайёр бўлиб уйфонасиз.

Ёки кимнидир ўз йўлингизга солиш учун босим ўтказсангиз, у билан муносабатда барибир аллақандай бўшлиқни ҳис қиласиз; аммо муносабатингизга чиндан ҳам вакт ва эътибор ажратсангиз, сизда ўз-ўзидан шеригингиз билан бирга ишлаш, мулоқот қилиш хоҳиши ва имконияти туғилади.

Юқорида таъкидлаганимдек, Т/ТВ мувозанати – самарадорлик калитидир. Уни ҳаётимиздаги ҳар жабҳада учратамиз. Биз у билан бирга ёки унга қарши ишлашимиздан қатъи назар, мавжудлигича қолаверади. Т/ТВ мувозанати маёқдир. У «Етти кўникма»га асосланган самарадорлик парадигмаси ва таърифидир.

### **БУ КИТОБДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК?**

«Муваффақиятли инсонларнинг етти кўникмаси»ни ўқишидан аввал, ундан яхшироқ баҳра олишингиз учун иккита парадигма алмашинувини таклиф қилмоқчиман.

Аввало, қўлингиздаги манбага ўқиб бўлгач, жавонга жойлаб қўйиладиган материал сифатида қарамасликни маслаҳат бераман.

Бу китобни шунчаки, умумий тасаввурга эга бўлиш учун ўқишингиз ҳам мумкин. Лекин у ўзгариш ва ўсишнинг

## I ҚИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

узун йўлида сизга ҳамроҳ бўлиш учун ёзилган. Унда маълумотлар босқичма-босқич келтирилади, ҳар бир кўнишка якунида, ўрганганингизни амалда қўллашга оид таклиф берилади.

Тушуниш ва бажаришнинг юқори босқичларига кўтариладар экансиз, исталган вақт бирламчи кўнишкаларга қайтишингиз, билим, маҳорат ва истагингизни кенгайтиришга хизмат қилувчи тамойилларни қайта кашф қилишингиз мумкин.

Иккинчидан, китоб мутолааси жараёнида парадигмангизни оддий ўқувчи ролидан ўқитувчига алмаштиришингизни тавсия қиласан. Масалан, «Ичкаридан ташқарига» ёндашувини 48 соатдан сўнг ким биландир муҳокама қилиш мақсадида ўқиб чиқинг. Айтайлик, Т/ТВ мувозанати қисмида ёритилган материалларни икки суткадан сўнг кимгадир ўргатишингизни билсангиз, уни ўқишингизда маълум ўзгариш юз беради. Буни ҳозироқ, ушбу бўлимнинг сўнгти бобини ўқиётганингизда синааб кўринг. Уни бир неча соатдан сўнг – эскирмасидан туриб, рафиқангизга, фарзандингизга ёки бизнес ҳамкорингизга ўргатишингиз зарурдек мутолаа қилинг. Шунда ақлий ва руҳий ўзлаштиришингиздаги фаркни сезасиз.

Кафолат бераман, китобдаги материалларга юқоридаги маслаҳатларимга риоя қилган ҳолда ёндашсангиз, нафақат ўқиганларингизни эслаб қоласиз, балки дунёқарашингиз кенгаяди, англешингиз теранлашади ҳамда ўрганганингизни амалда қўллашга туртки кучаяди.

Қолаверса, билганларингизни бошқалар билан самимий баҳам кўрар экансиз, сухбатдошингизнинг сиз ҳақингиздаги салбий фикрлари ғойиб бўлаётганига гувоҳ бўласиз. Одамлар кўз ўнгиди, сиз ўзгараётган, ўсаётган шахс сифатида гавдаланасиз. Улар «Етти кўнишка»ни ҳаётингизга татбиқ этишда сизни қўллаб-кувватлайди.

### УШБУ КИТОБДАН НИМА КУТИШ МУМКИН?

Мерилин Фергюссон шундай дейди: «Ҳеч ким бошқа бирорни ўзгаришга мажбур қила олмайди. Ҳар биримизда

## ЕТТИ КҮНИКМА – УМУМИЙ ТУШУНЧА

қаттиқ кўриқланувчи дарвоза мавжуд. Ва бу дарвоза фақат ичкаридан очилиши мумкин. Хоҳ баҳсни, хоҳ ҳиссий жозибани қўллайлик, фарқи йўқ – биз бошқа одамнинг дарвозасини очишга қодир эмасмиз».

Етти кўникмага сингдирилган тамойилларни англаб, улар асосида яшаш мақсадида «Ўзгариш дарвозангиз»ни очишга қарор килган бўлсангиз, ишонтириб айта оламанки, ҳәётингизда бир нечта ижобий ўзгаришлар бўлишига шубҳа йўқ.

Биринчидан, сиздаги ўсиш тадрижий бўлса-да, аммо сўнгти натижа инқилобий тус олади.

Дастлабки учта «Шахсий ғалабалар» кўникмаси шаклланиши учун «Ўзгариш дарвозаси» очилиши натијасида ўзингизга бўлган ишонч юксалади. Сиз ўзлигингизни чуқурроқ англашни уddaрайсиз – табиатингиз, қадриятларингиз ва ноёб қобилиятларингизни танийсиз. Қадриятларингизга, ички назоратингиз ва самимилигингизга мувофиқ ҳаёт кечирсангиз, тинчлик ва хотиржамликка эришасиз. Ўзингизга бошқаларнинг фикри ёки қиёсларига қараб эмас, ич-ичингиздан ҳис килиб, баҳо берасиз. Ўзингизни кашф қилишда «нотўғри» ва «тўғри» деган тушунчалар ўз қийматини йўқотади.

Шу билан бир қаторда, сиз атрофдагиларнинг сиз ҳақингизда нима деб ўйлашига ортиқ эътибор бермайсиз. Аксинча, бошқалар ўзлари ва дунёқарашлари, сиз билан муносабатлари тўғрисида қандай ўйлашлари сизни кўпроқ қизиқитиради. Сиз энди ҳиссий ҳәётингизни бошқа одамларнинг ожизликлари устига курмайсиз. Бундан ташқари, ўзгариш истагингиз борган сари кучаяверади. Чунки нима бўлишидан қатъи назар, феъл-авторингиз тубида «мен»ингиз сақланиб қолишини биласиз.

Навбатдаги уч кўникма – «Оммавий ғалабалар» кўникмалари учун ўзингизни очсангиз, барбод бўлган муносабатларни тиклашда зарур бўлган хоҳиш ва манбаларни кашф қиласиз. Ижобий алоқаларингиз

## I ҚИСМ. ПАРАДИГМА ВА ТАМОЙИЛЛАР

ривожланиб, янада чуқуррок, мустаҳкамрок ва қизиқарлирок бўлади.

Сўнгги – еттинчи кўникма эса дастлабки олти кўникмани янгилаб, сизни мутлақо мустақил, айни дамда, бошқалар билан яқин муносабатга киришишингизни қулайлаштиради. Щу билан сиз ўзингизни қувватлантира оласиз.

Қандай вазиятда бўлманг, сиз кўникмалар йифиндиси эмассиз. Сизни мағлубият томон етакловчи эски феъл-авторингизни бутунлай янги, самарадорлик, баҳт ва ишонч келтирувчи кўникмалар билан янгилашингиз мумкин.

Сизни «Ўзгариш дарвозангиз»ни очишга ҳамда «Етти кўникма»ни дикқат билан ўрганишга чакираман. Сабрли бўлинг. Шахсий ривожланиш – жуда нозик ва хайрли иш. Ўз кучингизни шахсий ривожланишга сарфлашдан кўра буюкроқ инвестиция бўлмаса керак.

Албатта, бу тез содир бўладиган жараён эмас. Лекин ишонинг, унинг фойдасини, албатта, ҳис қиласиз. Томас Пейн сўзи билан айтганда: «Ўта осон эришилган нарсанинг қадри паст бўлади. Биз учун қадр-қимматга эга нарсагина аҳамиятлидир».



Шахсий  
тәлабалар

# БИРИНЧИ КҮНИКМА: ПРОАКТИВ БҮЛИНГ

## ШАХСИЙ ҚАРАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

*Инсон онгли равишда ўз ҳаётини ўзгартиришига  
қодирлигининг  
ўзи энг шикомбахш фактдор.*

ХЕНРИ ДЕВИД ТОРО

Кўлингиздаги китобни ўқиши давомида ўзингизга четдан назар солишга ҳаракат қилинг. Хаёлан онгингизни танангиздан ажратиб, хона бурчагига йўлланг ва унинг кўзи билан китоб ўқиётганингизни томоша қилинг. Хўш, ўзингизга бошқа кўз билан қарай оласизми?

Энди бошқа нарсани синаб кўринг. Ҳозир қандай кайфиятда эканингиз ҳакида ўйланг. Буни била оласизми? Нимани ҳис қиляпсиз? Айни вақтдаги руҳий ҳолатингизни қандай тасвирлайсиз?

Энди бир дақиқа онгингиз қандай ишлаётгани тўғрисида тафаккур қилинг. У тез ва тийракми? Бу ақлий машқни бажариш ва унинг маъносини тушуниш ўртасида иккига ажralаётганингизни ҳис қиляпсизми?

Сиз ҳозиргина бажарган вазифа фақат инсонларга хос. Ҳайвонларда бундай қобилият мавжуд эмас. Биз буни «ўз-ўзини англаш» ёхуд ўзида содир бўлаётган ҳар бир жараённи таҳлил қилиш қобилияти деб атамиз. Айнан ана шу қобилият инсониятнинг ер юзидаги барча нарса устидан ҳукмрон бўлиши ҳамда авлоддан-авлодга ривожланиб боришини таъминлайди.

Шунингдек, бу қобилият туфайли нафақат ўзимиз, балки бошқаларнинг тажрибаларини баҳолаб, улардан ўрганиш имконига эга бўламиз. Маълум кўникмаларни эгаллашимиз ёки улардан воз кечишшимиз ҳам «Ўз-ўзини англаш» ёрдамида рўй беради.

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

Биз ҳиссиётлар йиғиндиси эмасмиз. Кайфиятимиз ҳам кимлигимизни белгилаб бермайди. Биз ҳатто ўз фикрларимиз ҳам эмасмиз. Таҳлил қила олиш қобилиятимиз бизни улардан ва ҳайвонот дунёсидан ажратиб туради. Ўз-ўзини англаш бизни бир четга чиқиб, ўзимизни қандай кўришимиз, яъни самарадорликнинг асосий парадигмасини кўздан кечиришга имкон яратади. У нафакат муносабат ва хулқ-авторимизга, балки бошқа одамларни қандай кўришимизга ҳам таъсир ўтказади. У инсон табиатининг моҳиятини тушунтирувчи харитага айланади.

Аслида ўзимизни (ва бошқаларни) қандай кўришимизни эътиборга олмасак, бошқалар ўзини ва дунёни қай тарзда кўришини, қабул қилишини тушуна олмаймиз. Бехабар ҳолда уларнинг хулқ-авторига қараб, холоса чиқарамиз ва ўзимизни холис деб биламиз.

Шубҳасиз, бу шахсий имкониятимиз ва бошқалар билан алоқа ўрнатиш қобилиятимизни чеклаб қўяди. Аммо инсонга хос бўлган ўз-ўзини англаш лаёқатининг шарофати билан ўзимизда мавжуд парадигмаларни таҳлил қилиб, улар тамойилларга асослангани ёки вазиятлар натижасида келиб чиққанини баҳолай оламиз.

### ИЖТИМОЙ КЎЗГУ

Агар ўзимиз ҳақимиздаги қарашимиз ижтимоий кўзгу, яъни мавжуд ижтимоий парадигма, шунингдек, атрофимиздагиларнинг биз билан боғлиқ фикрлари орқали шаклланса, ўзимизни худди кулгихонадаги қийшиқ ойнада кўргандек бўламиз.

- Сен доим кеч қоласан!
- Нега тартибли эмассан?
- Сен рассом бўлишинг керак!
- Молга ўхшаб овқатланяпсан!
- Голиб бўлишингта ишонмайман!
- Ахир, бу жуда осон-ку. Нега ақлинг етмайди?

Бу каби фикрлар бир-бирига боғланмаган ва мутлақо субъективдир. Улар кўпинча кўзгудаги асл аксимизни эмас,

балки шу фикрни билдираёттан одамлар феъл-авторидаги ожизликтин ифода этади.

Замонавий ижтимоий парадигма кўзгуси бизни асосан шарт-шароит ва вазиятларга қараб акс эттиради. Ҳаётимизга вазиятлар кучли таъсир ўtkазишнини, биз уларни назорат қила олмаслигимизни тан олсак, бутунлай бошқа харита пайдо бўлади.

Аслида жами учта ижтимоий харита мавжуд. Улар мустақил ёки қўшма ҳолда инсон табиатини тушунтириб берувчи детерминизм назариялари ҳисобланади.

Генетик детерминизмга мувофиқ – сизнинг ҳозирги феъл-авторингиз ота-боболарингиздан мерос бўлиб ўтган. Масалан, бобонгиз қизиқкон эди, шунинг учун сиз ҳам қизиқконсиз. Бу сизнинг ДНКнгизда бор ва келгуси авлодларга ҳам мерос бўлиб ўтади. Бундан ташқари, сиз ирландсиз. Қизиқконлик эса барча ирландларнинг табиатида бор.

Психологик детерминизмга кўра, феъл-авторингиз қандай бўлиши оиласингизга боғлиқ. Ота-онангиз берган тарбия, болалик тажрибаларингиз асосида феъл-авторингиз шаклланади. Масалан, сиз гурухнинг энг олдинги сафида бўлишдан чўчийсиз, чунки сизни шундай тарбиялашган. Сиз хато қилсангиз, даҳшатга тушасиз, сабаби болалигинингизда ожиз ва қарам бўлганингиз онгостингизда сақланиб қолган. Ҳар сафар бирор ишни уddeлай олмаганингизда, оила аъзоларингиз сизни руҳан жазолагани, камситгани ёки ким биландир таққослагани натижасида тортган азобларингиз ёдингизга тушади.

Учинчи – ташки мухит детерминизмига биноан, феъл-авторингиз шаклланишига бошлифингиз ёки рафиқангиз, фарзандингиз, молиявий аҳволингиз ёки миллий сиёsat таъсир ўтказади. Яъни сизнинг ким бўлишингизга атрофинингиздагилар жавобгар саналади.

Бу хариталарнинг ҳар бири стимул/реакция назариясига асосланган. Бу назарияни тушуниш учун Павловнинг итлар

## II КИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР

билин ўтказган тажрибасини эслаш кифоя. Ундаги бош ғоя шундаки, биз муайян стимул(турткы)га нисбатан муайян реакция билдиришга мослашганимиз.



Хўш, ижтимоий ҳариталар қанчалик аниқ ишлайди? Бу кўзгулар инсон табиатини қанчалик тўғри акс эттиради? Улар ўзини оқладими? Ижтимоий кўзгулар биз қабул кила оладиган тамойилларга асосланганми?

### СТИМУЛ ВА РЕАКЦИЯ ЎРТАСИДА

Юкоридаги саволларга жавоб сифатида сизга Виктор Франклнинг ҳикоясини айтиб бераман.

Франкл ёшлигидан Фрейд психологияси анъаналари бўйича тарбияланган детерминист эди. У болаликда рўй берган ҳодисалар инсоннинг феъл-авторини шакллантириб, бутун ҳаётини бошқариши ҳақидаги назарияни маъкуллаган. Унга кўра, сизнинг чекловларингиз ва параметрларингиз аллақачон ўрнатиб бўлинган, энди уни ўзгартириш учун ҳаракат қилиш бефойда. Келиб чикиши яхудий бўлган Франкл психиатр эди. У фашист Германиясининг ўлим лагерида қамоқда сақланган. Франклнинг у ерда бошидан кечирган кўргиликлари шу қадар даҳшатли эдики, тасаввуримизга сигмайди.

Унинг ота-онаси, укаси ва рафиқаси ҳам ўлим лагерида вафот этган ёки газ ўчокларида тириклай ёкиб юборилган эди. Синглисидан ташқари бутун оиласи ҳалок бўлганди. Франклнинг ўзи сон-саноқсиз қийноқ ва хўрликлардан азоб чекар, бир дақиқадан сўнг ҳаётида нима содир бўлишини билмасди; уни нима кутмокда: бир неча сониядан сўнг ўчоққа ирғитиладими ёки куйганларнинг кулини йиғиб

олувчи «баҳтлилар» қаторидан жой оладими?


Кунларнинг бирида, тор бир камерада яланғоч ва ёлғиз ўтирган Франклнинг миясида кейинчалик «Инсон озодлигининг якуни» деб атаган ғоя пайдо бўлади. Бу ғояга кўра, фашистлар уни назорат қилиши, танасини азоблаши мумкин, лекин озодлигини тортиб ололмайди. Чунки Франкл бошидан ўтаётганларни таҳлил қилишга, ўзини англашга қодир эди. Унинг шахсиятига ҳеч ким тегина олмасди. Франкл рўй бераетган воқеликлар унга қандай таъсир қилишини ич-ичидан ўзи белгилай оларди. Унга нима бўлиши, яъни, стимул ҳамда бунга нисбатан унинг реакцияси ўртасида Франклнинг озодлиги, танлов имконияти бор эди.

Тажрибалари давомида Франкл ўзини турли вазиятларда, масалан, лагердан халос бўлгач, талабаларга маъруза ўқиётган ҳолда тасаввур қиласди. Онг кўзи билан қараб, у ўзини синфхонада қандай тургани, қамокда орттирган тажрибалари ҳақида қандай маълумот бераетганини ўзига-ўзи тасвиirlар эди.

Аклий, рухий, ахлоқий интизом, хотира ва тасаввурдан фойдаланган ҳолда, Франкл озодликнинг кичик нашидасини машқ қилиб борди. Маълум вақт ўтиб, унинг озодлиги тобора катталашиб, қамоқдаги фашист босқинчиларнидан ҳам ошиб кетди. Фашистларда эркинлик кўпроқ эди, улар атрофини назорат қила оларди; Франклда эса ўзини қувватлантирадиган ички озодлик салмоқдор эди. У атрофидаги маҳбусларга, ҳатто айрим соқчиларга ҳам умид улаша бошлади, қамоқдаги азоблардан маъно топишга ёрдам берди.

Ҳар сония ўлим хавф солиб турган даҳшатли бир шароитда, Франкл ўз-ўзини англаш қобилиятини ишга солди ва инсон табиатининг энг асосий тамойилини кашф қилди: стимул ва реакция ўртасида инсоннинг ТАНЛОВ ЭРКИНЛИГИ мавжуд.

## II КИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР



Танлов эркинлиги – бизни инсон сифатида шакллантирган хусусияттарни қамраб олади. Ўз-ўзини англашга қүшимча тарзда бизда онгимизни мавжуд реалликдан юлиб, исталган вазиятта юбориш қобилияти – тасаввур бор. Бизда яна виждон, яъни нима тұғри, нима нотұғри эканидан ички хабардорлик, хулқимизни бошқарадиган тамойиллар билан фикр ва ҳаракатларимизнинг уйғунлик даражаси мавжуд. Ва ниҳоят, биз ирода, яъни бошқаларнинг таъсиридан холи, ўзимизни англаған ҳолда ҳаракатланиш қобилиятига әгамиз. Бу хусусияттар ҳатто энг ақлли ҳайвонларда ҳам учрамайды. Компьютерларни мисол қилиб олайлик. Улар инстинктлар ва/ёки машғулотлар орқали дастурлаштирилган. Компьютерларни масъулиятли бўлишга машқ қилдириш мумкин, лекин улар шу машғулотни ўzlари бошқара олмайди. Бошқача айтганда, уларда ўз дастурини ўзгартириш имкони йўқ. Бундан ҳатто ўzlари ҳам бехабар.

Лекин инсоний хусусиятларимиз шарофати билан, биз инстинктларимиз ва машғулотларимиздан бутунлай айро янги дастурларни ёзишга қодирмиз. Шунинг учун, ҳайвонларнинг имконияти инсонларни кига нисбатан чекланган. Биз ҳам ҳайвонлар сингари фақат инстинктларимиз ва вазиятларга тобе бўлиб яшасак, имкониятларимиз ҳам ўз ўрнида чеклана бошлайди.

Юқорида келтирилган учта детерминизм тамойили каламуш, маймун, кабутар ва ит каби ҳайвонлар, невроз ва рухий касалга чалингандын кишиларни ўрганишдан юзага келган. Айрим тадкиқотчиларнинг мезонларига мос келиши мумкин. Лекин инсоният тарихи ва ўз-ўзини англаш қобилиятынан бу уч ижтимоий ҳарита худудни тўлиқ тасвиrlамаслигига гувоҳлик беради.

Инсонга хос қобилияtlаримиз туфайли ҳайвонот дунёсидан устун турдиган. Бу қобилияtlарни қанча кўп машқ қилдирсак ва ривожлантирсак, имконияtlаримиз даражаси шунча юқори lab боради. Унутманг, стимул ва реакция ўртасида бизнинг энг қудратли кучимиз – танлов эркинлиги мавжуд.

### «ПРОАКТИВ БЎЛИШ» НИМА?

Инсон табиатининг энг асосий парадигмасини кашф қилишда Франкл «ўзлик ҳаритаси»ни тасвиrlайди. У муваффақиятли инсонларнинг энг биринчи ва асосий кўникмаси – проактивликни шу «ўзлик ҳаритаси» орқали ривожлантиради.

«Проактив бўлиш» жумласи бошқарув билан боғлик адабиётларда учраб турса-да, кўпгина луғатларда топилмайди. Бу тушунча шунчаки ташаббусни қўлга олишдан кўра чукурроқ мазмунга эга. «Проактив бўлиш» – инсон сифатида ўз ҳаётимиз учун жавобгармиз деган маънени англатади. Инсон хулқ-автори – унинг вазияти эмас, балки қарорларидан келиб чиқади. Биз қадриятларимизни ҳиссиётларимиздан устун кўя оламиз. Бизда вазифаларни бажариш учун ташабbus ҳамда масъулият бор.

Масъулият сўзига эътибор қилинг-а. Унинг замирида «ўз реакциянгни танлаш қобилияти» маъноси яширин. Юқори проактив инсонлар ана шу масъулиятни хис этади. Улар ҳеч қачон ўз хулқ-автори учун вазият, шарт-шароит ва ташқи ҳолатларни айбламайди. Уларнинг ҳаракати ҳиссиётлар маҳсули эмас, балки ички қадриятларига асосланган онгли танловдир.

## II КИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

Инсонлар табиатан проактивдир. Агар ҳаётимиз қандай бўлишини вазиятлар белгилаб берса, шуни билингки, бунга ўзимиз сабабчимиз. Мухит бизни назорат қиласими, йўқми, буни билиб-бilmай ўзимиз танлаганмиз.

Танлов жараённида, биз реактив бўламиз. Реактив одамлар кўпинча моддий мухит таъсирида бўлади. Масалан, об-ҳаво яхши бўлса, улар ўзини яхши ҳис қиласи. Ёмон ҳаво эса реактивларнинг муносабати, иш унумига таъсир кўрсатади. Проактив одамлар бўлса, ўз об-ҳавосини ўзи билан кўлтиқлаб юради. Шаррос ёмғир ҳам, жазира мақоми қўёш ҳам проактивларга таъсир килмайди. Улар қадриятларга эътиқод қиласи; агар уларнинг қадрияти ишни сифатли бажариш бўлса, об-ҳаводан қатъи назар, ўз мэррасига етишади. Чунки проактивлар вазифани бажариш ва ҳаво орасида боғлиқлик йўқлигини яхши тушунади.

Реактив кимсаларга, шунингдек, ижтимоий мухит, ижтимоий «об-ҳаво» таъсир қиласи. Одамлар илик муносабат билдиrsa, реактивлар ўзини жуда яхши ҳис қиласи; бошқаларнинг салбий гапи натижасида улар абгор ахволга тушади. Реактив одамлар руҳий ҳаётини бошқаларнинг хулқ-атворига қуради; бошқаларнинг камчилиги ўзига таъсир ўтказишига қўйиб беради.

Импульсни қадриятга бўйсундириш қобилияти проактив инсоннинг муваффақият қалитидир. Реактив инсонлар атрофдаги ҳолат, вазият ва ҳиссиётлар орқали бошқарилади. Проактив инсонлар эса эҳтиёткорлик билан танланган қадриятларга бўйсунади.

Проактив одамларга ҳам моддий, ижтимоий ёки психологияк турдаги ташки турткilar таъсир кўрсатади. Лекин уларнинг бу турткига жавоби, онгли ё онгсиз бўлсин, қадриятларга асосланган танлов бўлади.

Элеанор Рузвелт таъкидлагандек, «Ҳеч ким руҳсатингизсиз сизни ранжита олмайди». Ганди сўзи билан айтганда, «Ўзимиз топширмасак, ҳеч ким биздан ўз-ўзимизни ҳурмат қилиш ҳиссини тортиб ололмайди».

## ШАХСИЙ ҚАРАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Кўриб турганингиздек, ҳаётимизда фақат ўзимиз изн берган ходисаларгина содир бўлади.

Тан оламан, буни қабул қилиш руҳан жуда мураккаб, айниқса, агар йилларча баҳтсизлигимизга сабаб қилиб вазиятларни ёки кимнингдир хулқ-авторини рўкач қилган бўлсак. Токи инсон чин юракдан, самимий тарзда «Мен кечаги танловларим сабабли бугунги аҳволга келдим» дейишни ўрганмас экан, «Мен йўлимни ўзгартираман» дейа олмайди.

Бир гал Сакраментода проактивлик ҳақида маъруза қилаётган эдим. Тақдимотим асносида тингловчилар орасида аёллардан бири тўсатдан ўрнидан туриб, ҳаяжон билан сўзлай кетди. Аудиториядагиларнинг бир нечтаси ажабланиб, унга ўгирилди. Ўзига қадалган нигоҳларни хис қилган аёл нима қилаётганини англаб етди ва юзи уятдан лов-лов ёнганча жойига қайтиб ўтиради. Лекин шунда ҳам, у ўзини боса олмай, ён-веридаги одамларга гапиришда давом этди. Аёл жуда баҳтли кўринарди.

Бу воеа мени жуда қизиқтириб кўйди. Аранг чидаб, танаффус бўлишини кутдим, сўнг дарҳол аёлнинг ёнига бориб, нима бўлганини сўрадим.

– Менга нима бўлганини тасаввур ҳам қилолмайсиз! – хитоб қилди аёл жавобан. – Ўзим уй ҳамширасиман; асосий вазифам беморга хизмат қилиш. Афсуски, бу бемор жудаям баҳтсиз ва ношукр. Қанчалик ғамхўр бўлмай, фарки йўқ, у ҳеч қачон меҳнатимни қадрламайди; мени тан олишни ҳам истамайди ҳатто! У доим устимдан шикоят қилиб, ишимдан камчилик топади. Шу одамни деб ҳаётим дўзахга айланди. Ва мен йигилган аламимни оила аъзоларимга сочадиган бўлиб қолдим. Очифи, унга хизмат қилувчи бошқа ҳамшираларда ҳам худди шунаقا аҳвол. Биз ҳаммамиз тезроқ ундан кутулиш учун Худога ёлворамиз.

Лекин сиз саҳнада турганча, ҳеч нарса мени жароҳатлай олмаслигини, ижозатимсиз ҳеч бир кимса

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

мени хафа қилишга қодир эмаслигини айтдингиз. Яна руҳан азобланишим, ўзимни баҳтсиз хис қилишим айнан ўзимнинг танловим эканлигини таъкидладингиз.

Бу сўзларингиз мени чукур ўйлантириб қўйди. Ичичимга кириб бориб, ўзимдан сўрадим: «Вазиятларга нисбатан жавоб реакциямни танлаш учун куч борми менда? Танлов эркинлигига эгаманми?»

Нихоят, чиндан ҳам шундай куч борлигини тан олиш қанчалик оғир бўлмасин, баҳтсиз бўлишимиға ўзим сабабчилигимни тушундим. Шунингдек, баҳтсиз бўлмаслик ҳам ўз қўлимдалигини англадим.

Ўша лаҳза мен ўрнимдан туриб кетдим. Гўё фашистларнинг ўлим лагеридан омон қутулиб чиққандек, бутун дунёга: «Мен озодман! Тутқунликдан халос бўлдим! Бундан буён кимнингдир муомаласи мени назорат қилишига йўл қўймайман!» дея қичқиргим келди.

Гувоҳи бўлганингиздек, бизга аслида вазиятлар эмас, балки уларга муносабатимиз азоб беради. Жисмоний оғриқ ёки молиявий зарар етказиб, қийналишимизга сабаб бўлувчи вазиятлар ҳам бор, албатта. Лекин улар туфайли феъл-авторимиз, аслиятимиз азобланиши шарт эмас. Аслида, бошимиздан ўтган оғир дамларни катта қозонга қиёслаш мумкин. Унинг ичидаги феъл-авторимиз шаклланиб, ички куч, келгуси қийин вазиятларни ҳал қилиш, бошқаларни ҳам шунга ундаш эркинлиги ривожланади.

Франкл оғир вазиятда ўзининг ички озодлигига эришган ва бошқаларга ҳам таъсири эта олган кам сонли инсонлардан биридир. Вьетнам урушида асир тушган американлик аскарлар кундалигидаги битиклар ҳам шахсий озодликнинг кудрати, унинг маҳбуслар ва қамоқхона мухитига кўрсатган таъсири ҳақида ҳикоя қиласди.

Мушкул вазиятда, давосиз касалликка чалингандаги ёки имконияти чекланган бўлса-да, бетакрор руҳий кудратга эга шахсларни барчамиз яхши таниймиз. Уларнинг иродаси бизга нақадар илҳом беради! Жисмоний азобдан оёқка

туриб, маънан мукаммалликка эришганларни кўришни бошқа ҳеч нарсага ўхшатиб бўлмайди. Бу ҳаётга маъно беради, уни тўлдириди ва қадрини янада оширади.

Керол исмли қадрдан дўстимиз саратон касаллигининг давосиз турига чалинган эди. У билан ўтказган тўрт йил ҳаётимиздаги энг муҳим дамлардан бўлди. Керол тўйимиизда Сандранинг келин дугонаси бўлган, улар йигирма беш йиллик қадрдан дўст эди.

Керол касалликнинг сўнгги босқичи билан курашаётганда, келгусида фарзандлари улғайгач бериш учун маҳсус хатлар ва ўз автобиографиясини ёзишга қарор қилди. Сандра унинг ёнида бўлиб, бу ишга кўмаклашди. Дўстидаги матонат рафиқамни бутунлай руҳлантириб юборган эди.

Керол ақлий ва руҳий бардамликни саклаш мақсадида оғриқ қолдирувчи дориларни иложи борича камроқ қабул қиласди. Автобиография ёзиш жараёнида, у овоз ёзиш мосламасига оҳиста шивирлар ёки тўғридан-тўғри сўзлар, Сандра эса унинг айтганларини қайд этиб борарди. Керол шунчалик проактив, жасур, бошқалар учун қайгурадиган эдик, атрофидаги кўплаб инсонлар учун у илҳом манбаига айланди.

Вафотидан бир кун аввал Керолнинг кўзларига боққаним ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Ўшанда мен оғир азоб-укубатлар устидан ғалаба қозонган ички қадр-қиммат туйғусини ҳис қилган эдим. Унинг нигоҳларида ҳаётга чанқоқлик, эзгу ишларга ҳисса қўшиш илинжи, муҳаббат ва миннатдорлик ҳисси мужассамлашганди.

Мен кўпинча тингловчиларимга умри сўнгига қадар куч топиб, атрофдагиларга меҳр-муҳаббат улашишга, ёрдам беришга тайёр инсоннинг жон беришини кузатганимисизлар деб сўрайман. Одатда, йиғилганларнинг тўртдан бир қисми тасдиқ жавоби беради. Кейин мен улардан нечтаси ўша вафот этган инсонни ҳеч қачон унумаслиги, унинг матонатидан вақтинча бўлса ҳам руҳлангани ҳамда янада

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

күпроқ олийжаноб ишларни амалга оширишга мотивация олгани ҳақида сўрайман. Ўша одамлар бир овоздан яна тасдиқ жавоб беради.

Виктор Франкл ҳаётда қуидаги учта марказий қадрият мавжудлигини айтади:

Биринчи қадрият – тажриба, яъни биз билан нима содир бўлиши;

Иккинчи қадрият – изход, яъни биз яратадиган нарсалар;

Учинчи қадрият – муносабат, яъни бедаво хасталик сингари мушкул вазиятларга нисбатан билдирган реакциямиз.

Шунингдек, Франкл ушбу қадриятлар ичida энг юқориси «Муносабат» эканлигини таъкидлайди. Бошқача айтганда, ҳаётимиздаги вазиятларга қандай муносабатда бўлишимиз биз учун кўп нарсани ҳал килади. Инсонлар билан ишлаш жараёнида орттирган тажрибам унинг хулосаси тўғрилигини тасдиқлайди. Муносабат – ҳиссиётларимизни шакллантирувчи парадигмадир.

Мушкул вазиятлар кўпинча парадигма алмашинувига сабаб бўлади. Айнан мураккаб дақиқаларда одамлар атрофдаги оламни, бошقا инсонлар ва ҳодисаларни янгича кўз билан кўра бошлайди. Натижада, уларнинг дунёқарashi, нуқтаи назари янада кенгаяди. Улардаги оғир вазиятларга муносабат қадрияти бизнинг ҳам руҳиятимизни кўтариб, чексиз далда бағишлайди.

### ТАШАББУСНИ ҚЎЛГА ОЛИШ

Инсон табиатига ҳаракат обьекти эмас, балки ҳаракат субъекти бўлиш хос. Бу хусусият муайян вазиятларга нисбатан жавоб реакциямизни танлаш имконини беради. Шу билан бирга, вазиятни яратса олиш кудрати билан ҳам таъминлайди.

Ташаббусни қўлга олиш қайсар, кўпол ёки тажовузкор бўлишни англатмайди, аксинча, воқеа-ҳодисаларни амалга ошириш йўлидаги ўз масъулиятимиздан хабардорликни билдиради.

Йиллар давомида ташаббускорлигини күпроқ намойиш этиш мақсадида яхшиrok иш истайдиган инсонларга маслаҳат бериб келдим. Мен тақлиф қиласынан маслаҳатта күра, улар дастлаб ўз кизиқишиларини аниклаб олар, сүнгра савдо-саноатни яхшилаб ўрганар, ўзларини кизиқтираётган компаниялар дуч келадиган муаммоларни таҳлил киласынан. Ундан сүнг, шу муаммоларни ҳал қилишда нағи тегадиган қобиляйтлари борлигини намойиш этувчи тақдимот тайёрларди. Ушбу услугуб «Ечим савдоси» деб аталади ва муваффакиятли бизнес учун мұхым омил ҳисобланади.

Одатда, мижозлар тақлифимға рози бўлади – кўпчилик ишга кириш ва каръерасини мустаҳкамлашда ушбу услуг нақадар кучли таъсир кўрсатишини тушуниб етади. Афсуски, ҳамма ҳам уни амалда қўллашга зарурый қадамларни ташлаш, ташаббусни қўлга олишни улдасидан чиқмайди. Улардан шундай эътиrozларни эшитиб тураман:

– Кизиқишиларимни қандай аниклашни билмайман.

– Савдо-сотиқни қандай ўрганиш им мумкин? Ҳеч ким ёрдам бергиси келмайди менга.

Бу каби одамлар ўз-ўзидан нимадир содир бўлишини ёки кимдир уларга ғамхўрлик қилишини кутади. Яхши иш, юқори лавозим эса ҳамиша проактив инсонларга насиб қиласи. Проактивлар муаммо ҳакида гапирмайди, балки муаммоларни ҳал қиласи. Улар мақсадга этиш, вазифани улдалаш йўлида тўғри тамойилларга асосланган ташаббусни қўлга олади.

Оиламиздан кимдир, ҳатто ёшроқ болалар ҳам масъулиятсизлик қилиб, ўз ишини бажариш, муаммосига ечим топиш учун кимнидир кутса, биз уларга қараб «Т ва Т ни ишга сол!» деймиз (Т – топқирлик, Т – ташаббус). Баъзан шундай бўладики, бу ҳақда гапирмасимидан туриб, уларнинг ўзи шикояти сўнгида: «Биламан – Т ва Т ни ишга солишим керак!» – деб эслайди.

Инсонларни масъулиятли бўлишга ундаш орқали уларни камситмайсиз, аксинча, қўллаб-кувватлайсиз. Проактивлик

## II КИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР

— инсон табиатининг бир қисмидир. Проактив генлар фаол бўлмаслиги мумкин, лекин улар ҳар биримизда мавжуд. Бошқаларнинг проактив феъл-авторини хурмат қилиш орқали биз уларга ижтимоий кўзгудаги аниқ, чиройли аксини кўрсатамиз.

Албатта, бу борада шахснинг камолот даражасини ҳам инобатта олиш керак. Биз руҳий қарам инсонлардан юксак ижодий ҳамкорликни кута олмаймиз. Бироқ биз камидা улар табиатидаги туб моҳиятни тан олиб, имкониятларидан фойдаланиш ва муаммоларни ечишга имкон берувчи мухит яратса оламиз.

### ҲАРАКАТНИНГ СУБЪЕКТИ ЁКИ ОБЪЕКТИ БЎЛИШ

Ташаббускор ва ташаббуссиз одамлар ўртасидаги фарқни кун ва тун орасидаги фарқقا қиёслаш мумкин. Уларнинг самарадорлигидаги тафовут 25 – 50 эмас, балки +5000 фоизни ташкил этади. Одам қанча ақлли, огоҳ ва мулоҳазакор бўлса, фарқ шунча ошаверади. Ҳаётингизда Т/ТВ мувозанатини яратиш учун ташаббус талаб қилинади. Етти қўникмани ривожлантириш ҳам ташаббуссиз амалга ошмайди. Мутолаа мобайнида галдаги олти қўникмани эгаллаш проактив генларингиз ривожига боғлиқлигини кўрасиз. Чунки ҳар бир қўникма сизга ҳаракат субъекти бўлиш масъулиятини юклайди. Агар ҳаракат объекти бўлишни кутсангиз, шундай бўлиб чиқади.

Бир сафар майший техника ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи одамлар гурухи билан ишлаган эдим. Гурухда 20 та ташкилотдан келган вакиллар жамланганди. Улар ўз тажрибалари ва муаммоларини бўлишиш мақсадида йилига тўрт марта норасмий учрашув ташкиллаштиради.

Ўшанда содир бўлаётган иқтисодий инқироз умумий иқтисоддан кўра, саноатнинг шу тармоғига салбий таъсир кўрсатганди. Машғулотларни бошлаганимда тингловчиларим умидсиз кайфиятда эди.

Машғулотнинг илк кунида мұхокама учун «Бизга нима бўляпти? Туртки нима?» деган саволни ўртага ташладим.

Кўп нарса содир бўлаётганди. Ташқи босим жуда кучли эди. Ишсизлик авж олганди. Гуруҳдаги одамлардан аксарияти бизнесини сақлаб қолиш учун яқинларини ишдан бўшатишига тўғри келаётганди. Кун якунига келиб тингловчиларим баттар умидсизликка тушди.

Иккинчи куни «Келажакда нима бўлади?» деган саволни муҳокама қилдик. Биз келажакни яратувчи ташқи омилларни таҳлил қилиб чиқдик. Кун охирида, тингловчилардаги тушкунлик уч баравар ошиб кетди. Чунки вазият яхшиланмасидан туриб, янада ёмонлашиши кутилаётганди. Буни ҳамма билиб турарди.

Шундай қилиб, учинчи куни «Бизнинг реакциямиз қандай бўлади? Энди нима қиласиз? Бу вазиятда қандай қилиб ташаббусни кўлга оламиз?» деган проактив саволларга диққат қаратдик. Эрталабки сухбатимиз нархларни тушириш ва назорат қилиш ҳақида бўлди. Тушлик вақти эса бозор улушини оширишни муҳокама қилдик. Ҳар икки масала юзасидан ақлий ҳужумлар уюштириб, сўнг амалий ишларга тўхтадик. Гуруҳга янгича ҳаяжон, умид ва проактив воқифлик руҳи кириб келди.

Учинчи кун якунида йигилишимизни «Бизнесимизнинг ҳозирги аҳволи қандай?» деган саволнинг жавоби билан холосаладик. Жавоб уч қисмдан иборат бўлди:

- 1-қисм: Биз оғир вазиятни бошдан кечиряпмиз. Аҳвол янада ёмонлашиши мумкин.
- 2-қисм: Лекин бизда самарали бошқарув, нархларни тушириш ва бозордаги улушимизни кўтариш учун яхши режалар бор.
- 3-қисм: Демак, бизнесимиз янада яхшиланмоқда.

Тасаввур қилинг, реактив одам ушбу холосани ўқиб шундай деган бўларди: «Кўйсангиз-чи! Ҳақиқатни тан олинг! Сиз бунаقا ижобий фикрлаш билан барибир узоққа бормайсиз!»

Ижобий фикрлап ва проактивлик ўртасидаги тафовут мана шунда. Биз ҳақиқатни тан олдик. Ҳозирги вазият ва келгуси режаларимиз ҳақиқийлігини тан олдик. Шунингдек, мавжуд вазият ва режаларга ижобий реакция билдириш учун кучимиз борлигини тан олдик. Ҳақиқатни тан олмаганимизда, тақдиримизни ташқи омиллар ихтиёрига топширган бўлардик. Бизнеслар, ижтимоий гурухлар, турли ташкилотлар, жумладан, оиласлар ҳам проактив бўла олади. Улар проактив шахслардаги ижодкорлик ва топқирлик хусусиятларини бирлаштириб, муассаса ичидаги проактив маданият яратиши мумкин. Ташкилот ташқи омиллар таъсирида бўлиши шарт эмас; у умумий қадриятлар ва мақсадларни уddyалаш йўлида ташаббусни кўлга олиш имкониятига эга.

### НУТҚИМИЗНИ ТИНГЛАШ

Парадигмаларимиз бизнинг муносабат ва хулқатворимизни шакллантиради. Ўз-ўзини англаш қобилиятидан фойдаланиб, парадигмаларимизни таҳлил қиласак, биз уларнинг туб моҳиятини англашимиз мумкин. Масалан, нутқ – ўзимизни қанчалик проактив ҳисоблашимизни билдирувчи ишончли кўрсаткичdir.

Реактив одамларнинг гали уларни масъулиятдан қочишини кўрсатади. Масалан:

– Борим шу! Шунаقا яратилганман! Қарорим қатъий. Ўзимни ўзгартира олмайман.

– Унинг ўзи мени қуюшқондан чиқишимга сабаб бўлди! Мен ўзимга жавоб беролмайман. Рухий ҳолатимни назорат қилиш менинг кўлимда эмас.

– Буни бажара олмайман. Шунчаки вақтим йўқ! Чекланган вақт мени бошқармоқда.

– Агар хотиним бироз сабрли бўлса... Кимнингдир хулқи ишинга халал бермоқда.

– Щу ишни бажаришим керак! Вазиятлар ёки одамлар мени нима қилишимни белгилаб беряпти. Ўз ҳаракатларимни эркин танлай олмаяпман.

## ШАХСИЙ ҚАРАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Реактив нутқ	Проактив нутқ
Мен ҳеч нарса қила олмайман	Келинг, имкониятларимизни кўриб чиқайлик
Борим шу	Ёндашувни ўзгартира оламан
У айбдор	Ҳиссиётларимни бошқара оламан
Улар рози бўлмайди	Самарали тақдимот тайёрлай оламан
Мен шуни бажаришим керак	Тўғри қарор қабул қиласман
Бажара олмайман	Мен танлайман...
Бажаришим шарт	Мен афзал кўраман...
Агар	Мен бажараман...

Реактив одамнинг нутки детерминизм парадигмасига асосланади. Унинг бутун мазмуни ўзидан масъулиятни соқит қилишга мўлжалланган: «Бўлган ишларга мен жавобгар эмасман. Мен қарор қабул қилмайман».

Бир сафар талабам мендан сўраб қолди:

– Дарсдан жавоб бера оласизми? Тенинс мусобақасига боришим керак.

– Ўзинг истайсанми боришини ёки боришинг керакми?  
– сўрадим мен.

– Боришим керак! – жавоб қилди у.

– Бормасанг нима бўлади?

– Жамоадан чиқариб юборишади.

– Сен буни истамайсанми?

– Албатта, истамайман.

– Демак, сен мусобақага жамоада қолишни истаганинг учун бормоқчисан. Хўш, дарсимга келмасанг нима бўлади?

– Билмайман.

– Яхшироқ ўйла. Дарсга келмасликнинг табиий оқибати одатда қандай бўлади?

– Синфдан ҳайдаб юбормасангиз керак, шундайми?

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

– Бу ижтимоий оқибат бўлади. Яъни ясама. Тасаввур қил, теннис жамоасида бўлмасанг, сен ўйнай олмайсан. Мана шу табиий оқибат. Хўш, дарсга келмасанг, табиий оқибат қандай бўлади?

– Менимча, дарсни ўзлаштиришда ортда қоламан.

– Тўшпа-тўғри. Демак, сен иккала оқибатни бир-бирига солиштириб, сўнг танлов қилишинг керак. Агар ўрнингда бўлсам, мен теннис мусобақасини танлардим. Лекин ҳеч қачон бирор нарсани бажаришга мажбурман дема.

– Тушунарли. Мен мусобақага боришни танлайман, – жавоб қайтарди талаба мулойим оҳангда.

– Дарсни курсон қилиш эвазигами? – деб кулдим мен.

Реактив нутқдаги жиддий муаммо шундаки, у ўзини бажо келтирувчи башпоратга айланади. Одамлар ўзини назорат қилаётган сабабиятга ўзи ишониб қолади ва ишончини тасдиқловчи турли баҳоналар ўйлаб топишни бошлайди. Улар ўзини тобора ўз ҳаёти ва тақдирини назорат қила олмайдиган курсон сифатида ҳис қиласди. Бошига тушган ташвишлар учун ҳамма нарсани – бошқа одамлар, вазиятлар, ҳаттоки юлдузларни айблайди.

Машғулотларнинг бирида проактивлик тўғрисида сўзлаётган эдим. Бир киши ёнимга келиб, шундай деди:

– Стивен, гапларингиз менга ёқяпти. Лекин вазиятлар ҳар хил бўлади. Менинг турмушимга бир қаранг. Чиндан ҳам ташвишдаман. Турмуш ўртоғим билан ўртамиизда қачондир бўлган оташин туйғулар энди йўқ. Менимча, бир-биirimизни ортиқ севмаймиз. Нима қилсан бўлади?

– Ҳеч қандай ҳис қолмаганми? – сўрадим.

– Худди шундай, – тасдиқлади у. – Лекин учта фарзандимиз бор. Улардан хавотирдамиз. Нима қилишни маслаҳат берасиз?

– Рафиқангизни севинг, – жавоб қайтардим мен.

– Айтдим-ку, ҳеч қанақа ҳис қолмаган деб.

– Рафиқангизни севинг, – тақрорладим яна.

– Тушунмаяпсиз. Севги туйғуси йўқ ўртада.

## ШАХСИЙ ҚАРАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

– Ундаи бўлса, рафиқангизни севинг. Ўртада ҳислар қолмагани – уни тақрор севишингиз учун яхши сабаб.

– Лекин севги йўқ бўлса, қандай қилиб севишим мумкин?

– Дўстим, «севмоқ» – бу феъл. Севги эса – ҳиссиёт – севмоқ феълининг меваси. Шундай экан, рафиқангизни севинг. Уни тингланг. Кўнглингизни очинг. Кўллаб-кувватланг. Уни тасдиқланг. Хўш, уни севишга тайёрмисиз?

Илғор жамиятлардаги юксак адабиётларнинг барчасида севги – феълдир. Реактив одамлар эса ундан ҳиссиёт ясаб олади. Уларни ҳиссиётлари бошқаради. Ҳолливид фильмлари бизни ҳиссиётимизни бошқара олмаслигимизга ишонтириб қўяди. Лекин кинолар доим ҳам ҳақиқатни тасвиirlамайди. Ҳиссиётларингиз ҳаракатларингизни назорат қиляптими? Демак, ўзингиз масъулиятдан воз кечиб, шунга изн бергансиз.

Проактив одамлар севиши феъл сифатида кўради. Севмоқ – сиз бажарадиган иш-ҳаракат: сиз берадиган курбонликлар, ўзингизни баҳшида этишингиз. Севиши ўрганмоқчи бўлсангиз, бошқалар учун ўзини курбон қилган инсонларни ўрганинг; ота-она бўлсангиз, фарзандингизга назар солинг. Севиши бу – қадрият. У севишганларнинг хатти-ҳаракати орқали фаоллашади. Проактив шахслар қадриятларни ҳамиша ҳиссиётлардан устун қўяди. Севгини фақат севиши орқали тиклаш мумкин.

## ХАВОТИР ДОИРАСИ. ТАЪСИР ДОИРАСИ

Проактивлик даражамизни билишнинг яна бир яхши усули – асосий кувватимиз ва вақтимизни қаерга сарфлаётганимизни таҳлил қилиш. Ҳар биримизда турли хил хавотирлар мавжуд – соғлигимиз, фарзандларимиз, ишдаги муаммолар, миллий қарз ёки ядро уруши. «Хавотир доираси» чизиш орқали буларни ўзимизга руҳан ва ақлан алоқаси бўлмаган ҳодисалардан ажратиб оламиз.

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР



Хавотир доираси ичига айримлари биз бошқара оладиган, айримлари эса таъсир кўрсатишга курбимиз етмайдиган нарсаларни жойлайди. Иккинчи турдаги хавотирларни доира ичига кичикроқ «Таъсир доираси» чизиб, аниқлаб оламиз.



Ҳар икки доирадан қай бирига кўпроқ вақт ва қувватимизни сарфлашимизни билиб олсак, проактивлик даражамиз ҳақида кўп нарса аён бўлади.

Проактив одамлар бор кучини «Таъсир доираси»га қаратади. Улар кўлидан келадиган вазифалар устида бош қотиради. Проактивларнинг қуввати ижобий, катталашувчан ва кенгаювчан бўлиб, таъсир доираси ўсишига хизмат қиласди.



Реактив одамлар эса «Хавотир доираси»га эътибор қаратади. Улар атрофдагиларнинг ожизликлари, ташқи-муҳитдаги муаммолар ва бошқара олмайдиган вазиятларга дикқатини йўналтиради. Муаммони ҳал қилолмагач, бошқаларни айблаш, ўзини курбондек ҳис қилишда давом этади. Улардан тарқаладиган салбий кувват каттариб, безэътибор қолдирилган масалалар билан кўшилади ҳамда таъсир доирасининг кичрайишига олиб келади.

«Хавотир доираси» устида қанча кўп ишласак, унинг ичидаги нарсалар бизни назорат қилишига шунча кўп имкон берамиз, ижобий ўзгаришлар келтириш учун зарур бўлган проактив ташаббусни қўлга ололмаймиз.

Китоб бошида мактабда жиддий қийинчиликларни бошдан кечирган ўғлим ҳакида сўзлаб бергандим. Ўшанда Сандра иккимиз унинг кўриниб турган заифликларидан, одамларнинг унга нисбатан муносабатидан қаттиқ хавотирга тушган эдик.

Булар хавотир доиралариз ичидаги эди. Имкон қадар харакат қилдик, уддалай олмадик. Аксинча, ўғлимиздаги муаммоларни ҳал қила олмаганимиз учун ўзимизни янада кўпроқ ношуд ва ожиз сеза бошлидик.

Асл натижага эса таъсир доиралариз устида ишлаганимиздан кейин юз берди. Биз ўз парадигмаларимизга эътибор қилиб, ижобий кувват чиқардик, ўзимизни ўзгартириб, охир-

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

оқибат ўғлимизга ҳам таъсир кўрсата олдик. Вазиятлар ҳақида хавотирланишни йигиштириб, ўз устимизда ишлагач, ўз-ўзидан вазиятларга таъсир қилиш имконини кўлга киритдик.

Мартгаба, бойлик, мавқе ёки муносабатлар даражасига қараб, баъзи инсонларнинг таъсир доираси хавотир доирасидан йирикроқ бўлади. Бу ҳолат яна бир реактив турмуш тарзи – руҳий миопияни акс эттиради. Руҳий миопияда ҳам бутун эътибор хавотир доирасига қаратилади.



Гарчанд ўз таъсиридан фойдаланишни устувор вазифа деб билса-да, проактив шахсларда хавотир доираси таъсир доирасидан кичик бўлмайди. Чунки улар таъсиридан самарали фойдаланиш масъулиятини зиммасига олади.

### **БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА НАЗОРАТ. НАЗОРАТСИЗЛИК**

Дуч келадиган муаммоларимиз куйидаги гурухлардан бирига тегишли бўлади:

1. Бевосита назорат (феъл-атворимизни қамраб олган муаммолар).
2. Билвосита назорат (бошқа одамларнинг феъл-атворини қамраб олган муаммолар).
3. Назоратсизлик (ечишнинг имкони йўқ муаммолар.

Масалан, ўтмишими ёки объектив ҳақиқатлар.)

Проактив ёндашув ҳар уч турдаги муаммоларни ҳал қилишга илк қадам «Таъсир доирамиз» ичида амалга оширилиши керак деб ҳисоблади.

«Бевосита назорат муаммолари»ни ечиш учун кўникмаларимиз устида ишлаш лозим. Улар, шубҳасиз, «Таъсир доира»миз ичида жойлашган. Натижа «Шахсий ғалабалар» бўлади (1, 2, 3-кўникмалар).

«Билвосита назорат муаммолари» таъсир услубимизни ўзгартириш орқали ҳал қилинади. Уларнинг ечими «Умумий ғалабалар» ҳисобланади. (4, 5, 6-кўникмалар). Шахсан мен эмпатия, дағдаға, мисол келтириш, ишонтириш каби бир-биридан фарқли ўттиздан ортиқ таъсир услубларини аниқлаганман. Кўпчиликнинг репертуарида ушбу услублардан атиги уч ёки тўрттаси жой эгаллади. Аксарият кишилар таъсир ўtkазишни тушунтиришдан бошлади. Бу услуг иш бермаса, ё кўл силтайди ёки жанжаллашади.

Кимнидир «қолипга солувчи» самарасиз, алмисоқдан колган услубларни қўллаш ўрнига, таъсир ўtkазишнинг янги усусларини ўрганишим мумкинлиги қандай соз!

Назоратсиз муаммоларни ҳал қилиш учун чехрангиздаги ифодани ўзгартиришингиз – жилмайиб, оқиллик билан бу муаммоларни қабул қилишингиз, ёқмаса ҳам улар билан бирга яшашни ўрганишингиз даркор. Шу тариқа улар сизни назорат қилишига изн бермайсиз. Аноним алкоголиклар жамиятидаги дуода шундай жумлалар бор: «Парвардигор, ўзгартирилиши мумкин ва лозим бўлган ишларни ўзгартириш учун ўзинг мадад бер. Ўзгартириб бўлмайдиган вазиятларни қабул қила олишим учун бағрикенглик билан сийла. Уларни фарқлай олиш донолигини бер».

Бевосита, билвосита ёки назоратсиз бўлишидан қатъи назар, муаммонинг ечимига илк қадам қўлингизда турибди. Кўникмаларимизни ривожлантириш, таъсир усусларимизни ўзгартириш ҳамда назоратсиз муаммоларимизга қай кўз

## II КИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР

билан қараш – буларнинг бари «Таъсир доирамиз»да жойлашган.

### ТАЪСИР ДОИРАСИННИ КЕНГАЙТИРИШ

Маълум вазиятга реакция кўрсатиш орқали бутун вазиятимизга кучли таъсир ўтказишимизни англаш жуда илҳомбахш ҳолат. Бу худди кимёвий формуланинг бир кисмини ўзгартириб, бутунлай янги модда ҳосил қилишга ўхшайди.

Серғайрат одам раҳбарлик қилувчи бир ташкилот билан бир неча йил ишладим. Раҳбар жуда иқтидорли, ижодкор эди – буни ҳамма биларди. Бироқ у диктатура бошқарувидан фойдаланарди. У кўл остидагиларга югурдакдек муомала қиласди: «Буни олиб кел... Анавини олиб кел... Уни қил... Энди буни бажар – қарорни мен бераман!»

Охир-окибат, раҳбар жамоани ўзига қарши қилиб кўйди. Ходимлар йўлакларда тўпланиб, бошлиғидан бир-бирига шикоят қиласди. Улар худди вазиятни яхшиламоқчидек, жуда узоқ ва аниқ сұхбат қуради. Лекин муҳокамаларнинг охири кўринмас, шу йўл билан улар раҳбарнинг ожизлигини баҳона қилиб, ўзларини масъулиятдан соқит қилаётганди.

– Бу сафар нима бўлганини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз, – дерди бошқарувчилардан бири. – Мен барча вазифаларни якунлагандим. У эса бўлимимга келиб, бутунлай бошқа буйруқлар бериб кетди. Бир неча ойлик меҳнатим бир пул бўлди. У билан бу зайл ишлашга кўзим етмаяпти. Қачон нафақага чиқар экан-а?

– Хўжайнин эндиғина эллик тўққизга кирди, – луқма ташларди иккинчи бошқарувчи. – Яна олти йил чидай оламан деб ўйлайсизми?

– Билмайман. Уни ҳали-вери нафақага чиқаришмаса ҳам керак.

Бироқ учинчи бошқарувчи проактив эди. У ҳиссиётлар эмас, аксинча, қадриятларга бўйсунарди. Шу бошқарувчи ташаббусни қўлига олди – вазиятни ўрганиб, ечим ҳам тоғди. У раҳбардаги заифликларни инкор этмади, лекин

уларни танқид қилиш ўрнига, ўрнини тўлдиришга ҳаракат қилди. Раҳбар авторитар усулга эрк берганда, у меъёрни таъминлашга киришди. Шу билан бир қаторда, раҳбарининг кучи – иқтидор, ижодкорлик ва келажакни кўра билиш қобилиятидан унумли фойдаланди.

Бу бошқарувчи дикқатини ўз таъсир доирасига қаратган эди. Унга ҳам югурдак сифатида муомала қилишганди. Фақат у кутилгандан кўпроқ вазифа бажара бошлади. Тақдимот қилаётгандা, у бошлиғининг истагини, хавотирини олдиндан билишга интилди. Шу бўйича фикрларини айтди, тақдимот сўнгида ўз тавсияларини кўшиб кетишни унутмади.

Бир куни қандайдир масала юзасидан маслаҳатлашиб ўтирганимизда раҳбар менга шундай деди:

– Стивен, шу ходимим қилган ишга ишонгим келмайди. У менга нафақат сўраган маълумотимни берди, балки айнан бизга зарур кўшимча хабарлар топиб келди. Бундан ташқари, энг хавотирли масалалар юзасидан таҳлил ўтказиб, натижা ва тавсиялари билан ўртоқлашди. Тавсиялар таҳлиллар билан, таҳлиллар эса берилган маълумотлар билан мутаносиб. Унга гап бўлиши мумкин эмас! Бизнеснинг бу томони билан бош қотирмаётганим яхши бўлди.

Келаси учрашувда, хўжайнин бошқарувчиларга доимгидек югурдақдек муомала қилди. Лекин бизнинг бошқарувчи бундан мустасно эди. Раҳбар ундан масала юзасидан фикрини сўради, тавсияларига қизиқди. Кўрганингиздек, унинг таъсир доираси кенгайди.

Бу ҳолат ташкилотда арининг инига чўп тиқди. Реактив бошқарувчилар бирлашиб, сұхбатларида проактив бошқарувчига кек ўқларини ёғдира кетди.

Реактивларнинг табиати шундай – ўзидан масъулиятни соқит қилишга уринади. «Мен жавобгар эмасман» дейиш анча хавфсизроқ. «Мен жавобгарман» десам, вакти келиб «Мен масъулиятсизман» дейишимиға тўғри келиши мумкин.

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

Бу осон эмас, албатта.

Шу тариқа, кўп сонли бошқарувчилар ўзларидаги масъулиятсизликни оқлаш учун сабаб, маълумот ва баҳона топишга куч сарфлади.

Бизнинг бошқарувчи бўлса, уларга нисбатан ҳам проактивларча ҳаракат қилди. Аста-секин унинг таъсир доираси жамоадаги бошқа бошқарувчиларни ҳам қамраб олди. Таъсир доираси кенгайишда давом этаверди. Вазият шунга етиб бордики, корхонадаги ҳар бир муҳим вазифа ёки лойиҳа шу бошқарувчининг маслаҳати ва тасдиғи билан бажариладиган бўлди. Раҳбар бундан чўчимади. Чунки у бошқарувчининг кучи ўзидағи ожизликни тўлдириб турганини биларди. Улар биргаликда ажойиб жамоага айланган эди.

Проактив бошқарувчининг муваффакияти вазиятга боғлиқ эмасди. Аслида, жуда кўпчилик бир хил вазиятда эди. Лекин у бошқалардан фарқли равишда таъсир доирасига эътибор қаратди. Вазиятга нисбатан реакцияси унинг муваффакият калити бўлди.

«Проактив» сўзини ўжар, жанжалкаш ёки ҳиссиз тарзда тушунувчи одамлар ҳам учраб туради. Бу тушунча мутлақо нотўғри. Проактив инсонлар ўжар эмас. Улар ақлли, қадрияларга риоя қилувчи бўлади. Шунингдек, ҳакиқатга тик қараб, нима қилиш зарурлигини фаҳмлай олади.

Маҳатма Гандини ёдга олинг. Унинг оппонентлари қонунчилик палатасида ўтирганча, Британия империясининг ҳинд халқига нисбатан тазиикини камайтириш тўғрисида қуруқ гац сотарди. Уларга қўшилмагани учун Гандига таъна тошини ёғдиришарди. Бу вақтда эса Ганди гуруч плантациялари бўйлаб сув кечиб юриб, дала меҳнаткашлари билан суҳбатлашди, аста-секинлик билан улар орасида таъсир доирасини кенгайтирди.

Халқнинг унга нисбатан ишонч ва садоқати тобора ортиб борди. Ганди ҳеч қандай расмий ёки сиёсий мавқега

эга бўлмаса ҳам, меҳр-муҳаббат, матонат, маънавий ишонч кўмагида Англияни оёқлари остига олиб келди. У кенг таъсир доирасининг кучи билан, уч юз миллион кишини сиёсий мустамлакадан озодликка олиб чиқди.

### «ЭГА БЎЛМОҚ» ВА «БЎЛМОҚ»

Асосан қайси доирага диккат қаратишимизни билиш учун «эга бўлмок» ва «бЎлмоқ» ўртасидаги фарқни аниқлаш кифоя. Хавотир доираси ҳамиша «эга бўлмок» билан тўладир. Масалан:

- Қанийди, кредитдан қутулиб, уйга тўлиқ эга бўлсайдим, баҳтли бўлардим.
- Агар яхшироқ директорга эга бўлсам...
- Агар сабрлироқ эrim бўлганда...
- Агар гапга кирадиган фарзандларим бўлса...
- Дипломга эга бўлсам...
- Агар ўзим учун кўпроқ вактим бўлганда...

Таъсир доираси эса «бЎлмоқ» билан тўлдирилган бўлади. Мисол учун:

- Мен сабрли бўла оламан.
- Мен доно бўла оламан.
- Мен севимли бўла оламан.

Кўриб турганингиздек, таъсир доираси феъл-атворга эътибор қаратади.

Муаммони ўзимиздан «ташқарида» деб ўйлашимизнинг ўзи муаммодир. Бунда ўша «ташқарида»ги нарсага ўзимизни топширамиз. Бу парадигма «ташқаридан ичкарига» деб аталиб, ташқаридаги вазият ўзимиз ўзгартирмасдан олдин ўзгаришидан иборатdir.

Проактив ёндашув – ичкаридан ташқарига ўзгариш: бунда одам дастлаб ўзини ўзгартириши, шу ўзгариш орқали ташқаридаги вазиятни ҳам ижобий ўзгартириши кўзда тутилади.

Менга «Эски аҳд»даги насроний анъаналарнинг моҳияти очиб берилган ҳикоялардан бири жуда ёқади. Бу ҳикоя 17 ёшида акалари Мисрга қул қилиб сотиб

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

юборган Юсуф ҳақида. У Потифар қўлида хизматкор бўлишни, акалари ва ўзини банди қилган кимсаларнинг заифликларига осонлик билан тоқат қила олганини тасаввур қилоласизми? Сабаби оддий: Юсуф проактив эди. У «бўлмок» устида ишлади. Ва орадан ҳеч қанча ўтмай, Потифарнинг хўжалик ишлари бошқарувчисига айландї. Юсуф энди Потифарнинг бор мол-мулкини тўлиқ бошқарап эди. Чунки улар ўртасида мустаҳкам ишонч барпо бўлганди.

Бир куни Юсуф мураккаб вазиятга тушиб қолади ва нафсиға эрк бермай, ҳалоллик йўлини танлади. Натижада, ноҳақдан 13 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Лекин у ҳамон проактив эди. Қамоқдалик чоғида Юсуф ўз зътиборини доимгидек таъсир доирасига йўналтириди; бирор нимага эга бўлиш ҳақида эмас, балки ўзи қандай бўлиши ҳақида фикр юритди. Охир-оқибат, даставвал, қамоқхонани, кейинчалик бутун Миср ҳалқини бошқаришга ўтди. Бу борада у фиръавндан кейинги иккинчи ўринда турарди.

Биламан, бу ғоя кўпчиликда кескин парадигма алмашинувига олиб келади. Муаммоларимиз учун атрофдаги одамларни ва вазиятларни айблаш анча осон. Бироқ биз ким «бўлишимиз», аҳволимизга таъсир қилиш ҳамда ҳаётимизни назорат қилиш учун жавобгармиз.

Турмушимда муаммо пайдо бўлса, рафиқамнинг айбини тинимсиз фош қилиш орқали нимага эришаман? «Менинг айбим йўқ» деб, ўзимни оқиз жабрдийда қиёфасига соламан; қийин вазиятда қобигимга ўралиб оламан. Шунингдек, умр йўлдошимга таъсир ўтказиш имкониятимни ҳам чеклайман – бетўхтов туртқилашм, айбловларим, танқидий муносабатим уни ўз камчиликларини қабул қилишига олиб келади. Танқидим рафиқамдаги менга ёқмаган хулк-авторни тўғрилашга ёрдам бермайди. Танқид қилганим сари вазиятни ижобий томонга ўзгартириш имконим ўлиб бораверади.

Турмушимни чиндан ҳам яхшилашни истасам, мен бевосита назоратим остидаги, таъсир доирарим ичидағи нарса, яъни ўз устимда ишлашни бошлайман. Турмуш ўртогимни ўзимга маъкул қолипга солишга уринишни тұхтатаман ва камчиліктеримни түғрилашга киришаман. Ажойиб умр йўлдоши бўлишга, жуфтимни севги ва муҳаббат билан таъминлашга диққат қаратаман. Рафиқам ҳам, умид қиласанки, проактивлик кувватини ҳис қилиб, худди шу тарзда жавоб қайтаради. Мабодо, бундай бўлиб чиқмаса ҳам, аҳволимни яхшилаш учун қиласиган энг ижобий усул ўз устимда ишлаш бўлиб қолаверади.

Таъсир доирасини ривожлантиришнинг бир нечта йўли мавжуд – эътибор билан тинглаш, жуфтингизга кўпроқ меҳр-муҳаббат кўрсатиш, намунали талабага айланиш, жонбоз ходим бўлиш ва ҳоказо. Баъзан биз бажара оладиган энг проактив вазифа – баҳтли бўлиш, самимий жилмайишдан иборат. Баҳт баҳтсизлик каби проактив танловдир. Шундай нарсалар борки, масалан, об-ҳаво – уларни таъсир доирасига киритолмаймиз. Лекин проактив одамлар сингари биз жисмоний ёки ижтимоий об-ҳавомизни ўзимиз билан олиб юришимиз мумкин. Айни вақт назоратимиздан четда бўлган воқеликларни борича қабул қилиш ҳамда бевосита назоратим остидаги масалаларга эътибор қаратиш баҳт эшигига элтувчи калитлардан биридир.

### ТАЁҚНИНГ ИККИНЧИ УЧИ

Эътиборимизни тўлиқ таъсир доирасига қаратишдан аввал, хавотир доирасига билишимиз ва диққат қилишимиз зарур бўлган икки муҳим жиҳат бор. Бу хато ва оқибатдир.

Ҳаракатларимизни танлашда эркин бўлсак ҳам, уларнинг оқибатини танлай олмаймиз. Оқибатлар табиий қонунлар назорати остида. Улар хавотир доирасига ташқарида. Катта тезликда келаётган поезд йўлида туриб олишимиз мумкин. Лекин поезд бизни туртиб юборганда

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

нима бўлиши бизга боғлиқ эмас.

Бизнес учрашувларида нохолис йўлларни танлашимиз мумкин. Бунинг ижтимоий оқибатлари турлича тус олса ҳам, феъл-атворимизга боғлиқ табиий оқибатлари бир хил бўлади.

Хулқ-атворимиз – тамойиллар орқали бошқарилади. Тамойиллар билан уйғунликда яшаш ижобий, уларга риоя кильмаслик эса ўз ўрнида салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Ҳар қандай вазиятда танлов имконимиз бор, шу билан биз у ёки бу оқибатга сабабчи бўламиз. «Таёқнинг бир учини кўтарганимизда, иккинчи учини ҳам кўшиб кўтарамиз».

Шубҳасиз, ҳар биримизнинг ҳаётимизда шундай вақтлар бўлганки, анча вақт ўтгач, нотўғри таёқ кўтарганимизни пайқаганимиз. Танловимиз оқибати салбий бўлган; яна бир имкон берилганда, бошқасини танлаган бўлардик. Оқибати салбий танловларни хатолар деб атаемиз. Улар жиддий эътиборга лойиқ иккинчи жиҳатdir.

Надомат чеккан инсонлар учун энг керакли проактив машқ – ўтмиш хатоларини тан олиб, уларни хавотир доирасидан чиқариб ташлашдир. Ҳақиқатга тик боқинг: ўтмишга қайтиб, шу хатоларни такрорламасликнинг, уларнинг оқибатини назорат қилишнинг иложи йўқ.

Ўғилларимдан бири колледж футбол жамоасида ўйнар эди. У дўстлари билан жиддий хатога йўл қўйган ҳар бир ўйиндан сўнг билагидаги чўзма боғични шақиллатишни одат қилганди. Ўғлим шу орқали хавотирларини аритиш, бир ўйиндаги хато иккинчисига салбий таъсир ўтказишига йўл қўймасликка кўникканди.

Проактив ёндашув қилинган хатони дарҳол тан олиш, тўғрилаш ва ундан хулоса чиқаришга ундаиди. Бу чин маънода омадсизликни муваффақиятга айлантиради. «Муваффақият муваффақиятсизликнинг иккинчи томонидир», – дейди ПВМ асосчиси Т.Ж.Уотсон.

Хатони тан олмаслик, тўғриламаслик ва ундан хулоса

чиқармаслик яна бир хатони бошлаб келади. Бу одамни ўзини алдашга, ўзини оқлашга ва рационал ёлғон тўкишга ўргатиб қўяди. Иккинчи хато ниқоблашдир, у биринчи хатони кучайтириб, унинг аҳамиятини бўрттиради ва инсоннинг ўзига қаттиқроқ зарар беради.

Энг кўп азобловчи нарса бошқаларнинг ёки ўзимизнинг хатоларимиз эмас, аксинча, шу хатоларга жавоб реакциямиздир. Бизни чақиб олган илоннинг ортидан кувиш оқибатида бутун танамизга заҳар тарқалади. Шунинг учун илонни таъқиб қилишни эмас, заҳарни танамиздан чиқариб ташлашни ўйлашимиз лозим.

Хатоларга нисбатан жавоб реакциямиз кейинги вужудга келажак вазиятнинг сифатига таъсир қиласди. Уларни вактида тан олиб, тўғрилашимиз жуда муҳим. Ана шундагина уларнинг келажагимизга асорати ўтмайди.

### **ВАЪДА БЕРИШ ВА УНИ БАЖАРИШ**

Таъсир доирамизнинг қоқ марказида ваъда бериш ва мажбуриятларни бажариш қобилияти жойлашган. Ўзимизга, бошқаларга берадиган ваъдамиз, шу ваъдаларга содиклигимиз проактивлигимизнинг моҳияти ва аниқ ифодаси саналади.

Бу, шунингдек, ўсишимизнинг моҳияти ҳамдир. Ўз-ўзини англаш ва виждан каби инсоний қобилиятларимиз орқали биз ожизлигимиз, ривожланишга муҳтоҷ қисмларимиз, яширин иқтидоримиз, ўзгартирилиши ёки бутунлай йўқ қилиниши зарур бўлган хусусиятларимиздан воқиф бўламиз. Сўнгра тасаввуримиз ва танлов эркинлигимиздан фойдаланиб, шу воқифлик асосида ҳаракат қилсак – ваъда берсак, мақсадлар қўйсак ва уларга содик қолсак – биз мустаҳкам феъл-атвор яратамиз. Мустаҳкам феъл-атвор эса, ҳаётимиздаги бошқа ижобий ўзгаришларга дебоча бўлади. Ўзимизга ва атрофдагиларга ваъда бериш, уни бажо келтириш туфайли ютуқларимиз аста-секин ортиб, камчиликларимиз камайиб боради.

Самарадорликнинг асосий кўникумаларини

## II КИСМ. ШАХСИЙ ГАЛАБАЛАР

ривожлантириш учун инсонда ўзига ваъда бериш ва уни бажариш қудрати мужассам бўлмоғи шарт. Билим, маҳорат ва истак ўз назоратимизда. Улардан бирини яхшилаш орқали ҳар учаласининг мувозанатини таъминлашимиз мумкин. Мувозанат тиклангани сари биз кўникмаларимиз пойдевори бўлган тамойилларга шўнғиб борамиз. Натижада ҳаётимиздаги самарадорликни оширишга хизмат қилувчи кучли феъл-автор яратамиз.

### ПРОАКТИВЛИК: ЎТТИЗ КУНЛИК ТЕСТ

Проактивликка эришиш учун биз Франклга ўхшаб ўлим лагеридаги қийноқларни бошдан кечиришимиз шарт эмас. Ҳаётнинг ғайриоддий босимларини енгиш учун проактив қобилиятимизни ривожлантириш кундалик воқеа-ҳодисалар замирида жойлашган. Проактивлик – ваъда бериб, уни бажаришимизда, йўлдаги тирбандликларга муносабатимизда, қайсар фарзандимиз ёки жаҳлдор мижозга нисбатан муомаламиизда кўринади. У муаммоларимизга қай кўз билан қарашимиз ва қувватимизни қаерга сарфлашимиизда акс этади. Проактивлик – нутқимизда намоён бўлади.

30 кун мобайнида проактивлик тамойилини текширинг. Шунчаки тестни синаб кўринг ва натижасига гувоҳ бўлинг. 30 кун давомида фақат таъсир доирангиз билан ишланг. Кичик ваъдалар беринг ва уларни бажаринг. Мулойим бўлинг. Бошқалар устидан шунчаки тестни синаб кўринг ва натижасига гувоҳ бўлинг. 30 кун давомида фақат таъсир доирангиз билан ишланг.

Буларни турмушингизда, оиласингизда, ишингизда синаб кўринг. Ўзингиз ва бошқаларнинг камчиликлари устида тортишиб ўтиранг. Хато қўлсангиз, тан олинг, тўғриланг ва хуласа чиқаринг – зудлик билан. Ҳеч кимни айбламанг. Назорат доирангиздаги нарсаларга эътиборингизни жалб қилинг.

Ўзингиз устингизда ишланг. «Бўлмоқ» устида ишланг. Бошқалардаги камчиликларга айлов эмас, ҳамдардлик

кўзи билан қаранг. Муаммо одамлар ниманидир бажармаёттанида ёки бажаришида эмас. Муаммо – сизнинг вазиятга реакциянгизда ва нима қилишингиз кераклигида. Миянгизга муаммо «ташқарида» деган фикр келса, дарҳол ўзингизни тўхтатинг. Бу фикрнинг ўзи муаммо.

Туғма озодлиги учун курашган одам кун ўтгани сайин аста-секинлик билан уни ривожлантиради. Буни амалга оширмаганларда эса озодлик ҳисси мутлақ ғойиб бўлади. Улар шунчаки ота-онаси, яқинлари ва жамият томонидан ёзилган бегона ҳаётни яшаб ўтади.

Биз ўз самарадорлигимиз, баҳтимиз ва, албатта, бошимизга тушажак аксарият вазиятлар учун ўзимиз жавобгармиз.

Самуел Жонсон шундай дейди: «Муваффақият фаввораси онгимиздан отилиб чиқиши керак. Инсон табиатидан бехабар ҳолда, ўзидан бошқа ҳамма нарсани ўзгартириш орқали баҳтга эришмоқчи бўлганлар бутун умрини беҳуда сарфлайди ҳамда ғам-азобларини икки баробар кўпайтиради.

Жавобгарликни ҳис этиш – самарадорлик, унга етакловчи ҳар бир кўникманинг бош омилидир.

### ҚЎЛЛАШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

1. Кун давомида ўзингиз ва атрофингиздаги инсонлар нутқини тингланг. «Агар...», «Бажара олмайман...», «Бажаришим шарт...» сингари реактив ибораларни қанчалик тез-тез қўллайсиз?
2. Ўтмишда бўлиб ўтган ҳодиса туфайли яқин келажақда дуч келишингиз мумкин бўлган ва сизни реактив хулқ-авторингизга сабаб бўладиган бирор воқеани аниқланг. Вазиятни Таъсир доирангиз нуқтаи назаридан келиб чиқиб қайта таҳлил қилинг. Проактив шахс сифатида ўзингизни қандай тутишингиз керак? Бир неча дақиқа вақт ажратиб,

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

| хаёлингизда келгуси вазиятни, проактив тарзда  
| реакция билдираётганингизни гавдалантиринг. Стимул  
| ва реакция ўргасида танлов эркинлигини ёдда сақланг.  
| Танлов эркинлигини доимий равишда машқ килишга  
| ахд қилинг.

| 3. Шахсий ёки профессионал ҳаётингиздаги анчадан  
| бери сизни қийнаб келаётган муайян бир муаммони  
| танланг. Бу муаммо қайси категорияга мансублигини  
| – бевосита ёки билвосита назоратингиз остидалигини  
| ёки назоратингиздан четдалигини аниқланг. Таъсир  
| доирангиздан келиб чиқкан ҳолда, муаммони ҳал  
| қилиш учун дастлабки қадам қандай бўлишини  
| аниқлаб, шу бўйича ишга киришинг.

| 4. Ўттиз кунлик проактивлик тестини синааб кўринг.  
| Таъсир доирангиздаги ўзгаришларни кузатиб боринг.

## **ИККИНЧИ КҮНИКМА: ЯКУНИНИ ЁДДА ТУТИБ ИШ БОШЛАНГ**

### **ШАХСИЙ ЕТАКЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ**

*Ўтмишда қолган ва олдинда турган нарсалар  
ишимиздагиларга қараганда арзимас хас кабидир.*

**ОЛИВЕР УЭНДЕЛЛ ҲОЛМС**

Илтимос, кейинги саҳифаларни ўқиши учун сокин ва ҳеч ким халал бермайдиган жой топинг. Ушбу сатрларда битилган ҳамда мен сиздан бажаришни сўрайдиган вазифалардан бошқа ҳамма нарсани миянгиздан чиқариб ташланг. Иш жадвалингиз, бизнес ёки оиласиз, яқинларингизни ўйлаб безовталанманг. Бутун дикъатингизни жамлаб, онг дарвозаларини кенг очинг.

Яқин инсонингиз жанозасини тасаввур қилинг. Сиз машинангизда дафн бюросига кетяпсиз. Етиб бордингиз. Машинани тўхтатиб тушдингиз. Ичкарига кирдингиз. Қаршингизда гуллар, сокин мусиқа эштилиб турибди. Йўл-йўлакай дўстларингиз ва оила аъзоларингизга кўзингиз тушди. Уларнинг юзида ачиниш ва маъюслик мужассам эди.

Ичкарига юриб, тўрда турган тобут қошига келдингиз ва унга назар солдингиз. Тобут ичида... ўз чехрангизни кўрдингиз. Бу – уч йилдан кейин бўлиб ўтадиган сизнинг жанозангиз эди. Атрофдаги одамларнинг барчаси сизни хотирлаш, сизга нисбатан муҳаббат ва хурмат ифода этиш мақсадида йигилганди.

Шундай қилиб, ўзингизга жой топиб ўтирдингиз, қўлингиздаги мотам дастурига қарадингиз. Тўрт киши нутқ сўзлаши ёзилган. Биринчи сўзловчи дунёнинг турли бурчакларидан етиб келган оила аъзоларингиз – фарзандларингиз, ака-сингил, жиянлар, амакиу

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

холаларингиздан бири бўлади. Иккинчи одам дўстларингиз орасидан чиқади ва сизнинг қандай шахс эканингизни сўзлаб беради. Сўнг навбат ҳамкасларингиздан бирига келади. Ва ниҳоят, сиз қатнаб юрган черков ёки жамоавий ташкилот аъзоси тўртингчи бўлиб нутқ ирод килади.

Энди эса чуқурроқ ўйланг. Ҳар бир сўзловчи сиз ва ҳаётингиз ҳақида нима дейишини истайсиз? Уларнинг сўзларида қандай турмуш ўртоқ, ота-она сифатида таърифланишни хоҳлайсиз? Сизга фарзанд ёки қариндош, дўст ёки ҳамкаслар ўлароқ қандай сифатлар берилишини орзу қиласиз?

Бу инсонлар феъл-авторингиз тўғрисида нималар айтишини истайсиз? Қандай ютуқ ва муваффакиятларингиз уларнинг ёдидаги қолишини хоҳлайсиз? Барчанинг юзига диққат билан қаранг. Уларнинг ҳаётида қандай роль ўйнадингиз?

Мутолаани давом эттиришдан аввал бир неча дақиқани ўйлаш ва хулоса чиқаришга бағишлисанг. Бу сизга 2-кўникмани тушунишингизда улкан ёрдам беради.

«Якунини ёдда тутиб иш бошлаш» нима дегани?

Юқоридаги тасаввур тажрибасига жиддий ёндашган бўлсангиз, сиз туб, асосий қадриятларингиз замирига етиб бордингиз. Тасир доирангизнинг қоқ марказидаги ички бошқарув марказингиз билан қисқа алоқа ўрнатдингиз.

Жозеф Аддисонга тегишли қуйидаги сўзларга эътибор қилинг:

«Буюк инсонларнинг қабрига қараганимда, қалбимдаги ҳасад ҳисси барҳам топади; гўзал аёллар хотирасига аталган таърифларни ўқисам, эҳтиросларим ғойиб бўлади; фарзандининг қабри узра кўз ёш тўкиб турган ота-онани кўрганимда, юрагим ҳамдардликдан эриб кетади; аксинча, ота-онаси қабри ёнида азият чекаётган фарзандларни кўрганда, қулоқ тутишимиз керак бўлган инсонларни йўқотгач қайғуга берилишимиз кечлигини ҳис қиласман; подшоҳлар ва уларни таҳтдан ағдарганларнинг ёки рақобат

туфайли дунёни иккига бўлиб ташлаган зотларнинг қабрини кўрсам, одамларнинг майда-чуйда баҳс-мунозаралари, тортишувларини афсус билан эслайман. Қабристонда турли қабрларни кўраман. Кимдир куни кеча, яна кимдир олти юз йил муккаддам жон таслим қилган. Бироқ, Қиёмат куни барчамиз замондош бўлишимизга ишонч ҳосил қиласман».

Иккинчи кўникмани ҳаётдаги хилма-хил вазиятларда кўллаш мумкин. «Якунини ёдда тутиб иш бошлиш» – бугунги кунингизни умрингиз якуни тўғрисидаги тасаввур, парадигма билан бошлашдир. Бунда ҳаётингизнинг ҳар бир қисми – бугунги, эрганги, бир неча ҳафта ва ойдан кейин хулқ-атворингиз – яхлит ҳолда кўриб чиқилади. Умрингиз якунини доимо ёдда сақлаш орқали кундалик ишлар жараёнида ўзингиз учун энг олий ўринда турадиган мезонни бузмайсиз. Шу билан бирга, ҳар куни ҳаётингиз ҳақидаги яхлит тасаввурингиз чиндан ҳам истаганингиздек амалга ошишига ҳисса кўшиб борасиз.

«Якунини ёдда тутиб иш бошлиш» деганда ўз манзилингизни аниқ тушуниб, сўнг ҳаракат бошлиш назарда тутилади. Бу – қаерда эканингизни аникроқ тушуниш ва ташлаган қадамларингиз тўғри йўналишда бўлиши учун қаерга кетаётганингизни билишингиз демакдир.

Ҳаётнинг тирбанд кўчаларида муваффакият нарвонидан юқорилар экансиз, фаолият тузогига илиниш, ҳаётнинг чигал кўчаларида адashiш ҳеч гап эмас. Айтарли самарарадорликка эришмасдан туриб жуда-жуда банд бўлиш эҳтимоли ҳам бор.

Одамлар кўпинча сароб ғалабага эришганини, кўп нарсаларни курбон қилиб эришган муваффакияти аслида ўзи истагандан кўра қадрсизроқ бўлиб чиққанини кеч англайди. Жамиятдаги турли қатлам вакиллари – шифокор, олим, актёр, сиёсатчи, тадбиркор ёки спортчилар – аксарият ҳолларда юқори даромад, шон-шухрат ёки маълум унвонга эришиш учун курашади. Охирида эса, уларнинг мақсади кўзини кўр қилгани туфайли ҳаётдаги энг

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

устувор қадриятларидан чалғиганини тушунади. Афсуски, бу устувор қадриятлар бир марта йўқотилдими, қайтиб тиклаб бўлмайди.

Биз учун нима энг муҳимлигини билган онимиздан бошлаб, ҳаётимизда катта ўзгариш содир бўлади. Энди биз ҳар куни қандай бўлишимиз, нималар қилишимиз лозимлигидан воқиф бўламиз. Бизнинг ишларимиз самарали бўлиши мумкин, бироқ биз якунни ёдда тутиб яшасаккина кўпроқ нарсага эриша оламиз.

Қабрингиз тепасида қандай сўзлар айтилишини исташингизни аниқлаб олсангиз, муваффақият асли нимада эканлигини тушуниб етасиз. Бу аввал сиз тўғри деб ўйлаганларингиздан тубдан фарқланиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Балки, биз истаган машҳурлик, пул, ютуқлар ва бошқа нарсалар чиндан истаганларимиз эмасдир.

Ўйни якун билан бошлаганингизда, дунёкарашингизда ўзгариш содир бўлади. Бир кишининг жанозасида шундай сухбат бўлган экан:

- У ўзидан нималар қолдирди?
- Ҳамма нарса!

### ҲАММА НАРСА ИККИ МАРТА ЯРАТИЛАДИ

«Якунини ёдда тутиб иш бошлаш» ғояси ҳамма нарса икки марта яратилади деган тамойилга асосланади. Бу тамойилга кўра, биринчиси руҳий, иккинчиси эса жисмоний ижод хисобланади.

Уй қурилишини олайлик. Пойдевор қуймасдан аввал уйингизнинг энг кичик деталларигача хаёлан пишириб оласиз. Орзунгиздаги уй ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилишга уринасиз. Агар бутун оиласиз, оилавий йигинлар учун қулай, болалар ўйнаши учун шароитлари етарли уйни режалайсиз. Сиз ғояларингиз билан ишлаб, нима қуришни аниқламагунча тасаввурларингизга дам бермайсиз. Сўнгра қурилиш режаларини кўриб чиқасиз. Буларнинг барчаси реал қурилиш бошланмасдан олдин рўй беради. Агар шундай

## ШАХСИЙ ЕТАКЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

қилмасанғиз, иккінчи, яньни жисмоний іжод бошланғандан сүңг, режаларингизга үзгариш киритилиши ва бу ортиқча сарф-харажатта олиб келиши мүмкін.

Дурадгорларда «Етти ўлчаб, бир кес» деган олтин қоюда бор. Бириңчи іжод үзингиз хохлагандек эканига, ҳамма тағсилотларни инобатта олганингизга ишонч ҳосил қиласыз. Шундан кейин жисмоний ишга киришасиз. Ҳар куни курилиш майдонига бориб, ғояларингизни рүёбга чиқариш учун керакли күрсатмаларни берасиз. Ана шу «Якунини ёдда тутиб иш бошлаш» бўлади.

Яна бир мисол тарикасида бизнесста назар солинг. Мұваффақиятли корхонага эга бўлишни истасанғиз, нимани амалга оширишингиз кераклигини ипидан игнасиғача аниклаштириб оласиз. Ҳаридорларга таклиф қилаётган хизмат ёки маҳсулотингиз тўғрисида диккат билан ўйлайсиз. Кейин шу мақсадингизни рүёбга чиқариш йўлида зарур бўладиган барча жиҳатлар, жумладан, молиявий, тадқиқот, ишлаб чиқариш операциялари, маркетинг, ходимлар ва шарт-шароитларни ташкиллайсиз. Ўйни қанчалик якун билан бошлаганингиз кўп ҳолларда корхонангиз мұваффақияти даражасини белгилаб беради. Бизнесдаги аксарият омадсизликлар руҳий іжоддаги нўноқликдан, капиталлаштириш, бозорни тушунмаслик ҳамда бизнес режанинг етишмаслигидан, бошқача айтганда, охирини ўйламай иш бошлашдан келиб чиқади.

Ота-оналар билан ҳам худди шу ҳолат юз беради. Масъулиятли, интизомли фарзанд тарбиялашни хоҳласанғиз, бу мақсадни болаларингиз билан кундалик мулоқотда ёдда тушишингиз шарт. Үзингизни уларнинг интизоми ва тарбиясини бузадиган тарзда тутмаслигингиз лозим.

Одамлар ушбу тамойилни ҳаётнинг турли жабжаларидә турли даражада кўллайди. Саёҳатга кетишингиздан аввал, манзилингизни аниклаштирасиз ва энг муносиб йўлни белгилайсиз. Боғ яратишдан олдин уни миянгизда

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР

шакллантирасиз, зарур бўлса, кўринишини қоғозга ҳам чизиб кўрасиз. Нутқ сўзлашдан аввал тайёргарлик кўриб, эслатмалар ёзасиз. Олдин дизайнини яратиб, сўнгра либос тикасиз.

Биз икки ижод тамойилини қанчалик яхши тушуниб, ҳар иккала ижодга ҳам бирдек масъулият билан ёндашсак, таъсир доирамиз шунча кенгаяверади. Бу тамойил билан уйғунликда ҳаракат қиласак, биринчи ижодни инобатга олмасак, таъсир доирамиз кичрайишига сабаб бўламиз.

### ДИЗАЙН БЎЙИЧАМИ ЁКИ СТАНДАРТ?

Барча нарса икки марта яратилиши табий тамойиллар. Бироқ биринчи ижоднинг ҳаммаси ҳам онгли равишда шакллантирилмайди. Шахсий ҳаётимизда ўз-ўзини англашни ривожлантирмасак ва биринчи ижодга масъулият билан қарамасак, таъсир доирамиздан ташқаридағи одамлар бизни ўз стандартлари бўйича қолипга солишига имконият яратиб берамиз. Оиламиз, яқинларимиз ҳамда бошқаларнинг тартиби, вазият тақозоси ва ўтмишимиз томонидан битилган сценарий бўйича умр кечиришга маҳкум бўламиз.

Бу сценарийнинг муаллифи одамлар бўлади, тамойиллар эмас. Ва улар ожизлигимизни юзага чиқариб, бошқаларга қарамлигимизни оширади, бизни қабул қилишлари ва севишлирага, аҳамиятли эканимизни ҳис қилишга муҳтожлигимизни кучайтиради.

Билсак-бильмасак, назорат қилсак-қиласак, ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида биринчи ижод мавжуд. Биз ё проактив шаклинизнинг иккинчи ижоди бўламиз, ёки бошқа одамлар, ўтмиш кўнималари ёки вазиятларнинг иккинчи ижодига айланамиз.

Ўз-ўзини англаш қобилияти, тасаввур ва виждон шарофати туфайли бизда биринчи ижодни текшириш имконияти бор. Айнан шу хусусиятлар сабабли биринчи ижодни ўзимиз яратиб, ҳаётимиз сценарийсини ўзимиз ёзишни уddyалай оламиз. Бошқача айтганда, биринчи

күнімка: «Сен ижодкорсан», – дейди. Иккінчи күнімка эса, бириңчи ижод бўлади.

### ЕТАКЧИЛИК ВА БОШҚАРУВ – ИККИ ИЖОД

Иккінчи күнімка шахсий етакчилик тамойилларига асосланган. Етакчилик эса бириңчи ижод саналади. Етакчилик – бошқарув эмас. Бошқарув – иккінчи ижод. Бу ҳақда кейинроқ, учинчи күнімдеги ўрганаётгандага тўхталамиз. Етакчилик ҳамиша бошқарувдан олдин келиши керак.

Бошқарув қуиғи поғонага диққат қилади: муайян вазифани қандай қилиб муваффақиятли тамомлашим мумкин?

Етакчилик эса юқори поғонага эътибор қаратади: мен қайси вазифаларни белгилашим керак?

Питер Дрюкер ва Уоррен Беннис таърифи билан айтганда, «Бошқарув – вазифани тўғри бажариш. Етакчилик эса тўғри вазифани бажаришдир». Бошқарув муваффақият нарвонидан кўтарилишдаги самарадорлик ҳисобланади; етакчилик эса, муваффақият нарвони тўғри деворга қўйилганини аниқлайди.

Бошқарув ва етакчилик ўртасидаги фарқни яққол тушуниш учун қўлидаги чопқилар билан чирмовуқларни кесиб, чангальзор ичра йўл очиб кетаётгандаги ишлаб чиқарувчилар гурухини кўз олдингизга келтиринг. Улар ишлаб чиқарувчи, яъни муаммони очувчилар ҳисобланади. Улар муаммони ҳал қилиш, йўлни тозалаш билан шуғулланмоқда.

Ишлаб чиқарувчиларнинг ортида бошқарувчилар келади. Бошқарувчилар чопқиларни ўткирлайди, ишлаб чиқариш қўлланмаларини яратади, ривожланган технологияларни олиб келади ва иш жадвалини ўрнатади.

Етакчи дарахтнинг учига чиқиб, вазиятни аниқлаб, «Бу бошқа чангальзор!» деб бақирадиган одамдир.

Шундай вазиятда, жуда банд, тиним билмай меҳнат қилаётгандаги ишлаб чиқарувчи ва бошқарувчилар қандай

## П ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

жавоб қайтаради: «Жим бўлинг! Биз олдинга силжияпмиз! Бизда ўсиш бор!»

Алоҳида шахс, гуруҳ ёки бизнес сифатида, биз кўпинча чирмовуқларни кесиши билан шунчалик банд бўламизки, бошقا чангалзорда ишлаётганимизни англамаймиз. Жадал ривожланаётган муҳитимиз эса ҳаётнинг мустақил ва ўзаро боғлиқ жабҳаларидағи самарали етакчиликка ҳар қачонгидан кўра эҳтиёж туғдиради.

Биз ҳозир йўл кўрсатувчи компас (йўлланма ёки тамойиллар жамланмаси) ва аниқликларга кўпроқ, йўл ҳаритасига эса камроқ муҳтојмиз. Баъзан олдинда бизни нима кутаётганидан бехабар бўламиз; йўл-йўлакай қарор қилиб кетаверамиз. Лекин ички компас ҳамиша йўналишни белгилаб беради.

Самарадорлик – ёки омон қолиш – чангалзордаги меҳнатимиз микдорига эмас, балки тўғри чангалзорда меҳнат қилаётганимизга боғлиқ. Кўплаб саноат ва касблардаги шиддатли ўзгариш жараёни ўз ўрнида, етакчиликни биринчи, бошқарувни эса иккинчи ўринга кўяди.

Бизнесда бозор шунчалар тез ўзгармоқдаки, бир неча йил муқаддам харидорларга хуш келган кўплаб маҳсулот ва хизматлар бугунга келиб урфдан қолмоқда. Проактив етакчи атроф-муҳитдаги ўзгаришлардан, айниқса, мижозларнинг харид одатлари ва мақсадларидан бир зум бўлсин кўз узмаслиги, шунга қараб манбаларни тўғри йўналтиришни ташкиллаши лозим.

Ҳукумат ҳаво йўллари саноатини назоратга олиши, тиббий хизматлар нархи осмонга ўрлаши, шунингдек, импорт машиналарнинг микдори ва сифати – ташки муҳитга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Агар саноатлар атроф-муҳитни, жумладан, ўз жамоасининг ишини кузатмаса ва тўғри йўналишда кетиш учун яратувчан етакчиликни ўрганмаса, ҳеч бир бошқарув услуги уларни инкиrozдан сақлаб қололмайди.

Самарали етакчиликка эга бўлмаган самарали бошқарув бир одам айтгандек «Титаник палубасидаги стулларни тўғрилашга ўхшайди». Бошқарув минг муваффакиятли бўлмасин, етакчиликдаги муваффакиятсизлик ўрнини тўлдира олмайди. Аммо етакчилик осон эмас, чунки биз кўпинча бошқарув парадигмасида тўхталиб қоламиз.

Сиетлдаги бир йиллик бошқарув ривожланиши дастурининг охирги сессиясида, бир нефть компанияси президенти олдимга келиб, «Стивен, дастурнинг иккинчи ойида етакчилик ва бошқарув ўртасидаги фарқни тушунтиргандингиз. Мен ўшанда компания президенти сифатидаги ролимга назар солдим ва ҳеч қачон етакчилик қилмаганимни англадим. Мен бошқарувга шўнғиб, янгидан янги қийинчилкларга қарши курашга кўмилиб кетибман. Шунинг учун бошқарувдан воз кечишига қарор қилдим. Бошқаларни ҳам шунга мажбур қилдим. Айни дамда мен ўз ташкилотимга чиндан ҳам етакчилик қилишни хоҳладим.

Тўғри, бошланишида бу жуда оғир бўлди. Мен кўп изтироб чекдим, чунки олдимда турган, зудлик билан ҳал қилиниши лозимдек туюлган шошилинч вазифалар билан шуғулланишни тўхтатдим. Етакчи сифатида бажараётган тўғри йўналишни аниқлаш, муаммоларнинг чуқур таҳлили, янги имкониятларни кўлга киритиш каби масалаларда қониқиши олмадим. Бошқалар ҳам бу ўзгаришлардан, ўзларига кулай муҳитни тарқ этишдан роса қийналишди. Улар мен яратган қулайликларни соғинишибди ва ҳар кунлик муаммоларини ҳал қилиб беришимни исташди.

Лекин барчасига дош бердим. Компаниямда етакчиликни таъминлашим зарурлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилгандим. Ва буни уddaладим. Бугунга келиб, бизнесимиз мутлақо ўзгача тус олди. Биз атроф-муҳит билан ҳамнафасмиз. Даромадимизни икки баробарга, соғ фойдамизни эса тўрт баробарга оширдик. Мен энди ҳақиқий етакчига айландим».

Ишончим комил, ота-оналар ҳам кўпинча бошқарув

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР

парадигмасида түхтаб қолади. Улар фақат назорат килиш, самарадорлик ва қоидаларга суюниб, йўналиш, мақсад ва оиласвий туйғуларни назардан қочиради.

Етакчилик шахсий ҳаётимизда ҳам етишмайди. Биз ҳатто ўз қадриятларимизни аниқламасдан туриб, мақсад қўйишга ва унга эришиш йўлида самарали бошқарув ўрнатишга муккасидан кетганмиз.

### ҚАЙТА СЦЕНАРИЙЛАШ: ЎЗИНГИЗНИ ИЖОД ҚИЛИНГ

Аввалроқ кузатганимиздек, проактивлик фақат инсонларга хос бўлган қобилият – «ўзини англаш»га асосланади. Проактивлигимизни кучайтириб, шахсий етакчиликни машқ қилишимизга кўмаклашувчи яна икки инсоний қобилиятимиз – тасаввур ва виждондир.

Тасаввур ёрдамида ичимиизда мавжуд иқтидорнинг яратилмаган оламини кўз олдимиизда шакллантира оламиз. Виждон орқали ўзимизгагина хос бўлган иқтидорнинг тамойиллари ёки универсал қонунлар билан алоқага киришамиз. Бу универсал қонунлар ривожланиш йўлида шахсий йўлкўрсаткичимизга айланади.

Шу вақтга қадар, умримизнинг анча қисмини бизга тақдим этилган кўплаб сценарийлар асосида яшаганимиз туфайли шахсий сценарийимизни ёзиш аслида «қайта сценарийлаш» жараёни ёки парадигма алмашинуви – бизда мавжуд айрим парадигмаларнинг ўзгариши хисобланади. Ҳаётимиздаги самарасиз сценарийлар, яъни ичимиздаги нотўғри ёки номукаммал парадигмаларни таниганимизда, проактив равишда ўзимизни қайта ёзишни бошлай оламиз.

Ўйлашимча, қайта сценарийлашнинг энг илҳомбаҳш намунаси Миср собиқ президенти Анвар Садат автобиографиясидир. Садат Истроил давлатига нисбатан қаттиқ нафрат сценарийси билан вояга етказилди. У миллий телеканалларда шу жумлани такрорларди: «Токи Араб тупроғининг бир қаричи бўлсин, Истроил қўлида экан, мен ҳеч қачон улар билан келиша олмайман. Ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон!» Шунда бутун мамлакат халқи

унга жўр бўларди: «Ҳеч қачон! Ҳеч қачон! Ҳеч қачон!» Садат бор куч ва энергиясини ана шу сценарий атрофида бирлашишга сарфлади.

Халкни жунбишга келтирган бу сценарий мустақиллик ва миллатпарварлик руҳида бўлибгина қолмай, ахмоқона ҳам эди. Садатнинг ўзи ҳам буни яхши биларди. Сценарий ўша даврдаги вазиятнинг нақадар хавфли ва ўзаро боғлиқлигини инобатга олмасди.

Шундай қилиб, Садат ўзини қайта сценарийлаштириди. У буни ёшлик чоғида, қирол Фаруҳга қарши фитнага кўшилиб қолгани туфайли ҳибсга олиниб, Коҳира Марказий қамоқхонасидаги 54-камерада ўтказган вақтларида ўргангандай эди. Шу ерда Садат ўз онгидан ташқарига чиқиб, ўзига қарашни, ундаги сценарийни таҳлил қилиш ҳадисини олганди. У миёсига дам бериб, медитация ёрдамида ўз сценарийси устида ишлаб, ўзини қайта сценарийлаштиришга одатланди.

Шундай бўлдики, Садат қамоқдаги хужрасидан умуман чиқишини истамай қолди. Чунки ҳақиқий муваффақият ўзи билан эканлигини англаш етди. Муваффақият нарсаларга эгалик қилишда эмас, балки ўз устингдан ғалаба қозонишда эди.

Насир хукумати даврида Садатнинг таъсир доираси камайтирилди. Ҳамма унинг руҳи синган деб ўйлади, лекин аслида ундай эмасди. Одамлар Садат ҳақида турли мишишлар тарқата бошлади. Улар уни тушунмасдилар. Садат кулай фурсатни пойларди.

Ўша фурсат етиб келиб, Садат Миср Президентига айланиб, сиёсий қарама-қаршиликларга дуч келганда, Исроилга бўлган сценарийсини ўзгартириди. У Куддусдаги Кнессетга ташриф буюрди ҳамда тарихдаги энг шов-шувли тинчлик ҳаракати бўлмиш Кемп-Девид битимиға имзо чекди.

Садат шахсий етакчиликни машқ қилиш, зарурий парадигмага эга бўлиш, муаммони кўриш услубини

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

ўзгартириш жараёнида ўзини англаш қобилияти, тасаввур ва виждонидан фойдаланишни улдалади. У «Таъсир доираси»нинг марказида ишлади. Ушбу қайта сценарийлаш миллионлаб инсонларнинг «Хавотир доираси»га дахлдор феъл-атвор ва муносабатни ўзгартирди.

Ўз-ўзимизни англаш жараёнини ривожлантиришда кўпчилигимиз самарасиз сценарийларга, биз учун сариқчақалик, туб қадриятларимизга номутаносиб кўникмаларга дуч келамиз. Иккинчи кўникма шундай кераксиз сценарийлар билан яшамаслигимиз керак дейди. Биз тасаввуримиз ва ижодкорлигимиздан фойдаланиб, янада самаралироқ, қадриятларимиз ва тамойилларимиз билан уйғун янги сценарий ёзишга жавобгармиз.

Тасаввур қилинг, мен фарзандларим билан муносабатда ўта реактивман. Улар нимаики қилмасин, нотўғри деб биламан ва асабларим таранглаша бошлайди. Мен жангга тайёрланаётгандек ҳимоя деворларимни тиклайман. Бу ўринда менинг дикқатим узоқقا мўлжалланган ўсиш ва тушунишга эмас, балки қисқа муддатли хулк-атворга йўналтирилган бўлади. Мен бутун бошли урушни зътибордан қочириб, шунчаки бир жангни ютишга ҳаракат қиласман.

Шундай қилиб, ўз қуролларимни – қўлимдаги куч ва ота сифатидаги мавқеимни ишга соламан, бақираман ё қўрқитаман, ё таҳдид қиласман ёки жазолайман. Якунда мен ғалаба қиласман; чишарчин бўлган муносабат қолдиқлари ўргасида ғолибона тураман. Болаларим эса ташқаридан итоаткор кўринсалар-да ичкарида исёнкор туйғуларини зўрга тийиб туради. Бу туйғулар кун келиб янада хунукроқ кўринишда ташқарига отилади.

Лекин ўз дағн маросимимда ўтирсам, болаларимдан бири сўз очишга тараддулланганда, унинг ҳаёти қисқа можароли тўқнапшувларни эмас, балки йиллар давомида муҳаббат билан сугорилган сабоқлар ғалабаси ва тартиб-интизомни әкс эттиришини хоҳлайман. Боламнинг

хотираси ва онги бирга ўтказган марокли вақтларимиз билан тўлишини истайман. Мени шодлик улашган ва улғайишида таянч бўлган севимли ота сифатида эслашини орзу киламан. Фарзандим муаммо ва ташвишлар билан олдимга келган пайтларини эслашини хоҳлайман. Мен мукаммал эмаслигимни, лекин жигаргўшам учун қўлимдан келган барча ишни қилганимни билишига муштоқман. Балки уни дунёда ҳеч ким мендек яхши кўрmas.

Юқоридагиларни хоҳлашимнинг сабаби – ич-ичимда, қалбим тўрида мен болаларимни қадрлайман. Уларни яхши кўраман, уларга ёрдам бергим келади. Мен оталик ролимни қадрлайман. Бироқ доим ҳам бу қадриятларни кўравермайман. Кўпинча майда нарсалар билан ўралашиб қоламан. Энг муҳим нарсалар муаммоларнинг босими остида қолиб кетади, ташқи омиллар ва хавотирлар сабабли реактив бўлиб қоламан. Шу тариқа, уларга бўлган муҳаббатим ва муносабатим ўргасида кичик тафовутлар юзага келади.

Ўзимни англаш қобилиятим, тасаввур ва виждоним бор экан, мен туб қадриятларимни таҳлил қила оламан. Кўлимдаги сценарий шу қадриятлар билан мутаносибликда эмаслигини англайман. Ҳаётим проактив дизайнда эмаслигини, балки вазиятлар ва бошқа одамлар томонидан яратилган биринчи ижод – руҳий ижод маҳсули эканлигини тушунаман. Ва мен ўзғара оламан. Хотиралар билан эмас, тасаввур кенгликларимда яшай оламан. Ўзимни чегараланган ўтмишга эмас, балки чексиз иқтидоримга боғлай оламан. Мен ўзимнинг биринчи ижодкорим бўлишни уddaрайман.

Якунни ёдда тутиб иши бошлаш – ота-она сифатидаги ва бошқа ролларимга аввало қадрият ва йўналишларимни аниқлаб ёндашиб демакдир. Бу биринчи ижодимга масъулият илиа қарашимни англатади; феъл-автор ва муносабатим асоси бўлмиш парадигмаларни энг чукур қадриятларимга мувофиқ, тўғри тамойиллар билан

## II КИСМ. ШАХСИЙ ГАЛАБАЛАР

хамоҳанг равищда қайта сценарийлаштиришни билдиради.

Шунингдек, «Якунни ёдда тутиб иш бошлиш» ҳар бир кунни онгимиздаги қадриятлар билан бошлиш дегани. Муаммо ва қийинчилик келганда шу қадриятларга асосланиб қарор чиқаришим лозим. Мен самимий бўла оламан. Мураккаб вазиятларда ҳаяжонга берилишим шарт эмас. Мен чин маънода проактив, қадриятларга бўйсунувчан бўла оламан, чунки қадриятларим қандайлигини яхши биламан.

### ШАХСИЙ ВАЗИФА БАЁНОТИ

Якунни ёдда тутиб иш бошлишнинг мен билган энг самарали йўли шахсий миссия баёноми ё фалсафаси, ёки эътиқодни ривожлантириш ҳисобланади. Бу сиз қандай бўлишни (феъл-атвор) ва нима қилишни (хиссадорлик ва ютуқлар) исташингиз ҳамда қандай бўлиш ва қандай қилиш асосидаги тамойилларга дикқат қаратади.

Ҳар бир шахс ўзига хосдир. Шахсий топшириқ баёноми шакл ва мазмун жиҳатдан ана шу ўзига хосликни акс эттиради. Дўстим, Ролф Керр, шахсий топшириқ баёномини куйидагича ифодалайди:

- Муваффакиятга эришишни уйингиздан бошланг;
- Илоҳий кўмак қидиринг ва қадрланг;
- Ҳеч қачон носамимий бўлманг;
- Хулоса чиқаришдан олдин ҳар икки томонни тингланг;
- Бошқаларнинг маслаҳатини ҳам инобатга олинг;
- Ўзи йўқ одамни ҳимоя қилинг;
- Самимий, аммо дадил бўлинг;
- Йилига битта қобилият шакллантиринг;
- Эрганги ишни бугун режаланг;
- Кутаётган пайтингизда ҳам фойдали иш билан шуғулланинг;
- Ижобий муносабатингизни сақланг;
- Юмор ҳисси бор бўлсин;
- Ишда ва турмушда тартибли бўлинг;
- Хато қилишдан кўрқманг – хатоларингиздан хулоса

чиқармасликдан кўркинг;

– Кўл остингиздагиларнинг муваффақиятта эришишида кўмаклашинг;

– Бир гапириб, икки тингланг;

– Зиммангиздаги вазифага рағбат кутмасдан, бор эътибор ва кучингизни сарфланг.

Иш ва оилани мувозанатламоқчи бўлган бир аёлнинг шахсий вазифа баёноти эса куйидагича:

– Доим карьерам ва оилам ўртасида мувозанат қидираман, чунки иккаласи ҳам мен учун муҳим;

– Уйим мен ва оилам, дўстларим ва меҳмонларим ўзини кулай, тинч ва баҳтиёр ҳис қиласиган жой бўлади;

– Мен ҳанузгача тоза ва тартибли, яшашга кулай муҳит яратиш йўлини излайман;

– Уйда нима ейиш, ўқиши, кўриш ҳақида жиддий ўйлайман;

– Мен, айниқса, болаларимга севишни ўрганишни, кулишни ва ўз қобилияtlари устида ишлаб, ривожлантиришни ўргатишни хоҳлайман;

– Демократ жамиятимиздаги фуқароларнинг эркинлиги, хукуқ ва мажбуриятларини қадрлайман;

– Мен мулоҳазали ва маълумотли фуқаро бўламан. Овозим эшитилаётгани ва берган овозим ҳисобга олинаётганини билиш учун сиёсий ҳаракатларда қатнашаман;

– Мақсадларимга етиш учун ўзим ташабbus билан иш бошлайман;

– Вазият ва имкониятларга қараб иш тутаман, ҳаракатнинг обьекти эмас, субъекти бўламан;

– Заарали кўникмалардан доим узоқ бўламан. Имконият ва қобилияtlаримни кучайтирувчи кўникмаларни саклашга ҳаракат қиласман.

– Пулим менинг хизматкорим бўлади, хўжайним эмас. Доим молиявий мустақиллик йўлини излайман. Хоҳишларим – талаб ва воситаларим субъекти бўлади;

## II КИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

– Узоқ муддатли уй ва машина кредитларидан ташқари ҳар қандай қарздорликдан сакланишга ҳаракат қиласман. Топганимдан камроқ харж қилишга ва ортиқча пул жамғарип, нимагадир сармоя киритишга интиласман.

– Бундан ташқари, бошқаларга курсандчилик улашиб учун хизмат кўрсатиш ё хайрия қилишга пул ва қобилиятимни сарфлайман.

Кўриб турганингиздек, шахсий вазифа баёноти худди шахсий конституцияга ўхшайди. АҚШ конституцияси сингари унинг ҳам асосини ўзгартириб бўлмайди. Ўтган 200 йил давомида унга 26 марта ўзгартириш киритилган, булардан 10 таси «Билл ҳукуқлари»да акс этади.

Кўшма Штатлар конституцияси бош қомус бўлиб, барча қонунлар унга мосланади. Бу шундай хужжатки, Президент қасамёдни қилаётганда уни ҳимоя қилишга ваъда беради. У одамларни фуқароликка қабул қилувчи таянчdir. У одамларни Фуқаролик уруши, Ветнам уруши, Уотергейт каби жароҳатларга ортиқ йўл кўймасликка даъват этади. У шундай мезонки, барча нарсалар унга боғланниб ва мосланиб ёзилади.

Конституция бугунги кунда ҳам энг муҳим вазифаларни бажармокда, чунки у Мустақиллик декларациясида келтирилган ҳақиқатлар тамойилига асосланган. Ушбу тамойиллар конституцияга шундай куч берадики, ижтимоий дудмаллик ва ўзгаришлар ҳам унга таъсир ўtkаза олмайди. «Бизнинг дахлизлигимиз, – деган эди Томас Жефферсон, – ёзилган конституциямиздир».

Шахсий вазифа баёноти якка одам учун ҳам ўмумий бўлган тўғри тамойилларга асосланади. У шахс конституциясига айланади. Яъни қарорлар қабул қилишда, ҳаёт йўлини танлашда, кундалик ҳаётимизга таъсир қиласиган ҳаяжонли вазиятларда қарор қилишимиз учун бош қомусимиз бўлади. У ўзгаришлар даври марказида инсонга бир хилда чексиз куч бағишлайди.

Ичидаги ўзгармас ядро бўлмас экан, одамлар ўзгариш

били яшай олмайды. Ўзгариш қобилятигининг калити эса кимлигингиз, нимага қизиқишиңгиз ва нимани қадрлашингиз хақидаги ўзгармас тасаввурингиздир.

Топшириқ баёноти орқалигина ўзгаришлардан ўта оламиз. Биз хеч қандай олдиндан баҳолаш ва хурофотга муҳтоҷ эмасмиз. Ҳақиқатни топиш учун ҳаётдаги бор билимларни эгаллаш, ҳамма нарса ва ҳамма одамни таснифлашнинг ҳожати йўқ.

Бизнинг шахсий муҳитимиз ҳам шиддат билан ўзгармокда. Бу катта тезлик ўзгаришларга тайёр эмасман деб ўйлаган ва мослаша олмаган одамларни четта улоқтириб ташлайди. Улар реактив бўлиб қолади ва ўзлари билан содир бўлган салбий воқеалар яхшиликка деган умид билан яшайди.

Лекин аслида бундай бўлмаслиги керак. Фашистларнинг ўлим лагерида Виктор Франкл нафакат проактивлик тамойили, шунингдек, ҳаёт ва мақсаднинг нақадар муҳимлигини ҳам тушуниб етган. У кейинчалик ривожлантирган ва ўқитган «Логотерапия» (мантиқ терапияси) кўплаб ақлий ва руҳий касалликлар аслида ҳаёт бемаънолигининг симптомлари деган фикрни илгари суради. Логотерапия шахсга ҳаётидаги ягона топшириқ – маънони топиб беришга ёрдам бериш орқали шу бўшлиқни йўқ қиласди.

Ўз топшириғингизни англағанингизда, ҳаракатларингиз моҳиятини топасиз. Сизда ҳаётингизни йўналтирадиган тафаккур ва қадриятлар мавжуд. Сизда узоқ ва қисқа муддатли мақсадлар томон асосий йўналишлар бор. Сизда аниқ тамойилларга асосланган ёзма конституция кучи бор. Бу вактингиз, қобиляят ва энергиянгиздан максимал даражада самарали фойдаланишга қаратилган ҳар бир қарорингизни ўлчаш имконини беради.

### МАРКАЗДА НИМА?

Шахсий мақсад баёнотини ёзиш учун, биз ўз таъсир доирамизнинг қоқ марказидан бошлишимиз керак. Бу марказ энг асосий парадигмаларимизни, дунёга назар солувчи линзамизни ўз ичига олади.

Айнан ана шу марказда биз дунёқарашимиз ҳамда қадриятларимиз билан тўқнашамиз. Айнан ана шу марказда ўзликни англаш қобилиятимиздан фойдаланиб, тамойилларимизни назорат қиласиз; уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини, қадриятларимизга мутаносиблигини текширамиз. Айнан ана шу марказда виждонимиздан компас ўрнида фойдаланиб, ўзимизга хос иқтидорларни аниқлаймиз. Айнан ана шу марказда тасаввуримиз ёрдамида истакларимизга интиҳо берамиз, ибтидоларимизга йўналиш ва мақсад бахш этамиз; оғзаки ва ёзма конституцияларимизга жон бағишлаймиз.

Шунингдек, айнан ана шу марказда сарфлаган қувватимиз юксак натижа қайд этади. Таъсир доирасининг марказида қанча кўп ишласак, уни шунча кенгайтирамиз. У ҳаётимизнинг ҳар жабҳасидаги самарадорликка сезиларли таъсир ўтказади.

Ҳаётимиз марказида нима бўлишидан қатъи назар, у хотиржамлик, йўналиш, донолик ва кудрат манбаи бўлиб хизмат қиласи.


*Хотиржамлик* – ўзингизни қадрлаш, шахс сифатида алоҳидалигингиз, ҳиссий мувозанат ва ўзингизга ишонч, феъл-авторингиз кучини ифодалайди.

*Йўналиш* – ҳаётда танлаган йўлингизни акс эттиради. У ҳаритангиз, атрофингизда рўй берадиган ҳодисаларни тўғри талқин қила олишингиз учун берилган ички андазангиздир. *Йўналиш* – ҳар лаҳзада қарор қабул қилиш ва уни амалга оширишни бошқариб турувчи яширин мезонлар ёки муҳим тамойилларни қамраб олади.

*Донолик* – ҳаёт борасидаги нуқтаи назарингиз, мувозанат ҳисси, турли тамойилларни қўллаш ва уларнинг

алоқадорлиги тұғрисидаги тушунчамиздан иборат. У хукм, мулохаза ва тушунишдан иборат. Донолик умумийлик, бирдамлик ва яхлитликпен.

*Кудрат* – ҳаракат қилиш имконияти, бирор нарсаны якунлаш күчидір. У қарор ва танлов қабул қилишдегі энг кераклы қувват ҳисобланади. Кудрат, шунингдек, эски күнікмалардан воз кечиб, янгиларини ўзлаштириш қобилиятидір.



Бу түрт омил – хотиржамлик, йұналиш, донолик ва кудрат ўзаро боғлиқ. Хотиржамлик ва түғри йұналиш чин доноликни олиб келади. Донолик эса үз ўрнида кудратни юзага чиқариш вазифасини бажаради. Ушбу омиллар үйғунликда, бир вактнинг ўзіда намоён бўлса, юксак шахсият, кучли феъл-атвор, гўзal хислатли шахсни яратади.

Бу омиллар ҳаётнинг ҳар қисмида мухимдір. Улар «ё ҳаммаси, ё ҳеч нарса» қабилида иш тутмайды. Қайси омил сизда күпроқ ривожланганини аввалроқ «Камолот чизиги»да бажарганимиздек, чизик чизиб билишингиз мумкин.

Пастки қаторда түрт омил жуда заиф. Сиз вазиятлар ва атрофдагиларга, бевосита назоратингиз йўқ нарсаларга қарамсиз. Юқори қаторда түрт омил жуда кучли. Сизда мустақил куч ҳамда бой, ўзаро муносабатлар учун

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

мустаҳкам пойдевор бор.

Хотиржамлигингиз ўта қатъиятсизлик ҳамда юқори ишончга эга барқарорлигингиз билан аниқланади.

Йўналишингиз – ижтимоий ойна ва нотурғун манбаларга ўта қарам ёки кучли ички ёндашув эгаси эканлигингизда акс этади.

Донолигингиз – ҳаётингиз тамойиллари акс этган ҳарита қанчалик тартибли ёки тартибсиз экани билан белгиланади.

Қудратингиз – ҳаракат обьекти ёки субъекти эканлигингизга қараб аниқланади.

Ушбу омилларнинг чизикдаги жойлашуви, уларнинг мувозанати, уйғунлиги ва ҳаётингизга таъсири – «Таъсир доирангиз маркази»нинг вазифасига мувофиқ амалга ошади.

### МУҚОБИЛ МАРКАЗЛАР

Ҳар биримизнинг ўз марказимиз бор. Шунчаки унинг мавжудлиги ва ҳаётимизга таъсирини доим ҳам сезавермаймиз.

Келинг, одатда одамларда учрайдиган марказлар – туб парадигмаларнинг айримларини кўриб чиқамиз. Шу орқали уларнинг юқорида танишганимиз – шахсиятнинг тўрт омилига, қолаверса, бутун ҳаётимизга ўтказажак таъсирини яхшироқ тушунамиз.

*Марказда – турмуш ўртоқ.* Никоҳ инсоний муносабатларнинг энг самимий, энг қониқарли, энг бардошли ва ривожланувчи тури хисобланади. Турмуш ўртоғингиз дикқат марказингизда бўлиши табиий ва одатий ҳол бўлиб туюлиши мумкин.

Бироқ тажриба ва кузатувлар бошқача кўрсатмокда. Йиллар давомида кўплаб муаммоли оилалар билан ишладим. Мен дуч келган, ҳаёт марказига турмуш ўртоғини кўйган одамлар турмушининг деярли ҳар бирида маълум ҳавф бор эди. Бу ҳавф – жуфтга бўлган кучли руҳий қарамликдан иборат эди.

Агар кадр-киммат, рухий ишонч ҳиссимииз никоҳимиздан яралса, турмуш ўртоғимизга қарам бўлиб қоламиз. Умр йўлдошимизнинг кайфияти, ҳиссиётлари, хулқ-атвори ва бизга нисбатан муомаласига, қолаверса, у билан муносабатимизга таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ташки омиллар, жумладан, фарзанд туғилиши, қариндош-уруғлар, иқтисодий кийинчиликлар ва ижтимоий ютуқларга ўта таъсирчан бўлиб қоламиз.

Масъулият кўпайиб, турмушимизда босим ошгани сари болалигимизда берилган сценарийга қайтишга мойиллашамиз. Худди шу ҳол умр йўлдошимиз билан ҳам юз беради. Бахтга қарши, иккимизнинг қўлимизда икки хил сценарий – молиявий масалалар, фарзанд тарбияси билан шугулланишининг икки хил усули бўлади. Бу орада қариндош-уруғлар билан боғлиқ муаммолар келиб чиқа бошлайди. Ана шу масалалар бизнинг никоҳимизга рухий қарамлигимиз билан кўшилганида, турмуш ўртоқка муносабатдаги заифликлар бўй кўрсатади.

Агар доим қарам бўлган инсон билан келишмовчиликка борсак, биздаги эҳтиёж ва зиддият бунга аралашади. Натижада севги ва нафратнинг ҳаддан ташқари ошиши, жанг ва курашишга мойиллик, чекиниш, тажовузкорлик, ғазаб, нафрат ва совуқ рақобат вужудга келади. Бундай вазиятда, хатти-ҳаракатимизни оқлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида эски кўникмаларимизга юз тутамиз, шу аснода турмуш ўртоғимизнинг кўникмаларига ҳужум бошлаймиз.

Алал-оқибат, ҳар сафар ўзимизни ожиз ҳис қилганда, жуфтимизни жароҳатлаб ўзимизни ҳимоялашга эҳтиёж сезамиз. Шунинг учун ҳар икки гапнинг бирида киноя, танқидни ишга соламиз. Бу йўл билан аслида қалбимиздаги меҳрибонликни ошкор қилишдан тийилмоқчи бўламиз. Биз ҳамиша жуфтимиздан ташаббус кўрсатиб, унут бўлаётган севгини ёдга солишини кутамиз. Лекин умидимиз чипшакка чиқиб, унга нисбатан айбловларимиз тўғри эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Лекин жуфтимиз ҳам ташаббус

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

биздан чиқишини кутиши хаёлимизга ҳам келмайди.

Марказда турмуш ўртоқ турувчи муносабатда, гарчанд ташқарида ҳаммаси жойида кўринса ҳам, хотиржамлик куруқ сафсатадир. Йўналиш – лаҳзалик ҳиссиётга суянади. Донолик ва қудрат эса икки томоннинг салбий алоқаларида йўқолиб қолади.

*Марказ – оила.* Инсонларда яна бир кенг тарқалган марказ оиласидир. Бу ҳам жуда табиий ва одатий туюлиши шубҳасиз. Бутун диққат-эътиборимиз қаратилган, асосий сармоя киритадиган майдон сифатида оила бизни чуқур муносабатлар, муҳаббат, баҳам кўриш, ҳаётимизни мазмунли ўтказиш учун зарур имкониятлар билан таъминлайди. Бироқ марказ сифатида у оилавий муваффақият учун керакли элементларни барбод қиласиди.

Ҳаёт марказига оиласини кўювчи одамлар ўз қадр-қиммати ёки ишонч ҳиссини оилавий анъаналар, урғодатлар ёки оила обрўсига боғлаб кўяди. Шу сабаб оиласидир бўладиган ҳар қандай ўзгаришга, унинг обрўсига таъсир этувчи омилларга нисбатан таъсирчан бўлади.

Марказида оила турувчи ота-оналарга фарзандларининг фаровонлигини таъминлаган ҳолда вояга етказиши учун зарур бўлган рухий озодлик ва қудрат етишмайди. Агар улар шахсий хавфсизлигини оила асосига курса, фарзандлари орқасидан машхур бўлишга эҳтиёжи туфайли болаларининг ўсиши ва ривожланишига узоқ муддатли сармоя киритишдан чалғиради. Ёки фарзандининг қисқа муддатли тўғри хулқ-атворига диққат қаратади. Нотўғри кўринган ҳар қандай феъл-атвор, хатти-харакат уларнинг хавфсизлигига таҳдид солади. Бундай ота-оналарни лаҳзалик ҳиссиётлар бошқаради, боласидан осонгина хафа бўлади ёки жаҳли чиқади. Қизиқконлигидан фарзандини қаттиқ жазолашгача бориши мумкин. Улар ўз жигаргўшасини вазиятга қараб яхши кўради. Бола ўзини яхши тутса яхши, ёмон тутса ёмон ота-она бўлади. Бу эса ўсаётган боларнинг юрагида ғалаён кўзғаб, исёнкорга

айлантиради.

*Марказ – пул.* Инсонлар ҳәтидаги энг мантикий ҳамда күп учрайдиган марказ – пул топиш. Молиявий мустаҳкамлик ҳәттнинг ҳар бир жабҳасида эркин бўлиш имконини беради. Эҳтиёжлар кетма-кетлигида жисмонан тирик қолиш ва молиявий мустаҳкамлик биринчи ўринда туради. Ана шу икки эҳтиёж қондирилсагина, бошқа эҳтиёжлар ҳақида ўйлаш мумкин бўлади.

Шубҳасиз, кўпчилигимиз иқтисодий хавотирларга дуч келамиз. Ташқи муҳит иқтисодий ҳолатимизга таъсир ўтказа олади ва ўтказади ҳам. У туфайли тез-тез ташвишга тушамиз, лекин бу доим ҳам онгли равишда юз бермайди.

Баъзан пул топиш учун олийжаноб сабаблар бордек туколади. Масалан, пул топиб оиласизга ғамхўрлик қила оламиз ва бу жуда муҳим. Бироқ пул топишни ҳәтилимиз марказига қўйиш турли хатоликларни келтириб чиқаради.

Ҳәтилимиз манбаи бўлган тўрт омил – хотиржамлик, йўналиш, донолик ва қудратни эсланг. Энди тасаввур қилинг, мен ўз хотиржамлигимни топаётган даромадим ҳисобига қурганман. Ушбу иқтисодий асосга беҳисоб ташқи омиллар таъсир қилар экан, буларни ўйлаб мен ўз-ўзидан хавотирга тушаман, пулимга таъсир қилувчи ҳар нарсага нисбатан ўта эҳтиёткор муносабатда бўламан. Шахсий қадр-қимматимни банкдаги ҳисоб рақамим билан ўлчасам-у, пулим камайиб қолса, ўзимни жуда ожиз ва нотавон ҳис қиласман. Аммо иш ва пул менга донолик ҳам, йўналиш ҳам бермайди. Факат чекланган микдордаги қудрат ва хотиржамлик билан таъминлайди, холос. Пулни марказлаштириш ўзим ва яқинларим ҳәтини инқирозга олиб келади.

Пулни қадрловчи инсонлар одатда оила ва ҳәётдаги бошқа вазифаларини иккинчи ўринга тушириб, «иктисодий эҳтиёжлар биринчи ўринда туради» деб ўз хатти-харакатини оқлааб қўяди.

Бир дўстим билан шундай воқеа юз берганди. У

## П ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

фарзандларини циркка олиб боришга ваъда беради. Айтилган кун келганида дўстимга қўнғироқ бўлади ва зудлик билан ишга етиб боришни сўрашади. Бироқ у рад этади. Рафиқаси дўстимга ишга боргани маъкуллигини айтади. Дўстим эса: «Иш топилади, аммо болалик топилмайди», – дея жавоб қайтаради. Фарзандлар умрининг охиригача отасининг бу олийжаноблигини нафақат дарс, шунингдек, меҳр-муҳаббат рамзи сифатида ҳам қалбида сақлаб юради.

*Марказ – иш.* Орамизда шундай инсонлар борки, улар ўз соғлиғи, муносабатлари ва ҳаётидаги бошқа жиҳатларни иш учун қурбон қиласиди. Ҳаёти марказига ишни қўювчилар ана шундай ишга мукласидан кетган бўлиб қолиши ҳеч гапмас. Улар ўзлигини аниқлашда касбига суюнади – «Мен шифокорман», «Мен ёзувчиман», «Мен актёрман».

Ишга марказлашган одамлар ўз қадр-қимматини иши билан белгилагани туфайли улар ишига халал берувчи нарсаларга нисбатан таъсиран бўлиб қиласиди. Улар фақаттинга ишга бўлган талаби фаоллашгандагина тўғри йўналишда эканлигини ҳис қиласиди. Уларнинг ақли ва кучи иши доирасида чекланган, ҳаётнинг бошқа соҳаларида самарасиз кўринади.

*Марказ – мулк.* Кўпчиликни ҳаётда ҳаракатлантирувчи куч – мулк. Гап нафақат моддий мол-мулк – замонавий кийимлар, уйлар, машиналар, қайиқлар ва тилла тақинчоқлар, балки номоддий мулк, масалан, шон-шуҳрат, шон-шараф, ижтимоий обрў ҳақида кетяпти. Ўз тажрибамидан келиб чиқиб, кўпчилигимиз ҳаётимиз марказига мол-мулкни қўйиш қанчалик хатолигини яхши биламиз, чунки у бир зумда йўқолиши мумкин, шунингдек, кўплаб ташқи кучлар таъсири остида бўлади.

Агар хотиржамлигим менинг обрўйим ёки менга тегишли нарсалар билан ўлчанса, шу мол-мулклар бир кун келиб йўқ бўлиб кетишидан, ўғирланишидан ёки қадрсизланишидан доимо юрагимни ҳовучлаб яшайман.

Мендан кўра кўпроқ даромад топувчи, юқори мавқега эга ва мендан машхурроқ инсонлар орасида бўлганимда эса, ўзимни паст ва тубан инсон сифатида кўра бошлайман. Лекин у одам мендан кўра камроқ даромад топса, обрўси ва шон-шухрати меникидан камроқ бўлса, унда ўзимни у кишидан устунроқ хис қиласан. Ўзимга бўлган ишонч мудом ўзгаради. Менда барқарорлик, бирор нарсани маҳкам тутиш ва қатъият йўқ. Ҳамиша юқори сифатларимни, мол-мулкимни, хотиржамлигимни, ҳаётдаги ўрнимни ва обрўйимни ҳимоя қилишга ҳаракат қиласан. Сиёсий қарама-қаршиликларга учраш оқибатида обрўсидан ажralиш ёки акция бозорларида жуда кўп микдордаги бойликларини йўқотиш натижасида ўз жонига қасд қилган одамлар ҳақида кўп эшитган бўлсангиз керак. Уларнинг қисмати ҳаёт марказига мол-мулкни қўйиш оқибати ҳақида яхшигина сабок бўлади.

*Марказ – лаззат.* Мол-мулк билан ҳамоҳанг юрувчи марказлардан бири – лаззат ва ўйин-кулги маркази ҳисобланади. Биз лаззат ҳамма ерда ҳамма учун мавжуд дунёда яшаемиз. Телевизор ва кинолар бунда жуда муҳим ўрин тутади, чунки улар одамларга қандай қилиб осон, завқли ва жозибадор ҳаётда яшашни очик-ойдин кўрсатади.

Лекин экранларда, ҳаёт марказига лаззат қўйилган турмуш тарзининг инсон ички дунёсига, самарадорлиги ва бошқалар билан муносабатига таъсири доим ҳам очиб берилмайди.

Меъёрий заарсиз завқлар танамиз ва ақлимизга ҳузур бериб, оилавий ҳамда бошқа муносабатларни ривожлантириши мумкин. Бироқ завқнинг ўзи якка ҳолда ҳеч қачон чукур қаноат ва муваффақиятга эришиш туйғусини бера олмайди. Лаззатга интилувчи инсонлар унга эришгач, тезда зерикиб қолади ва янада кўпроғини исташни бошлайди. Янги завқ янада каттароқ, яхшироқ, ҳаяжонга соладиган ва кўпроқ қувонч бағишлайдиган бўлиши керак. Бу ҳолатдаги инсонлар деярли жуда кучли

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

гедонисттага айланиб, ҳаётни фақат лаззат келтирувчи нарса сифатида тушунади.

Узок муддатли таътиллар, кинолар, видео ўйинлари, интизомсиз ўтган бўш вақт умримизни совуради. Бу эса ўз навбатида, имкониятларимизнинг камайишига, қобилиятларимизнинг ривожланмай қолишига, мия ва руҳимизнинг ланж бўлишига, юрагимизнинг ишдан чиқишига кафолат бўлади. Биздаги хотиржамлик, йўналиш, ақл ва куч қаерга кетди?

Малком Маггеридж ўзининг «21-асрга йўлланма» асарида шундай ёзади:

«Баъзан ўтган умримга назар ташласам, бир нарсадан ажабланаман: олдин жуда аҳамиятли ва жозибали кўринган нарсалар ҳозир жуда туссиз ва ахмоқона кўринади. Масалан, ҳар қандай муваффакият: машҳур бўлиш ва мақтаниш, аёллар билан кўнгилхушлик қилиш ёки бойлик орттириш каби кўзга кўринадиган лаззатлар, шайтонга ўхшаб дунёнинг у четидан бу четига саёҳат қилиб, хушимиизга келганини қилиш ҳозир мен учун заррача кийматга эга эмас.

Орта бир назар солсак, эҳтиёжимизни қондиришдаги барча хатти-ҳаракатлар ғирт хомхаёл, Паскал айтганидек, «Ерни ялаш» экан.

*Марказ – дўст/душман.* Ҳаёт марказига дўстини кўйиш, айникса, ёшларда кўп учрайди. Бирор гурухга қабул қилиниш ёки тегишли бўлиш улар учун жуда муҳим. Доим ўзгариб турадиган ижтимоий даврамиз бизни уларнинг хатти-ҳаракатларига, муносабатларига, ҳис-туйгуларига ва доимий ўзгарувчан кайфиятига тобе қиласди, ҳаётимизни қуришда ёрдам берадиган тўртта омилнинг асосий манбасига айланади.

Дўстга марказлашув турмушимизнинг катта-кичикилигига қараб, фақат битта инсонни назарда тутиши ҳам мумкин. Ҳаётимиз марказига дўстимизни кўйиш оқибатида бир инсонга руҳий қарам бўлиб қолиш, эҳтиёж/

зиддият спиралининг ўсиши ва салбий муносабатлар ривожланиши эҳтимоли бор.

Хўш, душманизни ҳаётимиз марказига қўйсак нима бўлади? Кўпчилик бу ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Ҳеч ким буни онгли равишда қилмаса ҳам керак. Шунга қарамай, бу тез-тез юз берадиган ҳодиса саналади, айниқса, ҳақиқий можароси бор икки инсон доимий алоқада бўлиб турган ҳолатларда кўп учрайди. Тасаввур қилинг, руҳий ёки ижтимоий жиҳатдан муҳим ҳисобланган шахс сизга адолатсизларча муносабатда бўлди. Энди шу адолатсизлик билан банд бўлишингиз ҳамда ўша шахсни ҳаётингиз марказига айлантириб қўйишингиз жуда осон. Ҳаётингизни проактивларга хос тарзда давом эттириш ўрнига уни душман сифатида қабул қиласиз, ҳар бир хатти-ҳаракатига муносабат билдирасиз.

Университетдаги дўстларимдан бири қайсиdir бошқарувчи билан яхши чиқиша олмай, низога бориб қолди. Шундан сўнг у ўша бошқарувчи ҳақида ўйлашга шу даражада муккасидан кетдики, ўзи билмаган ҳолда душманини ҳаётининг марказига чиқариб қўйди. Дўстимнинг бутун фикр-хаёlinи душман деб билган одами эгаллади. Бу эса ўз навбатида унинг оилавий муносабатларига, ибодатию ҳамкасларига таъсир кўрсатди. Вазият шу даражага етдики, дўстим университетдан кетиб, бошқа жойда ишлашга қарор қилди.

– Агар бошқарувчи бўлмаса, университетдан кетмасмидинг? – деб сўрадим ўндан.

– Шундай, – жавоб берди дўстим. – Лекин у шу ерда экан, мен қололмайман.

– Нега уни ҳаётинг марказига айлантирединг? – сўрокқа тутдим дўстимни.

У саволимдан саросимага тушди ва фикримни инкор этди. Лекин мен унга қандайдир шахс туфайли яқинлари билан муносабати, иши, бутун бошли ҳаёти издан чиқаётганини тушунтириб бердим.

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР

Дүстим ниҳоят «душман» и ҳаётига катта таъсир ўтказаётганини тан олди, бироқ танлов ўзиники эканини тан олмади. У ўргадаги ёқимсиз вазият учун бошқарувчини жавобгар қилиб, ўзи масъулиятдан бўйин товлади.

Секин-секин сұхбатлашар эканмиз, дўстим вазият учун жавобгарлигини, бироқ шу жавобгарликни уddyалай олмагани туфайли масъулиятсизлик қилаётганини англай бошлади.

Бу ҳол кўпчилик билан рўй бериши мумкин. Шундай одамлар бор, собиқ турмуш ўртоғига бўлган нафрат ва газабини ҳамон ичидаги сақлаб юради ва бундан фақат ўзи қийналади.

Кўпгина вояга етган фарзандлар ўз ота-оналарини очиқчасига ёки яширин тарзда ёмон кўриб яшайди. Фарзандлар уларни ўтмишдаги ҳақоратлари, бепарволиклари учун айблашади ҳамда ўз ҳаётларини шу алам ва оқлашларга бағишлайди.

Ўз дўстини ёки душманини ҳаёти марказига қўйган инсонда ички ҳаловат бўлмайди. Ўзини қадрлаш туйғуси бекарор бўлиб, рухий ҳолати ёки бошқалар хатти-ҳаракати ёрдамида фаоллашади. Йўналиш бошқаларнинг унга берган жавоби натижасида юзага келган фикрдан пайдо бўлади. Донолик – ижтимоий линза ва душмандан ҳаёлни олмаслик оқибатидаги хавотир туфайли тўхтайди. Бундай шахснинг кучи йўқ, бошқалар кўлида қўғирчоққа айланади.

*Марказ – дин.* Ишонаманки, динга жиддий ёндашувчи ҳар бир инсон тоат-ибодат билан шахсий маънавият синоним эмаслигини яхши билади. Шундай инсонлар борки, тоат-ибодатга муккасидан кетади ва атрофдаги бошқа инсоний эҳтиёжларга лоқайд қараб, ўзи чин дилдан ишонувчи ақидаларга қарши бораётганини сезмайди. Яна шундай турдаги шахслар учрайдики, улар динга берилиб эътиқод қилмайди, черков ёки масжидларга камдан-кам чиқади ёки умуман чиқмайди, бироқ хулқ-атворида чинакам ижобий диний одоб ва тамойиллар акс этади.

Ҳаётим давомида кўплаб диний жамиятларга қатнашиб юрдим ва бир нарсага иймоним комил бўлди: масжидга, черковга бориб, диний маъруза тинглаш бошқа, тинглаган маърузани ҳаётда кўллаш бошқа.

Тоат-ибодат қилишда фаол бўлишингиз мумкин. Лекин бу ҳакиқатан ҳам динга амал қилаёттанингизни англатмайди.

Ҳаёти марказига тоат-ибодатни қўйган инсонларда зоҳирий кўриниш бирламчи ўринга чиқади. Бу эса ўз навбатида риёга сабаб бўлади. Риё шахсий хотиржамлик ҳамда ички қадр-қимматни заифлаштиради. Уларнинг йўналиши ижтимоий виждан асосида яралади. Бундай кишилар атрофидагиларга «художўй», «коғир», «христиан», «радикал» ва ҳоказо ёрликлар ёпиштиради.

Ибодатхона, масжидлар ўз сиёсати, дастурлари, урфодати ва одамлардан ташкил топган расмий ташкилот бўлгани туфайли инсонга ички қиймат, доимий хотиржамликни бера олмайди.

Ибодатхона яна инсонга доим ҳам тўғри йўлни кўрсата олмайди. Ибодатга ўта муккасидан кетган кишилар одатда бошқалардан ажралиб яшайди. Улар ўзини ибодатга борадиган кунлари бошқача, иш кунлари эса умуман бошқача тутади. Яхлитлик, бирдамлик ва ҳалолликнинг етишмаслиги уларнинг хотиржамлигини ўғирлайди, ўзини оқлаш ва одамларга янада кўпроқ ёрлик илиш эҳтиёжи ошишига сабаб бўлади.

Тоат-ибодатни сўнгти нуқтага етиш чораси эмас, балки сўнгги нуқта сифатида кўриш инсоннинг донолиги ва мувозанат хиссини чеклайди. Асалнинг ҳам ози ширин дейишиади. Тоат-ибодат билан хўжакўрсинга шуғулланиш ўрнига, муқаддас динларнинг чин инсоний тамойилларини ҳаётда кўллаш фойдалирокдир.

*Марказ – ўзлик.* Ҳозирги кунда энг кўп учрайдиган марказ шахснинг ўзидир. Ҳаёт марказига ўзини қўйишнинг бир шакли кўпчилик инсонларнинг қадрини бузувчи

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

худбинлик ҳисобланади. Лекин ривожланиш ва шахсий қадр-қийматни ўргатувчи машхур ёндашувларнинг аксарияти асос қилиб ўзлик марказини танлайди.

Бутун эътиборини ўзига қаратган инсонларда хотиржамлик, йўналиш, донолик ва қудрат чекланган миқдорда бўлади. Фаластиндаги Ўлик денгиз каби улар фақат олади, лекин ҳеч қачон бермайди.

Бошқа томондан қараганда, агар инсон хизмат қилиш, ишлаб чиқариш, ўсишга ҳисса қўшиш мақсадида ўзини ровожлантиришга эътибор қаратса, у ҳолда ҳаётни қўллаб-кувватловчи тўртта омилнинг жиддий юксалишига туртки бўлади.

Юқорида санаб ўтганларимиз ҳаётга қай тарафдан қарашни белгилаб берувчи марказлардир. Одатда, ўзимизнинг марказимиздан кўра бошқанинг марказини кўриш осонроқ. Балки сиз пулни ҳамма нарсадан устун кўядиган инсонни танирсиз? Балки атрофингизда ким биландир доимий жанжаллашиб, ўзини оқлаш учун бор куч-кувватини бағишловчи инсон топилар? Бирор кишининг ҳаётий марказини аниқлаш учун уни дикқат билан кузатиш кифоя.

### ЎЗ МАРКАЗИНГИЗНИ АНИҚЛАНГ

Лекин ўзингиз-чи? Сизнинг ҳаётингиз марказида нима туради? Ўзимизни таҳлил қилиш доим ҳам осон бўлавермайди. Буни аниқлашнинг энг самарали усули энг зарур омилларга яқиндан қарашдир. Қуйидаги таърифлардан ўзингизга мосини топинг. Ана шунда самарадорлигингизни чеклаётган марказни аниқлашга муваффақ бўласиз.

**Ҳаётингиз марказида турмуш ўртоғингиз бўлса:  
ХОТИРЖАМЛИК**

Хотиржамлигингиз умр йўлдошингизнинг сизга нисбатан муомаласига боғлиқ;

**Жуфтингизнинг кадрияти ва туйғуларига нисбатан**

## ШАХСИЙ ЕТАКЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

жуда таъсирчансиз;

Турмуш ўртоғингиз сизнинг фикрингизга қўшилмаса ёки айттанингизни бажармаса, кўнглингиз қаттиқ оғрийди ва натижада зиддият келиб чиқади;

Турмушингизга таъсир ўтказувчи ҳар қандай омилни таҳдид сифатида қабул қиласиз.

### ЙЎНАЛИШ

Сиз турмуш ўртоғингиз хоҳишларини инобатга олиб, йўналиш танлайсиз;

Доим жуфтингиз учун маъқулини қилишга уринасиз, натижада қарор қабул қилишингиз чекланиб қолади.

### ДОНОЛИК

Дунёқарашингиз умр йўлдошингиз ёки муносабатларингизга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатувчи нарсалардан ташкил топган.

### ҚУДРАТ

Турмуш ўртоғингизнинг заифликлари туфайли имконингиз чекланган.

\* \* \*

Агар ҳаётингиз марказида оилангиз бўлса:

### ХОТИРЖАМЛИК

Сизнинг хотиржамлигинги оилангиз талабларини адо этиш, оилангиздаги ўрнингизга асосланган;

Шахсий қадр-кимматингизни оилангиз обрўсига қараб белгилайсиз.

### ЙЎНАЛИШ

Хулқ-авторингиз ва муомалангизни оилангиз истаги асосида яратасиз;

Қарор қабул қилишда оила аъзоларингиз истагига қарайсиз.

### ДОНОЛИК

Сиз ҳаётни оилангиз намунасида тушунасиз.

### ҚУДРАТ

Оилавий анъаналарга риоя қилиш қудратингизни

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР

чеклаб қўяди.

**Агар ҳаётингиз марказида пул бўлса:**

**ХОТИРЖАМЛИК**

Бор хотиржамлигингизни пулингиз микдори билан ўлчайсиз;

Иқтисодий аҳволингизга таъсир кўрсатадиган ҳамма нарса олдида жуда таъсирчансиз.

**ЙЎНАЛИШ**

Қарор қабул қилаётганда фақат моддий фойдангизни ўйлайсиз.

**ДОНОЛИК**

Дунёқарашингиз пул топишга боғланиб қолган. Ҳар нарсани пул билан ўлчайсиз.

**ҚУДРАТ**

Кучингиз фақат пул билан ҳал қилиш мумкин бўлган нарсаларга етади, холос.

\* \* \*

**Ҳаётингиз марказида иш бўлса:**

**ХОТИРЖАМЛИК**

Ўзингизни эгаллаган касбингиз орқали таърифлайсиз; Фақат иш вақтида хотиржам бўласиз.

**ЙЎНАЛИШ**

Қарор қабул қилаётганда ишингиз талаблари ва заруриятларидан келиб чиқасиз.

**ДОНОЛИК**

Дунёқарашингиз ишдаги ролингиздан келиб чиқади.

**ҚУДРАТ**

Ҳаракатларингиз иш, ташкилий масалалар, иш имкониятлари, раҳбарингиз фикрлари билан чекланиб қолган.

\* \* \*

**Агар ҳаётингиз марказида мол-мулк турса:**

**ХОТИРЖАМЛИК**

## ШАХСИЙ ЕТАКЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Ижтимоий мавқеингиз, обрӯ ва моддий мол-мулкингиз хотиржамлигингизнинг асосий гарови ҳисобланади;

Ўзингиздаги нарсаларни бошқалардаги нарсалар билан кўп солиштирасиз.

### ЙЎНАЛИШ

Мол-мулкингизни кўпайтирадиган, ҳимоя қиласидиган воситаларга асосланиб қарор қабул қиласиз.

### ДОНОЛИК

Дунёқарашингиз иқтисодий-ижтимоий муносабатларни қиёслашдан келиб чиқади.

### ҚУДРАТ

Сиз сотиб олишингиз ёки эришишингиз мумкин бўлган нарсалар ичida ҳаракатланасиз.

\* \* \*

**Агар ҳаётингиз марказида лаззат турса:**

### ХОТИРЖАМЛИК

Фақат ўта лаззатланаётган вақтингизда ўзингизни хотиржам сезасиз;

Хотиржамлигингиз кисқа муддатли, ташқи муҳитга қарам бўлади.

### ЙЎНАЛИШ

Лаззат бағишлиовчи нарсаларга асосланиб қарор қабул қиласиз.

### ДОНОЛИК

Дунёқарашингиз дунёда сиз учун мавжуд моддиятта асосланади.

### ҚУДРАТ

Кудратга деярли эга эмассиз.

\* \* \*

**Ҳаётингиз марказида дўстингиз турса:**

### ХОТИРЖАМЛИК

Хотиржамлигингиз ижтимоий кўзгу вазифасини бажаради;

## II КИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР

Бошқаларнинг фикрига қарамсиз.

ЙЎНАЛИШ

Қарор қабул қилишда «Улар нима дейди?» деган савол бошингизни қотиради.

ДОНОЛИК

Дунёқарашингиз атрофингиздаги ижтимоий мухит таъсиридан келиб чиқади.

ҚУДРАТ

Ҳаракатларингиз худди фикрингиз каби жуда ўзгарувчан.

\* \* \*

**Агар ҳаётингиз марказига душманингизни қўйсангиз:**

ХОТИРЖАМЛИК

Душманингиз хатти-ҳаракати хотиржамлигингизни белгилаб беради;

Душманингиз нима қилаётганига доим қизиқасиз;

Бошқалар душманингиз ҳақида сиздек ўйлашини кутиб яшайсиз.

ЙЎНАЛИШ

Сизни рақибингиз бошқаради;

Қарор қабул қилишда унга зарар келтирувчи омилларни инобатга оласиз.

ДОНОЛИК

Мулоҳазангиз жуда тор ва тартибсиз;

Ўта ҳимояланувчан, баъзан тажовузкор ва хавотирга тушувчан бўлиб қоласиз.

ҚУДРАТ

Сиздаги жаҳл, ғазаб, алам ва қасос оз қудрат ҳосил қиласди. Бу жуда салбий қувват бўлиб, бор ижобий қувватингизни ҳам йўққа чиқаради.

\* \* \*

**Ҳаётингиз марказида тоат-ибодат турса:**

ХОТИРЖАМЛИК

## ШАХСИЙ ЕТАКЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Хотиржамлигингиз тоат-ибодат, диний жамоаларга, у ердаги мавке ва таъсириңгизга асосланган;

Одамларни диний қиёслаш орқали хотиржам бўласиз.

ЙЎНАЛИШ

Қарор қабул қилаётганда бошқалар диний хатти-ҳаракатларингизни қандай баҳолашига аҳамият қаратасиз.

ДОНОЛИК

Дунё кўз ўнгингизда иккига «диндорлар» ва «дин-сизлар» кутбига ажралган.

ҚУДРАТ

Ўз кучингизни диний жамоадаги мавқеингизга қараб белгилайсиз.

\* \* \*

**Ҳаётингиз марказида ўзингиз бўлсангиз:**

ХОТИРЖАМЛИК

Хотиржамлигингиз ҳамиша ўзгариб туради.

ЙЎНАЛИШ

Қарор қабул қилишда «Агар менга яхши бўлса...», «Истайманки...», «Менга керак...» сингари талабларга суюнасиз.

ДОНОЛИК

Дунёни сизга таъсир кўрсатувчи қарорлар, воқеа ва вазиятлар орқали кўрасиз.

ҚУДРАТ

Фаолиятингиз – шахсий ресурсларингиз билан чекланган, ўзаро боғлиқликнинг фойдаларидан бебаҳра.

Кўпинча инсоннинг маркази ана шу кўриб чиққанимиз марказлар аралашмасидан иборатdir. Аксарият шахсларнинг феъл-автори ҳаётида муҳим роль ўйновчи таъсиrlар ҳукми остида бўлади. Ташқи ва ички вазиятларга қараб, муайян бир марказ фаоллиги маълум бир эҳтиёжлар қондирилмагунча давом этади. Шундан сўнг бошқа марказ бизни бошқарувчи кучга айланади.

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

Биз бир марказдан бошқа марказга сакраб ўтарканмиз, ҳәётимиз ҳам у ёқдан бу ёққа оғиб кетади. Бир сафар юқорида бўламиз, бошқа сафар пастда; бир заифликдан қарзга куч олиб, иккинчи заифликни тузатишга уринамиз. Бундай вазиятда доимий йўналиш, чидамли донолик, мустаҳкам кудрат ва шахсий қадр-қиммат ҳисси бизни тарк этади. Хўш, бу туганмас муаммонинг ечими борми? Албатта. Биз шундай мукаммал марказ яратишмиз керакки, у юқори даражали хотиржамлик, йўналиш, донолик ва кудратимизнинг асоси бўлсин, проактивлигимизга куч бераб, ҳәётимизнинг ҳар жабҳасини уйғунлик билан таъминласин.

### ТАМОЙИЛ МАРКАЗИ

Ҳәётимиз марказига тўғри тамойилларни қўйиш ёрдамида, муҳим тўрт омилнинг ривожланиши учун мустаҳкам замин яратамиз.

Бундай марказда тўғри тамойиллар ҳеч қачон ўзгармаслигини билиб, доим хотиржам юрамиз. Уларга исталган пайт суюнишимиз мумкин. Ҳеч нарса тамойилларга таъсир кўрсатмайди. Уларнинг биздан жаҳли чиқмайди. Улар биз билан ажрашмайди ёки хиёнат қилмайди. Тамойиллар бизга тезкор даво чораларини таклиф қилмайди. Улар шахс қийматини атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатига, муҳитга қараб белгиламайди. Энг муҳими, тамойиллар ўлмайди.

Улар бугун бор, эртаси йўқ бўлмайди. Уларни ўғирлаб ҳам бўлмайди, турли талафотлар, ёнғин, олов, зилзила ҳам вайрон қила олмайди.

Тамойиллар – чуқур, фундаментал ва мумтоз ҳақиқатларнинг умумий мезони саналади. Уларни бир-бiri билан чамбарчас боғланган ипларга қиёслаш мумкин. Шу иплардан аник, чиройли ва қудратга лиммо-лим ҳаёт матоси тўқилади.

Ҳатто тамойилларни тан олмайдиган одамлар ва вазиятлар ўргасида ҳам, бир ҳақиқатни ёдда тутмоғимиз

лозим: тамойиллар – инсонлар ва шароитлардан каттароқдир. Минглаб йилларни қамровчи тарих уларнинг ғалабасига қайта-қайта гувоҳ бўлган. Бунга ўз ҳаётимиз, тажрибамиз мисолида ҳам амин бўлишимиз мумкин.

Тан олиш керак, биз ҳар нарсага қодир эмасмиз. Тўғри тамойиллар борасидаги билим ва тушунчамиз чеклангани бор гап. Бунга сабаб эса – ўз табиатимиз ва атрофимиздаги оламни билмаслигимиз, шунингдек, тўғри тамойиллар билан уйғун бўлмаган назария ва ғоялар оқимиға ўралашиб қолганимиздир. Бу каби ғоялар амал қилиши мумкин бўлган маълум даврлар бор. Шунинг учун улар мавсумий деб аталади. Лекин олдингилар каби нотўғри асосга қурилгани туфайли ҳам абадий яшамайди.

Биз чекланганимиз, бироқ чекловларимиз чегарасини бузиш ўз қўлимизда. Ўсишимизни белгиловчи тамойилни тушуниб, бошқа тўғри тамойилларни ишонч билан излай оламиз. Чунки қанча кўп ўргансак, дунёқарашибизга шунча кўп дикқат қаратамиз. Тамойиллар ўзгармайди; улар борасидаги фикрларимиз ўзгаради.

Ҳаёт марказига тамойил кўйилган турмуш тарзига ҳамиша донолик ва йўналиш ҳамроҳлик қиласди. Улар нарсаларни бор ҳолида кўрсатувчи хариталардан келиб чиқади. Тўғри хариталар аниқ манзилимиз ва унга элтажак йўлни яққол кўрсатиб беради. Тўғри маълумотдан фойдаланиб чиқарилган қарор муваффақиятга элтувчи яна бир восита ҳисобланади.

Тамойилга асосланган марказда – ўзини англовчи, билимдон ва проактив шахснинг қудрати намоён бўлади. У бошқаларнинг муносабати, хатти-харакатига ёки чекловчи ташки таъсир ва вазиятларга нисбатан чидамли бўлади.

Бу қудратнинг ягона чеклови эса тамойилларнинг табиий оқибати ҳисобланади. Биз тўғри тамойиллар борасидаги билимларимизга таяниб, мустақил равишда қарор қабул қиласмиз, бироқ қароримиз оқибатини назорат қилиш қўлимизда эмас. Доим ёдингизда бўлсин: «Таёқнинг

## II КИСМ. ШАХСИЙ ГАЛАБАЛАР

бир учини күтартганимизда, иккинчи учини ҳам қўшиб кўтарамиз».

Тамойиллар ҳамиша табиий оқибатлари билан бирга юради. Тамойиллар билан уйғунликда яшасак, ижобий оқибатларга, уларни рад қилсак, салбий оқибатларга рўбарў бўламиз. Бу тамойиллар ҳаммага бирдек амал қилгани сабаб, юқоридаги чеклов ҳам универсал кўринишга эга. Тўғри тамойиллардан хабардор бўлганимиз сайин, шахсий эркинлигимиз кучаяди, харакатларимиздан донолик уфуриб туради.

Ҳаётимизда ўзгармас тамойилларни марказлаштириш орқали самарали яшашнинг пойдеворини яратамиз. Бу марказда умумий истиқбол йўлида барча бошқа марказлар бирлашади.

**Агар ҳаётингиз марказига тамойилларни кўйсангиз:  
хотиржамлик**

Сизнинг хотиржамлигингиш ташқи муҳит ва вазиятлардан қатъи назар, ўзгармас, тўғри тамойилларга асосланади.

Шахсий тажрибангиз орқали ҳақиқий тамойиллар қайта-қайта тасдиқланиши мумкинлигини биласиз.

Шахсий ривожланишингиз ўлчови сифатида тўғри тамойиллар доимо аниқлилик, доимийлик, гўзаллик ва куч билан бирга ишлайди.

Тўғри тамойиллар шахсий ўсишингизни тушунишга кўмаклашади, сизни кўпроқ ўрганишга ундейди, шу йўсинда билим ва тафаккурингизни оширади.

Ҳар қандай ўзгаришни янги бир саргузашт ва ривожланиш йўлига юксак ҳисса қўшиш учун имконият сифатида кўришни бошлайсиз.

**ЙўНАЛИШ**

Манзилингизни аниқ кўриш ва у ерга қандай етиб боришга ёрдам берувчи компас сизга йўл кўрсатади.

Тўғри маълумотдан фойдаланганингиз туфайли қабул қилган қарорларингиз маъноли ва ўзини оқладиган

бўлади.

Ҳаётий вазиятлар ва ҳолатлардан бир қадам четда турасиз ва мувозанатлашган яхлитликка назар ташлайсиз. Қарорингиз ва фаолиятингиз қисқа, шунингдек, узоқ муддатли мақсадларни қамраб олади.

Ҳар қандай вазиятда, онгли равишда тамойилларингиз таълим берган виждонга таяниб, энг яхши муқобил вариантни танлайсиз.

#### ДОНОЛИК

Бирор ҳодиса юзасидан чиқарган ҳукмингизда узоқ муддатли натижалар сарҳисоби ҳамда оқилона мувозанат акс этади.

Атрофингиздаги реактив кишилардан фарқли равишда, дунёга ўзгача нигоҳ билан қарайсиз, воқеаларни бошқача кўрасиз, ҳаракатларингиз билан ҳаммадан ажралиб турасиз.

Дунёқарашингиз самарали яшашнинг асосий парадигмасига суянган ҳолда шаклланади.

Ер курраси ва унда яшовчи инсонлар учун нима қила олишингиз нуқтаи назаридан фикрлайсиз.

Проактив турмуш тарзига кўнишиб, бошқаларга кўмаклашишга мойилроқ бўласиз.

Ҳар қандай ҳаётий тажрибангизга ўрганиш ва ҳисса кўшиш учун берилган имконият сифатида қарайсиз.

#### КУДРАТ

Фақат табиий қонунлар ва тўғри тамойилларни тушуниш, шу тамойилларнинг табиий оқибатларигина кудратингизни чеклайди.

Ўзини англаган, билимдон, проактив шахсга айланасиз. Атрофдагилар сизга заррача таъсир кўрсата олмайди.

Фаолият доирангиз ўз ресурсларингиздан-да ошиб, ўзаро боғликларнинг юксак ривожланган даражасига етиб боради.

Қарор ва ҳаракатларингизни мавжуд молиявий аҳволингиз ёки бошқа вазиятлар чеклаб қўя олмайди. Сиз ўзаро боғлиқ озодликни бошдан кечирасиз.



Шуни унутманг, парадигманғыз феъл-атвор ва хатти-харакатингиз манбаидир. У худди күзойнакқа үхшайды – у орқали дунёга боқасиз. Агар түғри тамойилларга марказлашған парадигма орқали дунёга қарасанғыз, дунёқарашиңгизда кескин үзгариш рүй беради.

Китобнинг «Иловалар» бўлимида юқорида муҳокама қилган марказларнинг дунёқарашиңгизга эҳтимолий таъсирини батафсил ифодаловчи харита киритганман. Ҳозир эса марказингиз туфайли содир бўлувчи фарқни тушуниш учун битта муаммога турли парадигмалар орқали қараб кўрамиз.

Тасаввур қилинг, сиз ишхонадасиз ва турмуш ўртоғингизни оқшомги концертга таклиф қилдингиз. Сизда иккита чипта бор; жуфтингиз бундан ўзида йўқ шод бўлди. Концерт кечки соат тўртда бошланади.

Кутилмаганда раҳбарингиз хонасига чақириб, эртага соат 9 да бўлажак учрашув юзасидан ёрдамингизга муҳтожлигини айтди ва ишдан кечроқ кетишиңгизни сўради.

Агар ҳаётингиз марказида оила ёки турмуш ўртоқ бўлса, асосий дикқатингиз умр йўлдошиңгиз кўнглини олишга қаратиласди. Раҳбарингиз таклифини рад қиласиз ва

жуфтиңгизни мамнун этиш мақсадида концертта тушасиз. Мабодо, ишда қолишиңгиз шарт бўлган тақдирда ҳам, бунга истар-истамай, ноилож кўнасиз. Чунки турмуш ўртоғингизнинг жавоб реакциясидан хавотир оласиз. Унинг жаҳли чиқишидан кўрқиб, қарорингизни оқлашга уринасиз.

Агар ҳаётингиз марказида пул турса, сиз, авваламбор, узок ишлашингиз туфайли тўланадиган кўшимча иш ҳақига эътибор қаратасиз. Турмуш ўртоғингизга қўнғироқ қилиб, шунчаки концерт қолдирилганини айтасиз. Йқтисодий эҳтиёжлар биринчи ўриндалиги учун қарорингизни тушунишига умид қиласиз.

Агар ҳаётингиз марказида иш турса, раҳбарингиз илтимосини янги имконият сифатида кўрасиз. Касбингизни чуқурроқ ўрганишдан хурсанд бўласиз. Раҳбар билан ёнма-ён ишлаб, келгуси каръерангиз учун маълум балл тўплашингиз мумкин. Шу тариқа, ишда қоласиз ва сўралганидан ҳам ортиқроқ тер тўкиб, топширилган вазифа билан машғул бўласиз. Шу орқали қаттиқ ишлаётганингизни кўрсатишга уринасиз. Турмуш ўртоғингизми? У сиз билан фаҳрланиши керак. Эртага, албатта, ҳамма сизнинг нақадар олийжаноб, меҳнаткашлигингиздан хабар топади.

Агар ҳаётингиз марказида лаззат турса, сиз ишни тўхтатиб, концертга тушасиз. Гарчанд, жуфтиңгиз кўпроқ ишлашингиз тарафдори бўлса ҳам, ўзингизни дам олишга лойиқ ҳисоблайсиз.

Агар ҳаётингиз марказида дўстингиз бўлса, қарорингиз концертга дўстларингизни ҳам тақлиф қилган-қилмаганингизга ёки ишдаги ҳамкасларингиз ҳам кечгача ишлашига боғлиқ бўлади. Агар ҳаётингиз марказида душманингиз турса, сиз ишлашни афзал кўрасиз. Шу орқали ўзини компаниядаги энг меҳнаткаш одам деб билувчи рақибингизга зарба беришни мўлжаллайсиз. У маза қилиб дам олаётган бир маҳал сиз ўлардек ишлаб, иккингизга тегишли вазифаларни баравар бажариб, шахсий

## II КИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

роҳатингиздан воз кечәёттган бўласиз.

Агар ҳаётингиз марказида тоат-ибодат турса, концертда қатнашиши мумкин бўлган диний биродарларингизга қараб қарор чиқарасиз. Шунингдек, ўрнимда чин мўмин нима қиласади деган савол ҳам қарорингизга таъсир кўрсатади.

Агар ҳаётингиз марказига ўзингизни қўйсангиз, диккатингизни ўзингиз учун энг яхши вариантта қаратасиз: концертга борсангиз фойдами ёки раҳбарингиз олдида яхши кўринишми? Сизга қайси бири муҳим?

Битта воқеага турли томондан қарап эканмиз, аввалроқ бир-биримиз билан мулоқот жараёнида китобнинг бошида кўрган – «ёш хоним/кария кампир» муаммоси вужудга келиши ажабланарли ҳолми? Марказларимиз бизга қанчалик таъсир этишини кўрдингизми? Асосий мотивларимиз, қундалик қарорларимиз, хатти-ҳаракатимиз ва фаолиятимиз, воқеаларни тушунишимизда марказлар қандай бурилиш ясашига гувоҳ бўлдингизми? Мана нима учун марказимизни тушуниш жудаям муҳим! Агар марказимиз бизни проактив шахс сифатида шакллантирмаса, шу ишни бажарувчи марказни яратиш учун Парадигма алмашинувини амалга ошириш керак. Бу самарадорликнинг асл қалити саналади.

Тамойилга марказлашган инсон сифатида, сиз вазият келтириб чиқарган ҳиссиётлар ва бошқа омиллардан узокроқ туришга интиласиз. Мувозанатлашган яхлитликка – оила эҳтиёжи, иш эҳтиёжи ва бошқа заруриятларга – четдан назар солиб, ҳамма омилларни инобатга олган ҳолда энг яхши ечимни топасиз.

Ишда қолиш ҳам, концертга бориш ҳам самарали қарорнинг бир қисми ҳисобланади. Бошқа марказлар билан ҳам худди шу қарорни таизлашингиз мумкин. Лекин тамойилга марказлашган парадигмага асосан танлов қилганингизда баъзи муҳим фарқлар учрайди. Дастрлаб, сиз бошқа одамлар ёки вазиятлар туфайли қарор чиқармаяпсиз. Ўзингиз, ёнгли равишда барча учун энг яхши вариантни

танлайпсиз.

Иккинчидан, қарорингиз энг яхшиси эканлигини биласиз, чунки у узок муддатли натижаларни күзлади.

Учинчидан, танловингиз ҳәётдаги қадриятларингизни ёқлаб чықади. Кимгadir қасдма-қасд қилиб ишда қолиш билан раҳбарингизнинг самарадорлигини қадрлаб, компаниянгизга ҳисса қўшиш мақсадида ишда қолиш ўртасида катта фарқ бор.

Тўртингидан, умр йўлдошингиз ва раҳбарингиз билан шу вақтга қадар яратиб ултурган ўзаро боғлиқлик муносабати доирасида алоқада бўласиз. Сиз мустақилсиз, демак, ўзаро боғлиқ ҳам бўла оласиз. Бугун маълум вазифани тугатиб, концертга боришингиз, эртага барвакт қолган ишни тугатиб қўйишингиз ҳам мумкин.

Ва ниҳоят, сиз қарорингиздан қоникиш оласиз. Нима қилишингиздан қатъи назар, унга дикқат қаратасиз ва роҳатланасиз.

Ҳаёти марказига тамойилни қўйган инсон сифатида, ҳодисаларни бошқача кўрасиз. Ҳодисаларни бошқача кўриш туфайли бошқача ҳаракат қиласиз. Сизда мустаҳкам илдиздан ўсиб чиқсан юқори даражадаги хотиржамлик, йўналиш, донолик ва қудрат борлиги сабаб, юқори самарадорлик пойдевори қурилади.

### ШАХСИЙ ВАЗИФА БАЁНОТИНИ ЁЗИШ

Биз қалбимиз тубига назар солиб, асосий парадигмаларимизни тўғри тамойиллар устига куар эканмиз, бир вақтнинг ўзида ҳам самарали, қудратли марказ, ҳам дунёни янада тиникроқ кўрсатувчи линза яратамиз. Ана шу линза орқали атрофга назар ташлаганимизда, биз бир-биримизга ҳамда дунёга нақадар боғлиқ эканлигимизни кўрамиз.

Франклнинг фикрича, биз ҳәётдаги вазифамизни ихтиро қилмаймиз, балки аниклаймиз. Бу фикр менга маъқул. Чунки ҳар биримизда ички кузатув ёки ҳиссиёт, виждан мавжуд бўлиб, у ўзимизга хос хусусиятларни англаш

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

имконини беради. Франклнинг сўзлари билан айтганда, «Ҳаётда ҳамманинг ўзига хос муайян вазифаси ёки топшириғи бўлади. Яъни бир одам бошқа бир одамнинг ўрнини боса олмайди ёки бошқа бирорнинг ҳаётини яшолмайди. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир инсоннинг маълум вазифани бажара олиш имконияти ҳам, худди вазифаси каби ягонадир.

Шу ягоналикни оғзаки ифодалашга уринар эканмиз, яна ўша проактивлик ва таъсир доирамиз маркази ичида ишлашнинг аҳамияти ёдга тушади. Ҳаётимиз маъносини хавотир доирамиздан қидирадиган бўлсак, биз шунчаки проактив масъулиятимиздан воз кечиб, биринчи ижодимизни атрофдаги одамлар ва вазиятларнинг кўлига топшириб кўямиз.

Ҳаётимиз маъноси – ич-ичимиздан, қалбимиз тўридан келади. Бу борада Франкл шундай дейди: «Умуман олганда, инсон ҳаётининг маъноси нимадан иборатлигини бошқалардан сўрамаслиги керак. Аксинча, ушбу савол ўзига берилишини англамоғи даркор. Бошқача айтганда, ҳаёт ҳар бир шахснинг олдига шу савонни кўяди; ва инсон унга фақат ўз ҳаёти билан жавоб бериши мумкин. Саволга жавоб бериш учун киши масъулиятли бўлиши лозим».

Шахсий масъулият ёки проактивлик биринчи ижод яралишининг асоси саналади. Компьютер тили билан тушунтирганда, биринчи кўникма: «Сен дастурчисан», – дейди. Сўнг иккинчи кўникма: «Ўз дастурингни ёз», – дея кўрсатма беради. Ҳаётингиз учун ўзингиз жавобгар эканингиз, яъни ҳаётингизнинг дастурчиси ўзингиз эканингизни қабул қиласа экансиз, ҳеч қачон ҳаётингиз дастурини ёза олмайсиз.

Проактив шахс сифатида ҳаётда ким бўлишимиз ва нима қилишимизни аниқлаб, шу орқали шахсий вазифа баёноти, яъни шахсий конституциямизни ёза оламиз.

Вазифа баёноти бир кечада ёзиб тутатиладиган иш эмас. Уни ёзиш учун сиздан дикқат-эътибор, чукур таҳлил,

маъноли ифодалар талаб қилинади. Кўпинча сўнгти шаклга келтиргунча қайта-қайта ёзишингиз эҳтимоли бор. Уни кўнглингиз тўлгунча, чиндан ҳам соф виждонингиз ва энг ички қадриятларингиз ифодаси бўлганини ҳис қилгунча бир неча ҳафта ёки ойлар сарфланиши мумкин. Ҳатто ўшанда ҳам, шахсий баёнотингизни доимий равишда текшириб, ўзгараётган вазиятлар хисобига қўшимчалар қўшиш истагида бўласиз. Нима бўлмасин, шахсий вазифа баёноти сизнинг конституциянгизга, виждон ва дунёқарашибингизнинг мустаҳкам ифодасига айланади. Ҳаётингиздаги ҳамма воқеа-ҳодисага, одамларга айнан шу баёнотингизга таяниб баҳо ва хулоса берасиз.

Яқинда камина шахсий вазифа баёнотимни доимгидек қайта кўриб чиқдим. Соҳил бўйидаги ўриндиқда танҳо ўтирганча, кундалигимни кўлга олдим ва унда ёзилгандарни тақрор ўқидим. Гарчи бу бир неча соат вактимни олган бўлса-да, ишни якунлагач руҳимда ажиб енгиллик, озодликни ҳис қилдим.

Бу жараён жуда муҳим саналади. Шахсий вазифа баённомасини ёзиш ёки қайта кўриб чиқиши туфайли сиз туб эътиқодларингиз, қадриятлар ва феъл-авторингизни чукурроқ таҳлил қиласиз ва ўзгартирасиз. Маълум вакт ўтиб, атрофинингиздагилар ҳам сиздаги ўзгаришни, вазиятларга тобемаслигингизни сеза бошлайди. Мақсадингиз ҳақидаги ёзма баённоманинг юкини ҳис қилгач, ўз-ўзингиздан масъулият туясиш.

### МИЯНГИЗНИ ТЎЛИҚ ИШЛАТИНГ

Ўзликни англаш фикрларимизни текшириш имконини беради. Бу, айникса, шахсий вазифа баёнотини яратишда кўл келади. Чунки иккинчи кўнкимани машқ қилиш учун зарур икки қобилият – тасаввур ва виждон – асосан, мия ўнг яримшарининг функцияси ҳисобланади.

Миямизнинг ўнг яримшари қай тарзда ишлашини тушунсак, биринчи ижод қобилиятимиз юқори даражада ривожланишига сабаб бўламиз.

## II КИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

Үнлаб йиллар мобайнида «Мия устунлиги назарияси» деб аталувчи мавзу бўйича кўп сонли изланишлар олиб борилди. Натижалар шуни кўрсатдики, миянинг ҳар бир яримшари – ўнг ва чап – турлича вазифаларни бажаришга мослашган бўлиб, ҳар хил ахборотларни қабул қиласади ва турли муаммолар билан шуғулланади.

Жумладан, чап яримшар кўпроқ мантикий ва оғзаки, ўнг яримшар эса ижод ва ҳиссиёт билан боғлиқ вазифаларга мослашган. Шунинг учун чап яримшар сўзлар билан, ўнг яримшар эса суратлар билан ишлайди. Чап томон бўлим ва қисмларга, ўнг томон яхлитликка масъул. Чап яримшар таҳлиллар, яъни қисмларга ажратиш билан, ўнг яримшар синтезлар, бошқача айтганда, қисмларни бирлаштириш билан шуғулланади. Чап яримшар вақтга қарам, ўнг эса вақтга бўйсунмайди.

Одамларда миянинг ҳар икки қисми баравар ишласада, одатда, бир яримшар иккинчисига нисбатан устунроқ бўлади. Албатта, ҳар иккала томон ўртасида муайян чорраҳа яратса олсак, жуда яхши. Шу орқали дастлаб вазиятни аниқлаб, сўнг унга мос ечим топишга ўтардик. Афсуски, одамлар ўзгаришни истамайди ва ҳар қандай вазифани ё ўнг, ё чап яримшарга таяниб бажаради. Абраҳам Маслоу сўзлари билан айтганда, «Болғача яхши бўлганда, киши ҳамма нарсани мих деб ўйлайди». Бу эса аввалроқ синаганимиз – «Ёш хоним/қария кампир» машқи натижаларида намоён бўлади. Миясининг ўнг яримшари устун одамлар ва чап яримшари доминант бўлганлар вазият ва ҳодисаларга турлича кўз билан қарайди.

Биз, асосан, чап мия ҳукмронлик қиласидиган дунёда яшаймиз. Атрофимизда сўзлар, ўлчовлар ва мантиқ таҳтга чиқарилиб, табиатимизнинг ижодий, ҳиссий ва бадиий жиҳатлари кўпинча уларга бўйсундирилади. Ўнг яримшар имкониятларидан фойдаланиш кўпчилигимизга қийинчилик туғдиради.

Эътироф этиш жоизки, юқорида мен келтирган

маълумотлар жуда соддалаштирилган шаклда бўлиб, янги тадқиқотлар мия фаолиятини тўлиқроқ ёритиши шубҳасиз. Бу ерда эътибор қаратишимиз керак бўлган нукта шундаки, биз турлди тарзда фикрлаш имконига эгамиз. Қизиги, миямиз қудратини ўзимиз ҳам тўлиқ билмаймиз. Унинг имкониятларидан воқиф бўларканмиз, муайян эҳтиёжларимизни янада самарали қондириш илинжида миямизни онгли равишда ишлатишни улдасидан чиқамиз.

### **ЎНГ ЯРИМШАР ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОЧИШНИНГ ИККИ УСУЛИ**

«Мия устунлиги назарияси»дан намуна сифатида фойдалансак, биринчи ижодимизнинг сифати бевосита миямизнинг ўнг яrimшарига боғлиқлигини англаймиз. Чунки айнан ўнг яrimшар ижодкорлик манбаи хисобланади. Ўнг миямиз имкониятларига қанча кўп яқинлашсак, шунча кўп тасаввур қилиш, синтезлаш, вақтдан унумли фойдаланиш ва мавжуд вазиятни яхлитлигича кўриш, ҳаётдаги мақсадимизнинг суратини тўлиқ шакллантиришга муваффақ бўламиз.

### **ДУНЁҚАРАШНИ КЕНГАЙТИРИШ**

Баъзан режаланмаган вазиятлар туфайли чап яrimшаримиздан ўнг яrimшаримизга ўтиб қоламиз. Севган инсонимиз вафоти, бедаво касалликка чалиниш, молиявий инқироз ёки кутилмаган кулфатлар бизни бир зум тўхтаб, ҳаётмизга разм солишга ҳамда ўзимизга баъзи мушкул саволларни беришга сабаб бўлади: «Мен учун нима муҳим? Ҳаётимнинг маъноси нима?»

Лекин проактив инсонлар дунёқарашини ўзгартириш учун бошига кулфат тушишини кутиб ўтирмай, онгли равишда ўzlари бажаради.

Буни амалга оширишнинг бир неча усуллари бор. Масалан, китоб аввалида синағанимиздек, тасаввур қилиб, ўз жанозангизни кўз олдингизга келтиришингиз мумкин. Қабрингиз устида сўзлаш учун аниқ ва батафсил нутк ёзиб кўринг.

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

Ёки бўлмаса, турмушингизнинг йигирма беш йиллик, кейин эллик йиллик юбилейини тасаввур қилинг. Турмуш ўртоғингизни ҳам шундай қилишга унданг. Йиллар давомида куч ва қувват сарфлаб яратажак оиласидан муносабатингиз моҳиятини англашга уриниб кўринг.

Ёки ҳозирги ишингиздан нафақага чиқишингизни хаёлан гавдалантиринг. Ўз соҳангизга қандай ҳисса кўшиб, қандай ютуқларга эришишни истардингиз? Нафақадалик вақтингизда нималар билан шуғулланмоқчисиз? Янги карьера бошлайсизми?

Онгингизни кенгайтиринг. Тасаввурингизни бойитинг. Имкон қадар кўпроқ ҳиссиётлар ва туйғуларни қамраб олинг.

Университетдаги машғулотларим мобайнида шунга ўхшаш тасаввур машқларини тез-тез кўллаб туардим.

– Тасаввур қилинг, шу ўкув чораги якунида умрингиз тугайди, – дедим бир сафар талабаларимга қараб. – Демак, бу чорак яхши талаба сифатида ном қолдиришингиз лозим. Кўз олдингизга бир келтириб кўринг-чи, чоракни қандай ўтказган бўлардингиз?

Шу он ҳолатлар бутунлай бошқача тус олди. Талабаларимнинг ҳатто ўзи сезмаган ички қадриятлари юзага чиқди.

Ўкувчилардан саволимга берган жавобига амал қилган ҳолда ҳеч бўлмаса бир ҳафта яшаб кўришини, тажрибаларини қоғозга ёзив боришни сўрадим.

Натижалар жуда қизиқарли бўлди. Талабалар отаонасининг ёнига бориб, уларни жуда яхши кўришини ва қадрлашини айта бошлади, уришиб қолган опа-ука, яқин қариндошлари ёки дўстлари билан ярашиб олди.

Уларни ҳаракатлантирувчи асосий тамойил – муҳаббат уйғонди. Умри оз қолганини тасаввур қилиш баробарида миядаги салбий фикрлар, айловлар аҳамиятини йўқотади. Тамойил ва қадриятлар устунликни кўлга киритади.

Кўриб турганингиздек, тасаввурдан фойдаланиб,

қадриятларингизни юзага чиқаришнинг бир нечта усуллари бор. Усуллар турлича бўлса ҳам, натижалар бир хил бўлади. Инсонлар ҳаётида нима муҳимлигини, ким бўлишни ва нима қилишни аниқлаб олгачгина, туб қадриятларини ҳурмат қилишга киришади. Улар бугуни ва эртасидан кўра узокни кўришни бошлайди.

### ТАСАВВУР ВА ТАСДИҚ

Шахсий етакчилик осонгина орттириладиган тажриба эмас. У шахсий вазифа баёнотини ёзиш билан чегараланиб қолмайди. Аксинча, сизнинг қараашларингиз ва қадриятларингизни олдингизда ушлаб туриш ва ҳаётингизни энг муҳим нарсалар билан мувофиқлаштиришга қаратилган давомий жараёндир. Шу ўринда, миянгизнинг ўнг яримшари «Шахсий вазифа баёноти»ни ҳаётингизга татбик этишда катта ёрдам беради. Бу – «Якунни ёдда тутиб иш бошланг» кўнимкасининг яна бир кўлланмаси бўлади.

Келинг, аввалроқ келтирган мисолга қайтсак. Тасаввур қилинг, мен фарзандларини жонидан ортиқ севувчи отаман. Ва буни шахсий вазифа баёнотимдаги асосий қадриятлардан бири сифатида белгилайман. Бироқ қундалик ҳаёт давомида, ўта реактивлашиб, ҳиссиётларга берилиб кетаман.

Шундай вақтлари, ўнг яримшаримнинг тасаввур курратидан фойдаланиб, «Тасдиқ» ёзишим мумкин. Бу «Тасдиқ» ҳаётдаги қадриятларим билан ҳамоҳанг бўлишга кўмаклашади.

Яхши тасдиқнинг беш асосий хусусияти мавжуд:

- 1) У – шахсий;
- 2) У – ижобий;
- 3) У – ҳозирги замонда;
- 4) У – кўргазмали;
- 5) У – ҳиссий.

Шундай қилиб, болаларимдан жаҳлим борасида қуйидагича тасдиқ ёзишим мумкин: «Фарзандларим ўзини ёмон туттганида мен (шахсий) донолик, меҳр, қатъият ва

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

ўзимни назорат қилиш билан (ижобий) жавоб қайтараман (хозирги замон) ва бундан ўзим мамнун бўламан (хиссий)».

Кейин ушбу тасдигимни тасаввур қилишга киришаман. Кунига бир неча дақиқа давомида онгим ва танамни бўш кўйиб, уни икир-чикиригача кўз ўнгимда гавдалантираман. Мен ўтирган стулимини, оёғим остидаги пол ва эгнимдаги кийимни ҳис қиласман. Қизим кийиб олган кўйлак, унинг юзидағи ифодани кўраман. Вазиятни қанчалик батафсил тасаввур қиласам, шунчалик чуқур бошимдан ўтгандек бўлади; томошабин эмас, актёрга айланаман.

Шундан сўнг, қизим асабимни бузиб, куюшқонимдан чиқарадиган бирор ишга қўйл урганини хаёлимга келтираман. Лекин унинг бу ишидан қовоғим уйилиб, юрагим тез-тез уриш ўрнига, «Тасдигим»да ёзгандек, донолик, меҳр, қатъият билан ўзимни назорат қилаётганимни кўраман. Мен қадриятларим, шахсий вазифа баёнотим билан мутаносиблиқда сценарий ёзишни улдалай оламан.

Шуни бажаргач, кун сайин ҳаракатимда ўзариш содир бўлади. Ота-онам ёки жамият, генларим ёки ташки-муҳит қўлимга тутқазган сценарий асосида яшашни тўхтатиб, ўзим танлаган қадриятлар бўйича ўзим томонимдан битилган сценарийга амал қилишни бошлайман.

Ўғлим Шон ушбу «тасдиқ» жараёнини ўзининг футбол карьераси мобайнида қўллашига кўмаклашгандим. У мактаб футбол жамоасида ўйнаб юрганда буни бошлагандик. Орадан маълум вақт ўтиб, ўғлим бу машқни мустақил бажаришни ўрганиб олди.

Дастлаб, ўғлимни чуқур нафас олиб, мушакларини бўшшиттиришни сўрардим. Шу орқали ич-ичидан хотиржам бўларди. Сўнг энг мураккаб вазиятга тушганини тасаввур қилишга кўмаклашардим.

Ўғлимнинг тасаввуррида катта тезликда ўзи томон ёпирилиб келаётган футбол тўпининг зарбалари намоён бўларди. У тўпни қай йўналишдалигини аниклаб, шунга яраша жавоб қайтариши лозим эди. Бу ҳолатда ўғлим

дастлаб биринчи, сўнг иккинчи, учинчи зарбаларни кайтаришни уддаларди. Тасаввур орқали реал ҳаётда, ўйин вақтида ҳаёлга келмайдиган варианtlар пайдо бўларди.

Бир гал ўғлим менга ўйин давомида доимий равишда асабийлашаётганидан шикоят қилди. Суҳбатлашар эканмиз унинг асабийлашишни тасаввур қилаётганини фаҳмладим. Шунинг учун кучли босим остида қандай килиб тингчланишни тасаввур қилиш устида ишладик. Ана шунда тасаввур қилиш нақадар қудратли кучга эгалигини англаб етдик.

Агар нотўғри нарсани тасаввур қилсангиз, нотўғри нарса ишлаб чиқарасиз.

Доктор Чарлз Гарфилд енгил атлетика ва бизнес соҳасидаги юқори муваффакиятли инсонлар бўйича жуда кенг тадқиқот олиб бориб, катта натижага эришган. НАСА билан ишлаётган пайтида, у фазогирларнинг космосга чиқишидан олдин ерда қайта-қайта машқ қилишларини кузатиб, ҳайратта тушган. Гарфилд аллақачон математика бўйича докторлик даражасини ёқлаган бўлса-да, психология йўналишида ҳам изланиш олиб бориб, докторлик ишини химоя қилишга қарор қилди ва юқори муваффакиятли инсонларнинг феъл-атворини ўрганишга киришди.

Унинг тадқиқотлари кўрсатган асосий натижалардан бири шуки, жаҳон миқёсида танилган спортчилар ёки бизнесменларнинг деярли барчасида тасаввур қобилияти кенг ривожланган: улар вазиятни олдиндан кўради; уни ҳис килади; бажаришдан аввал миясида тажрибадан ўтказади.

Улар якунни ёдда тутиб бошлиайди.

Сиз ҳам тасаввур машқини ҳаётингизнинг ҳар жабҳасида бажаришингиз мумкин. Муҳим ролни ижро этишдан олдин савдо тақдимоти, мураккаб мунозаралар аввалида вазиятни яққол кўриш ва ҳис қилиш мақсадида тасаввурингизни ишга солинг. Миянгизда «қулай ҳудуд» яратинг. Шунда тасаввурдан чиқиб, реал вазият билан юзлашганингизда, юрагингизда кўркув ва ҳаяжондан асар

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

ҳам бўлмайди. Сабаби сиз уни эртароқ – тасаввурингиз вақтида йўқотган бўласиз.

Шахсий вазифа баёнотини ёзиб, уни ҳаётингизга татбиқ этишингизда, ижодкор, яратувчан хусусиятларга эга ўнг яримшарингиз сизга қўл келади.

Тасаввур ва тасдиқ жараёнига оид бутун бошли адабиётлар, аудио ва видеоёзувлар мавжуд. Ушбу соҳадаги сўнгти янгиликлардан баъзилари сублиминал дастурлаш, нейролингвистик дастурлаш, янги турдаги ҳордиқ чиқариш ва ўз-ўзига гапириш каби нарсалардан ташкил топади. Буларнинг барчаси биринчи ижоднинг асосий тамойилларини тушунтириш, ишлаб чиқишни қамраб олади.

Муваффакиятта доир адабиётларни ўрганар эканман, тасаввур ва тасдиқса бағишиланган юзлаб китобларга дуч келдим. Уларнинг айримларида илмий далилдан кўра, асоссиз фикрлар келтирилган эди. Лекин материалларнинг аксарияти моҳиятан тўғри туюлди. Бу китобларнинг катта қисми Библия таълимоти билан танишган шахслар томонидан ёзилганга ўхшарди.

Самарадор шахсий етакчиликда, тасаввур ва тасдиқ усуллари табиий равишда инсон ҳаётининг марказига айланган тамойил ва мақсадлардан келиб чиқади. Улар қайта сценарийлаш ва қайта дастурлаш бўйича жуда қудратли бўлиб, туб тамойилларни шахснинг юраги ва онгига муҳрлаб кўяди. Ишончим комил, жамиятдаги соғлом динларнинг барчаси турли тилларда ифодаланувчи бир хил тамойил ва амалларга эга.

Аммо бу усуллар шахс феъл-атвори ва тамойилларидан ажратиб олинса, улар бошқа марказларга, айниқса, худбинликка хизмат қилиши ҳеч гап эмас.

Тасдиқ ва тасаввур – дастурлашнинг турли шакллари ҳисобланади. Асосий марказимиз билан мутаносиб бўлмаган, нотўғри тамойиллардан келиб чиқадиган дастурлашни қабул қилмаслигимиз даркор.

## ШАХСИЙ ЕТАКЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Тасаввур – вақтінчалик мұваффақиятта әришиш мақсадида ҳам құлланилиши мүмкін. Бироқ тасаввурдан юқори даражада фойдаланиш – виждон билан ҳамохангликда, ягона мақсад ва ўзаро боғлиқликни таъминловчи тамойиллар асосида амалга оширилади.

### ВАЗИФА ВА МАҚСАДЛАРНИ АНИҚЛАШ

Шубҳасиз, мантиқий/оғзаки вазифаларга жавобгар бўлмиш миямизнинг чап яримшарини эътибордан четда қолдириш тўғри бўлмайди. Ўнг яримшаримиздаги суратлар, ҳиссиёт ва тасвирларни сўзга тушириб, шахсий вазифа баёнотини ёзиш учун чап яримшар муҳим саналади. Нафас олиш машқлари тана ва онгни тозалашга ёрдам берганидек, ёзиш ҳам психонейрологик мушак фаолияти бўлиб, онг ва онгостимиз ўргасидаги кўприк вазифасини ўтайди. Ёзиш – фикрни таҳдиллаб, тиниқлаштиради ҳамда яхлитни қисмларга парчалашга кўмаклашади.

Ҳар биримиз ҳаётда турли ролларни ўйнаймиз, бошқача айтганда, муайян ҳудудлар учун жавобгармиз. Менда, масалан, алоҳида шахс, турмуш ўртоқ, ота, ўқитувчи, черков аъзоси ва тадбиркор сифатидаги ролларим бор. Ва улардан ҳар бири такрорланмас аҳамиятта эга.

Одамлар янада самарали бўлиш йўлида ҳаракат қилаётганда келиб чиқадиган энг катта муаммолардан бири – кенг фикрламасликдир. Улар тақсимот, мувозанат ҳиссини, шунингдек, самарали яшаш учун зарур бўлган табиий мухитни ёддан чиқаради. Масалан, айримлар ишга ўта берилиб кетиб, соғлиғи ҳақида қайгуришни унутади. Яна кимлардир профессионал мұваффақият эвазига ҳаётидаги энг қимматли муносабатини қурбон қиласди.

Шахсий вазифа баёнотингизни ҳаётдаги ролингиз ва мақсадларингизга қараб бир нечта қисмларга ажратинг. Шунда у тартибли ва мувозанатлашган бўлади. Масалан, профессионал ролингизга қаранг. Сиз сотувчи, бошқарувчи ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчи бўлишингиз мумкин. Соҳангиз ҳақида нима деб ўйлайсиз? Бунда сизга йўл

## П ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

күрсатадиган қадриятларингиз қандай? Энди умр йўлдош, ота-она, опа-ука, қариндош-уруғ сифатидаги шахсий ролингизга назар солинг. Бу роль тўғрисида қандай фикрдасиз? Муносабатларда сиз учун нима муҳим? Жамиятдаги – сиёсий майдонда, жамоат хизматлари, кўнгилли ташкилотлардаги ролингизни ўйланг.

Бошқарувчилардан бири роль ва мақсадлар ғоясидан фойдаланиб, қуидаги шахсий вазифа баёнотини яратган эди:

Менинг вазифам ҳалол яшаб, бошқа кишиларнинг ҳаётига ўзгариш олиб кириш.

Вазифани улдалаш учун:

– хайрия қиласман: ҳолатидан қатъи назар, инсонларни яхши кўраман;

– курбонлик қиласман: ўз вақтимни, иқтидор ва манбаларимни вазифа учун сарфлайман;

– руҳлантираман: инсонларга Парвардигорнинг севимли бандалари эканлигимизни, ҳар қандай иблис алал-оқибат мағлуб бўлишини ўргатаман;

– таъсир қиласман: амалларим ўзгаларнинг ҳаётини ўзгартиришга хизмат қиласми.

Вазифани улдалашда қуидаги ролларим устунлик қиласми:

– турмуш ўртоқ – жуфтим ҳаётимдаги энг муҳим инсон. Биз биргаликда ҳамжиҳатлик, саноат ва хайр-эҳсонга ҳисса кўшамиз;

– ота – мен фарзандларимнинг ҳаётларига кўпроқ кувонч бахш этилишига ёрдам бераман;

– ака-ука – мен яқинларимга доим ёрдам беришга ва уларни қадрлашга тайёрман;

– қўшничилик – Парвардигорнинг муҳаббати менинг ҳаракатларим орқали бошқаларга кўринади;

– агентни алмаштириш – мен йирик ташкилотларда ишни юқори даражада ривожлантириш учун катализаторман;

– олим – мен ҳар куни нимадир ўрганаман.

Вазифангизни мухим ролларингизга тақсимлаб ёзиб кўйиш ишларингизга мувозанат ва уйғунлик беради. Бу сизнинг ҳар бир ролингизни аниқ ифодалайди. Ролларингизни тез-тез кўриб чиқсангиз, битта ролга бутунлай шўнгигб кетмасдан, ҳаётдаги бошқа роль ва мақсадларингизни ёдда тутасиз.

Турли ролларингизни аниклагач, Узоқ Муддатли Мақсадлар (УММ) ҳакида ўйлашингиз мумкин. УММ бу – вазифа баёнотингизда ифодаланган тамойилларни қўллаб-кувватловчи режалар ҳисобланади. Ушбу мақсадлар яқин келажакда дикқатингизни қаратмоқчи бўлган жойларни акс эттиради. Одатда, узоқ муддатли мақсадларни бажариш бир ҳафтадан ортиқ вақт олади. Лекин улар баёнотингиздаги ҳаётий мақсадларга қараганда аникроқ бўлади.

Биз яна ўнг яримшарга қайтиб, тасаввур, ижодкорлик, виждон ва руҳлантиришдан фойдаланамиз. Агар УММ тўғри тамойилларга таянган вазифа баёнотимизнинг кенгайтирилган кўриниши бўлса, одатдаги мақсадлардан кескин фарқ қиласди. Улар тўғри тамойиллар ва табиий қонунлар билан мутаносиб бўлиб, мақсадга эришишимиз учун куч бағишлайди. Улар бизга сингдирилган кимнингдир мақсади эмас. Улар бизнинг мақсадимиз; улар энг чукур қадриятларимиз, ўзига хос иктидоримизни ифода этади. Бу мақсадлар ҳаётда танлаган ролимиздан келиб чиқади. Самарали мақсад фаолиятга эмас, натижага йўналтирилади. У бормоқчи бўлган манзилингизни аниқлайди, шунинг баробарида ҳозир қаердалигингишни кўрсатиб беради, манзилга етиш юзасидан мухим маълумот билан таъминлаб, етганингиздан сўнг, муваффақиятингиздан огоҳ қиласди. У ҳаракат ва қувватингизни бирлаштиради, бажараётган ишларингизга маъно бағишлайди; ва ниҳоят, кунлик фаолиятга айланади, сиз эса проактив шахс, ҳаётингиз учун масъул бўласиз, ўзингизнинг шахсий миссиянгиз йўлида ҳар кун нимадир қиласиз.

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

Роллар ва мақсадлар шахсий вазифангизга тартибланган йўналиш беради. Агар ҳали шахсий вазифангиз йўқ бўлса, бошлаш вақти келди. Ҳаётингиздаги муҳим соҳаларни аниқлаб ва эришишингиз зарур икки ёки уч муҳим натижани белгилаб, ҳаётдаги умумий нуқтаи назарингиз ва йўналишингизни билиб оласиз.

3-кўникмага ўтганимизда, қисқа мақсадларга янада кўпроқ тўхтalamиз. Бу ердаги муҳим вазифа – шахсий вазифангиз билан боғлиқ ролларни ва узок муддатли мақсадларни аниқлашдир. Ушбу роллар тўғри мақсад қўйиш ва унга эришишда пойdevор вазифасини ўтайди.

### ОИЛА ВАЗИФАСИ БАЁНОТИ

Иккинчи кўникма аниқ бир тамойилга асослангани боис, уни кенг миқёсда қўллаш мумкин. Нафақат алоҳида шахслар, балки оила, хизмат кўрсатиш гурухлари ва барча турдаги ташкилотлар якунни ёдда тутиб иш бошласа, сезиларли самараға эришади.

Аксарият оиласлар кайфият, тезкор дармонлар, лаҳзалик миннатдорчилик сингари мўрт тамойиллар асосида бошқарилади. Бу, айниқса, оилавий муаммоларда юзага чиқади: қийин дамларда оила аъзолари синик, танқидга мойил бўлиб қолади ёки гаплашмайди ёки жанжал бошлайди. Ота-онаси ning бу каби хатти-ҳаракатини кузатиб улғайган болаларда ҳам муаммони ҳал қилишнинг ягона йўли – ё қочиш, ё жанг қилиш деган тушунча шаклланади.

Ҳар қандай оиланинг асоси – ўзгармас, ҳамиша мавжуд бўлган умумий нуқтаи назар ҳамда қадриятлардан ташкил топмоғи лозим. Оила вазифаси баёнотини ёзиш ёрдамида сиз оиланинг ҳақиқий асосини ифодалашга муваффақ бўласиз.

Бу баёнот оилангизни баҳолаш ва у ҳакда қарор қабул қилишингизда суюнч бўлувчи бош мезонга айланади. Баёнот оилангизга йўналиш беради. Шахсий қадриятлар билан оила қадриятлари уйғунлашганида яқин қариндошлар

умумий мақсад йўлида бирлашади.

Оила вазифаси баёнотини ёзиш ва уни қўллаш жараёни оиласиз мустаҳкамлиги калитига айланади. Баёнотни яратиш мақсадида оила аъзоларингиз билан бирга ишлаш муносабатларингизни янада мустаҳкамлайди ва уни амалда қўллаш имкониятини оширади.

Фикр-мулоҳаза юритиш, уни қайта кўриб чиқиш жараёнида оиласиз билан суҳбатлашасиз, мулоқот қиласиз, аҳамиятли мавзулар ҳақида гаплашасиз. Энг яхши вазифа баёноти – оила аъзоларининг бирлашиб, ўзаро ҳурмат билан фикр алмашиши якка шахс қўлидан келганидан кўра каттароқ нарсани яратишида қўринади. Мақсадларни кенгайтириш, йўналишни белгилаш ёки уларга янги маъно бериш оилани умумий қадриятлар ва мақсадлар йўлида бирлаштириши мумкин.

Вазифа баёноти оилани бошқариш учун хизмат қиласиди. Муаммо ва инқирозлар келиб чиққанда, конституция оила аъзоларига энг муҳим нарсаларни эслатиб қўйиш, муаммоларни ҳал қилиш ва тўғри тамойилларга асосланган қарорларни қабул қилишни кўрсатади. Масалан, биз уйимизда оила вазифаси баёнотини умумий хона деворига илиб қўямиз. Шу орқали унга ҳар куни қараб, ўзимизнинг кундалик хатти-ҳаракатларимизни текшириб борамиз. Ҳар сафар оиламиздаги меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлаш, масъулиятли эркинлик, ҳамкорлик, ёрдамга шайлик, бир-биримизнинг эҳтиёжларимизга беэътибор бўлмаслик, иқтидорларни ривожлантириш тўғрисидаги жумлаларни ўқиганимизда, оиламизга энг кўп таъсир этувчи ишларни қандай бажараётганимизни таҳлил қиласиз.

Оилавий мақсадларимиз ва фаолиятимизни режалаштираётганда, биз шундай саволларни ўзимизга берамиз: «Ушбу тамойиллар асосида қандай мақсадга интиляпмиз? Мақсадимизга етишда ва қадриятларимизни рўёбга чиқаришда қандай режалардан фойдаланамиз?» Ва албатта, йилига икки марта – сентябрь ва июнда –

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР

мактаб бошланиши ва тугашида баёнотни қайта кўриб чиқиб, мақсадларимиз устида такроран ишлаймиз. Бу режаларимизни янгилайди, биз нимани инобатга олганимиз, нимани кутаётганимизни яққолроқ ифодалаб беради.

### ТАШКИЛИЙ ВАЗИФА БАЁНОТИ

Вазифа баёноти, шунингдек, ташкилотларнинг ҳам самарадорлигини таъминлайди. Турли муассасалар билан ишлаш жараёнида мен уларга самарали вазифа баёнотларини ривожлантиришга кўмаклашаман. Баёнотни тузишда ташкилотдаги ҳар бир ходимнинг иштироки унинг самарали бўлишига ёрдам беради.

Ҳар сафар, ІВМга борганимда, у ердаги машғулот жараёнини кўриб ҳайратга тушаман. Ҳар сафар ушбу ташкилот муваффакияти сири уч нарсага – шахс қадркиммати, мукаммаллик ва хизматга асосланганини кўраман.

Булар ІВМнинг эътиқод тизимини ифодалайди. Барча нарса ўзгариши мумкин, лекин бу учаласи эмас. Ушбу эътиқод тизими бутун ташкилот бўйлаб ёйилиб, ҳар бир ходим учун умумий қадрият ва шахсий хотиржамлик асоси бўлади.

Анча муддат олдин Нью-Йоркда ІВМ ходимларидан иборат гурӯҳ билан машғулот ўтказаётган эдим. Гурӯҳ – кичик, таҳминан, 20 киши эди. Машғулот давомида ходимлардан бирининг тоби қочиб қолди ва уйига – Калифорниядаги рафиқасига кўнғироқ қилди. Бўлган воқеани эшитиб, рафиқаси жуда хавотирга тушди, чунки эрининг касаллиги маҳсус даволашни талаб қиласди. ІВМ машғулотини ташкиллаштирган бошқарувчилар ходимни энг яхши касалхонага олиб бормоқчи бўлишди. Бирок беморнинг рафиқаси турмуш ўртоғини уйга олиб келиб, шахсий шифокор кўригидан ўтказишни истар эди. Буни бошқарувчилар ҳам сезиб турарди.

Шундай қилиб, беморни уйга юборишга қарор қилишди. Бошқарувчилар аэропортга бориш ва самолёт кутишга кўп вакт кетишидан ташвишланиб, машғулот

биносига хусусий самолёт чақиришди ва унда беморни аэропортта етказиши. Шундан сўнг маҳсус самолёт ёллаб, уни тўғри Калифорнияга кузатиб қўйиши.

Очиги, беморни уйига олиб бориб қўйиш учун қанча маблағ сарфланганини аниқ билмайман; менимча, минглаб доллар бўлса керак. Лекин бунинг аҳамияти йўқ, чунки IBM – шахс қадр-қимматини олий даражага қўяди. Ушбу эътиқоднинг амалдаги ифодасидан мен қаттиқ таъсирангган эдим.

Бошқа сафар: савдо марказининг 175 қишидан иборат бошқарувчилари билан меҳмонхонада машғулот ўтказишим белгилангган эди. Меҳмонхонадаги хизмат сифати мени лол қолдирди. У ерда барча нарса табиий бўлиб, ясамаликдан асар йўқ эди.

Ўшанда меҳмонхонага анча кеч етиб бордим, ичкарига кириб, рўйхатдан ўтгач, хона хизмати ҳакида сўрадим. Навбатчи менга қараб, «Афсуски, йўқ, жаноб Кови. Лекин истасангиз, ошхонага бориб сиз учун сендвич, салат ёки ўзингизга маъқул бирор егулик келтириш имумкин».

У чин дилдан менга кулагилик яратишга уринаётгани аён эди.

– Машғулот хонасини кўришни истайсизми? – давом этди навбатчи. – Ҳамма нарса етарлим? Нима ёрдам керак? Бугун хизматингиздаман.

Бу ҳакда ҳеч ким унга буйруқ бермаган эди. Навбатчи барчасини самимий гапираётганди.

Эртаси куни – тақдимотимнинг ўргасига етганда рангли маркерларимнинг айримларини унтиб қолдирганимни билиб қолдим. Шунинг учун танаффус вақти қабулхонага бориб, шошганча қаёққадир кетаётган навбатчи йигитга:

– Менда муаммо чиқди. Бошқарувчилар гурухи билан машғулот ўтказяпман. Ҳозир танаффус, бир неча дақиқа вақтим бор, холос. Менга рангли маркерлар керак эди, – дедим.

Навбатчи дарҳол ўгирилиб, менга қаради. Исмим

## II КИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

ёзилган бейджикка назар солиб, шундай деди:

– Жаноб Кови, ҳозир ҳал қиласиз.

У менгә: «Маркерларни қаердан олишни билмайман», ёки «Қабулхонадаги столни қараб күринг» демади, аксинча, ўз бўйнига олди. Ва буни мажбурликдан эмас, астойдил бажаргани сезилиб турарди.

Машғулотлардан кейин, қабулхонадаги санъат буюмлари териб кўйилган тоқчани томоша қилиб турган эдим. Хизматчилардан бири сўради:

– Жаноб Кови, меҳмонхонамиздаги санъат буюмлари ҳақидаги китобни кўришни истайсизми?

Нақадар ажойиб! Хизмат кўрсатишнинг юқори даражаси шу-да!

Бироздан сўнг нарвонга чиқиб қабулхонанинг баланд ойналарини тозалаётган хизматчи эътиборимни тортди. У ишини бажараётганида ҳассага таянган аёлнинг боғ бўйлаб юриб, ичкарига келаётганига кўзи тушди. Аёл юришга қийналаётгани сезилиб турарди. Атрофда бошқа одамлар бўлишига қарамай, хизматчи нарвондан тушиб, аёлнинг ёнига борди ва унга кўмаклашди. Ҳаммаси жойида эканига ишонч ҳосил қилгачгина, нарвонга чиқиб, ойнани тозалашда давом этди.

Меҳмонхона ходимлари ўртасида мижозга хизмат кўрсатиш қадриятининг олий даражада шакллангани мени жуда таъсиrlантирди ва бунинг сирини билишга қизиқдим. Шунинг учун фаррошлар, официант ва навбатчи йигитлар билан сұхбат қурдим ва самимий муомала уларнинг қонқонига сингиб кетганига гувоҳ бўлдим.

Орқа эшик билан ошхонага борганимда, «Бевосита мослаштирилган хизмат» деган ёзувга кўзим тушди. Бу – меҳмонхонанинг бош қадрияти эди.

Ниҳоят, мен бошқарувчининг ёнига кириб, бироз сұхбатлашдим.

– Асосий вазифам, – дедим салом-аликдан сўнг, – ташкилотларга ходимлар орасида кучли жамоавий феъл-

## ШАХСИЙ ЕТАКЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

автор, яъни, жамоа маданиятини ривожлантиришда кўмаклашишдан иборат. Рости, бу борадаги ютуқларингиз мени лол қолдирди.

– Бунинг сирини билмоқчимисиз? – деб сўради бошқарувчи жилмайиб ва ғаладондан меҳмонхоналар тармоғининг вазифа баёнотини олиб, менга тутқазди.

– Жуда таъсирли ёзилган, – дедим баёнотни ўқиб. – Лекин бу каби вазифа баёнотлари кўплаб ташкилотларда мавжуд.

– Айнан бизнинг меҳмонхона учун яратилганини кўришни истайсизми? – сўради бошқарувчи.

– Айтмоқчисизки, айнан шу меҳмонхонага мўлжаллаб тузилганми?

– Худди шундай.

– Бу баёнот тармоқдаги бошқа меҳмонхоналарнидан фарқ қиласдими?

– Шундай. Умумий баёнот билан уйғунликда бўлса ҳам, ушбу баёнот айнан бизнинг муҳитимиз, шарт-шароитимиз ва вақтимизни хисобга олиб ишланган, – шундай деб, у менга бошқа қоғозлар тўпламини узатди.

– Ким тайёрлаган буни? – қизиқсиниб сўрадим.

– Ҳамма, – жавоб қайтарди бошқарувчи.

– Ҳамма? Ростданми?

– Албатта.

– Фаррошлар ҳамми?

– Шундай.

– Официантлар ҳамми?

– Шубҳасиз.

– Навбатчилар-чи?

– Улар ҳам баёнот тузишда иштирок этган. Ўтган кечада сизни кутиб олган ходимлар ёзган баёнотни кўришни истайсизми? – у тўпламдаги когоzlар ичидан иккита баёнотни чиқариб кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам, меҳмонхонадаги ҳар бир ходим, даражаси ва мавқеидан қатъи назар, баёнотга ўз хиссасини қўшган эди.

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

Ташкилий вазифа баёноти – меҳмонхонанинг самарадорлигини таъминловчи ғилдирак вазифасини ўтарди. У қабул қилинадиган ҳар бир қарор учун асосий мезон бўлиб, ходимлар ва мижозлар ўртасидаги боғлиқликни белгилаб берарди. Баёнот бошқарувчи ва етакчиларнинг хулқига таъсир кўрсатиб, бутун ташкилот уни улдалашига мослаштирилган эди.

Галдаги хизмат сафари вақтида юқоридаги меҳмонхона тармоғига тегишли бошқа бир меҳмонхонада тўхтадим. Жойлашгандан кейин биринчи қилган ишим, ташкилий вазифа баёнотини сўраш бўлди. Улар мамнуният билан баёнотни менга беришди. Айни шу меҳмонхонада «Бевосита мослаштирилган хизмат» шиорига аниқроқ тушунгандек бўлдим.

Уч кунлик ташрифим давомида ходимларнинг хизмат кўрсатишини кузатиб, у жуда юқори кўринишдалигини хис қилдим. Бундан ташқари, хизмат ҳар бир мижоз учун маҳсус мослаштирилган ҳам эди. Масалан, сузиш майдонидаги ходимдан фонтан қаердалигини сўраганимда шахсан ўзи мен сўраган жойга кузатиб кўйди.

Мени ҳаммасидан кўра таъсирлантирган нарса – ходим раҳбари олдида ўз айбини очиқласига тан олгани бўлди. Хона хизматига кўнғироқ қилиб, иссиқ шоколад буюрдим. Улар шоколад ўн дақиқадан сўнг етказилишини айтишди. Лекин хонага келаётган хизматчи иссиқ шоколадни тўкиб юборган. Натижада, патнисни алмаштириб, янги шоколад олиб келгунча кўшнимча ўн беш дақиқа сарфланган. Аслида, бу менга умуман аҳамиятли эмасди.

Шунга қарамай, келаси куни эрталаб, хона хизмати бошқарувчиси кўнғироқ қилиб, кечаги ноқулайлик учун шахсан узр сўради ва айбни ювиш мақсадида меҳмонхона ҳисобидан тушлик таклиф қилди.

Хўш, ходимнинг ҳеч ким пайқамаган хатони раҳбари олдида тан олиши нимадан далолат беради?

Мен биринчи борган меҳмонхона бошқарувчисига

## ШАХСИЙ ЕТАКЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

айтганимдек, таъсирли ташкилий вазифа баёнотига эга күплаб компанияларни биламан. Лекин чиндан ҳам, бир нечта юқори бошқарувчилар томонидан ёзилган баёнот билан ташкилотдаги ҳар бир ходим бирғаликда ишлаган баёнот ўртасида жуда катта фарқ бор.

Ташкилотлар, жумладан, оиласалардаги фундаментал муаммолардан бири – одамлар атрофидагиларнинг қарорини қабул қилмаслигига.

Компания ва муассасалар билан ишларканман, ўз мақсади компания мақсадидан бутунлай ўзгача бўлган ходимларга дуч келаман. Баъзан битилган қадриятлар тизимидан мутлақо фарқланувчи мукофотлаш тизимларига гувоҳ бўламан.

Аллақачон ташкилий вазифа баёноти яратган компаниялар билан ишлаганимда одатда улардан сўрайман: «Ходимларингиздан нечтаси ушбу баёнотдан хабардор? Унда баён қилинган вазифаларни қанчалик яхши биласиз? Баёнот ёзишда неча киши иштирок этган? Қарор қабул қилаётганда нечтангиз баёнотга амал қиласиз?»

Иштироксиз масъулият бўлмайди. Бу жумлаларни истасангиз белгилаб қўйинг, истасангиз, тагига чизинг ёки доирага олинг, муҳими ёдингизда сақланг.

Иштирок йўқ экан, масъулият ҳам бўлмайди.

Ташкилотда янги иш бошлаган ходимингиз ёки оиласалаги ёш фарзандингиз бўйнига маълум мақсадни илсангиз, улар осонликча йўриғингизга юради, айниқса, муносабатларингиз яхши бўлса.

Лекин одамлар ўсиб, ўз ҳаётини алоҳида кўришни бошлаганда, қарор қилишда иштирок этишни хоҳлайди. Агар иштирок этмаса, вазифани бажармайди. Ана ўшанда рухлантириш билан боғлиқ муаммоларга дуч кела бошлайсиз. Тек қўйсангиз, муаммо шу қадар йириклишадики, уни ҳал қилиш учун фикрлашингизни ўзгартиришга тўғри келади.

Шу сабабли, ташкилий вазифа баёнотини яратишда

## II КИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР

вакт, сабр, иштирок, маҳорат ва меҳр зарур. Яна бир бор қайтараман, баёнот муаммони ҳал қилишнинг тезкор усули эмас. Ўзаро қарааш ва қадриятларни шакллантириш учун вакт, самимийлик, тўғри тамойиллар, шунингдек, бегона тизим, тузилма ва бошқарув услубларига нисбатан бағрикенглик талаб этилади. Бунга кўп вакт кетса ҳам, тўғри тамойиллардан фойдаланилгани ҳисобига охир-оқибат ижобий натижага эришилади.

Ташкилий вазифа баёноти – ташкилот ичидаги ҳар бир ходимнинг умумий қараашлари ва қадриятларини акс эттиради, бирдамлик бунёд этади, инсонларнинг қалбида ва онгида ўзларини бошқарадиган муайян доиралар, мезон ва кўрсатмалар тўпламини яратади. Бундай баёнот ёрдамида ташкилот билан уйғун мақсадга эга бўлган ходимлар ўз ишига жон-дили ва садоқатини бағишлайди.

### ҚЎЛЛАШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

1. Ўз жанозангизни кўз олдингизга келтирганингизда бошдан кечирган таассуротларингизни қоғозга туширинг.
2. Ҳозирги ролларингизни ёзинг. Ўз ҳаётингиз аксидан қониқяпсизми?
3. Кундалик фаолиятдан ўзингизни тўлиқ ажратиш учун вакт белгиланг ва шахсий миссия баёнотингиз устида ишлашни бошланг.
4. «А» иловадаги жадвалда кўрсатилган марказларга назар ташлаб, ўзингизга мосини белгилаб чиқинг. Улар ҳаётдаги хатти-ҳаракатингизни шакллантирадими? Таҳлилингиз натижасидан мамнунимисиз?
5. Шахсий топширик баёнотингизни ёзишда қўллашингиз мумкин бўлган иқтибослар, эслатмалар ва фикрларни тўпланг.
6. Яқин келажакда юзлашадиган йирикроқ лойиҳани

## ШАХСИЙ ЕТАКЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

аниқлаб, сүнг тасаввур ва тасдиқ машқини қўлланг.  
Ўзингиз истаган натижаларни, шу натижаларга  
эришиш учун бажариладиган вазифаларни ёзиб  
чиқинг.

7. Иккинчи кўникма тамойилини оиласиз,  
дўстларингиз ёки ҳамкасларингиз билан бўлишинг  
ҳамда биргаликда оила ёки жамоа вазифаси баёноти  
устида ишлашни таклиф қилинг.

# УЧИНЧИ КҮНИКМА: ЭНГ МУХИМИДАН БОШЛАНГ

## ШАХСИЙ БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИ

*Аҳамиятли нарсалар аҳамиятсизларига  
боглиқ бўлмаслиги керак.*

ГЁТЕ

Бир дақиқа ажратиб, қўйидаги икки саволга қисқа жавоб ёза оласизми? Учинчи кўникма устида ишлашга киришар экансиз, жавобларингиз муҳим аҳамиятга эга бўлади.

**1-савол:** Ҳозир бажармаётган қандайдир ишингизни доимий равища бажарсангиз, шахсий ёки касбий ҳаётингиз катта ижобий ўзгариш ясали мумкинми?

**2-савол:** Бизнес ёки шахсий ҳаётингиздаги бирор нарса худди шундай натижа берадими?

Жавоблар муҳокамасини кейинроққа колдирамиз-да, ҳозир учинчи кўникмани тушунишга киришамиз.

Учинчи кўникма – биринчи ва иккинчи кўникмаларни амалда кўллашнинг меваси ҳисобланади.

Биринчи кўникма: «Сен иходкорсан. Сен жавобгарсан», – дейди. У инсонга хос бўлган тўрт қобилият – тасаввур, виждон, мустақил ирода ҳамда ўзликни англашга асосланади. Биринчи кўникма ёрдамида сиз: «Болалигимда берилган, ижтимоий кўзгудан келадиган сценарий носоғломдир. Менга бундай самараасиз сценарий керак эмас. Мен уни ўзgartира оламан», – дейишни ўрганасиз.

Иккинчи кўникма биринчи, яъни ақлий иход саналади. У тасаввур ва виждонга асосланади. Тасаввур – реал ҳаётда кўз билан кўриб бўлмайдиган нарсаларни тасаввуримизда яратиш ва имкониятларни кўриш қобилияти бўлса, виждон – ўзига хослигимизни, ўзимиз учун мос бўлган шахсий,

## ШАХСИЙ БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИ

ахлоқий йўналишимизни аниқлаш қобилияти ҳисобланади. Виждон – туб парадигмаларимиз, қадрият ва нуқтаи назаримиз билан ҳамоҳангдир.

Учинчи кўникма эса – иккинчи ижод, бошқача айтганда, жисмоний ижод саналади. У биринчи ва иккинчи кўникмаларнинг табиий равишда пайдо бўлиб, амалда қўлланилиши ва ижроси якунидир. Учинчи кўникма эркин танлов асосида тамойилга марказлашишнинг машқи ҳисобланади.

Учинчи кўникмани эгаллашдан аввал, дастлаб биринчи ва иккинчи кўникмаларни ҳосил қилиш зарур. Тамойилга марказлашиш учун биринчи ўринда проактив табиатингизни ривожлантиришингиз; шахсий парадигмаларингизни таниб, Парадигма алмашинуви қандай содир бўлишини тушунишингиз; фақат ўзингизга хос бўлган қобилиятингизни аниқлашингиз лозим бўлади.

Мана шу пойdevор билан ҳаётингиз марказига тамойилларни қўясиз, дақиқалар, соатлар, кунлар ва ҳафталар сайин учинчи кўникма бўйича яшашга ўтасиз – самарали шахсий бошқарувни амалда синайсиз.

Бошқарув – эсингизда бўлса – етакчиликдан бутунлай фарқ қиласди. Етакчилик, асосан, мия ўнг яримшарининг фаолият туридир. У худди санъатга ўхшайди; фалсафага асосланади. Шахсий етакчилик масалаларини ҳал қилаётганингизда, ҳаёт моҳияти тўғрисидаги саволларга жавоб топишингизга тўғри келади.

Ушбу масалаларга ечим топганингизда эса, жавобларингизга мувофиқ келувчи ҳаёт тарзини яратишни бошқаришингиз керак. Агар «тўғри чангальзор»да бўлмасангиз, вазифани уддалашда яхши бошқарув қобилиятингиз ҳам ёрдам бермайди. Бироқ танлаган йўлингиз тўғри бўлса, яхши бошқарув қўп нарсани ҳал қиласди. Аслида, яхши бошқариш – иккинчи ижоднинг мавжудлиги ва сифатини кафолатлади. Бошқарув бу – енгиб ўтиш, таҳлил қилиш, кетма-кетлик каби жиҳатларга

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

эга бўлиб, мия чап яримшарининг вазифаси саналади.

Шахсий самарадорликдаги шахсий қоидам қўйидагича: чап миянг билан бошқар, ўнг миянг билан етакла.

### МУСТАҚИЛ ИРОДА КУЧИ

Ўзликни англаш, тасаввур ва виждонга қўшимча равишида тўртинчи инсоний қобилият – мустақил ирода шахсий бошқарувнинг бош омилидир. Мустақил ирода деганда – мустақил қарор қабул қилиб, шу қарор асосида ҳаракатланиш қобилияти тушунилади. У ҳаракатнинг обьекти эмас, субъекти бўлишингизни таъминлайди, юқоридаги учта қобилият орқали ривожлантирган дастурни проактивлик билан бажаришингизга кўмаклашади.

Инсон иродаси ҳайратланарли. Замонлар оша у ишониб бўлмас ғалабаларга эришди. Ҳелен Келлерс мустақил ироданинг кучи ва қийматига ўта драматик мисоллар келтиради.

Бу қобилиятни самарали шахсий бошқарув нуқтаи назаридан кўриб чиқсан, у аслида кам учрайдиган имтиёз эмаслигини англаймиз. Ҳамма гап кундалик қарор қабул қилишда ушбу қобилиятдан фойдаланишни ўрганишимизда.

Кундалик ҳаётда мустақил иродамиз қай даражадалиги яхлит эканимиз билан ўлчанади. Яхлитлик – муҳим қадриятдир. Бу бизни ваъда бериб, уни бажариш қобилиятимиз, сўзимизда тура олишни уddeлашимиздир. Яхлитлик феъл-автор этикасининг ажралмас қисми, проактив ўсиш пойдеворидир.

Самарали бошқарув ишни энг муҳимидан бошлашдир. Етакчилик «энг муҳим нарсалар»ни фарқлаш, уларни тартиблаш бошқарувнинг вазифаси ҳисобланади. Демак, бошқарув ишни бажариш интизомидир.

Интизом ўз-ўзини бошқаришдир. У сизнинг ич-ичингиздан келиб чиқиб, мустақил иродангизга боғлик бўлади. Агар сиз интизомли бўлсангиз, демак, ички қадриятларингиз ва уларнинг манбаига содиксиз.

## ШАХСИЙ БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИ

Агар уларга содик бўлсангиз, демак, сизда ҳиссиёт ва кайфиятингизни қадриятларингизга бўйсундириш учун етарли ирода мавжуд.

Э.М.Грейнинг «Муваффақиятнинг умумий ўлчови» асари энг севимли эсселаримдан биридир. Грей бор умрини барча учун умумий бўлган муваффақият ўлчовини қидиришга багишлади. У қаттиқ меҳнат, омад ёки ҳавас қилгулик муносабатлар муҳим бўлса ҳам, муваффақият ўлчови эмаслигини аниқлади. Уларни бирлаштирувчи бир омил эса учинчи кўникманинг моҳиятида акс этади. Бу – дастлаб энг муҳимидан бошлашдир.

«Муваффақиятсиз кишилардан фарқли равища, муваффақиятли шахслар ўзи ёқтирамайдиган юмушни ҳам бажара олиш кўникмасига эга бўлади, – дейди Грей.  
– Қанчалик хуш келмаса ҳам, уларнинг мақсадга етиш йўлидаги қатъияти ёқтирамаслик ҳиссидан устун туради».

Демак, ўзимизга ёқмаган ишни бажариш учун бизда мақсад, вазифа, иккинчи кўникма ўргатадиган йўналиш ва қадриятлар мужассам бўлиши лозим. Шу билан бирга, бошқа нарсаларни рад этиб, биринчи ижод маҳсулимизга ҳамоҳанг ҳаёт кечиришимиз учун мустакил ирода кучига суюнишимиз керак.

### ВАҚТНИ БОШҚАРИШНИНГ ТЎРТ АВЛОДИ

Учинчи кўникма бизга ҳаёт ва вақтни бошқаришда кўл келади. Бу соҳани узок йиллардан бери ўрганаётган талаба сифатида, шахсан мен вақтни бошқариш бўйича энг яхши фикрларни бир оғиз жумлага жамлайман: устувор вазифаларни белгиланг ва бажаринг. Бу жумла вақтни бошқариш назариясининг уч авлодини ўзида акс эттиради ҳамда буни самарали амалга оширишининг турли ёндашув ва услубларини кўрсатади.

Шахсий бошқарув ҳам инсон фаолиятининг бошқа кўплаб соҳалари сингари замонлар оша ривожланди. Вақт ўтгани сари, унинг ривожланишига йирик ютуклар ёки Элвин Тоффлер айтганидек, «тўлқинлар» қўшилиб, янги

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

Үлчамлар ҳосил қилди. Масалан, ижтимоий ривожланишни олайлик: қишлоқ хўжалиги инқилоби ортидан саноат инқилоби рўй берди, ундан сўнг ахборот инқилоби содир бўлди. Бу инқилобларнинг ҳар бири ижтимоий ва шахсий янгиликлар тўлқинини олиб келди.

Худди шу каби вақт бошқаруви соҳасида ҳам, ҳар бир янгилик бир-бирининг устига қурилади – ҳар бир янгилик ҳаётимизни назорат қилишга кўпроқ имкон яратиб беради. Вақт бошқарувининг биринчи авлоди эслатмалар ёки бажарилиши зарур ишлар рўйхати билан характерланади. Бу орқали вақтимиз ва қувватимизни қайси вазифаларга йўналтириши аниқлай оламиз.

Иккинчи авлод – тақвим ва учрашувлар китобчасидир. Ушбу авлод келажакка назар солиш баробарида воқеа-ҳодисаларни жадвалга солишга мўлжалланади.

Учинчи авлод эса ҳозирда мавжуд вақт бошқаруви йўналишини қамраб олади; олдинги авлодларга қадриятларни аниқлаш, устувор вазифаларни белгилаш жиҳатларини қўшади. Бундан ташқари, қадриятлар асосида аниқ мақсадлар қўйиш шундай йўл тутишга диққат қаратади; кундалик ишларни режалашдан ташкил топади.

Учинчи авлод вақтни бошқаришга сезиларли ҳисса қўшган бўлса ҳам, одамлар вақтни «самарали» тартиблаш ва назорат қилиш кўпинча қарама-қарши натижа келтириб чиқараётганини англай бошлади. Чунки бунда вақтни бошқариш асосан профессионал самарадорликка эришишга мўлжаллангани туфайли, кишиларда чукур муносабатларни ривожлантириш, инсоний эҳтиёжларни қондириш ва лаҳзалик роҳатлардан лаззатланиш имкониятини чеклаб қўярди.

Натижада вақт бошқаруви дастурлари ва режалаштиргичлар кўпчилик ўзини ўта банд ҳис қилишига олиб келди. Бундан чарчаган одамлар, учинчи авлодни таг-туғи билан улоқтириб, биринчи ва иккинчи авлоддан фойдаланишга ўта бошлади. Шу йўл билан улар

муносабатларини сақлаб қолиб, ўз инсоний эҳтиёжларини қондириш, кутилмаган вазиятлардан роҳатланишни давом эттиришни мўлжаллади.

Бироқ ҳозирги кунда вақтни бошқаришнинг тўртинчи авлоди вужудга келмоқда. Бу авлод «вақтни бошқариш» тушунчасининг ўзи нотўғри эканини таъкидлаб, биз аслида вақтни эмас, балки ўзимизни бошқаришимиз зарурлигига ургу беради. Мамнуният – мақсад ҳосил бўлгач вужудга келадиган ҳиссиятдир. Мақсад ижроси таъсир доирамизда экан, демак, мамнуният ҳам ўз кўлимиизда бўлади.

Тўртинчи авлод вазифалар ва вақтга диккат бўлавермай, муносабатларни кенгайтириш ва мақсадларни адо этишга – қисқача айтганда, Т/ТВ ўртасидаги мувозанатни сақлашга эътибор қаратади.

#### ИККИНЧИ КВАДРАТ

Вақт бошқаруви тўртинчи авлодининг зарурий аҳамиятини келаси саҳифадаги «ВАҚТНИ БОШҚАРИШ МАТРИЦАСИ»да кўриш мумкин. Вақтимизни тўрт усулда сарфлаймиз. Кўрганингиздек, маълум фаолиятни шошилинч ва муҳим деган икки сифат билан ифодалаймиз. Шошилинч иш – зудлик билан эътибор қаратиш лозим бўлган фаолиятни назарда тутади. Бу «Ҳозироқ!» деганидир. Шошилинч ишлар назорат қиласи. Мисол учун, жиринглаётган телефон – шошилинч. Аксарият одамлар телефон жиринглашига жим қараб туролмайди. Сиз соатлар давомида материалларни тайёрлагач, раҳбарингиз хонасига маълум бир масалани муҳокама қилишга киришингиз мумкин. Лекин ўша ердалигингизда телефон жиринглаб қолса, нима учун кирганингиз иккинчи даражага ўтиб қолади.

Кимгadir қўнғироқ қилганингизда: «Илтимос, гўшакни қўйманг, ўн беш дақиқадан сўнг гаплашамиз», дейдиган одам кам топилса керак. Лекин худди ўша кишилар ким биландир телефондаги узун сухбатини тутатгунча, сизни офисда куттиради.

## II КИСМ. ЩАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

Шошилинч масалалар одатда очиқ күрениб туради. Улар бизга босим ўтказади; дархол ҳаракат қилишни талаб қилади. Уларни бажариш осон, ёқимли ёки қизиқ бўлиши мумкин. Бироқ улар кўпинча аҳамиятсиз бўлади!

Мухим масалалар эса, аксинча, натижа талаб қилади. Вазифангиз, қадрият ва устувор мақсадларингизга ҳисса кўшадиган нарсаларгина сиз учун муҳим бўла олади.

	ШОШИЛИНЧ	ШОШИЛИНЧ ЭМАС
МУҲИМ	I ИШ: Фавқулодда вазиятлар. Долзарб масалалар. Қисқа муддатда бажариш лозим бўлган лойиҳалар.	II ИШ: Профилактик ишлар, Компьютерни техник жиҳатдан текшириш. Тармокни созлаш. Янги имкониятлар қидириш. Режалаштириш. Кучни қайта тиклаш.
АҲАМИЯТСИЗ	III ИШ: Телефон кўнғироқлари. Унча муҳим бўлмаган смс-хабарлар, учрашувлар. Яқинлашиб келаётган долзарб масалалар. Бехуда чалғишлар.	IV ИШ: Кундалик иш жадвали. Вақтни бекорга сарфлаш. Бўш вақт.

Биз ҳамиша шошилинч масалаларга реактив тарзда жавоб берамиз. Муҳим, лекин шошилинч бўлмаган масалалар кўпроқ ташаббус, проактивлик талаб қилади. Бунда исталган натижага эришиш учун имкониятларни яхшилаб ўлчалишимиз зарур. Агар иккинчи кўникмани ҳосил қилмасак, ҳаётимиизда нима муҳимлигини, қандай натижа хоҳлашимизни аниқлаб олмасак, уларни ҳам

реактив ҳолда ҳал қиласиз.

Вақтни бошқариш матрицасидаги түрт квадратта назар солинг. Биринчи квадратдаги ишлар ҳам муҳим, ҳам шошилинч бўлиб, уларга дарҳол эътибор қаратиб, юқори натижа билан якунлаш лозим. Одатда жадвалдаги биринчи рақамли масалаларни «муаммо» ёки «инқироз» деб атамиз. Ҳаётимизда ҳамиша уларга дуч келамиз. Афсуски, биринчи квадрат кўпчиликни еб битиради. Инқироз бошқарувчилари, муаммоли инсонлар уларнинг қурбони бўлади.

Биринчи квадрат устингиздан тўлиқ назорат ўрнатмагунча катталашиб бораверади; охир-оқибат, улкан муаммога айланиб, сизни йиқитади. Ўрингиздан амаллаб тургач, яна бир улкан муаммога дуч келасиз. Бунисига ҳам енгилиб, ер билан битта бўласиз.

Айрим одамлар ҳар куни муаммолар зарбига учрайди. Шунда улар юпанч истаб, тўртинчи квадратдаги ҳам аҳамиятсиз, ҳам шошилинч бўлмаган масалалар билан шуғулланишга киришади. Шунинг учун, уларнинг матрицасига қарасангиз, 90 фоиз вақти биринчи, 10 фоиз вақти эса тўртинчи квадратга сарфланади; иккинчи ва учинчи квадратларга деярли эътибор қаратишмайди. «Инқирозли ҳаёт»да яшовчилар вақтини мана шундай бошқаради.

I	II
<b>НАТИЖА</b> – Тушкунлик; – Сиқилиш; – Муаммо таъсирига тушиш; – Абадий кураш.	
III	IV

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР

Яна шундай одамлар борки, асосий вақтини учинчи квадратдаги шошилинч, лекин аҳамиятсиз бўлган масалаларга сарфлайди, бироқ ўзини биринчи квадратдаман деб ўйлади. Улар шошилинч нарсаларни муҳим деган хаёлда, асосий вақтини шуларга жавоб қайтариш билан ўтказиб юборади. Ҳақиқатда эса, бу масалаларнинг шошилинчлиги кўпинча бошқаларнинг устувор вазифалари ва мақсадларига асосланади.

I	II
III <b>НАТИЖА</b> – Қисқа муддатли дикқат; – Муаммо таъсирига тушиб; – Буқаламун обрўси; – Режа ва мақсадларнинг маъносилигига ишонч; – Ўзини жабрдийда ҳис килиш; – Заиф ва бузилган муносабатлар.	IV

Умуман олганда, учинчи ва тўртинчи квадратда вакт сарфловчиларнинг ҳаёти бесамар бўлади.


I	II
III – Буткул масъулиятысизлик – Ишдан чалғиш – Бошка инсонлар ёки ташкилотларнинг савол ва вазифаларига боғланиб қолиш.	IV

Самарали инсонлар ҳамиша учинчи ва түртинчи квадратдан ташқарида туради, чунки шошилинч бўлишбўлмаслигидан қатъи назар, бу квадратдаги ишлар аҳамиятсизdir.

Шунингдек, самарали шахслар иккинчи квадратда кўпроқ вақт сарфлаш орқали биринчи квадрат катталашишига йўл бермайди.

Иккинчи квадрат – самарали шахсий бошқарувнинг юраги хисобланади. Унда шошилинч бўлмаган, аммо мухим ишлар жойлашади. У бажаришимиз зарур бўлган, лекин шошилинч бўлмагани учун бироз пайсалга солинадиган масалалар билан тўла. Масалан, муносабат ўрнатиш, шахсий вазифа баёнотини ёзиш, узоқ муддатли режалар тузиш, машқ қилиш, тайёргарлик кўриш шу квадратда бўлади.

Питер Друкер таърифи билан айтганда, самарали одамлар – муаммолар ҳақида эмас, имкониятлар ҳақида бош котиради. Улар имкониятларни тўйдириб, муаммоларни оч қолдиради; ҳамма нарсани олдиндан эҳтиётини олади. Албаттa, уларда ҳам биринчи квадратдаги фавқулодда вазият ва инқирозлар учраб туради, бироқ нисбатан оз миқдорда. Мухим, аммо шошилинч бўлмаган масалаларга дикқат қаратиш ёрдамида, самарали инсонлар Т ва ТВ орасидаги мувозанатни таъминлаб, иккинчи квадратни тартибга келтиради.



## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

Вақтни бошқариш матрицасини хаёлингизга келтириб, боб бошида сўраган саволларимга берган жавобларингиз ҳақида ўйлаб кўринг. Улар қайси квадратга мос келади? Чиндан ҳам улар муҳимми? Шошилинчми?

Менимча, улар иккинчи квадратга тушади. Жавобингиздаги ишлар чиндан ҳам муҳим, бирок шошилинч эмас. Айнан шошилинч бўлмагани учун уларни бажармайсиз.

Энди эса саволларнинг моҳиятига эътибор қаратинг: ҳозир бажармаётган қандай ишингизни доимий равишда бажарсангиз, шахсий ҳаётингизда катта ижобий ўзгариш қилиши мумкин? Иккинчи квадратдаги фаолият турлари худди шундай таъсирга эга. Уларни бажариш орқали самараదорлигимизни бир неча баробар оширамиз.

Савдо марказининг бошқарувчиларига ҳам «Касбий ҳаётингизни ижобий томонга ўзгартира оладиган битта иш бўлса, нима қилган бўлардингиз?» деган савол бергандим. Аноним шаклдаги жавобларнинг барчасида «Савдо марказидаги дўконларнинг ижаракчилари билан ўзаро мустаҳкам алоқа қуардим» деган мазмун акс этганди. Бу юмуш эса, шубҳасиз, иккинчи квадратга жойлашади.

Шундан сўнг, маълум таҳдиллар асосида, бошқарувчилар реал ҳаётда ушбу фаолиятга беш фоиздан камроқ вақтини сарфлашини аниқладик. Албатта, бунинг учун уларда ўзига яраша сабаблар – кетма-кет муаммолар бор эди. Бошқарувчилар, асосан, хисобот тайёрлаш, учрашувларга бориш, саволларга жавоб бериш, қўнғироқ қилиш каби юмушлар билан банд бўлиб, биринчи квадратнинг қурбонига айланарди.

Бошқарувчилар дўкон ижаракчиларига жуда кам вақт сарфлар эди ва сарфланган вақт ҳам салбий қувват билан тўларди; уларнинг ёнига фақатгина шартномада белгиланган нарсаларни бажариш – пул тўплаш ёки реклама билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш мақсадида борарди.

Ижарачилар ўз фаровонлиги у ёқда турсин, инқирозга тушмасликка тиришаётганди. Уларда ходимлар, нарх-наво, пул билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлиб, аксариятида бошқарув машғулотлари ўтказилмасди. Баъзилари яхши савдогар бўлса ҳам, ёрдамга муҳтож эди. Шу каби сабаблар туфайли ижарачилар бошқарувчиларни ҳатто кўришни ҳам истамасди; бусиз ҳам муаммолари ошиб-тошиб ётарди.

Кўп нарса ойдинлашгач, бошқарувчилар проактив бўлишга қарор қилди ва ўз мақсадлари, қадрият ва устувор вазифаларини белгилаб олди; ушбу вазифалар билан уйғунлиқда вактининг учдан бир қисмини дўкон ижарачиларига бағишлиашга киришди.

Ушбу ташкилот билан, тахминан, бир йил ишлаб, даромади тўрт баробарга ошганига гувоҳ бўлдим. Қолаверса, бошқарувчиларнинг роли ҳам ўзгарган эди; энди улар ижарачиларнинг тингловчиси, тренери ва маслаҳатчисига айланганди. Уларнинг муносабатидан ижобий қувват тараларди.

Шунга яраша натижа ҳам жуда юқори бўлди. Диққатни вакт ва услугга эмас, аксинча, муносабат ва натижаларга қаратиш орқали ижарачилар мамнуният билан янги гояларни амалда қўллашга киришди, даромад ошиди, савдо маркази бошқарувчилари эса дўконлардаги савдо-сотик ривожланиши, тушадиган фойда ошганидан қониқиши ҳосил қилди. Улар чинакамига муаммони ҳал қилувчи, ёрдамчиларга айланди.

Ким бўлишингиздан, қаерда ишлаб ёки таълим олишингиздан қатъи назар, ишончим комил, иккинчи квадратга вакт сарфлассангиз, худди шундай юқори натижани қайд этасиз, самарадорлигингиз катта суръатларда ошади; инқироз ва муаммоларингиз эса камаяди. Чунки фавқулодда вазиятларни анча олдиндан сезасиз. 80 фоиз натижа 20 фоиз иш маҳсулидир – бу вактни бошқаринш жаргонида Парето тамойили деб аталади.

### «ЙҮҚ» ДЕЙИШ УЧУН НИМА КЕРАК?

Иккинчи квадрат учун зарур вактни фақат учинчи ва түртинчи квадратдаги юмушларни камайтиргач топишингиз мүмкин. Иккинчи квадратга күп вакт сарфлашингиз натижасида биринчи квадрат қисқарса-да, ундаги юмушларни бутунлай безътибор қолдиролмайсиз. Демак, иккинчи квадрат учун асосий вакт учинчи ва түртинчидан келади.

Биринчи ва учинчи квадратга тобеликни енгиб, иккинчи квадрат устида ишлашингиз учун аввало проактив бўлишингиз лозим. Иккинчи квадратнинг устувор вазифаларига доим «ҳа» дейиш учун шошилинч, аммо муҳим бўлмаган бошқа ишларга «йўқ» дейишни ўрганишингиз керак.

Анча вакт аввал рафиқамни жамоатчилик қўмитаси директори лавозимиға таклиф этишди. Сандранинг шундоғам муҳим ишлари кўп эди, шунинг учун таклифи қабул қилишни истамади. Бироқ «йўқ» дейишга кўнгли бўлмай, босим остида розилик берди.

Кейин у қадрдан дугоналаридан бирига қўнфироқ қилиб, бирга ишлашни илтимос қилди. Дугонаси Сандранни дикқат билан тинглади ва жавоб берди: «Сандра, лойиха яхшига ўхшаяпти. Мени таклиф қилганингдан беҳад миннатдорман. Бу қайсиdir маънода мен учун шараф. Айрим сабаблар туфайли ўзим лойиҳада иштирок эта олмасам ҳам, таклифингдан бошим кўкка етди».

Рафиқам бунаقا рад жавобини эшитишни умуман кутмаган эди. У менга ўгирилиб, хўрсинди ва деди: «Қанийди, мен ҳам шундай деёлганимда эди».

Бу воқеани айтиш билан жамоатчилик хизматига аралашмаслигингиз керак демоқчи эмасман. Булар жуда муҳим, албатта. Лекин ёқимли оҳангда, табассум билан «йўқ» дейиш учун, сизда аниқ устувор вазифалар ҳамда жасорат бўлиши керак. Энг муҳими, «йўқ» дейиш учун ичингизда каттароқ «ҳа» бўлсин. «Энг зўр»нинг душмани

кўпинча «жуда яхши» бўлиб чиқади. Буни ҳамиша нимагадир «йўқ» деяёттанингизда ёдда тутинг. Шошилинч ишлар яхши бўлиши мумкин. Лекин яхши ишлар сизни энг зўр юмушлардан тутиб қолади.

Йирик университетдаги Халқаро алоқалар институти директори эканимда, жуда иктидорли, проактив, ижодкор ёзувчини ишга олдим. Орадан бир неча ой ўтди. Кунларнинг бирида унинг хонасига кириб, айрим шошилинч масалалар устида ишлашини сўрадим.

— Стивен, — деди у менга, — истаган вазифангизни бажараман. Фақат ҳолатимни тушунтиришга изн беринг.

Кейин у мени деворий доска ёнига олиб борди. Унда ўндан зиёд лойиҳалар, уларнинг якунланиш саналари қайд этилган эди. У жудаям интизомли ходимлигини яхши билардим, шунинг учун ҳам ёрдам сўраб айнан унинг ёнига келгандим. Ахир шундай гап бор: «Бирор ишни тезроқ якунланишини истасанг, уни энг банд одамга топшиш».

Шундай қилиб, ёзувчи дўстим тушунтиришни бошлиди:

— Стивен, сиз айтиётган ишларни бажариш бир неча кун вақтни олади. Уни бажариш учун доскадаги лойиҳалардан қай бирини кечиктиришимни таклиф киласиз?

Албагта, бунинг жавобгарлигини олишни истамадим. Энг самарали ходимларимдан бирининг оёғига тушов бўлишни хоҳламадим. Мен бажарилишини истаётган ишлар шошилинч бўлса ҳам, муҳим эмасди. Шунинг учун бошқа бир ходим топиб, ишни унга топширдим.

Кун давомида турли нарсаларга «йўқ» ёки «ҳа» деб жавоб берамиз. Ниманидир тасдиқлаб, бошқа нарсани рад этамиз. Тўғри тамойиллар маркази ҳамда шахсий вазифа баёнотимизга диққатимизни жамласак, қарор қабул қилишда донолик бизни тарк этмайди.

Турли гурухлар билан ишлар эканман, уларга самарали вақт ва ҳаёт бошқарувининг моҳияти – мувозанатлашган устувор вазифаларни ташкиллаштириш ва ижро этишда

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР

эканлигини айтаман. Сүнг ушбу саволни сўрайман: «Мана бу камчиликларнинг қай биридан кутулишни истардингиз? 1) устувор вазифаларни аниқлай олмаслик; 2) устувор вазифаларни ташкиллаштира олмаслик; 3) устувор вазифаларни ижро этишда интизом етишмаслиги.

Кўпчилик интизом етишмаслигини бош камчилик дейди. Чукурроқ таҳлил қилгач, мен гап бунда эмаслигига ишондим. Асосий муаммо – уларнинг устувор вазифалари юраги ва онгининг туб-тубига сингмаганида. Улар иккинчи кўникмани тўлиқ ҳосил қилмаган бўлади.

Иккинчи квадратдаги юмушларнинг ҳаётдаги қийматини биладиган кўплаб инсонлар мавжуд. Билиб-бilmай, улар шу юмушларни устувор вазифага айлантириб, фақат интизом ёрдамида бажармоқчи бўлади. Бироқ тамойил маркази ва шахсий вазифа баёнотисиз, харакатларини тутиб турувчи пойдеворга эга бўлолмайди. Улар интизомли муносабатлар, интизомли феъл-атвор устида ишляяпти, аммо табиий муносабат ва феъл-атворнинг асосий тамойилларини кўздан қочирмоқда.

Иккинчи квадрат диққати – тамойил марказидан униб чиқадиган парадигма ҳисобланади. Агар ҳаётингиз марказида турмуш ўртоғингиз, дўстларингиз, лаззат ёки ташки омиллар бўлса, истар-истамай биринчи ва учинчи квадратлар гирдобига тушиб қолаверасиз; ҳаётингиз марказидаги ташки кучларга бор вақт ва эътиборингизни қаратаверасиз. Ҳатто ўзингизга марказлашган тақдирингизда ҳам, ички импульсларингиз туфайли барибир биринчи ва иккинчи квадратларга реактив жавоб қайтарасиз. Марказингизга қарши туриш учун мустақил ироданинг ўзи етарли бўлмайди.

Меъморий қоидалар тили билан айтганда, шакл – вазифага эргашади. Бошқарув ҳам етакчилик ортидан юради. Вақtingизни қандай сарфлашингиз – устувор вазифа ва вақtingизга қай кўз билан назар солишингиз натижасидир. Агар устувор вазифаларингиз тамойил

маркази ҳамда шахсий топшириқдан келиб чиқса, қалбингиз ва онгингизга чукур илдиз отиб, ўрнашади; иккинчи квадрат бўлса, вақтингизни сарфлашингиз мумкин бўлган энг табиий жойга айланади.

Гар ичингизда кучли «ҳа» бўлмаса, учинчи квадратдаги машҳурлик ёки тўртингчи квадратнинг завқ-шавқига «йўқ» дейиш деярли имконсиз. Ўз дастурингизни назорат қилувчи ўзликни англаш қобилиятингиз, шунингдек, ҳамиша «ҳа» дея оладиган – янги, ўзига хос, тамойилга марказлашган дастур яратиш учун тасаввур ва виждонингиз бор экан, шундагина аҳамиятсиз нарсаларга очиқкўнгиллик ва табассум ила «йўқ» дейиш учун етарли мустақил иродангиз бўлади.

### ИККИНЧИ КВАДРАТ ТОМОН

Агар иккинчи квадратдаги ишлар самарали шахсий бошқарувнинг қоқ юраги – биринчи бажаришимиз зарур бўлган «муҳим нарсалар» бўлса – у ҳолда, уларни қандай қилиб тартибга соламиз ва ижросини таъминлаймиз?

Вақтни бошқаришнинг биринчи авлоди «устувор вазифа» деган тушунчани ҳатто танимайди ҳам. У бизга шунчаки «бажариладиган ишлар» рўйхатини беради. Рўйхатдаги бирор юмушни бажариб, юмалоқка олганимизда, қалбимизда вақtingча хотиржамлик ҳисси жўш уради. Лекин рўйхатда юмушлардан қай бири устувор эканлиги ҳақида ҳеч нима ёзилмаган бўлади. Қолаверса, рўйхатдаги ишлар билан ҳаётий мақсадларимиз ўргасидаги ўзаро боғлиқлик сезилмайди; биз шунчаки бажарилиши зарур деб билган вазифаларни бажарамиз, холос.

Аксарият одамлар вақт бошқарувининг биринчи авлоди асосида ҳаёт кечиради. У амал қилишга осон, ортиқча стресс келтириб чиқармайди. Мураккаб жадваллар ва мажбурий интизом кишиларга шундай ҳиссиёт уйғотадики, улар натижа учун жавобгарлик сезмай кўяди.

Биринчи авлод бошқарувчилари самарали инсонлар эмас. Улар жуда оз самара беради. Боз устига, уларнинг

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

турмуш тарзи «Ишлаб чиқариш лаёқати»ни шакллантиришга йўналтирилмаган. Ташки кучлар таъсирида улар кўпинча ишониб бўлмайдиган, масъулиятсиз кўринади, ўзига ишонч ва ўзи устидан назорат ҳиссидан мосуво яшайди.

Иккинчи авлод бошқарувчиларида бироз назорат бор. Улар ишларини аввалдан режалайди. Белгиланган вактда «ўзини кўрсатгани» туфайли бу каби инсонлар нисбатан масъулиятлироқ туюлади. Шунга қарамай, улар режалаган юмушларининг қай бири устувор эканлиги, қайси юмуш туб қадрият ва мақсадларига мувофиқ келишини аниқ билмайди. Иккинчи авлод бошқарувчилари саноқли ютуқларга эришиб, жадваллар асосида яшашга мойил хисобланади.

Учинчи авлод бошқарувчилари анча юқори натижа кўрсатади. Улар қадрият ва мақсадларили аниқлаб олади; ҳар бир кунини режалаб, устувор вазифаларини белгилайди.

Аввалроқ айтганимдек, аксарият кишилар айнан ана шу – вакт бошқарувининг учинчи авлодига риоя қиласди. Лекин у ҳам камчиликлардан холи эмас. Биринчидан, учинчи авлод дунёкарашни чеклаб кўяди – кундалик режалаш, одатда, факат кенгроқ дунёкарашда кўриш мумкин бўлган нарсаларни кўздан кочиради. «Кундалик режалаш», асосан, шошилинч вазифаларга дикқат қаратади. Учинчи авлод – фаолиятни режага солса ҳам, унинг аҳамиятини биринчи ўринга чиқармайди – фаолиятни маълум тамойиллар, шахсий вазифа баёноти, роль ва мақсадлар бўйича тартибламайди; асосан, биринчи ва учинчи квадратдаги шошилинч муаммоларни ҳал қилишга эътибор беради.

Колаверса, учинчи авлод инсоннинг муайян ролларини мувофиқ таксимламайди. У кунни бутунлай иш билан банд қилишга йўналиб, реал ҳаётни ёддан чиқаради. Натижада, тифиз ҳаёт тарзидан толиқсан кишилар бор ишини улоқтириб, тўртингчи квадратга қочиб кетиш илинжи билан ёнади. Учинчи авлоднинг самарадорлиги

## ШАХСИЙ БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИ

яқинларимиз билан муносабатларнинг таранглашуви эвазига келади.

Ҳар учала авлод бошқарув услубининг қайсиdir қадриятини ўзида жамлаганини инкор қилмайман. Лекин улардан хеч бири инсоннинг иккинчи квадратга монанд яшашига етарли имкон бермайди. Биринчи авлоднинг «бажариладиган ишлар рўйхати» орқали биз шунчаки қилишимиз керак бўлган ишларни унутмаймиз, холос. Иккинчи авлодга тегишли кундалик ва календарлар бизга келгуси вазифаларимизни қайд этувчи жой сифатида хизмат қилади. Улар ёрдамида қачон, қаерда бўлишимиз зарурлигини ёдда тутамиз.

Ҳатто учинчи авлод ҳам, кўплаб режалаш ва материаллари билан, биринчи ва учинчи квадратдаги вазифаларни устувор ўринга чиқаришимизга кўмаклашади, холос. Ундаги усуслар иккинчи квадратдаги вазифаларни белгилаш ва ижро этишга мослашмаган.

Янги авлод эскисини тўлдириб, кучайтириб келганидек, вақтни бошқаришнинг уч авлодига тегишли баъзи воситалар бирлашиб, тўртинчи авлоднинг зарурй элементларига айланади. Бироқ тўртинчи авлодда аждодларида учрамайдиган янги мезон, янги парадигма эҳтиёжи ҳам мужассамлашган. Ушбу эҳтиёж вақтимизни иккинчи квадратга бағишлишимизга, тамойилларга марказлашиб, энг муҳим вазифаларни бажариш йўлида ўзимизни бошқаришимизга куч беради.

### ИККИНЧИ КВАДРАТНИ ПУХТА РЕЖАЛАШ ДАСТУРИ

Иккинчи квадрат бошқарувининг мақсади – ўз ҳаётимизни самарали бошқариш ҳисобланади. Бу эса мустаҳкам тамойиллар маркази ва шахсий вазифа баёнотимиздан фойдаланиб, шошилинч ҳамда муҳим вазифаларга дикқат қаратишими, «Ишлаб чиқариш» ва «Ишлаб чиқариш лаёқатимиз» ўртасидаги мувозанатни тиклашимиздан иборатdir.

Шубҳасиз, учинчи ва тўртинчи квадратда тиқилиб

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР

қолган кишилар учун бу жуда мураккабдек туюлади. Лекин уни амалга ошириш йўлида жон куйдиришнинг ўзи шахсий самарадорлигингизга улкан таъсир кўрсатади.

Вақтни режалаш дастури ёки шунчаки дастур бу – вақтингизни тартибга соловчи, иш ва вазифа жадвалингизни қайд этиб борувчи бирор восита, мисол учун, кундалик дафтар, телефон қайдномаси ёки маҳсус шунга мўлжалланган мосламадир. У сизга олдиндаги вазифа ва юмушларингиз, бажарадиган ишларингизни тартибга солишга ёрдам беради.

Иккинчи квадратни муваффақиятли режалаш дастури куйидаги олти муҳим мезонни жамлайди:

1. *Ўйгунлик* – нуктаи назарингиз ҳамда вазифангиз, ролингиз ва мақсадингиз, устувор вазифаларингиз ҳамда режаларингиз, истак ва интизомингиз ўртасида мутаносиблик бўлмоғи даркор. Режа дастурингизда шахсий вазифа баёнотингиз учун ҳам жой ажратингки, устувор вазифаларингиз доим кўз ўнгингизда турсин. Бундан ташқари, дастурингизга ота-она, ака-ука, фарзанд, дўст, ҳамкасб каби ҳаётдаги ролларингиз, шунингдек, қисқа ва узоқ муддатли мақсадларингизни қайд этиб кўйинг.

2. *Мувозанат* – дастурингиз ҳаётингиздаги мувозанатни сақлашга, турли ролларингизни аниклаб, ёдда тутишингизга кўмаклашиши керак. Ана шунда соғлиғингиз, оилангиз, касбий тайёргарлик ёки шахсий ривожланишингиз сингари муҳим йўналишларни кўздан қочирмайсиз.

Аксарият одамлар бир соҳадаги муваффақиятсизлик ўрнини бошқа соҳалардаги муваффақият билан қоплаш мумкин деб ўйлайди. Чиндан ҳам шундайми? Менимча, доим эмас. Масалан, касбий ютуқларингиз барбод бўлган оилангиз ўрнини тўлдира оладими? Йўқотган соғлиғингизни-чи? Балки феъл-авторингиздаги заифликларни тўлдириб турар? Албатта, йўқ! Ҳакиқий самарадорлик – мувозанат талаб қиласи. Режалаштириш

дастурингиз бўлса, шу мувозанатни тиклашга ёрдамлашади.

3. *Иккинчи квадратга дикқат қаратиш* – дастур бор вақтингизни иккинчи квадратда сарфлашингизга ундаши, рағбатлантириши, асосийси, кўмаклашиши керак. Шундагина, муаммоларни олдиндан ечасиз. Фикримча, бунга эришишнинг энг яхши йўли – ишларни ҳафталик асосда режалашдир. Кундалик ишларингизни режалайверасиз, аммо асосий эътибор ҳафталик юмушларга йўналтирилади. Бу эса ҳаётингизга кўпроқ мувозанат ва маъно бағишлиайди. Сабаби – одамлар ҳафтани яхлит вақт бирлиги сифатида кўришга одатланиб қолган. Бизнес, таълим ва бошқа кўплаб ижтимоий соҳаларда ҳам дастурлар ҳафталик яхлит режаланади; айрим кунлар сармоя киритиш, бошқалари эса ҳордик чиқаришга мўлжалланади. Яхудий ва христиан динларида шанба, мусулмонларда эса жума куни алоҳида улуғланиб, маънавий покланиш учун ажратилади.

Аксарият кишилар бутун ҳафта учун ўйлади. Лекин учинчи, авлод режалаш дастурлари факат кундалик режалашга дикқат қаратади. Улар вазифаларингизни муҳимлигига кўра тартиблашга кўмаклашиши мумкин. Афсуски, бу кўмак натижасида кунингиз янада банд ва тифиз бўлади. Аслида жадвалингиздаги вазифаларнинг устуворлигини аниқлаш эмас, аксинча, устувор вазифаларни жадвалга солиш лозим.

4. «*Инсонийлик*» омили – сизга шунчаки вазифаларни бажариш жадвали эмас, балки инсоний қизиқишиларни ҳисобга оладиган дастур керак. Оддий кишилар вақтни самарали сарфлаш ҳақида ўйлади, ҳаёт марказига тамойилни қўйган шахслар эса инсонлар билан самарали вақт ўтказишни кўзлайди. Баъзан иккинчи квадрат бошқа одамларнинг жадвалига бўйсунишни талаб қиласиди. Яъни ўз вақтингизни бошқа инсоннинг вақтига қараб ўзгартиришингизга тўғри келиб қолади. Шундай экан,

## II КИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

вақтни режалаш дастурингиз атрофдагилар ривожланишига ҳисса кўшади, жадвалингиз бузилганда айборлик ҳиссини келтириб чиқармаслиги даркор.

*5. Мослашувчанлик* – режалаш дастурингиз ҳамиша хизматкорингиз бўлсин, хўжайинингиз эмас. Дастур сиз учун меҳнат қиласр экан, демак, сизнинг услубингиз, эҳтиёж ва ўзига хослигингизга бўйсунмоғи шарт.

*6. Ихчамлик* – дастурингиз ихчам бўлсин. Шунда уни ўзингиз билан исталган жойга кўтариб юришингиз мумкин бўлади. Масалан, шахсий топширик баёнотингизни автобусда кўриб чиқишини истаб қоларсиз ёки янги туғилган имкониятни аввалдан режалаб кўйган юмушингиз билан солиштириб кўришга эҳтиёж туғилар. Режалаш дастурингиз ихчам бўлса, у ва ундаги муҳим маълумотлар ҳамиша ёнингизда бўлади.

Иккинчи квадрат – самарали бошқарувнинг асоси экан, демак, сизни шу квадратга олиб ўтувчи дастур тузишингиз керак. Вақтни бошқаришнинг тўртинчи авлоди билан ишлаш натижасида юқоридаги олти омилни ўзида жамлаган махсус дастур яратишга муваффақ бўлдим. Лекин, истасангиз, учинчи авлод дастурини ҳам ўзингизга осонгина мослаб олишингиз мумкин. Чунки тамойиллар мустаҳкам бўлгани туфайли уларнинг тадқики ҳар бир инсонда ўзига хос кечиши эҳтимоли мавжуд.

### ИККИНЧИ КВАДРАТДА ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ

Кўлингиздаги китоб самарадорлик тамойиллари, яъни назарияни ўргатади, амалиётни эмас. Шундай бўлса ҳам, иккинчи квадратдан келиб чиқсан ҳолда бир ҳафтангизни тартиблаб кўринг, бошқача айтганда, назарияни амалиётда кўлланг. Шунда, тамойиллар ҳамда вақтни бошқаришнинг тўртинчи авлоди нақадар кучли эканидан яхшироқ воқиф бўласиз.

Иккинчи квадратни ташкиллаштириш қуйидаги тўрт вазифани қамраб олади:

1. *Ролларни аниқлаш* – аввало ҳаётдаги асосий ролларингизни ёзиб чикинг. Агар бу ҳақда жицдий үйлаб кўрмаган бўлсангиз, хаёлингизга келган илк фикрларни қайд этинг. Масалан, сизни алоҳида шахс сифатида ролингиз бор. Бундан ташқари, эр ёки рафиқа, ота ёки она, қиз ёки ўғил, кўпчиликдан иборат оиласа бўлса, хола, амма, амаки, тоға, жиян ва шу каби ролларингиздан бирини ёзинг. Сўнгра асосий вақтингиз ва қувватингизни сарфлайдиган соҳалар, ишингиз, жамиятдаги ролларингизни рўйхатга кўшинг.

Бир умр ҳозир рўйхатга қўшган ролларда яшайман деб хавотирланманг – шунчаки, келгуси бир ҳафтани ҳисобга олинг ва вақтингизни сарф қиладиган марказларга асосланиб рўйхат тузинг.

Инсонлар ўз ролини қандай кўришига икки мисол:

1. Шахс.
2. Эр/ота.
3. Янги маҳсулотлар бўлими бошқарувчиси.
4. Таъдиқотлар бўлими бошқарувчиси.
5. Ходимлар билан ишлаш ташкилотчиси.
6. Маъмурият бўлими бошқарувчиси.
7. «Бирлашган йўл» жамияти раҳбари.
  
1. Шахсий ривожлантирувчи.
2. Рафиқа.
3. Она.
4. Ҳусусий мулк савдоси бўйича мутахассис.
5. Мактаб ўқитувчиси.
6. Симфоник оркестр бошқарув кенгashi аъзоси.

2. *Мақсадларни танлаш* – келгуси етти кун давомида ҳар бир ролингизда эришишингиз лозим бўлган икки ёки уч муҳим натижа тўғрисида үйланг. Улар сизнинг мақсадларингиз сифатида қайд этилади.

Ана шу мақсадлардан камида 5-6 таси иккинчи квадратда акс этиши керак. Улбу қисқа муддатли мақсадлар

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ФАЛАБАЛАР

шахсий вазифа баёнотингизда ёзилган узок муддатли мақсадларингиздан келиб чиқсан ҳолда танланса, нур устига нур бўлади. Бироқ вазифа баёнотингизни хали ёзмаган бўлсангиз ҳам, ҳар бир ролингиз ва улардаги мақсадларингизга диққат қаратиш орқали ўзингиз учун муҳим жиҳатларни кашф этасиз.

3. *Режалаш* – энди эса, мақсадларингизни кўз олдингизга келтириб, келаси ҳафтага назар ташланг ва уларга эришиш вақтини режаланг.

Мисол учун, агар мақсадингиз шахсий вазифа баёнотингизнинг биринчи қисмини ишлаб чиқиши бўлса, бунга якшанба куни икки соат вақт ажратишингиз мумкин. Якшанба (ёки эътиқод ва вазиятингиздан келиб чиқиб бошқа бирор кун) кўпинча шахсий ривожланингиз, шунингдек, ҳафталик режаларингиз устида ишлаш учун яхши вақт ҳисобланади. Бу ўз ҳаётингиз тамойиллари ва қадр-қимматини кўриб чиқиш, илҳомланиш учун айни фурсатдир.

Агар жисмоний машқлар ёрдамида қадди-қоматингизни тиклашни ўйлаган бўлсангиз, ҳафта мобайнида уч-тўрт кун, бир соатдан вақтингизни ажратишингиз мумкин. Шундай мақсадлар борки, уларга фақат бизнес соатларида ёки фарзандларингиз уйда бўлган вақтларда эриша оласиз. Буни амалга оширишда вақтни кундалик эмас, ҳафталик қилиб режалаш кўл келади.

Ролларни аниқлаб, аниқ мақсадларни танлагач, ҳар бир мақсадингизни ҳафтанинг муайян кунига мўлжаллашингиз мумкин. Шу билан бирга, аввалроқ тузган йиллик ёки ойлик дастурингизни ҳозирги мақсадларингиз билан солишириб, сизга халал берадиганларини бекор қилиб, қолганларини қайта кўриб чиқсангиз ҳам бўлади.

Қўйида келтирилган ҳафталик дастурни ўрганиб, аксарияти иккинчи квадратга мос келувчи энг муҳим мақсадлар қай тарзда маҳсус ҳаракатлар режасига айлантирилганини кузатинг. Бундан ташқари, «Аррани

ўткирланг» деб аталган жадвалга эътибор қаратинг. Унда еттинчи кўниkmада тушунтириладиган инсонийликнинг тўрт ўлчамидаги иккинчи квадрат вазифаларини янгилаш ҳақида маълумот берилган.

Ушбу ўн тўққиз мақсадни бир ҳафта мобайнида амалга ошириш учун ажратилган вақтдан ташқари ҳам, жадвалда ортиб қолаётган бўш жойга диққат қилинг! Иккинчи квадратга асосланиб, ҳафталик режалаш ёрдамида, сиз нафақат, дастлаб энг муҳимидан бошлишга куч топасиз, балки кутилмаган вазиятлар ва ҳодисаларга осон мослашувчан бўласиз, зарурат туғилса, учрашувларингизни ўзгартира оласиз, атрофингиздагилар билан кўшимча мулоқотга вақтингиз қолади, тасодифий, ҳаётий тажрибалардан роҳатланишдан чўчимайсиз. Чунки ҳаётингизнинг ҳар жабҳасидаги асосий мақсадларингизга эришиш йўлида ҳафтанинг проактив инсонларга хос режалаштирганингиздан ҳабардор бўласиз.

*4. Кундалик мослашув – иккинчи квадратни ҳафталик ташкиллаштирас экансиз, кундалик режалаш кўпроқ кундалик мослашув ёки устувор вазифаларни белгилаш, кутилмаган ҳодисаларга мазмунли равишда жавоб қайтариш усулига айланади.*

Ҳар тонг бир неча дақиқа вақт ажратиб, жадвалингизни қайта кўриб чиқинг. Шунда қадриятларингизга асосланиб чиқарган қарорларингиз ҳамда тўсатдан дуч келишингиз мумкин бўлган омилларни яна бир бор ёдга тушириб оласиз. Шу билан бирга, ички мувозанат ҳиссини тўясиш.

Балки вақтни бошқаришнинг учинчи авлодига кўра, а, б, с ёки 1, 2, 3 тарзда вазифаларни белгилаш кундалик фаолиятни тартиблайди деб ўйларсиз. Шуни айта оламанки, фаолиятни муҳим ёки аҳамиятсизга ажратиш нотўғри солиштирув бўлади. Ҳаммаси муҳим, фақат айримлари бошқаларига қараганда кўпроқ устун бўлиши мумкин. Учинчи авлод, ҳафталик ташкиллаштириш нуқтаи назаридан, кундалик диққатни йўналтиради.

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

Лекин шахсий вазифа баёнотингизга боғлиқлигини билмасдан, ҳайтингиз мувозанатига мувофиқлигини аниқламасдан кунингизни режалаш самарасиз бўлади. Чунки бутунлай кераксиз ёки ўзингиз истамайдиган юмушларни бажараётган бўлишингиз мумкин.

Ҳафтангизни иккинчи квадратга мутаносиб равишда ташкиллаштиришнинг афзалликларини англай бошладингизми? Иккинчи квадратга эътибор қаратиш кундалик самарадорлитингизни нақадар оширишини хис қиляпсизми?

Тамойилга марказлашган иккинчи квадрат асосида режалаштиришнинг кудратини нафақат ўз ҳайтимда, балки бошқа юзлаб инсонларнинг ҳаёти мисолида кўрганим туфайли унинг улкан ижобий ўзгариш яратишига иймоним комил. Ҳафталик мақсадлар қанчалик тўғри тамойиллар, шахсий вазифа баёнотига боғланган бўлса, самарадорлик миқдори шунчалик ошади.

### ДАСТУР АСОСИДА ЯШАШ

Биринчи кўникма: «Сен дастурчисан», – дейди; иккинчи кўникма: «Ўз дастурингни ёз», – деб ундейди, учинчи кўникма эса, «Дастурни ишга тушир», «Шу дастур асосида яша», – деб тушунтиради. Дастур асосида яшашга биз мустақил танловимиз, шахсий интизом, мажбурият хисси орқали эришамиз. Ушбу хусусиятлар кисқа муддатли мақсадлар ва жадвалларга эмас, аксинча, тўғри тамойиллар, шунингдек, мақсадларимизга мазмун бағишлиовчи энг чукур қадриятларимизга йўналтирилмоғи шарт.

Ҳафталик дастурингизни амалда қўллар экансиз, иродангиз синовдан ўтади. Учинчи квадратда бошқа одамларнинг шошилинч, аммо аҳамиятсиз юмушларига жавоб қайтаришнинг обруси ёки тўртингчи квадратдаги завқ-шавққа тўла дақиқаларга қочишининг лаззати иккинчи квадратда режалаган фаолиятларингизнинг кучайишига тўсиқ бўлиши шубҳасиз. Бу ўринда, тамойил марказингиз, ўзликни англаш қобилиятингиз ва виждонингиз сизга

хотиржамлик, йўналиш беради, ақлингизни чархлайди, мустақил иродангиздан фойдаланишингизга ва энг муҳим юмушларга аҳамият қаратишишингизга кўмаклашади.

Сиз ҳар нарсага қодир эмассиз. Шунинг учун нима муҳимлигини доим ҳам олдиндан била олмайсиз. Ҳафтангизни эҳтиёткорлик билан ташкиллаштирангиз ҳам, шундай вактлар бўладики, жадвалингизни юқорироқ қадриятларга бўйсундиришишингизга тўғри келади. Лекин тамойилга марказлашган инсон сифатида жадвалингиздаги ўзгаришни хотиржамлик билан қабул қиласиз.

Анча йиллар олдин ўғилларимдан бири ҳаётини жадвалга солишни бошлади. Бир куни унинг иш жадвали минут-минутигача режаланиб, китобларни олиш, машина ювиш каби юмушлар билан тўлиб кетди. Бу юмушлар ичida севган қизи – Керол билан ажрашиш ҳам бор эди.

Бошида ҳаммаси кўнгилдагидек, режага мувофиқ кетди. Ўғлим режалаган ишларини деярли вактида тутатиб, Керол билан гаплашиб олди. Уларнинг муносабати анча йиллар олдин бошланганди. Шунча вақтдан сўнг ажрашиш фикри ўғлимдан чиққанди. У муносабатларини давом эттириш бефойда деган қарорга келганди. Шундай қилиб, у самарадорлигини бузмаслик учун Керол билан гаплашишга 10-15 дақиқа вакт ажратганди.

Бироқ ажрашиш ҳақидаги янгилик Керолга қаттиқ таъсир қилди. Орадан бир ярим соат вақт ўтса ҳам, уларнинг телефондаги сұхбати давом этарди. Шундан сўнг, улар юзма-юз кўришиб, барчасини муҳокама қилиб олмоқчи бўлишди. Бироқ битта учрашув етарли бўлмади. Ушбу вазият ўғлим учун ҳам, Керол учун ҳам жуда оғир тажриба бўлди.

Кўриб турганингиздек, одамлар билан муносабатда самарали бўлиш осон эмас. Мен ёқимсиз инсон билан «самарали» бўлишшга уриниб кўрдим ва бу фойда бермади; ёш болага ёки бирор гап уқмас ходимга маълум муаммони ҳал қилиш юзасидан ўн дақиқа вақт ажратдим, лекин бу

янги муаммолар келтириб чиқарди.

Камина фарзандининг барча эҳтиёжларини қондира олмай, умидсизликка тушган ота-оналар, айниқса, оналарга дуч келаман. Шуни ёдда тутинг, умидсизлик – умидларимиз мевасидир. Умидларимиз эса, кўп ҳолларда шахсий қадрият ва устувор вазифаларимиз эмас, аксинча, ижтимоий кўзгуни акс эттиради.

Қалбингиз ва онгингизнинг туб-тубида иккинчи кўнишка ҳосил қиласангиз, ижтимоий кўзгуга қараб ишлаши тўхтатиб, юксак қадриятлар асосида фаолият юритишни бошлийсиз. Вақтни режалаш жадвалингиз ва дастурингизни хотиржамлик или ана шу қадриятларга бўйсундира оласиз; мослашувчанлигинги ортади. Жадвалингизда бејгилаганларингизга амал қила олмасангиз, ўзингизни айбдор ҳис қилмайсиз.

#### ТЎРТИНЧИ АВЛОДНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Одамлар вақт бошқарувининг учинчи авлод дастурларидан оз фойдаланаётгани сабабларидан бири улар мослашувчан эмаслиги, ўта қатъийлигидир. Учинчи авлод дастурлари инсонларни жадвалларга бўйсундиради, улар инсонлар аслида вазифа ва юмушлардан кўра муҳим деган тамойил билан уйғун эмас.

Тўртинчи авлод дастури бўлса, бу тамойилга амал қиласи. У, шунингдек, самарадорлик борасида ўзингизга эътибор беришингиз зарурлигини таъкидлайди. Тўртинчи авлод дастури сизни иккинчи квадратда вақт сарфлашга, ҳаётингизни тамойиллар асосида ташкиллаштиришингизга унданб, кундалик қарорларингиз асосланган исталган қадрият ва мақсадларингизни тушунтириб беради; ҳаётингизда мувозанат ўрнатишингизга кўмаклашади; кундалик режалаштиришдан кўра юқорироқ даражага кўтарилиб, ҳисобингизни ҳафта миқёсида олишингизга ёрдам беради. Аввалдан режалаштирган юмушингизга бирор юқори қадрият тўқнаш келиб қолса, тўртинчи авлод дастури бир қарорга келишда ўзликни англаш ва вижданан

иш тутишингизга кўмак беради. Бунда сиз йўл харитаси ўрнига компасдан фойдаланасиз.

Ўзини бошқаришнинг тўртинчи авлоди ўтган учта аждодидан беш йўналиш бўйича устундир. Биринчидан, у тамойилга марказлашгандир: иккинчи квадратта номига амал қилдириш ўрнига, муҳимлигига қараб вақтингизни тақсимлади. Иккинчидан, у виждонга йўналтирилган; ҳаётингизни энг азиз қадриятларингизга мутаносиб равишда ташкиллади. Бундан ташқари, жадвалингизни олий қадриятларингизга бўйсундириш озодлигини ҳадя этади.

Учинчидан, тўртинчи авлод дастури – қадрият ва узок муддатли мақсадларингизга хизмат қилувчи вазифангизни белгилаб, кунингизни мазмунли ўтказишга ёрдам беради.

Тўртинчидан, у ролларингизни аниқлаш, аниқланган роллар асосида мақсад кўйиб, уни режалаб, ҳаётингизни мувозанатлашга кўмаклашади.

Ва ниҳоят, бешинчидан, у ҳафталик режалар орқали кунлик режаларингизга кенгроқ қарашингизга имкон яратади ва асосий ролларингизни қайта кўриб чиқиш билан туб қадриятларингизни эслатиб туради.

Ушбу беш афзаллик туфайли, бор дикқатингиз биринчи ўринда инсоний муносабатлар ва натижаларга қаратилиб, вақтингиз иккинчи даражали нарсага айланади.

#### **ИШ ТОПШИРИШ: Т ВА ТВ НИНГ ЎСИШИ**

Биз бажарадиган барча ишимизни ё вақтга ёки одамларга ваколат бериш орқали амалга оширамиз. Агар вақтга ваколат берсак, самара, атрофимиздаги инсонларга ваколат берсак, самарадорлик руҳида ишлаймиз.

Кўпчилик бирор ишни бошқаларга ишониб топширишни истамайди. Сабаби оддий: улар бу ишни ўзим тезроқ ва сифатлироқ қилиб уddалайман деб ўйлади. Аммо бошқаларга тўғри шаклда иш топшириш унинг тезлиги ва самарасини оширади.


Маълум бир вазифани ўзингиздан ташқари бирор

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

тажрибалироқ, маҳоратли кишиларга ўтказсангиз, юкорироқ аҳамиятта эга бўлган юмушларни бажаришга қувват топасиз. Иш топшириш – ҳам шахс, ҳам ташкилот учун ўсиш манбаидир. Ж.С.Пенни шундай деганди: «Бир ишни ўзим бажара олмаслигимни англагач, уни бошқага топширишни энг оқилона қарор деб биламан. Шу қарор юзлаб дўконлар ва минглаб одамларга фойда келтириди».

Бошқа одамларни ҳам қамраб олгани туфайли, иш топшириш «сумум ғалабаси» ҳисобланади, шунинг учун уни тўртгинчи кўникмага ҳам киргизиш мумкин. Айни вактда, шахсий бошқарув тамойилларига, шунингдек, иш топшира олиш маҳорати бошқарувчи ва мустақил ишлаб чиқарувчи ўртасидаги асосий фарқдир. Шунинг учун иш топширишга сизнинг шахсий бошқарув маҳоратингиздан келиб чиқиб ёндашяпман.

### Ваколатлаш:



Ишлаб чиқарувчи исталган натижага, яъни олтин тухумларга эришиш учун нима зарур бўлса, бажаради. Идиш-товоркларни юувучи ота-она, бино тархини чизувчи меъмор, ёзишмалар билан шуғулланувчи котиба – буларнинг барчаси ҳаётимиизда ишлаб чиқарувчи саналади.

Лекин бирор ишни бажариш учун бирдан ортиқ кишидан иборат тизим тузиб, улар билан бирга ишлаганда инсон бошқарувчига айланади. Масалан, фарзандига идиш ювиш ваколатини берган ота-она

бошқарувчи бўлади. Меъморлар жамоасига раҳбар бош меъмор ҳам ўз ўрнида бошқарувчидир. Ташкилотдаги бошқа котибаларни бошқарувчи бош котиб ҳам оғис бошқарувчиси ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи бир соат ҳаракат қилиб, биргина натижага эришиши мумкин.

Бошқарувчи бўлса, самарали иш топширишдан фойдаланиб бир соат ичидан ўн, йигирма ёки юзлаб натижага эриша олади.

Бошқарув – таянч нуқтасини ҳаракатлантиришдир. Ваколатлаш эса – самарали бошқарув қалити саналади.

#### **БҮЙРУҚБОЗЛИК АСОСИДА ИШ ТОПШИРИШ**

Ишни бажариш ваколатини топшириш икки хил йўсинда амалга ошади: «буйруқбозлик асосида ваколатлаш» ҳамда «бошқарув билан ваколатлаш».

Буйруқбозлик асосида ваколатлашда бошқарувчи «Уни олиб кел, буни олиб кел, у ёққа бор, бу ёққа борма, уни бажар, буни бажарма ва натижани менга айт» қабилида иш тутади. Аксарият ишлаб чиқарувчиларда худди шундай парадигма шаклланган. Чангальзорда чирмовуқларни тозалаб, йўл очиб кетувчилар эсингиздами? Улар ҳақиқий ишлаб чиқарувчилардир. Бирор вазифа буюрilsа, улар енг шимариб, топшириқни бажаришга киришади. Агар ушбу ишлаб чиқарувчиларга бошқарувчилик лавозими топширилганда ҳам, улар ўзини ишлаб чиқарувчикедек тутади; бошқа одамга вазифани бажартириш учун тўлиқ ваколатлашни билмайди. Улар вазифани уddaлаш услубига дикқат қаратгани туфайли натижага учун жавобгар шахсга айланмайди.

Бир марта, оиласиз билан сув чанғисида учгани борганимизда, буйруқбозлик асосида ваколатлаш вазиятини бошдан кечиргандим. Ўғлим чанғида жуда яхши учарди. У мен бошқараётган қайиққа уланган чанғига чиқиб, сув юзасида кетар экан, камерани Сандрага тутқаздим ва бир нечта сурат олишини сўрадим.

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

Дастлаб рафиқамга суратга олаётганды дикқат қилишини сүрадым, чунки камерада бўш жой оз қолганди. Сўнг Сандра камера билан ишлашга ўрганмагани ёдимга тушиб, янада аникроқ кўрсатма беришга киришдим; қуёш қайиқнинг олд томонига ўтгунча кутиб, ўғлимиз тўлқин устида сакраётган ёки чанфисини бураётган пайтда камера тугмасини босиши кераклигини айтдим.

Лекин бўш жой оз қолаётгани ҳамда рафиқамниң тажрибасизлигини ўйлаганим сари, ташвишим орта бошлиди. Охир-оқибат унга: «Сандра, менга қара, шунчаки мен айтган вақт расмга ол, келишдикми?» – дедим. Ва келаси бир неча дақиқани: «Расмга ол! – Расмга ол! – Расмга олма! – Расмга олма!» – деб қичкиришга сарфладим. Унинг ҳар бир ҳаракатини назорат қилмасам, исталган натижага эришолмаймиз деган қўрқув менга ўрнашиб бўлганди.

Афсуски, менинг юқоридаги хатти-ҳаракатим фирт буйруқбозлик асосида ваколатлаш намунаси эди. Кўпчилик кишилар бирорга иш топшираётганды худди шу усулдан фойдаланади. Хўш, бу тарзда қандай натижага эришиш мумкин? Қолаверса, ваколат берган одамингиз ҳар бир қадамда нима қилиши кераклигини ўргатиб турсангиз, жами нечта одамни бошқара оласиз?

Инсонларга бирор юмуш бажариш ваколатини беришнинг янада яхшироқ, янада самаралироқ усули мавжуд. Бу усул ўзликни англаш, тасаввур, виждан ва ўзгаларнинг эркин иродасини қадрлаш парадигмасига таянади.

### БОШҚАРУВ БИЛАН ВАКОЛАТЛАШ

Бошқарув билан ваколатлаш вазифани бажариш услубига эмас, балки вазифанинг натижасига дикқат қаратади. У инсонларга муайян топшириқни уddaлаш йўлида ўзи мустақил услуб танлаб, натижалар учун масъулиятни бўйнига олишига имкон беради. Тўғри, бошқарув асосида ваколатлаш даставвал кўпроқ вақт олиши мумкин, лекин

сарфланган вақт бекорга кетмайди. Бу орқали ишнинг таянч нуктасини силжитиб, самарадорликни оширишингиз мумкин.

Кимгадир бошқарув билан маълум вазифани бажариш ваколатини бераётганингизда қуйидаги беш йўналишга аҳамият қаратинг. Унутманг, сиз бошқарувчи, вазифа топшираётган инсонингиз эса ишлаб чиқарувчи ҳисобланади.

*1. Исталган натижса.* Авваламбор, ишлаб чиқарувчига бажарилиши керак бўлган вазифа бўйича аниқ тушунча беринг; ишни қандай қилинишини эмас, нима натижга кутаётганингизни тушунтиринг. Тушунтириш жараёнида қанча керак бўлса, шунча вақт сарфланг, сабрли бўлинг. Исталган натижани тасвирлаб беринг. Ишлаб чиқарувчи сўзларингизни қанчалик тушунганини текшириб кўринг: қандай натижга кутилаётганини ўз оғзи билан тушунганидай сўзлаб берсин ва қачонгача якунлашини белгилаб олсин.

*2. Қоидалар.* Вазифани бажариш жараёнида ишлаб чиқарувчи амал қилиши зарур бўлган муайян қоидаларни олдиндан аниқлаб олинг. Қоидалар иложи борича буйруқбозлиқ билан ваколатлашдан холи бўлиши керак. Шу билан бир қаторда, топшириқقا жиддий ёндашишга ундумоғи лозим. Бошқарувчи ўрнатган ўта қаттиққўл қоидалар ишлаб чиқарувчиларнинг ички ташаббусини ўлдиради. Улар онгостида: «Нима қилишимни истаётганингни айт ва мен шуни бажараман», – дейди. Ушбу вазифани уddeлашда маълум бир қийинчиликлар юзага келишидан хабардор бўлсангиз, уларни аниқланг. Самимий бўлинг ва ишлаб чиқарувчига қандай муаммоларга учраши мумкинлигини олдиндан айтинг. Ғилдиракни ҳар куни қайта кашф қилишни истамайсиз, шундай эмасми? Бошқарувчи сифатида қўл остингиздагиларга ўз хатоларидан хулоса чиқариб, сабоқ олишларига қўйиб беринг. Эҳтимолий муаммоларни инобатга олиб, уларга

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ГАЛАБАЛАР

нима қилмасликни айтинг, лекин нима қилиши ҳақида сўз очманг. Натижалар учун жавобгарликни уларнинг бўйнига юкланг – бу уларнинг ўз ваколатини ҳис қилиб, ишга масъулият билан ёндашишига олиб келади.

3. *Омиллар.* Исталган натижага эришиш учун ишлаб чиқарувчига зарур бўлган ишчи кучи, маблағ, техника ёки ташкилий ёрдам каби омилларнинг аниқ рўйхатини тузинг.

4. *Ҳисобот.* Ишлаб чиқарувчи вазифани уddeллагач, натижаларни баҳолашда қўлланиладиган ижро стандартларини тушиб чиқинг. Бундан ташқари, ҳисобот ва баҳолаш ўтказиладиган муайян вақт ва жойни белгилаб қўйинг.

5. *Натижса.* Баҳолашдан сўнг нима бўлишини аниқлаштириб олинг. Бунга ишлаб чиқарувчини молиявий рағбатлантириш, рухий рағбатлантириш, лавозимини ошириш каби мукофотлаш усуллари кириши мумкин.

Бир неча йил муқаддам, ўғилларимдан бирига иш топширганимда жуда қизик ҳол рўй берганди. Ўшандада оиласид мажлис ўтказаётгандик; деворга илинган вазифа баёнотимизни текшириб, қадриятларимиз билан ҳамоҳанглигини қайта кўриб чиқаётган эдик. Ҳамма жамулжам бўлганди.

Хуллас, мен катта доска ёнига бориб, мақсадларимизни ёзив чиқдим. Кейин режалар – шу мақсадларга эришишимиз учун зарур бўлган вазифалар рўйхатини туздим. Сўнг вазифаларни кўнгилли равишда тақсимлаш учун савол бера бошладим.

– Кредитни ким тўлашни хоҳлайди? – сўрадим мен. Ўзимдан бошқа ҳеч ким қўл кўтартмади.

– Суғурта пулинни ким тўламоқчи? Озиқ-овқат ва машиналар учун ким тўлашни истайди? – сўрашда давом этдим. Бу сафар ҳам ўзимдан бошқа ҳеч ким қўл кўтартмади. Афтидан, кўнгилли бўлиш бўйича монополга айланган эдим.

– Чакалоқни овқатлантиришни ким бўйнига олади?  
– бу саволимга қизикувчилар нисбатан кўп бўлди, бирок хотиним бу иш учун керакли малакага эга бўлган ягона киши эди.

Рўйхатдаги вазифаларни бирма-бир тақсимлар эканмиз, мен ва рафиқам ҳафтасига олтмиш соатдан кўпроқ ишлашимизга тўғри келиши аён бўлди. Шу боис, айрим ишлар фарзандларимизга қолди.

Етти яшар ўғлим Стефан, уйимиз олдидаги ўтлоқни парвариш қилишни бўйнига олди. Унга ишни тўлик топширишдан аввал, машғулот жараёнини тушунтира бошладим. Ўғлимга тозаланган ўтлоқ қандай кўринишда бўлиши кераклигини тушунтироқчи бўлиб, унга кўшнимизнинг ўтлоғини кўрсатдим.

– Қара, ўғлим, – деб гап бошладим, – кўшнимизнинг ўтлоғи нақадар ям-яшил, топ-тоза эканини кўрдингми? Демак, биз ҳам ўнча қилишимиз керак: ям-яшил ва топ-тоза. Энди ўзимизни ўтлоғимизга қара. Ҳар хил рангларни кўряпсанми? Улар ям-яшил эмас. Демак, биз ям-яшил ва топ-тоза ҳовли истаймиз. Ўтлоқни қандай қилиб ям-яшил қилиш ўзингга ҳавола. Ўзинг истаган усулингдан фойдаланишинг мумкин, фақат бўёқ билан бўяб қўймасанг бўлди. Лекин истасанг, ўрнингда бўлсам, нима қилишимни айтишим мумкин.

– Нима қиласиз, дада?

– Дастрраб сув пуркагичларни ёқардим. Аммо сен челакдан фойдаланишинг мумкин. Бунинг умуман фарқи йўқ. Мухими, натижада ўтлоқ ям-яшил бўлиши. Келишдикми?

– Келишдик.

– Энди тозалик ҳақида гаплашамиз. Ўғлим, тоза дегани атрофда қоғоз, суяқ, шох-шабба каби ахлат йўқлигини билдиради. Кел, ҳозир ўтлоқнинг ярмини тозалаймиз. Шунда фарқини тушуниб етасан.

Шундай қилиб, ўтлоқнинг бир тарафида турган иккита

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

қоғоз парчасини олиб ахлат қопчикқа солдик.

– Ўтлоқнинг иккала тарафига қара. Фарқни кўрдингми? Ҳозиргина тозалаган жойимиз топ-тоза дейилади.

– Шошманг, дада! – деди ўғлим кўзларини катта-катта очиб. – Анави бутанинг орқасида ҳам қоғозлар бор экан!

– Баракалла, ўғлим! Мен уларни кўрмабман. Сенда бургутнинг кўзлари бор-да! – мақтаб кўйдим уни. – Энди менга қулоқ сол. Ўтлоқ тозалашни ўз бўйнингта олдингми, мен уни ортиқ бажармайман; у сенинг ишинингта айланади. Бу ҳолат бошқарув билан ваколатлаш дейилади. Бунинг маъноси «Ишонч билан ишлаш» дегани. Буни сенга ишониб топшираман. Уни уддалашингга ишонаман. Хўш, ким сени раҳбаринг бўлади бу ишда?

– Сизми, дада?

– Йўқ, мен эмас. Сен ўзинг раҳбарсан. Ўзингга ўзинг раҳбарсан. Мен ёки ойинг сенга доим вайсайверсак, нима қилишни кўрсатаверсак, ёқадими?

– Йўқ, албатта.

– Бу бизга ҳам ёқмайди. Ҳатто кайфиятимизга ҳам таъсир қиласди. Шундай қилиб, сен ўзингга ўзинг раҳбарсан. Энди тахмин қил-чи, ким ёрдамчинг бўлади?

– Ким?

– Мен. Сен менга раҳбар бўласан.

– Мен-а?

– Худди шундай. Лекин вақтим оз, ўзинг биласан. Баъзан иш билан кетиб, уйда бўлмайман. Уйда бўлган вақтимда эса, айтган заҳотинг ёрдамга шайман. Сен айтган ҳар кандай ишни бажараман.

– Келишдик, дада!

– Хўш, ишингни ким баҳолайди?

– Ким?

– Ўзинг.

– Ўзим?

– Албатта. Ҳафтада икки марта, иккимиз ўтлоқни айланамиз ва ишлар қандай кетаётганини кўрсатасан.

Үтлоқни қандай баҳолайсан?

– Тоза ва яшил.

– Түппа-түғри.

Шу тарзда ўғлимни икки сўз билан икки ҳафта давомида, ишни эплашига кўзим етгунча шуғуллантирдим. Нихоят, кутилган кун келди.

– Демак, ҳаммасини келишиб олдик, шундайми, ўғлим?

– Шундай.

– Үтлоқ қандай бўлиши керак?

– Ям-яшил ва топ-тоза.

– «Ям-яшил» нима дегани?

Ўғлим ўтлогимизга қаради, сўнг кўшни үтлоқни қўли билан кўрсатиб, деди:

– Кўшнимизнинг ўтлогининг ранги – яшил.

– «Топ-тоза» нима дегани?

– Умуман ахлат йўқ дегани.

– Хўш, ишингда раҳбар ким?

– Ўзим.

– Ким сенга ёрдам беради?

– Сиз. Вақtingиз бўлганда.

– Ким сени ишингни баҳолайди?

– Ўзим. Сиз билан ҳафтада икки марта үтлоқни айланамиз ва мен қилинган ишларни кўрсатаман.

– Биз нимага қараймиз?

– Тозалик ва яшилликка.

Ўша пайт мен рағбатлантириш ҳакида индамагандим. Албатта, бундай вазифа учун бирор мукофот жорий этишга иккиланмасдим.

Икки ҳафта. Икки сўз. Ўғлим ишни бошлишга тайёр деб ҳисобладим.

Шанба куни эди. Болам ҳеч нарса қилмади. Якшанба бўлди. Үтлоқни тозалашдан асар ҳам йўқ. Душанба... яна ҳеч нарса. Сешанба куни ишга кетаётганимда, июль қуёши тигида қовжираб, сарғайиб кетган үтлоқقا кўзим тушди. «Бугун тозаласа керак», деб ўйладим ичимда. Шанба куни

үтлоқни тозаламаганини тушунаман – у куни биз бир келишувга келган эдик. Якшанбани ҳам тушунаман – бу кунда бошқа юмушлар, ишлар бор эди. Лекин душанбада нега ўғлим ишламаганини тушунолмадим. Бугун эса сешанба. Нимадир қилиши керак. Айни ёз бўлса. Унинг қиласиган иши йўқ барибир.

Ишдалигимда уйга тезроқ қайтиб, нималар бўлганини кўришни интизор бўлиб кутдим. Ниҳоят, чошгоҳ маҳали, кўчамизга бурилганимда, эрталабки таниш ҳолатга – сарфайиб, қовжираган ўтлоққа кўзим тушди. Ўғлим бўлса кўчанинг нариги юзидаги боғчада ўйнаётганди.

Бунга чидаб бўлмасди. Икки ҳафталик машғулот ва ваъдалардан кейин ўғлим ўзини бундай тутишидан бир тарафдан хафа бўлсам, иккинчи тарафдан вазиятни тушунмадим. Биз ўтлоқ учун яхшигина пул ва вакт сарфлагандик, унинг қуришини кўриш оғир эди. Бундан ташқари, қўшнимнинг жуда чиройли, текис, ям-яшил ўтлоғи ёнида бизники жуда уятли кўринарди.

Ўша вазиятда: «Ўғлим, дарҳол ёнимга кел-да, анави ердаги ахлатни ҳозироқ йигиштир!» – деб буйруқбозлиқ асосида ваколатлашга тайёр эдим. Бунда олтин тухумга, яъни ўтлоқнинг тозаланишига эришишим шубҳасиз. Лекин ўғлим-чи? Унинг ички масъулиятига нима бўлади?

Шуларни ўйлаб, ясама жилмайганча, кўча бўйлаб қичкирдим:

– Салом, ўғлим. Ишлар қалай?

– Ҳаммаси яхши! – деб жавоб берди у ўгирилиб.

– Ўтлоқ нима бўляпти? – шундай деб сўрадим-у, тилимни тишлидим. Мен беихтиёр келишувимизни бузгандим. Биз бунга келишмаган эдик. Мен бундай демаслигим керак эди.

Шунинг учун Стефан ҳам келишувни бузиб, жавоб қайтарди:

– Яхши, дада.

Шундан сўнг бир оғиз ҳам гапирмай, кечки овқат

тугашини кутдим. Сүнгра ўғлимни чақириб, дедим:

— Стефан, қани худди келишганимиздек йўл тутайлик. Ўтлоқни айланайлик, сен менга раҳбарлигингдаги иш қандай кетаётганини кўрсат, майлими?

Кўча эшикдан ташқарига чиқар эканмиз, ўғлимнинг ияги титрай бошлади, мижжалари ёшга тўлди. Ўтлоқ ўртасига етганимизда, у пиқиллаб, йиғлашга тушди.

— Дада, бу жудаям қийин экан.

«Нима қийин экан? — ҳайрон бўлдим ичимда. — Ахир ҳеч нарса қилганинг йўқ-ку!» Лекин аслида, нима қийинлигини билардим — ўзини бошқариш, ўз устидан ҳукм ўрнатиш қийин эди. Шу сабаб овоз чиқариб дедим:

— Сенга қандай ёрдам бера оламан?

— Ёрдам берасизми, дада? — бурнини тортиб, сўради болам.

— Келишувимиз қандай эди?

— Вақтингиз бўлса, ёрдам бераман дегандингиз.

— Менда ҳозир вақт бор.

Бу гапимни эшлитиб, чопқиллаб уйга кириб, иккита ахлат қопчиқ билан чиқди ва бирини менга тутди.

— Анави нарсани ўтлоқдан оласизми? — деди у шанба қунлик барбекюдан қолган ахлатни кўрсатиб. — Кўриб қўнглим айниб кетяпти!

Ўғлимга сўзсиз бўйсундим: худди у сўрагандек иш қилдим. Ана ўшандан кейин келишувимиз унинг юрагига ёзилди. Ўтлоқ бутунлай уникига айланди.

Бутун ёз давомида Стефан атиги икки ёки уч марта ёрдам сўради, холос; ўтлоқни деярли бир ўзи парвариш қилди. Шунчалик берилиб ишладики, ўтлоғимиз ҳар доимгидан ҳам тозароқ, ҳар доимгидан ҳам яшилроқ бўлди. Ўтлоққа сақич қоғози ёки бирор ахлат ташлаган ака-опалари Стефандан танбех эшлитиб оларди.

Ишонч инсонни рағбатлантиришнинг энг олий шаклидир. У одамлардаги энг яхши хислатларни юзага чиқаради. Шубҳасиз, ишонч — вақт ва бардош талаб

## II ҚИСМ. ШАХСИЙ ҒАЛАБАЛАР

қиласи. Лекин бу кишиларнинг ваколати ишонч даражасига кўтарилигунча машқ қилдириш, ривожлантиришга халал бермайди.

Ишончим комил, бошқарув билан ваколатлаш тўғри тартибда бажарилса, ҳар икки томон – бошқарувчи ҳам, ишлаб чиқарувчи ҳам бирдек фойда топади; қисқа вақт ичида кўп иш бажарилади. Ўйлашимча, яхши ташкилланган оиласида рўзғордаги юмушлар аъзоларга бирга-бир асосда самарали топширилади. Бунинг натижасида, муайян вазифани бажариш учун кунига бир соат етарли бўлади. Бунда шунчаки ишлаб чиқариш эмас, ички бошқарув туйғуси зарур, албатта.

Масалан, сиз хонани фарзандингиздан кўра яхшироқ йиғишири оласиз, лекин фарзандингизни шу ишни қилишга ўргатмоқчисиз. Бошқарув асосида ваколатлашдан фойдалансангиз, бу анча вақт олади. Сиз болангизни машқ қилдиришингиз ва ривожлантиришингиз зарур бўлади. Бунга икки ҳафта, борингки уч ҳафта сарфларсиз. Бироқ бу ҳафталар ёқимли истикбол учун сарфланади. Биринчидан, фарзандингиз тартибга кўникади. Иккинчидан, у қўлингиздан бу ишни олгач, сизда самарали сарфлаш учун қўшимча вақт пайдо бўлади. Учинчидан эса, хонани йиғиширишни ўзи бажариш орқали бола ўзини бошқариши, ўзини назорат қилишни ўрганади.

Бу ёндашув ваколатлашнинг бутунлай янги парадигмасини қамраб олади. Натижада, муносабатлар табиати ўзгариб кетади: ишлаб чиқарувчи билан бошқарувчи ўртасида келишув тузилади. Ушбу келишувдаги масъулиятига биноан, ишлаб чиқарувчи вижданан ўзини-ўзи бошқарувчи раҳбарга айланади. Шунинг баробарида, у исталган натижага эришиш йўлида янгидан-янги, ижобий ва яратувчан ташабbusлар кўрсатади.

Бошқарув билан ваколатлашдаги тамойилларни ҳар қандай одам ва ҳар қандай вазият учун кўлласа бўлади. Унча етук бўлмаган кишилар билан ишлаганда, камроқ

исталган натижасы, күпроқ қоида, күпроқ омиллар, күпроқ ҳисобот сұхбатларига эътибор қаратынг. Етукроқ шахсларга бўлса, мураккаброқ бўлиши исталган натижасы, камроқ қоида, камроқ ҳисобот бўйича ваколат беринг.

Самарали ваколатлаш – самарали бошқарувнинг энг яхши кўрсаткичидир. Сабаби оддий: у ҳам шахсий, ҳам ташкилий ўсишнинг асосидир.

### ИККИНЧИ КВАДРАТ ПАРАДИГМАСИ

Ўзингизни ёки ваколатлаш орқали атрофдагиларни самарали бошқариш услуб, техника ёки ташқи омилларга боғлиқ эмас. У ичингизда – шошилинч вазифалардан кўра мухим вазифаларга диққат қилишингизга кўмаклашувчи иккинчи квадрат парадигмасида жойлашган.

Иловага «Офисдаги иккинчи квадрат куни» деб аталувчи машқ қўшиб кетдим. Бу машқ ёрдамида иккинчи квадрат парадигмасининг бизнесни ташкиллаштиришдаги самарадорлигининг кўрсатадиган ижобий таъсирини кўра оласиз. Иккинчи квадрат парадигмасини ривожлантириш устида ишлар экансиз, ҳаёtingизнинг ҳар ҳафтасини устувор вазифаларингиз асосида ташкиллашга ва сарфлашга муваффақ бўлиб борасиз; ҳаёtingизни самарадор бошқариш учун бошқа кишиларга ортиқ қарам бўлмайсиз.

Қизиғи шундаки, «Етти кўникма»нинг ҳар бири иккинчи квадратда жойлашади. Чунки бу кўникмалар фундаментал мухим бўлган, бошқача айтганда, доимий равишда бажарилса, ҳаёtingизда туб ижобий ўзгаришлар қилувчи нарсалар билан боғлиқдир.

### ҚЎЛЛАШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

1. Иккинчи квадратга тегишли, анчадан бери пайсалга солинаётган бирор вазифани аниқланг. Бу шундай вазифа бўлсинки, уни бажарсангиз, шахсий ёки профессионал ҳаёtingизда катта аҳамиятга эга

ўзгариш содир бўлсин. Уни қайд этинг ва бажаришга киришинг.

2. Вақтни бўшқариш матрицасини чизинг ва ҳар бир квадратга қанча вақт сарфлашингизни хисоблашга уриниб кўринг. Кейин уч кунингизни ўн беш дақиқалик интервалда ёзиб чиқинг. Ҳисоб-китобингиз тўғри чиқдими? Вақтни сарфлаш усулингиздан қониқдингизми? Нималарни ўзгартиришингиз керак?

3. Ваколат берадиган вазифалар ҳамда ваколатланадиган шахслар рўйхатини тузинг. Бошқарув билан ваколатлашни нимадан бошлаш кераклигини аниқлаб олинг.

4. Келаси ҳафтангизни режаланг. Ишни ҳафта учун роль ва мақсадларингизни қайд қилишдан бошланг. Сўнг мақсадларни махсус ҳаракат режасига айлантиринг. Ҳафта якунида режангиз қадрият ва мақсадларингизни кундалик ҳаётингизга қанчалик сингдирганини баҳоланг.

5. Ҳафтангизни доимий режалаштиришга киришинг ва бу учун маълум вақт ажратинг.

6. Ҳозирги режалаш дастурингизни тўртинчи авлодга мослаштиринг.

7. Иккинчи квадрат парадигмасини чуқурроқ тушуниш учун иловада келтирилган «Офисдаги иккинчи квадрат куни»ни ўрганиб чиқинг.



Оммавий  
ғалабалар

## ҮЗАРО БОҒЛИҚЛИК ПАРАДИГМАЛАРИ

*Дўстлик ишонч билан, ишонч эса ҳалоллик билан  
эгизакдир.*

СЕМУЭЛ ЖОНСОН

Оммавий ғалабалар қисмига ўтишдан аввал, самарали ўзаро боғлиқлик фақатгина ҳақиқий мустақиллик пойдевори устига курилиши мумкинлигини эслайлик.

Шахсий ғалабалар ҳамиша оммавий ғалабалардан олдин келади.

Ҳаёт йўлидан кетаётганда, бироз тин олиб, қаердан келиб, қаерга кетаётганимизни аниклаш учун ортга қарасак, танлаган йўлимиздан бошқасида юрганимизда, айни турган жойимизга етиб келолмаслигимизга гувоҳ бўламиз. Бу ерга фақат битта йўлдан келинади, масофани қисқартиришнинг иложи йўқ. Олдиндаги манзил бузилган муносабатларнинг қолдиқлари билан қопланган. Бу қолдиқлар етарлича етуклиқ, феъл-атвор кучига эга бўлмасдан туриб, самарали муносабат бошлашга уринган инсонларга тегишли.

Ўзаро самарали муносабат осон нарса эмас; сиз бутун йўлни босиб ўтишингиз керак. Муваффақиятни ўзингиз билан олиб юрмасангиз, бошқалар билан ҳеч қачон муваффақиятга эриша олмайсиз.

Бундан бир неча йиллар аввал Орегонда семинар ўтаётганимда бир киши ёнимга келиб, деди:

— Биласизми, Стивен, семинарларга қатнашсам ҳам кайфиятим кўтарилемаяпти.

Айтиш жоизки, унинг бу сўзлари дикқатимни тортди.

— Атрофдагиларга қаранг, нақадар ажойиб одамлар, — деб давом этди у. — Мана бу чиройли соҳилга, дengизга

### ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

ва у ерда содир бўлаётган нарсаларга қаранг. Ҳозир қила оладиган ягона ишм жимгина ўтириб, кечқурун телефонда хотинимдан эшиштажак заҳар-заққум гаплар ҳақида ўйлаб, ич-этимни ейиш бўляпти. Уйда бўлмаган пайтимда у қўнғироқ қилади, мени сўрок қилиб, нима билан банд эканимни билишга уринади: «Қаерда нонушта қилдим? Кимлар мен билан бирга эди? Кундузи тўлиқ мажлисда эдимми? Тушлик учун қаерга кирдим? Тушлик давомида нималар қилдим? Тушликдан сўнг вақтимни қандай сарфладим? Кечки пайт қўнгил очиш учун қаерга бордим? Биз нималар ҳақида сухбатлашдик?» Айтганларим ростлигини текшириш учун кимга қўнғироқ қилиши мумкинлигини билишни хоҳлайди, аммо буни очик сўрай олмайди. Шунчаки, қачон уйдан узокда бўлсам, қайтганимда қулоқ-миямни еб битиради. Мана шунаقا сабаблар туфайли айни дам худди игнани устида ўтиргандекман. Бу ерга келганим ахволимни енгиллатмаяпти.

У жуда ачинарли кўринарди. Биз бироз сухбатлашдик. Гап орасида, у қизиқарли бир гап айтиб қолди.

– Тахминимча, рафиқам қандай савол беришни жуда яхши билади, – деди у ҳижолат бўлиб. – Мен ҳозирги хотиним билан ана шунаقا семинарда танишиб қолгандим. Лекин у вақтда мен уйланган эдим.

Унинг айтганларини ўйлаб кўриб, сўрадим:

– Сиз «тезкор даво» олувчиilar сафидасиз, шундайми?

– Нимани назарда тутяпсиз? – деди у ажабланиб.

– Сиз очқич билан рафиқангиз миясини очиб, сизга нисбатан муносабатини дарҳол ўзгартиришни истайсиз, шундайми?

– Албатта, унинг ўзгаришини хоҳлайман! – хитоб қилди. – Мени ҳамиша бундай қаттиқ сўроққа тутиши яхши эмас.

– Дўстим, – дедим мен, – айтиб қўяй, ҳозиргидек ҳатти-ҳаракатларингиз билан муаммони ҳал қилолмайсиз.

Биз бу ерда жуда кескин ва ўта фундаментал Парадигма

алмашинувига дуч келамиз. Ижтимоий мулоқотингизни шахсий техника ва маҳоратингиз билан силлиқлашга уринишингиз мумкин, лекин ушбу жараёнда зарурый феъл-автор асосингизга зарба бериб кўясиз. Илдизсиз дарахт мева берганини кўрганмисиз? Бу – изчилик тамойилидир: Шахсий ғалабалар Оммавий ғалабалардан олдин келади. Шахсий бошқарув ва шахсий интизом – бошқалар билан яхши муносабат ўрнатиш пойдөвөридир.

Баъзи одамларнинг айтишича, агар ўзингизни яхши кўрмасангиз, ҳеч ким сизни яхши кўрмас экан. Менимча, бу фикрда қайсиидир маънода жон бор. Бироқ ўзингизни яхши билмасангиз, бошқара олмасангиз, назорат қилиш кўлингиздан келмаса, ўзингизни яхши кўришингиз ҳам жуда қийин бўлади, қисқа муддатли, юзаки ҳолатларни хисобга олмаса, албатта.

Инсоннинг ўзига ҳурмати, аввало, ўз устидан хукмронлиги, чин мустақиллигидан келиб чиқади. Бу эса биринчи, иккинчи ва учинчи кўникмаларнинг асоси ҳисобланади. Мустақиллик – бир ютуқ. Ўзаро боғлиқлик бўлса фақат мустақил шахслар қила оладиган танловдир. Ҳақиқий мустақилликка эришишни истамас эканмиз, инсоний муносабатларни ривожлантиришга уриниш аҳмоқликдир. Биз уриниб кўришимиз мумкин. Вазият яхши бўлса, бу борада ҳатто қайсиидир даражада муваффақиятта ҳам эришармиз. Лекин қийин ҳолатлар келганда – улар, албатта, келади – алоқаларни мустаҳкамлаб турувчи пойдеворимиз бўлмайди.

Ҳар қандай муносабатнинг таркибий қисми айтадиган гапларимиз ёки бажарадиган ишларимиз эмас, аксинча, бизнинг ўзимиздир. Агар сўзларимиз ва ҳаракатларимиз ички маконимиз (феъл-автор этикаси) ўрнига инсоний муносабатларнинг сохта, юзаки усулларига (шахс этикаси) асосланса, атрофдагилар бу иккюзламачиликни сезиши шубҳасиз. Бу йўл билан самарали ўзаро боғлиқлик учун керакли пойдеворни яратга олмаймиз.

### ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

Инсонлараро муносабатларни ҳақиқатан ҳам ўзгартирадиган техника ва күнімалар чинакам мустақил феъл-автордир. Шундай экан, ҳар қандай муносабатни бошлаш учун жой – ўз ичимизда, таъсир доирамизда бўлган феъл-авторимиздир. Тўғри тамойилларга марказлашиб, проактив тарзда ҳаёт кечиришни бошлаганимизда, аниқлаб олган устувор вазифаларимизни ҳалоллик илиа бажаришни уддалаганимиздагина биз ўзаро боғлиқ муносабатларга кириша оламиз. Бу бизнинг самарадорлигимизни янада оширишга хизмат қиласди.

Ҳаёт йўлимиизга қайтиб, олдинга назар солсак, янги уфқ томон кетаётганимизни кўрамиз. Ўзаро боғлиқ муносабатлар чукур, бой, мазмунли алоқаларни очиб беради. Шу туфайли янада кўпроқ ўсиш, ўрганиш, яқинларимиз ва бутун дунё ривожланишига ҳисса қўшиш имконияти пайдо бўлади. Бироқ баҳт ва муваффақият йўлидан кетишда кучли изтироблару умидсизликка дуч келишимиз табиий.

Кўпинча шахсий ҳаётимизда соғлом нуқтаи назар, етакчилик ёки бошқарув етишмаслиги сабабли келиб чиқадиган сурункали оғриқларга йиллаб сабр қилишимиз лозим. Бундан ўзимизни жудаям нокулай ва безовта ҳис қиласмиз, вақти-вақти билан оғриқларни камайтириш мақсадида баъзи даво чораларини кўрамиз. Вазият шунга етадики, ичимиздаги оғриқ билан яшашга кўнишиб қолиб, унинг борлигини унугиб ҳам юборамиз.

Бошқа кишилар билан мuloқotимиздаги муаммо туфайли пайдо бўладиган оғриқни эса жуда яхши ҳис қиласмиз – у жуда ўтқир бўлади; тезроқ қутулгимиз келади.

Оғриқ белгиларини шахс этикасининг тезкор даво ва техникалари билан тузатишга уринганимизда юқоридаги ҳолат содир бўлади. Биз бошимиздан кечираётган изтироб ва оғриқ аслида ичимиздаги муаммолар – сурункали оғриқлардан униб чиққанини тушунмаймиз. Уни тўхтатиш учун тезкор даводан фойдаланишни бас қилмас эканмиз,

саъй-ҳаракатларимиз фақат акс натижа беради. Бу вазият китоб аввалида айтиб ўтганим – сурункали касаллик учун аспириинни қўллашга ўхшайди. Аспириин ёрдамида сурункали хасталигимизни яширамиз, холос.

Ўзаро самарали муносабат тўғрисида сўзлар эканмиз, келинг, самарадорликка берган таърифимизни ёдга олайлик. Демак, самарадорлик – таъминот ва таъминот воситаси ўргасидаги мувозанат ҳисобланади. Буни ғоз ва олтин тухум масаласи ёрдамида тушуниб олгандик.

Ўзаро боғлиқ вазиятда олтин тухум – самарадорлик, яъни ижобий муносабатлар ва самимий мулодот орқали яратиладиган натижалар, таъсири қуввати ҳисобланади. Шу тухумларга ҳар куни эга бўлиш учун, биринчи навбатда, ғозга ғамхўрлик қилишимиз лозим. Бу дегани самарадор алоқаларни таъминлаш учун, аввало, ўзаро муносабатларимизни парваришлаш талаб қилинади.

Шундай қилиб, тўртингчи, бешинчи ва олtingчи кўникмаларга ўтмасдан аввал, ўзаро боғлиқ реалликдаги муносабатларни тасвирлашда ҳамда Т/ТВ мувозанатини ифодалашда қўлланиладиган энг кучли метафорани сизларга таништиromoқчиман.

### ҲИССИЁТ БАНКИДАГИ ҲИСОБ РАҶАМИ

Молиявий банкдаги ҳисоб раҷами нималиги ҳаммамизга маълум. Биз банкда ҳисоб раҷами очиб, у ерга депозит/маблағ йигамиз. Эҳтиёж туғилганда ундан пул оламиз. Ҳиссиёт банкидаги ҳисоб раҷами муайян бир муносабатда қурилган ишонч микдорини ифодаловчи метафорадир. Бу ўзга бир инсон билан бўлганингизда сезадиган хавфсизлик ҳиссидир.

Буни мисол орқали тушунтиришимга изн берсангиз. Сиз билан боғлиқ Ҳиссиёт банкидаги ҳисоб раҷамимга хушфеъллик, меҳр-оқибат, самимийлик, сизга берган ваъдамни бажариш сингари «маблағлар»ни депозит сифатида кўйсам, захира бойлик тўплайман. Сизнинг менга нисбатан ишончингиз ошади. Мен эса зарур бўлганда шу

### ІІІ КІСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

ишончингиздан күмак олишим мүмкін. Баъзан, күтилмаган хатоларга йўл қўйсам, ишонч даражаси, бошқача айтганда, ҳиссий захира уярни қоплаб кетади. Жумлаларим аниқ бўлмаса ҳам барибир маъносини тушунасиз. Демак, ҳисоб ракамдаги ишонч микдори қанча юқори бўлса, мулоқот шунча осон, тезкор ва самарали бўлади.

Лекин сизга ҳамиша бехурматлик, носамимиийлик кўрсатишга, гапингизни бўлишга, ишончингизни поймол қилишга, сизни қўрқитишга одатланиб қолсан, охир-оқибат Ҳиссиёт банкидаги ҳисоб рақамим бўшаб қолади. Ундаги ишонч даражаси пастлаб кетади.

Хўш, бундан менга не фойда?

Ҳеч қандай. Аксинча, бундан буёғига сиз билан мулоқот жараёнида ҳар бир гапимни ўйлаб гапиришимга тўгри келади. Муносабатимиз таранглашади. Афсуски, кўплаб ташкилот, оила ва никоҳларда шундай вазият ҳукмрон. Ишонч захирасига мунтазам депозит қўйилмаса, оиласидан муносабатларга путур етади. Оила – бир-бирини ўзаро тушуниб, мулоқот қиласидаган макон эмас, балки икки одам бир том остида мажбурий бағрикентлик асосида мустақил ҳаёт кечирадиган майдонга айланади. Бу майдонда муносабатлар ҳужумкорлик ва душманлик тусини олади; жуфтликлардаги «ё жанг қил ёки таслим бўл» реакцияси натижасида даҳанаки жанглар, эшикларни қарсиллатиб ёпиш, гаплашмай қўйиш, ҳиссий бўшлиқ ва ўзига ачиниш келиб чиқади. Ушбу вазият оиласидаги совук уруш билан яқунланиши мүмкін. Бунда умр йўлдошларни бир-бирига ўргадаги фарзандлар, жисмоний яқинлик, ижтимоий босим, оила шарьини тўқмаслик боғлаб туради. Ё бўлмаса, бир-бирига ортиқ тоқат қилолмаган жуфтлар ажрим учун судга ариза беради, ҳеч иккиланмай турмуш ўртоғининг айбини ошкор қилиб ташлайди ва шу ахволда бир неча йил судлашиб юради.

Бу каби ҳолатлар ер юзидағи энг ижобий, қониқарли, роҳатбахш муносабатларда содир бўлиши нақадар ачинарли.

Ҳар бир оилада Т/ТВ маёғи мавжуд. Уни бузиб ташлаш ёки йўлчи юлдуз сифатида фойдаланиш ўз қўлимизда.

Никоҳ сингари доимий муносабатлар учун доимий депозитлар керак. Чунки узлуксиз янги умидлар туфайли эски депозитлар ғойиб бўлади. Анчадан бери кўрмаган мактабдош дўстингизни кўриб қолсангиз, аввалгидек завқ-шавқ, меҳр-муҳаббат билан мулоқот қилишингиз мумкин. Сабаби ўтмишда кўйган депозитларингизнинг сарфланмаган қисми ҳануз ҳиссиёт банкидаги ҳисоб рақамингизда турибди. Лекин ҳар қуни алоқага киришадиган инсонларингиз билан боғлик ҳисоб рақамингиз доимий сармояни талаб қиласди. Кундалик мулоқотингиз давомида, ҳатто ўзингиз билмаган ҳолда ўз-ӯзидан «маблағ» ечилиш ҳолатлари учраб туради. Айниқса, уйдаги ўсмир фарзандлар билан бу ҳол тез-тез такрорланади. Тасаввур қилинг, ўсмир ўғлингиз билан одатий сухбатингиз: «Хонангни тозала. Тугмангни қада. Радиони ўчир. Сочингни олдир. Ахлатни тўкиб келишни унутма!» қабилида кечади. Бу ҳолатда, орадан маълум вакт ўтгач, «еочиб олган» ишончингиз микдори депозитларингизнидан кўпайиб кетади.

Энди шу фарзандингиз бутун ҳаётига таъсир қиласидиган муҳим қарор қабул қилиш жараённида эканини бир ўйланг. Ўртангиздаги ишонч паст ва мулоқот жуда ёпик, механик ва қониқарсиз бўлгани туфайли ўғлингиз ҳеч қачон сиз билан маслаҳатлашмайди. Сизда унга ёрдам бериш учун етарли билим ва донолик бўлиши мумкин. Бироқ ҳиссиёт банкидаги ҳисоб рақамингизда ҳеч вақо қолмаганидан, у ўз қарорини қисқа муддатли ҳиссиётлардан келиб чиқиб қабул қиласди. Бу эса узоқ муддатли салбий оқибатларни етаклаб келиши ҳеч гап эмас.

Ушбу нозик масалалар юзасидан ўзаро мулоқот қилиши учун сизга ижобий мувозанат зарур. Бунинг учун сиздан нима талаб қилинади?

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, агар ўғлингиз билан муносабатингизга депозит киритиб борсангиз, нима

### Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

бўлади? Имкон бўлганда, унга бироз меҳр кўрсатинг – болангиз қизиқишидан келиб чиқиб, уйга бирор журнал ёки коньки кўтариб келинг ёки қандайдир лойиха устида ишлаётган бўлса, ёнига бориб, ёрдамингизни таклиф қилинг. Балки бирга кинога ёки музқаймоқхўрликка борарсизлар. Фарзандингизга ажратадиган энг муҳим депозит – уни шунчаки тинглашингиз бўлса керак. Ўғлингизни тингланг, гапини бўлманг, уришманг, жеркиманг ёки ўз ҳаётингиздан мисол келтирманг – уни шунчаки тингланг ва тушунишга ҳаракат қилинг. Уни яхши кўришингизни, инсон сифатида қабул қилишингизни ҳис қилишига йўл қўйиб беринг.

Дастлаб у меҳр ва ғамхўрлик депозитларингизга яраша жавоб қайтармаслиги, ҳатто бу хатти-харакатингиздан шубҳаланиб, «Дадам бу сафар нимани ўйлади экан? Ойим яна нима усусларни менга қарши қўлламоқчи?» дея ўйлаши мумкин. Лекин депозитлар келишда давом этаркан, ўз кучини кўрсатади. Бўшаб қолган ҳисоб рақамингиз яна ишонч билан қайта тўла бошлайди.

Доим ёдда тутинг: муносабатлардаги муаммони тезкор даволаш – бу шунчаки сароб. Муносабат қуриш ва таъмирлаш ҳамиша маълум вақт олади. Ўғлингизда миннатдорчилик аломатларини дарҳол сезмасангиз, сабр қилинг. Қизиқонлик ичидаги унинг кўнглига ботадиган бирор гап айтиб қўйсангиз, шу вақтгача қилган барча меҳнатингиз ҳавога совурилади. Масалан: «Сен учун шунча яхшилик қилдик! Шунча курбонликлар келтирдик! Сен эса ҳалиям раҳмат демайсан! Биз яхши бўлишга уринсак, сен ўзингни бунақа тутасан! Шунақаям бола бўладими!?» деган жумлалар жигарбандингиз юрагини вайрон қилиб, ўрганингиздаги ишончни еб битиради.

Сабрли бўлиш қийин, албатта. Бунинг учун инсон феъл-атворини проактивга айлантириши, бор дикқатини Таъсир доирасига қаратиши, ўсаётган муносабатларни парваришлаши даркор.

Менга ишонинг, муносабатларни қуриш ва қайта

тиклаш узоқ муддатли сармоя киритиладиган жараён саналади. Бу жараённи тезлаташнинг имкони йўқ.

### ОЛТИ МУҲИМ ДЕПОЗИТ

Ҳиссийёт банкидаги ҳисоб рақамингизни тўлдирувчи олтига йирик депозитларни танишишига ижозат бергайсиз. Демак, депозит бу ерда ўзаро самарали муносабатларни яратиш ва тиклаш учун бажаришингиз зарур бўлган ишлар маъносида келмокда.

#### 1. ШАХСНИ ТУШУНИШ.

Ўзга инсонни тушунишга уриниш – тайёрлашингиз мумкин бўлган энг муҳим депозитлардан бири бўлиб, у бошқа депозитлар қалити ҳамдир. Бир шахсни яхши тушунмагунингизча, унга қандай депозитлар мос келишини билолмайсиз. Сиз учун депозит бўлган воситалар – биргаликда сайр қилиш, сұхбатлашиш, музқаймоқ ейиш, бир лойиҳа устида жамоа бўлиб ишлаш – бошқа бир шахс томонидан депозит сифатида қабул қилинмаслиги мумкин. Агар унинг қизиқишлиари ва эҳтиёжларига тўғри келмаса, ушбу ишлар ҳатто ҳисоб рақамингиздан ишончни «ечиб олиши» ҳеч гап эмас.

Бир киши учун олам-олам маъноли нарса иккинчи киши учун арзимас туюлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Депозит тайёрлаш учун, бошқа киши муҳим деб билган нарсани сиз ҳам аҳамиятли топишишингиз лозим. Масалан, ўта муҳим лойиҳа устида ишлаётганингизда, олти яшар фарзандингиз келиб, сиз учун аҳамиятсиз, лекин ўзи учун аҳамиятли кўринган бирор масалада ёрдам сўради дейлик. Бу вазиятда, сизга фарзандингизнинг қадриятини тан олиб, унинг сўзини ерда қолдирмаслик учун иккинчи кўникма, жадвалингизни инсон устуворлигига бўйсундириш учун учинчи кўникма керак бўлади. Фарзандингизни тинглаб, ёрдам бериш баробарида, уни тушунганингизни кўрсатасиз. Бу жуда катта депозитдир.

Бир дўстимнинг ўғли бейсболни жуда яхши кўрарди,

### Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

дўстим бўлса ушбу спорт турига умуман қизиқмасди. Лекин ёз келганда, у ўғлини бейсбол чемпионатига олиб борди. Уларнинг сафари олти ҳафта давом этди, каттагина пул сарфланишига қарамай, ота-ўғил муносабатларини мустаҳкамловчи кучли тажриба бўлди.

Сафардан қайтишда дўстимдан сўрашибди:

- Бейсбол ўйнашни жуда яхши кўрасизми?
- Йўқ, – дебди дўстим. – Лекин мен ўғлимни жуда яхши кўраман.

Коллежда профессор бўлиб ишловчи бошқа бир дўстим билан ўсмир ўғли ўртасидаги муносабати жуда ёмон эди. Бутун ҳаётини илм-фанга боғлагани туфайли, бу дўстим ўғли бор вақтини ақлини ривожлантириш ўрнига, жисмоний меҳнатга сарфлаётганини ёқтиримасди. Шуни қайта-қайта таъкидлайвериб, ўғлини хафа қиласади. Қилган ишидан афсусланганда, муносабатларига қандайдир депозит киритишга уринар, лекин бу бесамар кетарди. Вазият шунга бордики, отасининг дўстона имо-ишораларини ҳам бола рад этиш, қиёслаш ва баҳо беришнинг янги шакли сифатида қабул қила бошлади. Муносабатлардаги ишонч тобора камайиб борди. Ўртадаги аччик алоқа дўстимнинг юрагини парчаларди.

Бир куни унга бошқа киши муҳим деб билган нарсани сиз ҳам аҳамиятли деб топишингиз кераклиги тўғрисидаги тамойилни сўзлаб бердим. Дўстим буни юрагига жуда яқин олди ва вазиятга бошқа томондан қарай бошлади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у ўғлини уй атрофига Буюк Хитой деворининг миниатюрасини қуришга жалб қилди. Улар биргалиқда, шу лойиҳа устида бир ярим йил елкама-елка ишлади.

Муносабатларни мустаҳкамловчи ушбу тажриба билан ўғил ҳаётдаги фазасини ўзгартирди ва ақлини ривожлантириш босқичига кирди. Энг муҳими, отабола ўртасидаги алоқалар жанжал нуқтаси эмас, балки хушчақчақлик ва куч манбаига айланди.

Биз ўзгаларнинг истаги ёки эҳтиёжини шахсий фикримиздан келиб чиқиб муҳокама қиласиз; ўз ниятларимизни ўзгаларнинг хулқ-авторига қаратамиз; ўзаро муносабатлар учун депозитни ҳам ўз ёшимиз, давримиздан келиб чиқиб танлаймиз. Агар танловимиз ўзга инсонга маъқул келмаса, буни рад этиш сифатида қабул қиласиз ва қўл силтаб кетамиз.

Шундай олтин қоида бор: «Сизга қандай муомала қилишларини истасангиз, ўзгаларга шундай муомала қилинг». Бир қараганда бу қоидадан «ўзингизга раво кўрган нарсани – бошқаларга ҳам илининг» деган маъно чиқади. Лекин, ўйлашимча, унинг моҳиятида «сизни тушунишларини истасангиз, унда сиз ҳам тушуниб муносабатда бўлинг» деган чақириқ мавжуд. Муваффакиятли оналардан бири айтгандек: «Болалар билан бир хил муносабатда бўлинг, ҳар бирига алоҳида шахс сифатида қаранг».

## 2. КИЧИК НАРСАЛАРГА ДИҚҚАТ ҚАРАТИШ.

Оз бўлса ҳам, меҳрибонлик ва хушмуомалалик катта аҳамиятта эга. Кўполлик, ҳурматсизлик ва қаттиққўликтининг энг кичик кўриниши эса катта ишончсизликни келтириб чиқариши мумкин. Муносабатларда кичик нарсанинг ўзи бўлмайди.

Анча йиллар аввал, икки ўғлим билан бирга ўтказган оқшом ёдимда. Бу бизнинг доимий ташкилланадиган отабола учрашуви бўлиб, гимнастика, қўл жанги, хот-доглар, апельсин шарбати ва кинони қамраб оларди.

Хуллас, барча режаларни бирма-бир бажариб, кинога борган здик. Кинонинг ярмига етганда тўрт яшар ўғлим Шон ўринидикда ухлаб қолди. Унинг акаси – олти яшар Стефан уйғоқ эди ва биз фильмнинг қолган қисмини бирга кўрдик. Кино ниҳоясига етгач Шонни кўлимда кўтариб, машинага олиб чиқдим ва орқа ўринидикка оҳиста ётқиздим. Тун жуда совуқ эди, шунинг учун пальтомни олиб, кичик ўғлимнинг устини ўраб қўйдим.

### ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

Үйга етиб келгач, тезда Шонни күтариб, каравотига ётқиздим. Барчасини кузатиб турган Стефан ҳам пижамасини кийиб, тишларини ювди ва ўрнига ётди. Мен бугунги оқшом ҳақида сұхбатлашиш мақсадида унинг ёнига чўзилдим.

– Хўш, Стефан, сенга ёқдими?

– Ҳа.

– Маза қилдингми?

– Ҳа.

– Сенга бажарган қайси ишимиз кўпроқ ёқди?

– Билмадим. Трамполиндан сакраш, шекилли.

– О, албатта. Ҳавода ҳар хил трюклар бажариш жуда кизиқ бўлди-а?

Негадир Стефан сўзлашишга унча мойиллик билдирамади. Худди ўзимга ўзим гапираётгандек эдим. Ўғлимдаги ўзгаришдан ажабландим. Чунки, одатда, кизиқ иш бажарсак, у доимидан кўпроқ гапиради. Очиги, бироз ҳафсалам пир бўлди. Нимадир нотўғри бўлганини ҳис қилдим; Стефан кинодан чикиб, уйга келгунча миқ этиб оғиз очмаганди.

Кутилмаганда Стефан ёнбошига ўгирилиб, менга тескари қараб ётиб олди. Ҳайрон бўлдим, бироз қаддимни күтариб, унга қараганимда, боламнинг кўз ёшдан хўл бўлган юзига кўзим тушди.

– Нима гап, ўғлим? Нима бўлди?

У менга ўгирилдию лаблари ва ияги титраганча, изтироб билан сўради:

– Дадажон, агар совқотсам, мениям пальтонгиз билан ўраб қўясизми?

Ўша оқшом бирга ўтказган вақтимиз давомида, Стефан учун энг эсда қоларлиги – англанмаган равишда укасига кўрсатган меҳрим эди.

Бу воқеа мен учун жуда катта сабоқ бўлди ва ҳозиргacha ҳам шундай. Ҳар бир инсон ич-ичида жуда юмшоқ, нозик бўлади. Ёш ёки тажриба буни ўзgartиришига ишонмайман.

Зоҳиран қўпол кўринган ҳар қандай кишининг нозик ҳисларга лиммо-лим тўла юраги борлиги шубҳасиз.

### 3. ВАЪДАЛАРНИ БАЖАРИШ.

Ваъдани бажариш – жуда катта депозит ҳисобланса, ваъдани бузиш ишончсизликни етаклаб келади. Аслини олганда ҳам, ишончни синдириш учун ким учундир жуда муҳим бўлган ваъдани бериб, уни бажармасликдан кўра каттароқ сабаб бўлмаса керак. Келаси сафар, яна ваъда берилганда, аввалги ишончни топиб бўлмайди. Инсонлар одатда ваъдалар пойдевори устига умиддан уй қуришга мойил бўлади.

Ота сифатида бажаролмайдиган ишим учун ваъда бермаслик фалсафасига амал қилишга ҳаракат қиласман. Бундан келиб чиқиб, ваъда бераётганда етти ўлчаб бир кесаман, эҳтиёткорликни сақлайман ҳамда ваъдамни бажаришга тўсиқ бўладиган эҳтимолларни астойдил ҳисоб-китоб қиласман.

Вақти-вақти билан, шунча уринишларимга қарамай, ваъдамни бажаришга халал берадиган кутилмаган вазиятлар юз бериб туради. Бажара олмасам ҳам, ўша ваъдага жиддий қарайман. Бунақа вазиятларда, нима қилиб бўлса ҳам ваъда ижросини таъминлайман ёки шарт-шароитни батафсил тушунтириб, ваъдадан мени озод қилишларини сўрайман.

Ишончим комил, ҳамиша ваъдангизни бажариш кўникмасини шакллантирсангиз, инсонлар билан ўзаро муносабатларда ишонч кўпригини барпо қиласиз. Бу, айниқса, фарзандингиз билан мулоқотингизда кўл келади. Масалан, ўғлингиз сиз истамаган бирор ишни бажариши истаса-ю, ғўрлик қилиб, сиз кўраётган салбий оқибатни кўздан қочираётган бўлса, оддийгина қилиб, «Болам, шу ишни қилсанг, оқибати бундай бўлади», – деб айтинг. Агар ўғлингизда ваъдангизга, сўзларингизга нисбатан мустаҳкам ишонч шаклланган бўлса, у албатта, гапингизга кулоқ тутади.

### ШІКСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

#### 4. НИМАНИ УМИД ҚИЛАСИЗ?

Касбий йўриқномани ким тузиши бўйича раҳбар билан келиша олмаган ҳолатингизни тасаввур қилинг.

– Касбий йўриқномамни қаердан олсам бўлади? – деб сўрайсиз сиз.

– Йўриқномани ўзинг олиб келишингни кутаётгандим,  
– дейди раҳбарингиз.

– Нима қилишимни айтиш сизнинг вазифангиз деб ўйлагандим.

– Албатта, бундай эмас. Эсингдан чиқдими, энг бошидаёқ, ишни қандай бажариш ўзингга боғлиқ деб огоҳлантиргандим?

– Тўғри. Лекин иш сифати менга боғлиқлигини назарда тутяпсиз деб тушунганман буни. Лекин ҳозир нима иш қилишимни ҳам билмайман ҳатто.

Умумий мақсад йўлидаги ноаниқ умидлар мuloқot ва ишонч сифатига путур етказади. Бундай вазиятда, маълум вазифани бажарив, раҳбарингиз ёнига кирсангиз, куйидагича мuloқot бўлиши мумкин:

– Худди айтганингиздек бажардим. Мана ҳисобот.

– Яна қанақа ҳисобот? Мақсад – муаммони ҳал қилиш эди, таҳлил қилиб, ҳисобот ёзиш эмас.

– Лекин мен мақсадимиз муаммонинг сабабини аниқлаш, шу орқали уни ечишни бошқа бировга топшириш деб ўйлабман.

Бу каби суҳбатлар ҳар биримизнинг бошимиздан ўтган, шундай эмасми?

– Сиз айтдингизки...

– Ҳечам-да. Мен айтдимки...

– Йўқ, ундай демадингиз...

– Аниқ-тиник қилиб тушунтирудим...

– Буни ҳатто оғзимга ҳам олмадим...

– Лекин келишувимиз бўйича...

Деярли барча муносабатлардаги қийинчиликларнинг илдизи роль ва мақсадлар борасидаги тушунмовчиликларга

бориб тақалади. Гап нима ҳақида кетмасин – ишда ким нима вазифа бажариши; кизингизга хонани тозалашини қандай айтишингиздан тортиб, балиқни ким бокишию ким ахлатни ташлаб келишигача бўлган масалаларда ноаник умидлар ҳамиша тушунмовчиликка, ҳафсала пир бўлиши ва охир-оқибат ишончнинг сўнишига олиб келади.

Аксарият умидлар яширин ҳолда бўлиб, очиқчасига баён қилинмайди, лекин кишилар шу умидларга суняди. Турмушда, масалан, эркак ва аёл бир-бирининг эр-хотин сифатидаги ролидан яширин умидлари бўлади. Гарчи улар муҳокама қилинмаса-да, баъзан бажарувчи томон бутунлай бехабар бўлса ҳам, бу умидларни бажо этиш йирик депозит яратади; уларни пучга чиқариш эса ўргадаги ишончни синдиради.

Шунинг учун ҳар қандай янги муносабат бошланишида барча умидларни аниқлаштириб олинг. Кишилар бир-бирига умидлар орқали ҳукм чиқара бошлайди. Агар уларнинг асосий умидлари чиппакка чиқса, захирадаги ишонч ғойиб бўлади. Кўпинча, бошқалардан кутаётган умидларимиз барчага равшан кўриниб туради деб ўйлаймиз ва катта хатога йўл қўйиб, салбий оқибатларни келтириб чиқарамиз.

Демак, кимдан нима кутаётганингизни энг бошидаёқ аниқлаштириб олинг. Бошида бунга кўпроқ вақт кетса ҳам келажакдаги вақт ва кувватни тежаб қолади. Умидлар аниқ бўлмаса, кишилар оддий тушунмовчиликларга ўралашиб қолади, бу эса шахсий тўқнашув ва мулоқотдаги узилишларга сабаб бўлади.

Умидларни аниқлаштириш учун баъзан катта жасорат керак. Аксарият ҳолларда, ўзаро умидларни муҳокама қилмай, турли номутаносибликларни кўрмаганга олиб, ҳаммаси яхши бўлади деган умидда яшаш ва ишлап осонроқ туюлади.

##### 5. ТЎҒРИЛИК ҚИЛИШ.

Тўғрилик – ишончни мустаҳкамлайди ва бошқа турли

### Ш КИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

депозитларнинг асоси саналади.

Тўғриликнинг камлиги кучли ишонч ўрнатиш йўлидаги барча уринишларингизни йўқ қиласди. Кишилар ўзгаларни тушуниши, кичик нарсаларни эсда тутиши, ваъдасини бажариши ва умидларни бажо келтириши мумкин. Бироқ улар ич-ичидан иккюзламачи бўлса, мустаҳкам ишонч захирасини яратишда муваффакиятсизликка учрайверади.

Тўғрилик самимийликдир, аммо фақат ундан иборатмас. Самимийлик – ҳақиқатни сўзлаш, бошқача айтганда, сўзларимизнинг реал ҳаёт билан тўғри бўлишидир. Тўғрилик эса реал ҳаётни сўзларимизга мослаштиришимиздир, яъни ваъдаларни бажаришимиз, умидларни рўёбга чиқаришимиз ва ҳк. Булар феъл-авторнинг аввало шахснинг ўзи билан, қолаверса, ҳаёт билан тўғри бўлишини талаб этади.

Тўғриликнинг энг муҳим белгиларидан бири ўзи йўқ бўлган инсонларга садоқатни сақлашимизда намоён бўлади. Ўзи ҳозир бўлмаганларни ҳимоя қилсангиз, ҳозир бўлганларнинг ишончини қозонамиз.

Тасаввур қилинг, иккимиз холи суҳбатлашяпмиз. Гапимиз айланиб, раҳбаримизни танқид қилишга ўтиб кетдик. У ҳакда ўзи ҳозир бўлганда айтольмайдиган гапларни гапириб ташладик. Энди ўйлаб кўринг, иккаламиз уришиб қолсак нима бўлади? Биласизки, сизнинг камчиликларингизни бошқа бирор билан муҳокама қиласман. Чунки раҳбаримиз ортидан гапирганимизда ҳам худди шундай қилгандик. Сиз табиатимдан хабардорсиз. Юзингизга ширин гапириб, орtingиздан танқидлар ёғдиришимдан воқифсиз. Шундай қилганимга ўзингиз гувоҳ бўлгансиз.

Мана шу иккюзламачиликдир. Бу ўртамиздаги муносабатларда ишонч захирасини қурадими?

Яна тасаввур қилинг. Иккимиз холи қолганимизда, сиз раҳбаримизни танқид қилишни бошладингиз. Мен баъзи фикрларингизга қўшилишимни айтаман, шу билан

бирга, иккимиз тўғри раҳбарнинг ёнига бориб, вазиятни ўнглаш учун самарали тақдимот қилишини сўрайлик деган таклиф киритаман. Шу вазиятда, кимдир сизни менга ортингиздан ёмонласа, қандай реакция билдиришимни билиб олишингиз мумкин бўлади.

Бошқа бир мисол. Тасаввур қилинг, сиз билан муносабат қуришга уриняпман. Суҳбат асносида, кимдир менга ишониб айтган гапни сизга сотиб кўйман. «Аслида буни айтмаслигим керак эди», дейман мен, «лекин сиз дўстим экансиз...» Хўш, бошқа кишига хиёнат қилиш орқали ишончингизни оқлай оламанми? Ёки менга айтажак гапларингизни бошқаларга ҳам тарқатиш имконлигини ўйлаб кўрасизми?

Шу каби иккюзламачилклар яқин инсонингиз ишончини қозониш учун депозитдек кўринса ҳам, аксинча хизмат қиласди. Кимнингdir сирини бошқа бировга айтиб, вақтингчалик лаззат – олтин тухумни олишингиз мумкин, лекин бу ғозни бўғишиб эвазига бўлади. Шу кетищда давом этсангиз, ғоз ҳам ўлиб қолади, сиз ҳам олтин тухумдан бутунлай мосуво бўласиз.

Ўзаро боғлиқ шароитда тўғрилик куйидагича бўлади: сиз ҳаммага бир хил тамойил асосида муносабат қиласиз. Шунда одамларнинг сизга ишончи ортади. Бошланишида самимийлик ва тўғрилигингиз билан даврадаги салбий фикрга қарши боришингиз уларга ёқмаслиги мумкин. Кўпчиликда қаршилик учун етарли жасорат йўқ, шу сабабли аксарият одамлар камида жим туришни, ёки тийбатга қўшилишни, бошқаларнинг ортидан қўшилиб ёмонлашни афзал кўради. Шундай бўлса ҳам, узок муддатли муносабатларда инсонлар сизга ишонади, чунки ҳамиша самимий ва тўғри бўлганингизни улар билади. Сиз ўз фикрингизни билдириб, ҳақиқатни ҳимоя қила оласиз. Ишончли бўлиш – севимли бўлишдан кўра юксакроқдир. Ўйлашимча, узок муддатли муносабат мобайнида ишончли бўлиш севимли бўлиш дегани ҳамдир.

### ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

Үғилларимдан бири – Жошуа жуда ёш пайтларида менга тез-тез қалбимни ларзага соладиган саволлар берарди. Кимгадир жаҳл қилсам, сабрсизлансан ёки кўпол бўлсам, ўғлим ўзини кўярга жой тополмай қоларди. Шундай вақтлари у самимий жавдираган нигоҳларини кўзларимга тикиб:

– Дада, мени яхши кўрасизми? – деб сўради. Мурғак фарзандим онгидга «Дадам ким биландир муносабатда тамойилларни бузяпти. У менга ҳам шундай муносабат қилиши мумкинмикан», деган савол айланарди.

Ҳам ўқитувчи, ҳам ота сифатида бир нарсани тушуниб етдим: тўқсон тўққиз кишининг юрагига калит юзинчи – энг кўп сабримизни синаидиган кишига бўлган муносабатимизда экан. Бир кишига килган муносабатингиз, тўқсон тўққиз кишига қандай муносабатда бўлишингизни ошкор этади.

Тўғрилик, шунингдек, ёлғон, айёрлик, бошқаларнинг менига дахлдор ҳар қандай сухбатдан кочишдир. Таърифда келтирилгандек, «Алдаш мақсадидаги ҳар қандай мулоқот ёлғондир». Хоҳ сўзларимиз билан, хоҳ хатти-харакатимиз билан мулоқот қиласилик – агар тўғри бўлсак, ёлғон ҳеч қачон мақсадимизга айланмайди.

#### 6. САМИМИЙ УЗР СЎРАШ.

«Ҳиссиёт банк»идан «сармоя ечиб олиш» – муносабатлардаги ишончни поймол қилувчи бирор салбий иш қилиш деганидир. Бундай хатога йўл кўйганда аввало самимий узр сўраш керак. Шундагина ҳисобингиз қайта тўлдирилади.

«Мен ноҳақ эдим».

«Мен кўполлик қилдим».

«Мен ҳурматсизлик билдирам».

«Сизни ранжиттанимга чин юракдан афсусдаман!»

«Дўстларингиз олдида сизни нокулай аҳволга солиб кўйдим. Мен фақат яхшилик қилмоқчи эдим. Кечиринг мени!»

Қилган хатоси учун ачиниш туфайли эмас, балки чин кўнгилдан кечирим сўраш – кучли феъл-автор талаб этади. Ақл билан кечирим сўраш учун, шахсда ички фундаментал тамойиллари ва қадриятларига ишонч, хотиржамлик ҳисси мужассам бўлмоғи зарур.

Ички хотиржамлик ҳиссидан мосуво одамлар чин қалбдан кечирим сўрай олмайди. Улар бундан ўзини жуда ожиз ҳис қиласди; «кимдантир кечирим сўрасам, мен ўта юмшоқ ва нозик кўринаман, бошқалар бундан фойдаланиб қолиши мумкин», деган фикр уларнинг миясига жойлашиб олади. Кўриб турганингиздек, уларнинг хотиржамлиги бошқаларнинг фикрига боғлик бўлиб, бундай инсонлар бошқалар нима деб ўйлашидан ҳамиша чўчиб яшайди. Қолаверса, улар қилган хатосини оқлашга доим баҳона топади; ўзини ҳақ, ўзгани ноҳақ деб билади. Шунинг учун ҳатто кечирим сўрагандага ҳам, буни ясама ва сохта бажаради.

«Агар чиндан таъзим қилмоқчи бўлсангиз, эгилиброқ таъзим қилинг», – дейди шарқ мақоли. Шунга мувофиқ, ҳақиқий депозит бўлиши учун кечиримингиз самимий жаранглаши лозим.

Лео Роскин шундай деб ўргатади: «Аслида, ожиз инсонларнинг ҳаҳри қаттиқ бўлади. Мулойимлик фақат кучли инсонларнинг қўлидан келади».

Бир куни тушлик вақти уйдаги офисимда сабр-бардош ҳақида ёзиб ўтирган эдим. Йўлак бўйлаб болаларнинг у ёқдан-бу ёқса юргани, бақир-чақир шовқинлари қулогимга чалинар экан, сабрим тугаб бораётганини ҳис килдим.

Кутилмаганда ўғлим Девид ваннахона эшигини даранглатиб, бор овозда қичкира бошлади: «Ичкарига киргиз мени! Ичкарига киргиз!»

Сабр косам тўлиб, офисдан чиқдим ва Девидга қизишиб гапира кетдим:

– Девид, мени қанчалик безовта қилаётганингни

## Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

тушуняпсанми? Бунақа ахволда дикқатим бўлиниши, ижод қилишм накадар қийинлигини биласанми? Ҳозироқ хонангга бор! Ўзингни қандай тутиш кераклигини англамагунча ўша ерда ўтириш!

Гапларимни эшитган ўғлим қаттиқ ранжиди ва хонасига кириб, эшикни қарсиллатиб ёпди.

Мен атрофга қарадим ва бошқа муаммога кўзим тушди. Йўлақда ўғилларимдан бири чўзилиб ётарди. Сўраб билсам, улар эни тўрт метрлик йўлакда футбол ўйнашетган экан. Ўйин давомида бир ўғлим иккинчисини тирсаги билан туртиб юборган. Девид бўлса, нам сочиқ олиш учун ваннага юргурган. Лекин катта қизим Мария ювинаётгани учун эшикни очмаган. Девид шу сабаб эшикни очишни талаб қилиб қичқирган.

Вазиятни бутунлай бошқача тушуниб, беҳуда қизишиб кетганимни англааб етгач, кечирим сўраш учун дарҳол Девиднинг ёнига кирдим.

Эшикни очишум биланоқ, у менга қарамасдан туриб:

– Сизни кечирмайман! – деди.

– Нега энди, ўғлим? – сўрадим мен. – Рости, аканга ёрдам бермоқчи бўлганингни билмагандим. Нега мени кечирмайсан?

– Чунки ўтган ҳафта ҳам худди шунака қилдингиз, – жавоб қайтарди у. Буни қуйидагича тушуниш мумкин эди: «Дада, ишонч захирангиз тугаб бўлди. Ҳозир қилган хатонгиз туфайли кириб қолган боши берк кўчангиздан сизни ҳеч нарса олиб чиқолмайди».

Самимий кечирим сўраш – депозит яратади; қайтакайта сўралган кечирим эса носамимийлик белгиси бўлиб, ҳисобингиздаги маблагни «ечиб олаверади». Буларнинг барчаси муносабатлар сифатига таъсир қилмай қолмайди.

Хато қилиш бир нарса, хатони тан олиш бутунлай бошқа масала. Одамлар одатда ногўғри холосалар туфайли қилинган хатоларни кечиради; лекин қасддан, ёмон ниятда, ёмон мақсадда қилинган хатоларни, биринчи хатони

мағурона оқлаш сабаб юзага келган галдаги хатоликларни асло кечирмайды.

### МУҲАББАТ ВА ҲАЁТ ҚОНУНЛАРИ

Манфаатсиз муҳаббатдан депозит яратганимизда, муҳаббатнинг бирламчи қонунлари асосида яшаганимизда, бошқа одамларни ҳам шундай яшашга ундеймиз. Бошқача айтганда, бошқаларни чин кўнгилдан, шартсиз яхши кўрсак, уларнинг ўзини хотиржам ва хавфсиз сезишига, шунингдек, қадр-кимматини, ўзлиги ва тўғрилигини тан олишига ёрдам берамиз. Бу орқали уларнинг табиий ўсиш жараёнини рағбатлантириб, ҳаётнинг қонунлари – ҳамкорлик, шахсий интизом, тўғрилик асосида яшашини осонлаштирамиз; бизнинг шартларимиз ва чекловларимиздан келиб чиқиб эмас, аксинча, ички буйруқларига бўйсунган ҳолда умр кечиришига имкон берамиз. Бу – биз ўзаро муносабатларда жуда бўшанг ва юмшоқкўнгил бўлиб кетамиз дегани эмас. Шундай фикрлашнинг ўзи аслида ишончни сусайтиради. Албатта, биз маслаҳат берамиз, бошқарамиз, маълум чекловлар ўрнатамиз. Лекин нима бўлишидан қатъий назар, яқинларимизни яхши кўришда давом этамиз.

Муҳаббатнинг бирламчи қонунларини бузсак – муҳаббатга сиртмоқ солиб, шартлар қўйсак, бошқа одамларни ҳаётнинг бирламчи қонунларини бузишга ундаган бўламиз; уларни реактив, хужумкор вазиятга ташлаб қўямиз. Бунда улар ўзининг биздан алоҳида, мустақил шахс эканлигини исботлаши зарурдек ҳис қиласди.

Лекин аслида улар мустақил бўлмайди, балки қарама-қарши қарам бўлади. Қарама-қарши қарамлик – балоғат чизигининг энг қуида жойлашган қарамлик тури ҳисобланади. Шундай қилиб, қарама-қарши инсонлар жудаям реактив, деярли душманга марказлашган, ўз «хукуқлари»ни ҳимоя қилиш ташвишида юрувчи бўлиб қолади. Улар ички буйруқларини тинглаб, фахрланишдан кўра, алоҳида шахслигини бошқаларга исботлаш истаги билан ёнади. Исён – ақлнинг эмас, юракнинг тугунидир.

### ІІІ КИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

Бу ҳолатда ечим – манфаатсиз муҳаббат депозитларини яратишдадир.

Анча аввал, жуда обрўли университетда бўлим бошлиғи бўлиб ишловчи дўстим бор эди. У ўғлини шу мактабда ўқишига имконият яратиш мақсадида бир неча йил тайёргарлик кўрди, пул тўплади. Лекин, вакти-соати етганда, ўғил бу мактабда ўқишдан бош торгди.

Албатта, бу дўстимни қаттиқ ташвишга солди. Обрўли ўқишини тамомлаш, шубҳасиз, фарзандининг келажагига фойдали бўларди. Қолаверса, ушбу университетда ўқиш оиласи анъанага айланганди; оиланинг уч авлоди шу мактабга қатнаган эди. Хуллас, дўстим ўғлини фикридан қайтариш учун ҳар нарса қилиб кўрди – ялинди, дўқ қилди, суҳбатлашди; фарзандини тинглаб, тушунишга уринди.

Улар дуч келган вазият манфаатли муҳаббат ҳисобига содир бўлганди. Ўғил ич-ичидан шуни ҳис қилдики, дадасининг обрўли университетда ўқитиш истаги ўғлини алоҳида шахс ёки севимли ўғил сифатида кўришдан устун эди. Шунинг учун ўғил ўз шахсияти, мустақил фикри борлигини исботлаш учун отасига қарши борди.

Вазиятни таҳлил қилган дўстим буни тушуниб етди ва курбонлик келтиришга қарор қилди – у манфаатли севгидан воз кечди. Дўстим ўғли унинг гапига кирмай, бошқа мактабни танлашини яхши биларди; шундай бўлса ҳам, у рафиқаси билан болага босим ўтказмасликка, қандай қарорга келишидан қатъий назар, фарзандини яхши кўришини айтди. Тўғри, буни амалда бажариш осон бўлмади. Сабаби дўстимнинг таълим борасидаги қадриятлари юрак-юрагига сингиб кетганди. Қолаверса, улар ўғли туғилгандан бери унинг қаерда ўқишини режалаб келарди.

Шу тариқа, ота-она қайта сценарийлашнинг жуда мураккаб жараёнини бошдан кечирди; манфаатсиз муҳаббатнинг табиатини англаш йўлида тер тўкди. Улар бола билан мулоқот қилиб, ишларининг мазмуни ва

сабабини тушунтириди. Сўнг унинг қарори қандай бўлмасин, муносабатларига заррача таъсири кўрсатмаслигини баён қилди. Дўстим ва рафиқаси бу ишни болани аврап, ўз изнларига юргизиш мақсадида бажармади, балки феъл-автор ҳамда шахсий ривожланишининг мантикий кенгайтмаси сифатида, онгли равишида амалга ошириди.

Ўша вакт, бола айтарли ҳеч нарса демади. Ота-онада шаклланган манфаатсиз муҳаббат парадигмаси туфайли унинг бу хатти-ҳаракати ҳеч нимани ўзгартирмади. Бир ҳафтадан сўнг, ўғил отаси танлаган ўқишига бормаслигини айтди. Дўстим бу жавобга мутлақо тайёр бўлгани учун, унинг қарорини хурмат қилиб, манфаатсиз яхши кўришда давом этди. Нихоят, таранглашган вазият юмшаб, ҳаёт ўз изига тушган эди.

Бироз муддат ўтгач, қизиқ ҳол юз берди. Алоҳида шахслигини исботлашга, ўз фикрини ўтказишга ҳожат қолмагач, бола ич-ичига назар солиб, аслида шу университетга боришни исташини тушунди. Ҳеч сўз демай ўқишига ҳужжат топшириб келди, буни дадасига кейин маълум қилди. Дўстим эса ўғлининг қарорини доимгидек қабул қилиб, манфаатсиз муҳаббатини кўрсатишида давом этди. Ота сифатида у нихоят манфаатсиз яхши кўришни тўлиқ ўрганиб олганди.

БМТ бош котиби Даг Ҳаммаршедл бир вактлар шундай баёнот берганди: «Оммани қутқариш йўлида қаттиқ меҳнат қилгандан кўра, ўзингизни алоҳида шахснинг ривожланишига бағишиласангиз, ҳақиқий олийжаноблик бўлади».

Чукур маънога эга бу жумлаларни ўқиганда, киши кунига саккиз, ўн соатлаб вактини «ташқарида»ги лойиҳа ва одамларга сарфлайди, бироз ўз рафиқаси, ўсмир ўғли ёки ҳамкасби билан чукур, самарали муносабат ўрнатишни доим пайсалга солади деган фикр келади. Шубҳасиз, маълум муносабатни қайта тиклаш учун феъл-автордаги олийжаноб фазилатлар – кўпроқ жасорат, кудрат ҳамда

камтарлик талаб қилинади.

Ташкилотларга маслаҳатчи бўлиб ишлаган йигирма беш йиллик фаолиятим давомида ушбу баёнотнинг нақадар тўғри эканига қайта-қайта амин бўлдим. Ташкилотлардаги кўплаб муаммоларнинг илдизи раҳбарлар ўртасидаги мураккаб муносабатларга бориб тақалади. Масалан, бош директор билан ижрочи директор орасидаги тушунмовчилик бутун компанияяга таъсир ўтказади.

Бундай вазиятга эътибор қилмай, кўпгина лойиха ва одамлар учун астойдил ишлашни давом эттиришдан кўра, муаммоларга тик бокиб, уларни ҳал қилиш учун чинакам инсоний фазилат талаб этилади.

Ҳаммаршеднинг иқтибосига биринчи марта кўзим тушганида бир ташкилотда ишлардим. У ерда ўнг кўл ёрдамчим билан келишолмас эдим; ишдаги мақсад ва вазифаларимиз, бошқарув бўйича умидларимиз бир-бирига тўғри келмаслигини тан олишга кучим етмасди. Шунинг учун хунук оқибатлардан қочиб, бир неча ой муроса йўлини тутгандек бўлдим. Бу жараёнда иккимизнинг ичимиизда ҳам бир-биrimizga нисбатан норозиликлар авж олиб борди.

Оломонга эмас, бир инсонга ўзни бағишлаш ҳакидаги фикрни ўқиганимда, муносабатларни қайта куриш фикри менга қаттиқ таъсир қилди ва буни ёрдамчим билан синааб кўришга қарор қилдим.

Имкон қадар феъл-авторимни мустаҳкамлашга урина бошладим, боиси барчасини очиқ муҳокама қилиш ва баъзи нарсаларга рози бўлиш осон эмаслигини билардим. Ёрдамчимнинг келишини ҳаяжон ичра титраганча кутганим ҳануз ёдимда. У кучли феъл-авторга эга, ўз ҳақлигига ишонадиган одамдек кўринарди. Феълига чидаш қийин бўлса ҳам, унинг кучи ва қобилиятларига муҳтоҷ эдим. Барчасига ойдинлик киритиб олиш мақсадида ташкилайдиган сұхбатимиз муносабатларимизга баттар салбий таъсир қилиб, ёрдамчимни йўқотишдан чўчир эдим.

Хуллас, кутилган учрашуvgа руҳан тайёргарлик кўрдим.

Унга нима демоқчи эканлигимни машқ қилиб ўтирмадим, балки ички тамойиллар ва қадриятларимга кулоқ солдим. Ана шунда мулоқот учун зарур бўлган кучни ҳис қилдим.

Нихоят учрашдик. Мени тамоман лол қолдирган нарса шу бўлдики, ёрдамчим ҳам учрашувгача худди мен ҳис қилган туйғуларни бошдан кечирибди. У бутунлай ўзгарган, қаттиқкўллиги ва хужумкорлигидан асар ҳам қолмаганди.

Иккимизнинг бошқарув услубимиз бутунлай ўзгача эди ва бу бутун ташкилотга таъсир қилаётганди. Сухбатда иккимизнинг келишмовчилигимиз туфайли пайдо бўлган муаммоларни очик тан олдик. Шу тариқа бир неча марта самимий сухбат қурдик ва ҳар сафар ичкарида қолиб кетган муаммоларни кўтариб, ўзаро ҳурмат руҳида ҳал қилишга муваффақ бўлдик. Муносабатларимиз шу қадар яхшиланиб кетдики, яқдил жамоага айландик, иш самарадорлигимиз эса бир неча баробарга ошди.

Бизнес, никоҳ ёки оилани самараали юргизиш учун зарур бўлган бирдамликни яратиш шахсий куч ва жасурлик талаб қиласди. Муносабатларни ривожлантиришда, феълатвордаги олийжаноблик ва жасурлик ўрнини техник ёки бошқарув маҳорати эгаллай олмайди. Ҳар бир қадамиизда, ҳаёт ва муҳаббатнинг бирламчи қонунларига амал қилиб яшашимиз жуда муҳимдир.

### МУАММО – ИМКОНИЯТ

Ўнг кўл ёрдамчим билан бўлиб ўтган ҳодиса менга ўзаро боғлиқликнинг яна бир парадигмасини ўргатди. Бу парадигма муаммога қандай қарашимиз билан боғлиқдир. Мен бир неча ой кайфиятим бузилмасин дея ундан қочишига уриндим. Аммо айни шу муаммо ёрдамчим билан мустаҳкам муносабат ўрнатиб, бирдам жамоага айланишимиз учун имконият яратди.

Фикримча, ўзаро боғлиқ муносабатларда, ҳар қандай муаммо бир имконият бўлиб, ҳиссиёт банкида ҳисоб рақамлари очишга кўмак беради.

## ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

Масалан, ота-она ўз фарзандидаги муаммоларга жаҳл билан эмас, аксинча, муносабатларни янада мустаҳкамлаш воситаси сифатида қараса, бу албатта, ота-она ва фарзанд ўртасидаги мұлоқот табиатига ижобий таъсир күрсатади. Ота-она фарзандини тинглашга, ёрдам беришга ҳамиша тайёр бўлади; улар муаммо билан келган боласига «Э Худо! Яна муаммоми?» дейиш ўрнига, «Боламга ёрдам бериш, меҳримни кўрсатиш ва муносабатларимизни янада яхшилаш учун ажойиб имконият!» дейди. Мана шу ҳакиқий парадигма алмашинуви бўлади. Фарзанд ўз муаммосига ота-онаси жиддий қараётганини ҳис қилиб, алоҳида аҳамиятга эга эканлигини туяди; улар ўртасида муҳаббат ва ишонч ришталари мустаҳкамланади.

Бу парадигма бизнесда ҳам ўз кучига эга. Ушбу парадигмадан фойдаланадиган савдо шоҳобчаси ўз мижозлари орасида мустаҳкам садоқат ипларини боғлади. Дўконда харидорларнинг муаммосига, ҳатто арзимас бўлса ҳам, ходимлар бир имконият – мижоз билан муносабат ўрнатиш имконияти сифатида қарайди. Улар юмшоқ муомала қилиб, муаммони харидорга маъқул шаклда ҳал қилишга ёрдам беради.

Улар мижозларнинг ҳурматини шу қадар жойига кўядики, мижозлар бошқа дўконга боришни ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди.

Таъминот/Таъминот воситаси мувозанати самарадорликка эришиш учун зарурлигини билсак, ўз муаммоларимизни самарадорликни ошириш имконияти сифатида қадрлай оламиз.

### **ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК КЎНИКМЛАРИ**

Ҳиссиёт банкидаги ҳисоб рақамлар парадигмасини ёдда сақлаган ҳолда, Оммавий ғалабаларга элтувчи кўникмаларни ўрганишга киришамиз. Оммавий ғалабалар – бошқа инсонлар билан мұваффақиятли ҳамкорликда ишлап демакдир. Бу жараёнда кўникмалар самарали ўзаро боғлиқликни қандай таъминлашига гувоҳ бўламиз.

## ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ПАРАДИГМАЛАРИ

Шунингдек, ич-ичимизга ёпишиб қолган нотўғри фикрлаш, нотўғри хатти-ҳаракатларимиздан хабар топамиз.

Бундан ташқари, самарали ўзаро боғлиқликнинг энг юқори чўққисига фақат чинакам мустақил инсонгина ета олишига гувоҳ бўламиз. Ҳаммага маълум «Ютуқ-ютуқ музокараси», «Дикқат билан тинглаш» ёки «Муаммога ижодий ёндашиш» каби усул ва техникаларни қўллаш билан Оммавий ғалабаларга эришиб бўлмайди. Чунки бу техникалар шахсиятга эътибор қаратиб, феъл-авторни кўздан қочиради. Келинг, қуйида Оммавий ғалабалар кўникмаларини батафсил кўриб чиқайлик.

# ТҮРТИНЧИ КҮНИКМА: «ЮТУҚ-ЮТУҚ» РУХИДА ЎЙЛАНГ

## ШАХСЛАРАРО ЕТАКЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

*Биз «Олтин қоида»ни хотирамизга муҳрладик;  
келинг, энди ҳаётимизга татбиқ қиласыл.*

ЭДВИН МАРКА

Бир компаниянинг президенти менга ходимлари ўртасида ҳамжиҳатлик сустлигидан шикоят қилди.

– Асосий муаммолар шуки, Стивен, уларнинг ҳаммаси худбин, – деди президент ўшанда. – Ходимларим шунчаки бир тану бир жон бўлиб бирлашмайди. Аниқ биламан, агар улар бирлашса, ҳозиргидан кўпроқ натижаларга эриша оламиз. Шу муаммони ҳал қилиш учун инсонлараро муносабатлар дастури ишлаб чиқа оласизми?

– Муаммо нимада ўзи – одамлардами ёки парадигмада? – сўрадим мен.

– Ўзингиз аниқланг, – деб жавоб қайтарди у.

Мен у айтгандек қилдим. Шуни билдимки, компанияда чиндан ҳам худбинлик, тарқоқлик, кўпол муомала мавжуд экан. Ўзаро ишонч жуда паст бўлганидан, Ҳиссиёт банкидаги хисоб рақами «куриб қолганди». Вазиятни таҳлил қилиб, президентга савол бердим:

Келинг, масаланинг илдизига қараймиз. Нега ходимларингиз бир-бирларига ён босишни истамайди? Бундай беҳамжиҳатликка қандай мукофот берасиз?

– Албатта, ҳеч қандай мукофот йўқ, – деди президент шошиб. – Аксинча, ходимларим бирлашиб иш қилса мукофот кўпроқ бўлади.

– Шундайми? – деб сўрадим. Офисдаги парда ортида афиша осилган эди. Унда бир йўлакда югураётган отлар сурати туширилган бўлиб, ҳар бир отнинг юзи ўрнида

ишхонадаги бошқарувчиларнинг чехраси акс этганди. Йўлак охирида эса Бермуд ороли, мовий осмон ва қумлок соҳилда сайр қилаётган севишганлар тасвирланган эртакмонанд реклама осиглиқ эди.

Президент ҳафтада бир марта бошқарувчиларни тўплаб, баҳамжихат ишлашга ундарди:

– Келинглар, ягона мақсад йўлида бирлашамиз! Шундай қилсак, бир олам пул ишлаймиз! – у шундай деб пардани тортар, афишани кўрсатарди. – Ким Бермудга саёҳатни ютиб олмоқчи?

Президентнинг бу хатти-ҳаракати бир гулни парваришилаб, бошқа гулнинг ўсишини кутишга ўхшар, шу аснода «Руҳий муҳит ўзгармас экан, ходимларни ишдан бўшатаман» дегандек эди. У ҳамкорлик истарди; қўл остидаги ходимларни бирга ишлаши, фикр алмашиши ва баробар фойда топишига ҳайриҳоҳ эди. Лекин хатти-ҳаракати билан ходимларни бир-бирларига қарши кўярди. Чунки унинг таклифи бўйича бир бошқарувчининг муваффақияти, бошқаларининг муваффақиятсизлиги эвазига келарди.

Инсонлар, оиласлар, бизнеслар ва бошқа муносабатлардаги аксарият муаммолар сингари, бу компаниянинг муаммоси ҳам бузук парадигма туфайли келиб чиққанди. Президент рақобат муҳити яратиб, ҳамкорликка унданоқда эди. Бу усули иш бермагач, у ходимларини бирлаштириш учун тезкор даво – янги дастур истаб қолган эди.

Шуни унутманг, «Дарахтнинг илдизини ўзгартирмасдан туриб, мевани ўзгартира олмайсиз». Ишчиларнинг муносабати ва хатти-ҳаракатини ўзгартиришга уриниш – бу худди дарахтнинг баргларини силкишга ўхшайди. Шундай қилиб, биз ҳамкорликнинг қийматини оширувчи ахборот ва мукофот тизимини ишлаб чиқиш орқали шахсий ва ташкилий мукаммалликни бутунлай янгича тарзда яратишга эътибор қаратдик.

## Ш КИСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

Сиз бирор компаниянинг раҳбари бўласизми ёки коровули, фарқи йўқ, мустакилликдан ўзаро ҳамжиҳатлика қадам кўйган онингиз етакчи ролига кирасиз; бошқаларга таъсир кўрсатадиган ўринга кўтариласиз. Тўртинчи кўнишка — «Ютуқ-ютуқ» руҳида ўйлаш эса шахслараро самарали етакчиликнинг асосий қалити хисобланади.

### ИНСОНЛАРАРО МУНОСАБАТНИНГ ОЛТИ ПАРАДИГМАСИ

Ютуқ-ютуқ – бу техника эмас; у инсонлар ўртасидаги муносабатнинг бутун бошли фалсафасидир. Аслида, у муносабатларда учрайдиган олти парадигмадан биттаси хисобланади. Муқобил парадигмалар қўйидагилардан иборат:

ЮТУҚ-ЮТУҚ	МАҒЛУБИЯТ-МАҒЛУБИЯТ
ЮТУҚ-МАҒЛУБИЯТ	ЮТУҚ
МАҒЛУБИЯТ/ЮТУҚ	ЮТУҚ-ЮТУҚ ёКИ МУРОСАСИЗЛИК

#### ЮТУҚ-ЮТУҚ

Ютуқ-ютуқ – шахслараро муносабатларда доимо ўзаро фойдани кўзлайдиган қалб ва онг чегарасидир. Ютуқ-ютуқ парадигмасининг маъноси шуки, бунда шартномалар ёки ечимлар ўзаро манфаатли, ҳар икки томон учун бирдек қоникарли бўлади. Ютуқ-ютуқ ечими билан барча томонлар қарорни яқдил қабул қиласи ва ҳаракат режасига содик қолади. Ютуқ-ютуқ ҳаётни жанг майдони эмас, аксинча, ҳамкорлик маконидек кўради. Кўп одамлар иккилик мезонда фикрлашга мойилдир, масалан: кучли-кучсиз, юмшок-қаҳрли, ютуқ- мағлубият сингари. Бироқ бундай фикрлаш мутлақо нотўғридир. У тамойилга эмас, куч ва мавқега асосланади. Ютуқ-ютуқ – муваффақият ҳаммага стади, бир кишининг ютуғи иккинчисининг мағлубияти эвазига келмайди деган парадигма асосида шаклланади.

Ютуқ-ютуқ учинчи вариантнинг мавжудлигига ишончдир. «Бу қарор сеники ҳам эмас, меники ҳам эмас –

у ҳар иккисидан яхширок, мукаммалроқ бўлган қарордир».

### ЮТУҚ-МАҒЛУБИЯТ

Ютуқ-ютуқ парадигмасининг муқобили – ютуқ-мағлубият парадигмасидир. Бу – пойга парадигмаси ҳисобланйб, шундай фикрни ифодалайди: «Агар мен ғалаба қилсам, сен мағлуб бўласан».

Етакчилик услубида, ютуқ-мағлубият авторитар ёндашувдир: «Мен айтганимдек бўлади; сенинг фикринг инобатга олинмайди». Ютуқ-мағлубият парадигмаси мавжуд одамлар ўз мавқеи, кудрати, мол-мулки ёки имкониятини ишга солиб, нима қилиб бўлса ҳам айттанини қилдиришга одатланиб қолади.

Кўпчиликка гўдаклигиданоқ ютуқ-мағлубият парадигмаси сингдирилади. Бу сценарийни ёзишда оила биринчи дастурчи ролини бажаради. Бир фарзанд бошқаси билан қиёслангандаги, муносабатлардаги сабр, тушуниш ёки муҳаббат курий бошлайди; болалар ўз-ўзидан ютуқ-мағлубият руҳида тарбияланади. Оиладаги муҳаббат болаларга маълум манфаат асосида берилса, муҳаббатга эгалик қилиш учун нимадир бажаришга тўғри келса, улар ўзини ортиқ қадрли ва севимли ҳис қилмайди. Улар қадриятни ўз қалбидан эмас, балки ташқаридан – кимгадир киёсан топади.

Хўш, ота-онасининг ҳар томонлама қўллаб-куватлашига муҳтоҷ мурғак болакай манфаатли муҳаббатга дуч келса нима бўлади? Унинг онги ва юраги ютуқ-мағлубият парадигмаси қолипига солиниб, шу асосда шаклланади. Болада «Агар акамдан зўрроқ бўлсам, ота-онам мени кўпроқ яхши кўради», «Ота-онам мени синглимдан камроқ яхши кўради. Уларга қадрли эмасман» каби фикрлар ғужғон ўйнайди.

Ютуқ-мағлубият сценарийсининг яна бир кучли асоси тенгдошлар гурухи ҳисобланади. Бола биринчи ўринда ота-онаси, сўнг тенгдошлари томонидан қабул қилинишни, қўллаб-куватланишни хоҳлайди. Болалар баъзан қанчалик

### ШІКСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

шафқатсиз бўлиши барчамизга аён. Одатда улар ўз меъёр ва умидларидан келиб чиқиб, кимнидир қабул қилса, бошқани бутунлай рад этади. Бу ўз ўрнида рад этилган бола онгига ютуқ-мағлубият парадигмасини чукурроқ сингдиради.

Кейин таълим даргоҳлари келади. Бу ердаги меъёрий тақсимотга кўра сизнинг аъло баҳонгиз бошқа ўқувчининг қониқарли баҳоси эвазига келади; боланинг ички дунёсига ҳеч қандай аҳамият берилмай, фақат академик ижросига қараб баҳоланади. Мана бу каби суҳбат ҳар биримиз билан юз бериши мумкин:

– Сизни ота-оналар мажлисида кўриб турганимдан мамнунман. Қизингиз Керолайн билан фахрлансангиз арзиди. У энг яхши ўқувчилар кучли ўнталигига кирди.

– Бундан жуда хурсандман.

– Лекин ўғлингиз Жоннида ишлар яхши эмас. Унинг кўрсаткичлари жудаям паст.

– Ростданми? Қандай даҳшат! Уни нима қилсак бўлади?»

Хўш, бу қиёсий маълумотлар ортида аслида нима ётганини қаердан биламиз? Эҳтимол, Жонни билим олишга бор кучини сарфлагандир? Балки Керолайн зўр бермасдан эришгандир бу натижага? Ким кўпроқ ҳаракат қилган? Афсуски, болаларни имконият даражасига қараб баҳолашмайди. Уларни бошқалар билан таққослаб баҳолашади. Ва бу баҳолар муайян ижтимоий қадриятга эга бўлиб, улар имконият эшикларини очиши ёки ёпиши мумкин. Таълим жараёнининг асосида ҳамкорлик эмас, рақобат ётади. Дарвоқе, болаларнинг мактабдаги ўзаро ҳамкорлигини «кўчирмачилик» сифатида кўриш одат тусига кирган.

Ютуқ-мағлубият сценарийсининг яна бир кучли дастурчиси – спорт саналади, айниқса, юқори синф ёки коллеж йилларида. Бу даврда кўпинча болалар онгига «ҳаёт – бу катта ўйин, унда кимдир ютади, кимдир мағлуб бўлади; ғалабага эришиш учун, албатта, рақибингни мағлуб

қилишинг зарур» деган парадигма ривожланади.

Ютуқ-мағлубият парадигмасининг галдаги манбаи қонундир. Биз хуқуқий жамиятда яшаймиз. Одамлар муаммога дуч келса, хаёлига келадиган биринчи фикр – судга бериш, кимнингдир мағлубияти хисобига «ғалаба қозониш» бўлади. Бироқ ҳужумкор онг эгалари на ҳамжихат ва на яратувчан бўла олади.

Албатта, биз қонунга муҳтоҳмиз, акс ҳолда жамият бузилади. Қонун одамларга омон қолиш имконини беради, лекин уларни бирлаштирумайди. Энг яхши ҳолатда у келишувга олиб келади. Қонунчилик қарама-қарши тушунчага асосланади. Кейинги йилларда адвокатлар ва ҳуқуқшунослик мактабларида тинчликсеварлик музокаралари олиб бориш, ютуқ-ютуқ техникасидан фойдаланиш, хусусий судларга мурожаат қилишга даъват қилувчи тенденция шаклланмокда. Бу тенденция якуний ечимни таъминламаса ҳам, ютуқ-мағлубият руҳида фикрлаш муаммосидан одамлар тобора огоҳ бўлаётганини англатади.

Албатта, чинакам рақобат мавжуд вазиятларда ютуқ-мағлубият қўл келиши мумкин. Бироқ ҳаётнинг асосий қисми мусобақадан иборат эмас. Биз ҳар куни турмуш ўртоғимиз, фарзандларимиз, дўстларимиз билан мусобақалашибашга мажбур эмасмиз. «Турмушингизда одатда ким ғолиб бўлади?» деган савол жуда кулгили эшитилади, шундай эмасми? Агар иккала томон ҳам ғалабага эришмаса, унда иккиси ҳам бирдек мағлуб бўлади.

Биз ҳаётимизнинг катта қисми бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган дунёда яшаймиз. Сиз истаган натижалар – сиз ва бошқалар орасидаги ҳамкорликка боғлиқ. Ютуқ-мағлубият парадигмаси эса ҳар қандай ҳамкорликни йўққа чиқаради.

#### МАҒЛУБИЯТ-ЮТУҚ

Шундай инсонлар борки, уларда мағлубият-ютуқ парадигмаси шаклланган. Бу куйидаги фикрларда намоён бўлади:

## Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

«Мен ютқазаман, сиз ғалаба қозонасиз».

«Мен билан истаганингизни килинг».

«Мени оёғимдан чалинг. Ҳамма шундай қилади».

«Мен омадсизман. Доим шундай бўлган».

«Мен тинчликсеварман. Тинчликни сақлаш учун ҳар нарсага тайёрман».

Мағлубият-ютуқ, ютуқ-мағлубиятга қараганда ёмонроқдир, чунки унда ҳеч қандай стандартлар, талаблар, келажак ҳақида умидлар бўлмайди. Бу парадигмага амал қилувчи инсонлар бошқа шахслар ютуғига ўрганиб қолади. Улар бошқаларнинг иродасига осонгина бўйсунади; ўз ҳиссиётларини очик айтишга деярли кучи етмайди.

Мағлубият-ютуқ бўйича «дастурланган» инсонлар музокараларда доимо икки йўлни кўрадилар – ё ён босиш, ёки ишдан воз кечиш. Бу парадигмага мойил етакчилар жуда бепарво ёки ҳар нарсага рухсат берувчи бўлади. Мағлубият-ютуқ – «яхши одам» бўлишни англатади, лекин «яхши одам» доим ҳам самарали бўлавермайди.

Ютуқ-мағлубият парадигмали одамлар мағлубият-ютуқ парадигмали кишилар билан ишлашни истайди, сабаби улар мағлублардан куч олади. Бунда «ғолиблар» атрофдагиларнинг камчилигидан хурсанд бўлади ва ўз ютуғини бошқаларнинг ожизлиги устига куради.

Лекин асосий муаммо шундаки, мағлубият-ютуқ типидаги инсонлар ҳиссиётларни ичида сақлаб, қалбига кўмиб юради. Ифода этилмаган ҳислар эса ҳеч қачон ўлмайди; улар тириклай қўмилади ва вақти келиб хунукроқ кўринишда қайтиб чиқади.

Психосоматик касалликлар, хусусан, нафас олиш, асаб ва қон айланиш тизимидағи муаммолар – йигилиб қоладиган хафагарчилик, чуқур умидсизлик ва руҳий тушкунликнинг қайта тирилишидир. Ҳаддан ташқари ғазаб ёки жаҳл, арзимаган нарсаларга қизишиб кетиш ва шафқатсизлик ҳам «кўмилган» ҳисларнинг бош кўтариши ҳисобланади.

Хиссиеётларини мунгазам жиловлаш күн келиб одамнинг ўзига ишончи, қолаверса бошқалар билан муносабатлари сифатига таъсир қиласи. Ютуқ-мағлубият ва мағлубият-ютуқ парадигмаларининг ҳар иккаласи шахсий хавотирга асосланган бўлиб, жуда заиф позиция саналади. Тўғри, кисқа муддатли муносабатларда ютуқ-мағлубият кўпроқ натижага эришади. Чунки бунга амал қилувчи инсонларда қаттиққўллик ва тартиб бўлади. Мағлубият-ютуқ эса бошиданоқ ожиз ва тартибсизлик асосига курилади.

Кўплаб раҳбарлар, бошқарувчилар ва ота-оналар бир парадигмадан иккинчисига кўчиб юради. Масалан, тартибсизлик ва интизомсизлик вақтида уларнинг жаҳли чиқиб Ютуқ-мағлубиятни ёқади. Жаҳлдан тушиб, айборлик ҳиссини бошдан кечирганда эса Мағлубият-ютуқ руҳига киради.

#### МАҒЛУБИЯТ-МАҒЛУБИЯТ

Ютуқ-мағлубият парадигмасидаги икки одам – иккита қайсар, ўзига бино қўйган шахслар тўқнашса, натижа мағлубият-мағлубият бўлади. Иккала томон ҳам ютқазади. Иккала тараф ҳам бир хилда қасос олиш алангасида ёнади ва қасос аслида икки томони тифли қилич эканлигини унугиб кўяди.

Мен бир ажримнинг гувоҳи бўлганман: суд ҳукмида эр бор мол-мулкини сотиши ва йиғилган маблағнинг тенг ярмини хотинига бериши керак эди. У ўн минг долларли автомобилини беш мингта сотиб, икки ярим мингини собиқ рафиқасига берди. Собиқ рафиқа шикоят аризаси билан судга мурожаат қилганда, тафтиш ишлари ўтказилди ва эр барча мол-мулкини худди шундай сотгани ва тақсимлагани аниқланди.

Баъзилар душмандан хаёлини ололмайди, асосий истаги рақибини мағлуб қилишдан иборат бўлиб қолади. Бунинг учун ҳатто ўзларига зарар келтирадиган усуllардан ҳам тап тортмайди.

Мағлубият-мағлубият – туганмас можаро, абадий уруп

### ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

фалсафасидир.

Мағлубият-мағлубият – ички йұналиш ҳиссига эга бўлмаган, бошқаларга ўта қарам инсонларнинг фалсафаси. Уларнинг ўзлари баҳтсиз бўлганликлари учун, барча баҳтсиз бўлиши керак деб ўйлайдилар. Ҳеч ким ғолиб бўлмаса, мағлуб бўлиш унчалик даҳшатли эмас, ахир.

#### ЮТУҚ

Яна бир умумий муқобил парадигма шунчаки ютуқ ҳақида ўйлашдир. Ютуқ парадигмасига эга инсонлар учун бошқаларнинг мағлубияти ҳам, ютуғи ҳам аҳамиятсиз. Улар учун энг муҳими – ўзларининг истакларига эришиш, холос.

Танлов ёки рақобат ҳисси йўқ бўлганда кундалик музокараларда одатда энг яхши ёндашув ғалаба қозонишдир. Ғалаба парадигмаси билан яшовчи киши ўз мақсадларига эришиш ҳақида ўйлайди; бошқаларнинг мақсадлари тўғрисида бош қотириб ўтирумайди.

#### ҚАЙСИ ПАРАДИГМА ЭНГ МАЪҚУЛИ?

Хозиргача муҳокама қилган парадигмаларимиздан – ютуқ-ютуқ, ютуқ-мағлубият, мағлубият-ютуқ ва ғалаба – қай бири самаралироқ? Жавоб – вазиятта боғлиқ. Агар сиз футболда ютаётган бўлсангиз, демак, иккинчи тараф мағлубияттага учрайди. Ёки сиз иирик компаниянинг бир минтақавий офисидан минглаб километр узоклиқдаги бошқа минтақавий офисда ишлайсиз. Бу офислар ўртасида сизнинг бирор бир функционал алоқангиз йўқ. Ушбу вазияттда, бизнесни рағбатлантириш учун ютуқ-мағлубият рухида рақобат ўрнатишни исташингиз мумкин. Лекин бу рақобат ходимлар орасидаги ҳамжиҳатликни йўқотишини, улар онгида «менинг ғалабам, сенинг мағлубиятинг» деган фикрни шакллантиришини истамасангиз керак?

Агар сиз муносабатларни қадрласангиз ва ўргадаги масала сиз учун аҳамиятли бўлмаса, айрим вазиятларда мағлубият-ютуқ ёндашувини танлаб, «Муносабатларимиз олдида менинг нима хоҳлашим муҳиммас. Келинг, бу сафар

сиз айтган йўлни танлайлик», – дейсиз. Агар сиз ғалаба қозониш учун вақт ва куч сарф қилсангиз, бошқа юксак қадриятларни оёқости қилишингиз мумкин. Эҳтимол, ютуқ бунга умуман арзимас.

Яна шундай вазиятлар бўладики, сиз факат ғалаба қозониш ҳақида қайғуриб, бошқалар билан муносабатингизни буткул ёддан чиқарасиз. Мисол учун, фарзандингизнинг ҳаёти хавф остида бўлса, атроф-мухит, атрофдагилар сиз учун аҳамиятсиз бўлиб қолади. Энг кераги – фарзандингизни кутқариш!

Кўриб турганингиздек, танлов доимо вазиятта боғлиқ бўлади. Энг асосийси – вазиятни тўғри баҳолашдир.

Аксарият ҳолатлар, аслида, ўзаро боғлиқ бир бутунликнинг қисмидир. Шундай экан, ютуқ-ютуқ ҳақиқатан ҳам беш техника ичida ягона маъқул вариантдир.

Ютуқ-мағлубият парадигмаси билан узоқча бормайсиз, чунки сиз билан тўқнашувда ғалаба қозонган бўлсам-да, бу менга нисбатан ҳис-туйғуларингиз, қарашларингиз ва ўзаро муносабатларимизга жиддий салбий таъсир кўрсатади. Мисол учун, сизнинг компаниянгизга маҳсулот етказиб бераман. Бирор музокарада ўз шартларимни мажбуран ўтказиб, ўз истагимга эришишим мумкин. Бироқ кейин менга қайта мурожаат қиласизми? Албатта, йўқ. Қиска муддатли ғалабам узоқ муддатли мағлубиятга сабаб бўлади. Демак, ўзаро боғлиқ Ютуқ-мағлубият узоқ муддатли муносабатларда мағлубият-мағлубиятга айланади.

Хўш, музокара якунида ноиложликдан мағлубият-ютуқни танласам-чи? У ҳолда, сиз ўзингиз истаган натижага эришасиз. Бу сиз билан ишлашга, шартномани бажаришга бўлган муносабатимга қандай таъсир қиласиди? Салбий, албатта. Ички норозилигим сабабли вазифамни сидқидилдан бажармайман. Келгуси музокараларга эски жароҳатларим билан қайтаман. Сиз ва компаниянгиз ҳақидаги салбий фикрларим тарқалиб кетиши мумкин, чунки саноатдаги яна кўплаб бошқа компаниялар билан

### ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

ҳам ишлайман. Шундай қилиб, биз яна мағлубият-мағлубиятдамиз. Бу эса ҳеч қайси вазият учун муносиб ечим бўлолмайди.

Агар мен ўз ғалабамга эътибор қаратиб, сизнинг нуқтаи назарингизни инобатга олмасам, ўртамиизда самарали муносабатлар учун ҳеч қандай асос бўлмайди.

Узоқ муддатли муносабатда иккимиз ҳам ғалаба қозонмасак, икковимиз ҳам мағлуб бўламиз. Шунинг учун ютуқ-ютуқ – ҳамкорлик мухитида ягона йўлдир.

Бир марта чакана савдо дўконлари тизими президентига консультация беришимга тўғри келган. У менга:

– Стивен, ютуқ-ютуқ ғояси анча қизиқарли, бироқ ҳақиқатга яқин эмас, – деди. – Бизнес дунёси ўрмон қонуни асосида яшайди. Ҳар доим кимдир ютади, кимдир ютқазади. Бу қонунга риоя қилмасангиз, ҳеч қандай ютуққа эриша олмайсиз.

– Яхши, – деб жавоб бердим. – Харидорга нисбатан ютуқ-мағлубият парадигмасини қўллаб кўринг. Бу ҳақиқатга яқинми?

– Хўш... йўқ.

– Нега?

– Мен харидорларимдан айрилиб қоламан.

– Яхши. Мағлубият-ютуқ бўйича ишласангиз-чи: маҳсулотингизни устама кўймай сота оласизми?

– Йўқ. Даромадсиз савдо бўлмайди.

Шу тарзда турли муқобил парадигмаларни кўриб чиқди ва ютуқ-ютуқ ягона фойдали ёндашув бўлиб чиқди.

– Ютуқ-ютуқ мижозлар билан иш бериши мумкин, – тан олди сухбатдошим. – Бироқ етказиб берувчилар билан эмас.

– Етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатда ўзингиз мижоз ҳисобланасиз. Нима учун бу ерда ҳам худди шу тамойил иш бермаслиги керак?

– Якинда харидорлар ва дўкон эгалари билан ижара шартномаларини қайта кўриб чиқди, – деди у. – Ва ютуқ-

ютуқ ёндашувини танладик. Биз очиқ, оқилона, иккала томон учун муносиб қарорга түхтадик. Бирок улар бу ишимизни заифлик сифатида күриб, бизни шип-шийдон килишди.

- Нима учун ютуқ-мағлубиятни танладингиз?
- Сиз тушунмадингиз. Биз айнан ютуқ-ютуқка асосландик.
- Ахир боягина сизни шип-шийдон қилишганини айтдингиз-ку?
- Худди шундай.
- Бу дегани сиз мағлуб бўлдингиз, шундайми?
- Ҳа.
- Улар эса ғалаба қозондилар?
- Тўғри.
- Хўш, бу қандай номланади?

У Ютуқ-мағлубият ҳолатини ютуқ-ютуқдек қабул қилганини тушуниб етганида, даҳшатга тушди. Биз мағлубият-ютуқнинг узоқ муддатли оқибатларини кўриб чиқдик: кўмилган ҳиссиятлар, оёқости қилинган қадр-киммат, ғазаб, хафагарчилик. Ҳа, ушбу вазиятда ҳар иккала томон мағлуб бўлганди.

Президент ҳақиқатан ҳам ютуқ-ютуқ ёндашувига асосланганида эди, у шартнома муддатини узайтирган, ижарачини дикқат билан тинглаган, шундан кейин ўз нуктаи назарини аник-равshan билдириган бўларди. То икки томон ҳам бошиданоқ истаган Учинчи қарор – уларни бирлаштирувчи муайян ечим топилгунча ютуқ-ютуқ руҳига содиқ қоларди.

### ЮТУҚ-ЮТУҚ ЁКИ МУРОСАСИЗЛИК

Агар кишилар барибир келиша олмасалар, унда улар учун ютуқ-ютуқнинг анча юқори даражаси бўлган яна бир парадигма – ютуқ-ютуқ ёки музокарани бекор қилиш танлови қолади.

Музокарани бекор қилишнинг маъноси шуки, агар биз иккимиз учун бирдек фойдали ечим тополмасак, ўз

### Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

хоҳишишимизга кўра музокарани бекор қиласиз. Ҳеч қандай умид, ҳеч қандай битим бўлмайди. Мен, айтайлик, сизни ишга ёлламайман ёки маълум лойиҳа юзасидан ҳамкорлик қилмаймиз, сабаби қадр-қиммат борасидаги тушунчамиз ва олдимизга қўйган мақсадларимиз бир-бирига мос келмайди. Кейинроқ ҳафсаламиз пир бўлганидан кўра ҳамкорликни умуман бошламаганимиз маъқул.

Хаёлингизда музокарани бекор қилиш варианти бўлса, ўзингизни қушдек енгил ҳис қиласиз, чунки одамларни ўз истакларингиз йўлида манипуляция қилишингизга ҳожат қолмайди. Сиз очиқ бўласиз; келишмовчиликлар илдизини топишга уриниб кўрасиз.

Музокарани бекор қилиш имкониятингиз борлигини билганингизда сиз вижданан: «Мени факат ютуқ-ютуқ варианти қониктиради. Мен ғалаба қозонишни хоҳлайман, аммо сиз ҳам ғалаба қозонишингиз керак. Ёлғон орқали мақсадга эришиш ниятим йўқ – бу барибир ошкор бўлади ва муносабатларимизни яксон қиласди. Бошқа томондан, устингиздан босиб ўтишим сизга ҳам ёқади деб ўйламайман. Келинг, ютуқ-ютуқ вариантига эришайлик. Бор кучимизни сарфлаймиз. Агар ҳеч нарса чиқмаса, ўз йўлимиздан кетамиз. Кейин виждан азобида қолгандан кўра, яхшиси умуман битимни тузмаган маъқул. Эҳтимол, кейинги сафар келиша олармиз?»

Ютуқ-ютуқ ёки «Музокара бекор қилинади» концепцияси билан танишувидан кўп вақт ўтмай компьютер дастурлари яратиш бўйича кичик бир компания президенти мен билан ўз тажрибасини бўлишди.

– Биз янги дастурий таъминотни ишлаб чиқдик ва бир банкка беш йиллик шартнома асосида сотдик. Банк раҳбари дастурга жуда қизиқаётганди, лекин ходимлар унинг қарорини унча маъқулламаганди.

Бир ойдан кейин банк президенти ўзгарди. Янги президент олдимга келиб:

– Бу дастурий таъминот менга маъқулмас. Ёрдамчиларим

бир овоздан бу янги дастурни эплолмаслигини айтишыпти. Уларга босим ўтказолмайман, – деди.

Компаниям ўша вақтларда жиддий молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётганди. Шунга қарамай, ютуқ-ютуқ тамойилини құллашга ахд қилдим.

– Бизда конверсия түрлесінде шартнома бор, – дедим мен президентта. – Банкингиз бизнинг дастурдан фойдаланишга кафолат берган. Бироқ сизнинг муаммоларингизни тушунамиз ва шартномани бекор қилиб, депозитларни қайтаришга тайёрмиз. Келажакда қандайдыр дастурий таъминот керак бўлиб қолса, яна бизга мурожаат қилинг, – дедим.

Саксон тўрт минг долларлик шартномани ахлатга улоқтиргандек эдим. Бу молиявий сүнқасдга ўхшарди. Лекин шуни ҳис қилдимки, ушбу тамойил тўғри бўлса, келажакда бундай позиция фойдали бўлади.

Уч ойдан кейин банкнинг янги президенти кўнғирок қилди:

– Мен маълумотларни қайта ишлаш тизимини янгиламоқчиман, – деди у, – ва сиз билан ҳамкорлик қилишни хоҳлардим.

Шундай қилиб, у икки юз қирқ минг долларлик шартнома имзолади.

Ютуқ-ютуқдан бошка ҳар қандай тамойил этрами-кеч, ўз салбий асоратини кўрсатади. Бу асоратнинг қиймати эҳтиёткорлик билан кўриб чиқилиши керак. Агар сиз ютуқ-ютуқга эришолмасангиз, кўп ҳолларда музокарани бекор қилиш мақсадга мувофиқроқ.

Ютуқ-ютуқ ёки музокарани бекор қилиш оиласи муносабатларда ҳиссий эркни таъминлайди. Айтайлик, улар қандай фильм кўриш масаласида келиша олмаса, музокара бекор бўлиб, ҳаммага тўғри келадиган бошка ишни танлаш мумкин. Бунда кимдир бошка бирорнинг ҳисобига лаззатланиш имкони бўлмайди.

Оиласида биргаликда қўшиқ куйлашни одатга

### III ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

айлантирган бир дүстим бор эди. У болалигидан мусиқани яхши тушунар, либослар тикар, пианино чалиб жўровоз бўлар ва концертлар ташкиллаштиради.

Фарзандларнинг ёши улғайгани сари мусиқага бўлган таъби ўзгарди, ўз фикри пайдо бўла бошлади. Уларни бошқариш кийин бўлиб қолганди.

Кўп йиллар давомида чиқишилар уюштириб келган ва концертлари қўйилган дам олиш масканларида яшовчи ёши катта кишилар таъбини яхши билиб қолган дўстим ўз ғояларининг болаларга маъкул келмаслигини англарди. Шунга қарамай, уларнинг қарор қабул қилиш жараёнида тенг ҳукукли иштироки ҳамда ўзини намоён қилиш ҳукуқини тан оларди.

Шу сабабдан, дўстим ютуқ-ютуқ ёки музокарани бекор қилиш усулини танлади. У болаларига барчанинг рози бўлишини истаётгани, бунинг иложи бўлмаса, ўзини намоён қилишнинг бошқа йўлларини излашга тўғри келиши ҳакида айтди. Натижада ҳар бир киши ўз ҳис-туйғулари ва ғояларини эркин ифода этиб, ютуқ-ютуққа эришиш учун бирлашди. Чунки улар тортишув ва зиддиятдан бирор иш чиқариб бўлмаслигини тушунган эди.

Ютуқ-ютуқ ёки музокарани бекор қилиш – ҳар қандай бизнес ёки тадбиркорлик фаолиятини бошлишда энг маъкул услугadir. Давомли бизнес муносабатларида, айниқса, дўстлик асосида бунёд этилган ёки оиласиб бизнесда эса музокарани бекор қилиш доим ҳам наф бермайди.

Ўзаро муносабатларни сақлаб қолишга уриниб, баъзан одамлар бир-бири билан музокара олиб боришда давом этади. Улар оғизда ютуқ-ютуқни гапирса ҳам, ич-ичида мағлубият-ютуқ ёки ютуқ-мағлубият тўғрисида ўйлайди. Бу эса одамлар ва бизнес учун жиддий муаммоларни юзага келтиради.

Музокара бекор қилинмаса, юкоридаги каби бизнеслар шунчаки йўққа чиқиши мумкин; ёки охир-оқибат профессионал бошқарувчига юзланишга тўғри келади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, оилавий бизнес ёки дўйстлар ўртасида бизнесни ташкил этишда, музокарани бекор қилиш эҳтимолини олдиндан тан олиш зарур. Шу билан бирга, ўзаро муносабатларга заарар етказмаслик илинжида, аввалдан маҳсус шартномалар имзолаб кўйган маъкул.

Албатта, музокарани бекор қилиш варианти тўғри келмайдиган вазиятлар ҳам бўлади. Масалан, оилавий муаммолар вақтида, рафиқам ёки фарзандимни ташлаб кетиб, музокарани бекор қилолмайман (ундан кўра, муроса қиласман. Бу ютуқ-ютуқнинг кичикроқ шакли бўлади). Бироқ бошқа кўплаб вазиятларда ютуқ-ютуқ ёки «Музокарани бекор қилиш»дан фойдаланиш мумкин. Бу ҳар иккала томонга эркинлик беради.

### **ЮТУҚ-ЮТУҚНИНГ БЕШ ЎЛЧАМИ**

Ютуқ-ютуқ руҳида ўйлаш – шахслараро етакчилик кўникмасидир. У инсонлардаги қобилиятларни – ўз-ўзини англаш, тасаввур, виждон ва мустақил иродани, шунингдек, ўзаро ўрганиш, ўзаро таъсир ва ўзаро фойдани ҳам қамраб олади.

Ўзаро манфаатларни яратиш учун кишидан катта жасорат ва эътибор талаб этилади, бу айниқса, ютуқ-мағлубият руҳидаги одамлар билан мулоқотимизда яққол сезилади.

Бу кўникма шахслараро етакчилик тамойилларини ўз ичига олади. Шахслараро самарали етакчиликка эришиш учун, оқилона нуктаи назар, проактив ташаббус ва хотиржамлик, йўналиш, донолик ва кудрат зарур. Бу хусусиятларнинг барчасини тамойилга марказлашган шахсий етакчилик шакллантириб беради.

Ютуқ-ютуқ тамойили – ўзаро мулоқот жараённида муваффақиятта эришиш учун муҳим бўлиб, у ҳаётнинг ўзаро боғлиқ беш ўлчамини қамраб олади. У феъл-атвордан бошланиб, муносабатлар томон силжийди, натижада келишув юз беради. У ютуқ-ютуқ тамойилига асосланган

### Ш КИСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

тизимлар мавжуд мухитда юзага келади ҳамда жараённи назарда тутади. Бир нарсаны ёдда саклаш зарур: ютуқ-мағлубият ёки мағлубият-ютуқ тамойили ёрдамида ютуқ-ютуққа эришиб бўлмайди.

Куйидаги диаграмма ушбу беш ўлчам бир-бирига қандай боғланганини акс эттиради. Келинг, ҳар бир ўлчамни бирма-бир кўриб чиқайлик.

#### ФЕЪЛ-АТВОР

Феъл-атвор – ютуқ-ютуқ тамойили асосидаги ҳаётий фалсафанинг пойдевори саналади ва ҳар-қандай муносабат шу пойдевор устига қурилади. Куйидаги уч феъл-атвор хислати ютуқ-ютуқ руҳида фикрлаш учун муҳимдир.

ТЎҒРИЛИК. Биз аллақачон тўғриликни қадрият сифатида белгилаб олдик. Биринчи, иккинчи ва учинчи кўникмалар бизга шу хислатни сақлаб, ривожлантириша ёрдам беради. Қадриятларимизни аниқ белгилаб, тартибга солсак ва шу қадриятлар бўйича йўл тутсак, вაъда ва мажбуриятларни бўйнимизга олиб, ижро этамиз, шу орқали ўзликни англаш ва мустақил иродани ривожлантиришга эришамиз.

Ютуқ аслида нимадан иборатлигини – бизнинг туб қадриятларингизга айнан нима уйғун келишини билмай ҳаётда ғалаба қозонишдан маъни йўқ. Агар ўзимиз ва бошқаларга ваъда бериб, бажара олмасак, битим тузишдан маъни йўқ. Бу ҳақиқатни биз ҳам, атрофдагилар ҳам яхши билади. Инсонлар иккюзламачиликни сезади ва бундан ҳимояланади. Тўғрилик эса – ишонч пойдеворининг тамал тошидир.

ЕТУКЛИК. Етуклик жасорат ва эътибор ўртасидаги мувозанатдир. Агар киши ўз ҳис-туйғу ва эътиқодини ўзга кишининг ҳис-туйғу ва эътиқодини хисобга олган ҳолда ифодалашга жасорат топа олса, демак, у етук шахсадир.

Ишга қабул қилиш, касбий ўсиш ёки таълим учун мўлжалланган психологик тестларни кўриб чиқсангиз, улар шу турдаги етукликни баҳолаш учун яратилганини тушунасиз. Бу хислат ҳоҳ ирода ва ҳамдардлик мувозанати

деб аталсин, хоҳ ўзига ишонч ва ўзгаларга ҳурмат мувозанати дейилсин ёки инсонлар ҳакида қайгуриш ва олдинга кўйилган вазифалар ҳакида қайгуриш мувозанати бўлсин, хоҳ транзакцион анализ тилида «Мен яхши – сен яхши» формуласида ифодалансин – моҳияти бир хил; мен буни жасорат ва эътибор деб атайман.

Феъл-автордаги етуклик хислатига ҳурмат ўзаро мулоқот, бошқарув ҳамда етакчилик назарияларига сингиб кетган. У Таъминот ва Таъминот воситасининг ёрқин тимсолидир. Жасорат тилла тухумга йўналган бир пайтда, эътибор ғознинг парваришига қаратилади. Самарали бошқарувнинг асосий вазифаси – барча иштирокчиларнинг ҳаёт сифати ва даражасини оширишдан иборат.

Кўпчилик қаршилантириш категориясида, «ёки-ёки» тарзида фикрлайди. Агар сиз яхши бўлсангиз, демак, талабчан эмассиз. Бироқ ютуқ-ютуқ ҳам «яхши», ҳам «талабчан»ликни назарда тутади. Бу ютуқ/мағлубиятга қараганда икки баробар кўпроқ дегани. Ютуқ-ютуққа эришиш учун, сиз нафақат яхши, балки талабчан бўлишингиз керак; ўзгаларга нисбатан фақат ҳамдардгина эмас, ишончли ҳам бўлмоғингиз дардкор; сиз нафақат эҳтиёткор ва сезгир, балки жасур ҳам бўлишингиз керак. Бунга эришиш – жасорат ва эътибор ўртасидаги мувозанатни таъминлаш – ҳакиқий етукликнинг моҳияти бўлиб, ютуқ-ютуқ учун асос бўлади.

Агар мен жасур бўлсам-у, эътиборсиз бўлсам, қандай парадигма бўйича ўйлайман? Ютуқ-мағлубият. Мен кучлиман ва ўз истакларимни биринчи даражага кўяман. Хоҳишларимни устун деб билишга етарлича жасурлигим бор ва сизниги бутунлай бефарқман.

Ички етуклигим ҳали ноқис эканлигидан, уни тўлдириш учун ўз мавқейим, обрўм, кучим, ёшим катталиги ёки элитага тааллуқлилигимни пеш қилишим мумкин.

Агар бошқаларга ўта эътиборли бўлсам-у, феълимда жасорат етишмаса, мағлубият-ютуқ парадигмаси бўйича

### ШАСИМ ОММАВИЙ ГАЛАБАЛАР

фикрлайман. Сизнинг эътиқодингиз ва истакларингизни инобатга оламан, бироқ ўзимникини ифодалаш учун куч етмайди.

Ютуқ-ютуққа етишда юксак жасорат ва эътибор бирдек мухим. Бундай мувозанат – етукликнинг чинакам тимсоли саналади. Агар у менда бўлса, мен тинглай оламан, чин қалбимдан тушуна оламан, шу билан бирга нотўри фикрларга қарши чиқиш учун етарли жасоратга ҳам эга бўламан.

#### СЕРОБГАРЧИЛИК МЕНТАЛИТЕТИ

Ютуқ-ютуқ учун зарур бўлган учинчи хислат бу – Серобгарчилик менталитети – «барчага етади» парадигмасидир.

Кўпчилик инсонларда мен ЕТИШМОВЧИЛИК МЕНТАЛИТЕТИ деб атайдиган хислат шаклланган. Улар ҳаётни битта бутун пирог мисоли кўради; кимдир ундан каттароқ бўлак олса, қолганларга етмайдигандек гўё. Етишмовчилик менталитети – ноль парадигма бўлиб, ҳаётнинг пессимистик кўриниши саналади.

Етишмовчилик менталитети мавжуд инсонлар кўлидаги маблағ, куч ёки фойдани бошқалар билан бўлишишга жуда қийналади. Шунингдек, улар атрофдагиларнинг муваффақиятига – ҳатто ўз оила аъзоси, яқин дўстиники бўлса ҳам – чин кўнгилдан, самимий хурсанд бўлолмайди; кимдир кутилмаганда машхурлик ёки бойликка йўлиқса, худди ўзиники эвазига келгандек ҳис қиласди. Бундай вазиятларда уларнинг тилидан табрик сўзлар учеб чиқса ҳам, ичларида ҳasad олови ёнади. Етишмовчилик менталитети шаклланган кишилар қадр-қийматни таққослашдан топади, бошқаларнинг муваффақияти уларнинг қобилиятсизлигини англатади; кўпгина талабалар аълочи бўлса-да, фақат бир киши «биринчи рақамли» бўлиши мумкин. «Галабага эришиши» улар учун «кимнидир мағлуб қилиш» деган маънони англатади.

Бундай менталитетли инсонлар бошқаларнинг баҳтсиз

бўлишига зимдан умид қиласи: қўрқинчли баҳтсизлик бўлмаса-да, адабини берадиган баҳтсизликни тилайди. Улар доим таққослайди ва мусобақалашади, натижада бор куч-ғайратини атрофдагилар устидан ҳукмрон бўлишга сарфлайди.

Улар ўзгаларни ўз йўриғига солишни истайди ва атрофини ўзидан ожиз, ҳамиша «ҳа» дейдиган кишилар билан тўлдиришга мойил бўлади.

Етишмовчилик менталитети билан яшайдиган инсонлар учун жамоа аъзоси бўлиш қийин. Улар хилма-хилликка бўйсунмаслик ва итоатсизлик белгиси деб қарайди.

Серобгарчилик менталитет эса, аксинча, чукур шахсий қадр-қиммат ва хотиржамлик ҳиссидан пайдо бўлади. У пирог ҳамма учун етишини акс эттирган парадигмадир. Ушбу парадигма нуфузни, тан олинишни, даромадни, қарор қабул қилишни хотиржамлик билан тақсимлайди. Бу эса янги имкониятлар, ғоялар ва ижодкорлик эшикларини очади.

Серобгарчилик менталитети шахсий кувонч, мамнуният ишлаб чиқариб, биринчи, иккинчи ва учинчи қўникмалар ижросини таъминлайди. Қолаверса, шахсни бошқаларнинг ички фазилатлари, проактив хусусиятини қадрлашга ундаиди. Бу менталитет ўзаро ўсиш ва ривожланиш учун чексиз имкониятларни топади ва янги Учинчи Қарорни яратади.

Оммавий ғалаба – бошқа одамлар устидан ғалаба дегани эмас. Бу қатнашчиларнинг барчасига бирдек фойда келтирувчи самарали муносабатларда муваффақиятга эришишни англатади. Оммавий ғалаба биргаликда ишлиш, биргаликда мулокот қилиш, якка шахс уddyалай олмайдиган вазифаларни биргаликда амалга ошириш деганидир. Оммавий ғалаба – серобгарчилик менталитети меваси ҳисобланади.

Ютуқ-ютуқ парадигмасини ривожлантираётган ютуқ/ мағлубият феъл-атворли инсонларга ютуқ-ютуқ руҳида

фикрловчи шахсларни намуна сифатида бириктириб күйиш фойдали эканига кўп марта гувоҳ бўлдим. Ютуқ-мағлубият фалсафаси чукур сингдирилган кишилар ўзига ўхшаш одамлар билан мулокотда бўлса, ютуқ-ютуқ парадигмасининг амалдаги исботини кўришга кўп ҳам имконият бўлмайди. Бу борада Анвар Садатнинг илҳом берувчи биографияси – «Ўзликни излаб»ни ўқиш, «Оловли аравалар» каби фильмлар ёки «Хўрланганлар» каби пьесаларни кўришни тавсия этаман. Уларда ҳақиқий ютуқ-ютуқ намуналари акс этган.

Бир нарсани ёдда тутинг: агар қалбимиз туб-тубига қарайдиган бўлсак – сингдирилган сценарийлар, ўргатилган хулқ-автор ва ҳатти-ҳаракатлар ортида, ҳар қандай тўғри тамойил сингари ютуқ-ютуқ қалити ҳам ўз ҳаётимизда мавжудлигига амин бўламиш.

### МУНОСАБАТЛАР

Биз феъл-автор негизига ютуқ-ютуққа йўналтирилган муносабатларни қурамиз ва сақлаймиз. Ҳиссиёт банкидаги ҳисоб рақами бу муносабатларнинг моҳиятидир. Ишонч бўлмаса, энг кўпида муросага келамиш; ишонч бўлмаса, очиқ ва самимий мулокотга, ҳақиқий яратувчанликка кириша олмаймиз.

Аммо ҳиссиёт банкидаги ҳисоб рақамимиздаги маблағ етарли бўлса, ишонч муаммо бўлмайди. Ҳисоб рақамимиздаги етарли депозитлар микдори бир-биримизни чукур ҳурмат қилишимиздан далолат беради. Биз шахсият ёки мавқега эмас, мавжуд масалаларга эътибор қаратамиз.

Ўртамиздаги ишонч туфайли, очиқ муносабатда бўламиш. Барча қарталарни стол устига очиб таштаймиз. Гарчанд вазиятларга турлича кўз билан қарасак ҳам, мени дикқат билан эшлишишга тайёрлигингизни биламан. Масалан, расмга қараб сиз қария кампирни, мен ёш аёлни таърифлашимиз мумкин, лекин бир-биримизнинг таърифимизни ҳурмат билан тингтаймиз ва иккимизга бирдек маъқул бўладиган учинчи қарор – синергетик ечим

учун биргаликда ишлаймиз.

Ҳиссиёт банки ҳисоб рақамларидаги маблағи күп бўлган томонларнинг ютук-ютуқ муносабати синергия (б-кўникма) учун мукаммал платформадир. Бундай муносабатлар ҳеч қачон маълум бир муаммодан юз ўтирумайди, келажакдаги зиддиятларни инкор қилмайди. Бироқ шахсият ва қарашлардаги фарқлар туфайли юзага келадиган салбий қувватни камайтиради, шунинг баробарида, муаммони чуқур тушуниб, ўзаро фойдали усулда ҳал қилишга мўлжалланган ижобий қувват яратади.

Хўш, бундай кучли муносабат йўқ бўлса-чи? Ютук-ютуқ тамойили ҳақида умрида эшитмаган, азалдан ютук-мағлубият ёки бошқа фалсафа сингдирилган инсон билан шартнома тузишингизга тўғри келиб қолса-чи?

Ютук-мағлубият типидаги одам билан ишлаш ютук-ютуқ парадигмасидагилар учун ҳақиқий синовдир. Ҳар қандай вазиятда, ютук-ютуққа осонликча эришиб бўлмайди. Бунда туб масалалар ва асосий фарқлар билан шуғулланиш керак. Бироқ муносабатларда ишонч ҳисси юқори бўлса, буни уддалаш нисбатан осон бўлади.

Ютук-мағлубият парадигмасидаги инсонлар билан ишлаганда, муҳими – муносабат деб ҳисоблашда давом этасиз. Таъсир доирангизга бор диққатингизни қаратасиз. Ҳиссиёт банкидаги ҳисоб рақамингизни самимийлик, хурмат ва қадрлаш орқали оширасиз. Зарур бўлганда музокараларни чўзинг; кўпроқ тингланг ва эшитганларингизни чукурроқ англаң; фикрингизни дадил ва жасурлик билан ифодаланг. Реактив бўлманг. Проактив бўлиш учун онгингизга чукурроқ кириб боринг. Иккингиз учун яхши бўлишини истаётганингизни ўзга инсонга ҳам тушунтиринг. Айнан шу жараён ҳиссиёт банки ҳисоб рақамига улкан депозит бўлади.

Сиз қанча кучли бўлсангиз, феъл-авторингиз шунча ҳақиқий, проактивлик даражангиз шунча юқори бўлади. Ютук-ютуққа эришишга қанча кўп ҳаракат қилсангиз,

### ШІКСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

үзгаларга таъсириңгиз шунча кучли бўлади. Бу шахслараро етакчиликнинг ҳақиқий синовидир.

Ютуқ-ютуқ – универсал тамойил бўлиб, хоҳлаган инсон уни амалиётда қўллаб, қабул қилиши мумкин. Яна шуни ҳам ёдда сақлаш керакки, баъзида тамойил ва парадигмаларни алмаштира олмайдиган, ютуқ-ютуқ руҳида ўйлай олмайдиган кишилар учраб туради. Шу боис, музокарани бекор қилиш вариантини эсда тутиング. Ёки вақти-вақти билан ғалаба қозонишнинг энг паст шакли – муросани танлашингиз мумкин.

Ҳиссиёт банки ҳисоб рақамида «маблағ» юқори бўлганда ҳам, барча қарорлар ютуқ-ютуқ бўйича бўлиши шарт эмаслигини ёдда тутиш муҳим. Яна бир бор, муносабатлар – бу калит.

Тасаввур қилинг, сиз билан бирга ишлаймиз. Бир куни олдимга келиб, «Стивен, бу фикрим сизга ёқмаслигини биламан. Лекин ҳозир тушунтиришга вақтим йўқ. Фикримни нотўғри деб ўйлашингиз мумкин. Шунда ҳам уни қўллаб-қувватлайсизми?» – дедингиз.

Бу вазиятда, ўргамиздаги ишонч юқори бўлса, мен сўзсиз қўллаб-қувватлайман. Ҳақ бўлиб чиқишингизга, ҳаммаси хайрли бўлиши учун бор кучингизни сарфлашингизга умид қиласман.

Бироқ ўргада ишонч суст ва мен реактив шахс бўлсам, фикрингизни қўллаб-қувватламайман. Ёки ёнингизда маъқуллаб, аслида қизиқиши билдирамайман, ортиқча ҳаракат қилмайман ҳам. Охирида шундай дейман: «Кўриб турганингиздек, ҳеч нарса ўхшамади. Энди мендан нима хоҳлайсиз?»

Ёки қизишиб кетсам, қолганларнинг кўзи олдида фикрингизни ошкора рад қилишим мумкин. Ёки «ёвуз бўйсунувчи»ни ясад, барча вазифаларни айттанингиздек бажаришим мумкин, лекин натижага учун масъулиятни бўйнимга олмайман.

Буюк Британияда беш йил яшаб, қофозда ёзилган

қоидаларга шунчаки риоя қилған кондукторларни «ёвуз бўйсунувчи» бўлишда айблаб, тиз чўктиришганига икки маротаба гувоҳ бўлганман.

Қоғозда битилган келишув феъл-автор ва муносабатда кўринмаса, деярли ҳеч нарса англатмайди. Шундай экан, ютуқ-ютуқ натижасига эришиш учун, аввало ҳар биримизда муносабатларимизга сармоя киритиш истаги бўлиши зарур.

### КЕЛИШУВЛАР

Ўзаро муносабатларда ютуқ-ютуққа йўл очувчи келишувлар келиб чиқади. Улар баъзан бизнес келишувлари ёки ҳамкорлик келишувлари деб аталади. Келишувлар ўзаро самарали мулоқот парадигмасини вертикалдан горизонталга ўзгартириб, сизни ўзгаларни кузатишдан ўзингизни кузатишга, ҳамкорга эга бўлишдан ҳамкорга айланишга олиб келади.

Ютуқ-ютуқ келишувлари ўзаро боғлиқ мулоқотнинг катта қисмини ташкил қиласди. Учинчи кўниумада ваколатлаш билан танишаётганимизда, «Яшил ва тоза» ҳақида гаплашган эдик. Ўшандা, биз кўрсатган бешта йўналиш иш берувчилар ва ходимлар, бир лойиҳа устида ишлайдиган мустақил одамлар, умумий мақсад йўлида бирлашган жамоалар, корхоналар ва етказиб берувчилар – умуман, ҳар қандай тоифа кишилар ўртасидаги ютуқ-ютуқни таъминлаш учун хизмат қиласди. Ушбу беш йўналиш, шунингдек, мустақил фаолият билан шуғулланадиган одамлар ўртасида ўзаро истиқболларни аниқлаш ва бошқаришнинг самарали усулини яратади.

Исталган натижка (услуб эмас) – нима, қачон бажарилиши кераклигини белгилайди.

Талаблар – натижани амалга ошириш учун керак бўлган параметрларни белгилайди.

Манбалар – натижаларни бажаришга ёрдам берувчи гуманитар, молиявий, техник ёки ташкилий ёрдамни белгилайди.

Масъулият – ишлаш стандартини ва баҳолап вақтини

### Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

аниқлайди.

Оқибат – яхши ва ёмон, табиий ва мантиқий бўлиб, баҳолаш натижасида нима юз беришини аниқлайди.

Ушбу беш йўналиш ютуқ-ютуқ келишувига ҳаёт бағишлайди. Бу йўналишлар бўйича бир-бирини аниқ тушуниш ва ўзаро келишувга эришиш ёрдамида одамлар ўзларининг муваффакиятларини ўлчаш учун мезон яратади.

Анъанавий авторитар назорат – ютуқ-мағлубият парадигмасининг намунаси бўлиб, хиссият банкининг бўшаб қолганини билдиради. Агар сизда исталган натижага нисбатан ишонч ёки умумий қарааш бўлмаса, бир жойда муаллақ қотиб қолишга, қайта-қайта текширишга ва бошқаришга мойил бўласиз. Ишонч йўқлиги туфайли одамларни назорат қилишим зарур деб ўйлайсиз.

Ишонч хисоби юкори бўлса, қандай усулни танлайсиз? Аввало, атрофингиздагиларнинг йўлини тўсмайсиз. Ўртада ютуқ-ютуқ келишуви мавжуд бўлса ва улар нима кутаётганингизни аниқ билса, ролингиз ёрдам манбаи бўлиш ҳамда ҳисботларини қабул қилишдан иборат бўлади.

Сиз ўзгани эмас, ўзгалар ўзларини баҳолаши маънавиятингиз учун фойдалироқдир. Кўп ҳолларда, инсонларнинг қалби кўзидан кўра тўғрироқ маълумот беради. Идрок – ҳар қандай ўлчов ёки кузатувлардан аниқроқ ишлайди.

#### **ЮТУҚ-ЮТУҚ МЕНЕЖМЕНТИ МАШФУЛОТИ**

Бир неча йил муқаддам кўп тармоқли катта банк муассасаси билан боғлиқ лойихага билвосита жалб қилинган эдим. Бизга ҳар йили 750 минг доллар сарфланадиган бошқарувни ривожлантириш дастурини баҳолаш ва яхшилаш вазифаси топширилди. Дастурда коллеж битирувчиларини танлаб олиб, олти ой давомида турли бўлимларда икки ҳафтадан тажриба ошириши кўзда тутилганди. Бундан асосий мақсад, битирувчилар саноат тўғрисида умумий тушунчага эга бўлишини

таъминлаш эди. Улар икки ҳафта тижорат кредити, икки ҳафта саноат кредити, икки ҳафта маркетинг, икки ҳафта операциялар бўлимларида амалиёт ўтказди. Олти ойлик муддат охирида битирувчилар банкнинг турли тармоқларида ёрдамчи бошқарувчига айланди.

Бизнинг вазифамиз олти ойлик расмий машғулотларни ўрганиб чиқишдан иборат эди. Биз топшириқнинг энг қийин қисми керакли натижалар ҳакида аниқ тасаввурга эга бўлиш эканини англаб, катта бошқарувчиларга қуидаги муҳим саволни бердик: «Ходимлар ушбу дастурни тутатганида нима қила олади?» Аммо уларнинг жавоблари мужмал ва бир-бирига зид эди.

Машғулот дастури натижа эмас, балки усууллар билан ишларди. Буни кўриб, биз «Ўқувчи назоратидаги кўрсатма» деб аталувчи бошқа бир парадигмага асосланган ёрдамчи ўқув дастури яратишни таклиф қилдик. Ушбу дастур мақсадлар ва мезонларни ўз ичига олиб, исталган натижа, қоидалар, манбалар, ҳисобот ва оқибатларни олдиндан аниқлашга ёрдам берарди. Ўша вазиятда, натижа ёрдамчи бошқарувчи лавозимига кўтарилиш бўлиб, битирувчилар маълум кўниммани эгаллайди ва иш ҳақи сезиларли ошади.

Албатта, раҳбар бошқарувчиларининг мақсадини аниқлаб олиш осон бўлмади. Уларга турли саволлар билан мурожаат қилдик: «Ҳисобчилик борасида битирувчилар нима ўрганишини истайсиз? Маркетинг соҳасида-чи? Кўчмас мулк кредитлари ҳакида-чи?» Шу тариқа рўйхатдан пастга туша бордик. Ахийри, улар юзта мақсад ёзишди, биз эса уни қисқартириб, энг керакли ўттиз тўққизта мақсад ва мезонни қолдирдик.

Иш ҳақи ва лавозимдаги кўтарилишдан хабардор амалиётчилар имкон қадар тез талабга мувофиқ бўлишга тайёр эди. Бу ўз навбатида компанияга ҳам фойдали эди, чунки дастур орқали улар аниқ мақсадга йўналтирилган мезонларга жавоб берувчи ходимларга эга бўларди.

Шундай қилиб, биз ўқувчилар томонидан

### ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

бошқариладиган күрсатма ҳамда тизим томонидан бошқариладиган күрсатма орасидаги фарқни амалиётчиларга қўйидагича тушунтиридик: «Мана бу мақсадлар ва мезонлар. Мана бу манбалар, бу бир-биридан ўрганишни ҳам қамраб олади. Демак, шуларга лойик бўлинг. Белгиланган мезонларга мос келсангиз, сиз ёрдамчи бошқарувчи лавозимига тайинланасиз».

Бу тажриба уч ярим ҳафтада тутатилди. Машғулот парадигмасининг ўзгартирилиши ақл бовар қилмас мотивация ва ижодкорликка рағбат пайдо қилди.

Аксарият парадигма алмашинувида бўлгани каби бу ерда ҳам қаршилик бор эди. Кўпгина раҳбарлар бунга ишонмасди. Белгиланган мезонларга мувофиқлик ҳакидаги далиллар кўрсатилганида, улар асосан шундай дейищди: «Бу амалиётчиларнинг тажрибаси йўқ. Уларда ёрдамчи бошқарувчи бўлиш учун зарур малака етишмайди».

Кейинчалик, шу раҳбарлар билан суҳбатлашаётib, уларнинг юқоридаги сўzlари замирида «Биз раҳбарликка осонликча эришмаганмиз; нега энди бу йигитлар осон эришиши керак?» деган маъно ётганини тушундик. Албатта, улар буни очиқ айта олмасди. Ундан кўра «Уларга нимадир етишмаяпти» дейиш осонроқ эди.

Бундан ташқари, маълум сабабларга кўра (олти ойлик дастур учун 750 минг долларли бюджетни ҳам кўшиб хисоблагандан) кадрлар бўлими анча хафа бўлганди.

Шунда биз жавоб бердик: «Яхши. Келинг, бир нечта мақсадларни ишлаб чиқиб, уларга мезонларни кўшайлик. Лекин ўқувчилар бошқаридиган кўрсатма парадигмасида қоламиз».

Шу тариқа амалиётчилар ёрдамчи бошқарувчи бўлганда амал қиласидиган, қаттиқ мезонларга асосланган яна саккизта вазифа ишлаб чиқдик. Ушбу мезонларга асосланган бальзи машғулотларда иштирок этган айрим раҳбарлар, агар амалиётчилар ушбу мезонларга жавоб бера олса, улар энг яхши ёрдамчи бошқарувчига айланишини таъкидлади.

Биз амлиётчиларга қаршиликка тайёр туришни ўргатдик; дастурга күшимча мақсад ва мезонлар киритиб, шундай дедик: «Кутганимиздек, бошқарувчилар сизни олдингисига қараганда анча талабчанроқ мезонларга эга күшимча вазифаларни бажаришингизни хоҳлайди. Бу гал, уларнинг талабларига жавоб берсангиз, сизни ёрдамчи бошқарувчи сифатида қабул қилишни кафолатлашди».

Шундан сўнг амалиётчилар акл бовар қилмас даражада ишлай бошлади. Улар ҳисоблаш каби бўлим раҳбарларига мурожаат қилиб, шундай дейиши: «Жаноб, мен ўкувчилар бошқарадиган кўрсатма деб аталувчи янги тажриба дастури иштирокчисиман. Тушунишимча, сиз мақсад ва мезонларни ишлаб чиқишида иштирок этган экансиз. Бу бўлимда олтита мезон бор экан. Улардан учтаси талабида жавоб бераман; биттасини эса китоблардан; бешинчисини шеригим Томдан ўргангандман. Яна битта мезон қолди, уни нима ёки қандай эканини айта оласизми?» Шундай қилиб, улар мезон ва мақсадларни тушуниш учун бўлимларда икки ҳафта эмас, яrim кун сарфлади.

Бу амалиётчилар ўзаро ҳамкорлик қилди, бир-бирларининг ақлини чархлади ва бир яrim ҳафта ичидаги күшимча вазифаларни уddyалади. Олти ойлик дастур беш ҳафтага қисқарди ва натижалар ҳам кўзга кўринарли даражада ўсади.

Бундай фикрлаш тарзи, ходимлар ютуқ-ютуқ парадигмасига диққатни жамлаган бўлса, ташкилий ҳаётнинг ҳар бир соҳасига ижобий таъсир қилиши мумкин.

### ЮТУҚ-ЮТУҚ КЕЛИШУВЛАРИ

Ютуқ-ютуқ келишувини тузиш муҳим Парадигма алмашинувини талаб қиласи. Бунда вазифани бажариш усулига эмас, вазифанинг натижасига эътибор қаратилади. Кўпчилигимиз назорат қилишни хоҳлаймиз. Учинчи кўникума ҳақида айтганимдек, Сандрадан ўғлимизни расмга олишни сўраганда, мен буйруқбозлик асосида ваколатлаш услубини қўллаган эдим.

### ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

Ютуқ-ютуқ шартномаси натижага эътиборни қаратади, инсоннинг ўзига хос имкониятини юзага чиқариб, катта синергия яратади. Таъминотта қараганда кўпроқ Таъминот воситасига, ғозга диккатни жамлайди.

Ютуқ-ютуқда, одамлар ўзига, ўз ишига баҳо беради. Одамлар ўзларини баҳолашда фойдаланадиган анъанавий ўйинлар зерикарли ва нокулайдир. Ютуқ-ютуқда инсонлар, ўзларини ривожлантиришга қаратилган мезондан фойдаланиб ўзларига баҳо беради. Агар мезонни тўғри ўрнатган бўлсангиз, одамлар унга мувофиқ бўла олади. Ютуқ-ютуқ асосида ваколатлаш келишувида, ҳаттоқи етти яшар болакай ҳам ҳовлини «яшил ва тоза» сақлашга ўзига ваъда бера олади.

Университетда дарс бериб юрган кезларим, олдиндаги мақсадни ютуқ-ютуқ асосида ўзаро тушуниш усулини яратган эдим. Бу энг яхши тажрибаларимдан бири бўлганди.

«Бу – биз амалга оширишга уринаётган вазифа. Мана бу эса, аъло, яхши ва қониқарли баҳо учун асосий мезонлар. Менинг мақсадим ҳар бирингизга аъло баҳо олишингизга ёрдам бериш. Энди гаплашиб олган нарсаларимизни таҳлил қилинг ва хулоса чиқаринг. Нимани қилмоқчилигингиз тўғрисида бир қарорга келинг. Шундан кейин олмоқчи бўлган баҳонгиз ва унга эришиш учун нималар қилиш кераклигини биргаликда муҳокама қиласиз».

Питер Друкер бошқарув соҳасида таникли файласуф ва маслаҳатчидир. У бошқарувчи ва ходимлар ўртасидаги келишувларни англаш учун «бошқарувчига хат» усулидан фойдаланишни тавсия қилади. Бунда талаблар ва манбалар тўғрисидаги батафсил муҳокамадан сўнг, ходим бошқарувчига хат ёзиб, ўз фикрини, галдаги ҳаракатлар режасини баён қилади.

Бу каби ютуқ-ютуқ келишувларини ривожлантириш ҳар қандай бошқарувнинг мақсади ҳисобланади; ходимлар бу келишув доирасида ўзини-ўзи бошқара олади. Бошқарувчи бўлса, пойгадаги назорат машинаси каби вазифа бажаради:

тартибни жой-жойига тушириб, сүнг йўлни бўшатади, баъзан эса йўлга тўкилган мойни тозалаб туради.

Ходимларининг ёрдамчисига айланган раҳбар ўз назоратини кенгайтира олади. Бутун бошли маъмурий ва умумий даражалар йўқ қилинади. Олти ёки саккизта ходимга бошчиллик қилиш ўрнига, бундай бошқарувчи йигирма, ўттиз, эллик ёки ундан кўпроқ ходим устидан назорат ўрната олади.

Ютук-ютуқ келишувларида натижা масъул шахс берадиган мукофот ёки жазо сабабли эмас, балки вазифанинг табиий ёки мантиқий самараси бўлади.

Бошқарувчилар ёки ота-оналар назорат қила оладиган асосан тўрт турдаги оқибат (мукофот ва жазо) мавжуд:

1. Молиявий
2. Руҳий
3. Имконият
4. Масъулият

Молиявий оқибатларга даромад, акция муҳобиллари, нафақа ёки жарима каби маблағ билан боғлиқ мукофот ёки жазо киради.

Руҳий оқибатлар тан олиш, тасдиқлаш, ҳурмат, ишонч билдириш ёки йўқотишdir. Иқтисодий қийинчилик бўлмаган шароитда кишиларни молиявий рағбатга қараганда руҳий мукофот кўпроқ рағбатлантиради.

Имконият таълим, тараққиёт, имтиёздир.

Масъулият – кучайтириладиган ёки камайтириладиган ваколат билан боғлиқ.

Ютуқ-ютуқ келишувларида вазифа бажарилгач, ишлаб чиқарувчини қандай мукофот ёки жазо кутаётгани белгилаб кўйилади. Шу сабабли ҳар икки томон бир-бирини алдай олмайди. Барчаси олдиндан аён бўлади.

Ушбу мантиқий, шахсий оқибатларга қўшимча равища табиий ташкилий оқибатларнинг нималигини аниқлаш ҳам муҳим. Буни қуйидагича амалга ошиrsa бўлади: «Агар ишга кечиксам, бошқалар билан баҳамжиҳат ишламасам,

### ШІКСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

ходимлар билан ютуқ-ютуқ келишувини ўрганмасам, уларни исталган натижалар учун жавобгар қилмасам, ходимларимнинг касбий ўсиши ва ривожланишини рағбатлантирмасам нима бўлади..?»

Қизим ўн олти ёшни қаршилаганда, оиласи машина миздан фойдаланиш борасида ютуқ-ютуқ келишувини туздик. Келишувга мувофиқ, у машина ҳайдаётганда қоидаларга риоя қилиши, шунингдек, уни тоза ва соз сақлаши зарур эди. Қизим машинани фақат жўяли сабаб түғилганда ҳамда онаси ёки менга ҳайдовчи керак бўлганда бошқарадиган бўлди. Кўшимчасига, у қолган ишларини мамнуният билан биз эслатмасимиздан туриб бажаришига келишдик. Бу бизнинг ғалабамиз эди.

Бундан ташқари, келишувимизда қизимизни баъзи манбалар, хусусан, машина, бензин ва суғурта полиси билан тъминлашимиз кўзда тутилганди. Яна у ҳар якshanба тушликдан сўнг мен билан учрашиб, келишган ишларимиз бўйича ҳисбот берishi керак эди. Оқибатларни ҳам аниклаштириб олгандик. Агар қизим ўз мажбуриятларини бажарса, у машинадан фойдаланади; агар акси бўлса, машинадан маҳрум бўлади.

Бу ютуқ-ютуқ келишуви бошиданоқ ҳар икки томонга тушунарли бўлди. Қизимнинг ғалабаси – машинадан фойдаланиши мен ва Сандра учун ҳам ютуқ эди. У эндиликда транспортдан нафақат ўзи учун, балки бизга кўмаклашиш учун ҳам мустақил фойдалана оларди. Биз машинанинг тозалигини сақлаш борасида ортиқ қайғурмаётган эдик. Аниқ ўрнатилган талабларга кўра, мен унинг машина минишига аралашиш им шарт эмасди. Қизимнинг тўғрилиги, виждони, ақл-идрохи ва бизнинг юқори ишончимиз келишувни самарали уddaлашига кўмак берди. Агар у келишилганидек қилмаса, бизнинг ҳеч қандай жазомиз йўқ бўлиб, ҳиссий тарафдан ўзимизни қийнамаётган эдик. Ютуқ-ютуқ келишуви бизни ҳар қандай босимлардан озод қилди.

Ютуқ-ютуқ келишувлари – озодликка йўл очади. Бироқ алоҳида услуб ёки техника сифатида иш бермайди. Келишувдан олдин натижани қанчалик истаган бўлсангизда, инсоний тўғрилик ва ўзаро ишонч бўлмаса, ютуқ-ютуқ келишувлари иш бермайди.

Ютуқ-ютуқ келишуви – парадигма, феъл-автор ва ундан униб чиқадиган муносабатлар маҳсулидир. Шу нуқтаи назардан, у ўзаро мулокотнинг қандай бўлишини белгилайди.

Ютуқ-ютуқ фақатгина уни қўллаб-кувватлайдиган ташкилотда жон сақлай олади. Агар сиз тилда ютуқ-ютуқ ҳақида гапириб, амалда ютуқ-мағлубият бўйича иш тутсангиз, қўлингизда мағлубият дастурини ушлаб турган бўласиз.

Сиз ўзингиз лойиқ бўлган нарсани қўлга киритасиз. Мақсадларга эришиш ва вазифа баёнотингизда ифодаланган қадриятларни бузмаслик, мукофот тизимини ушбу мақсад ва қадриятларга мувофиқлаштиришингиз керак. Агар улар ҳамоҳанг бўлмаса, унда айтганингизни бажаролмайсиз. Сиз мен аввал эслаган бошқарувчининг аҳволига тушасиз. У ходимлари ўртасида баҳамжиҳатлик яратаман деб, «Бермуда пойгасини» ўюштирган, натижада кўл остидагиларни бирбирига ракиб қилиб қўйган эди.

Яқин Шарқда катта кўчмас мулк ташкилоти билан бир неча йил ишладим. Ушбу ташкилот билан илк тажрибам катта савдо пойгаси бўлди. Унда саккиз юздан зиёд иштирокчи йиллик мукофот дастури бўйича тўпланганди. Бу шовқин ва қийқирикларга тўла, руҳан қўллаб-кувватлайдиган сеанс эди.

Тўпланган 800 кишидан 40 нафари «Энг кўп савдо», «Энг катта ҳажм», «Энг кўп пул ишлаган комиссия» ва «Энг кўп рўйхатта олинган» каби номинациялар бўйича мукофотларни қўлга киритди. Мукофотларни топшириш маросими ҳаяжон ва қарсакларга бой бўлди. 40 киши ғалаба қозонган эди; бироқ 760 киши мағлубиятга учраганди.

## Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

Биз дарҳол ташкилотнинг тизим ва тузилмаларини ютуқ-ютуқ парадигмасига мослаштириш йўлида ўқув ва ташкилий ривожлантириш ишларини бошладик. Бу жараёнга ташкилотдаги қуий лавозим эгаларини жалб қилдик; мақсадимиз уларга рагбат бериш эди. Шунингдек, уларни ўзаро ҳамкорлик қилишга ундиндик, чунки шахслараро ҳамкорлик ходимларга ишлаб чиқариш келишувида исталган натижага эришишга ёрдам берарди.

Келаси йилги тақдимотда мингдан ортиқ иштирокчи қатнашди ва уларнинг, таҳминан, 800 нафари мукофот олди. Бир неча киши таққослаш орқали ғолибликни қўлга киритган бўлса-да, дастур асосан якка ва жамоавий вазифаларни аъло даражада уddaлаганларни мукофотлашга мўлжалланган эди. Бу сафарги тақдимотда табиий қизиқиши ва ҳаяжон бор эди. Сабаби тўплангандарнинг хурсандчилиги умумий бўлиб, жамоавий ғолиб бўлганлар ютуқни бирга баҳам кўрарди. Шуниси эътиборлики, бу йил мукофот қабул қилган 800 кишининг деярли барчаси ўтган йилги 40 тага нисбатан даромадни кўпайтирган эди. Ютуқ-ютуқ парадигмасининг кучи шу даражада бўлдики, тилла тухумларнинг сони ошибгина қолмай, балки гоз ҳам семирди, иқтидор ва қувватини янада катта куч билан ишлаб чиқаришга йўналтириди.

Бозор шароитида рақобат табиий ҳол. Бироқ бошқа ҳолатларда, солиштириш зарур бўлса – ўтган йилги кўрсаткичлар билан таққослаган маъқул. Функционал алоқа ёки бирлашиш зарурати бўлмаса, бошқа бўлим ёки бошқа ишчи билан мусобақалашса ҳам бўлади. Ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлик бозордаги рақобат руҳи сингари жуда муҳим. Ютуқ-ютуқ рақобат бор жойда бўлмайди.

Ютуқ-ютуқ иш бериши учун тизим уни қўллаб-кувватлаши керак. Машғулот тизими, режалаштириш тизими, алоқа тизими, бюджет тизими, ахборот тизими, компенсация тизими – барчаси ютуқ-ютуқ тамойилига асосланиши керак.

Анча аввал ходимларини шахслараро муносабатлар бўйича ўқитиш учун мурожаат килган бир компания билан ишлаган эдим. Компания президентининг фикрича, асосий муаммо ходимларда эди.

«Истаган дўконингизга боринг, – деди президент, – ходимларим сизга қандай муомала қилишига ўзингиз гувоҳ бўласиз. Улар шунчаки буюртма қабул қиласди, мижозлар билан яқин бўлишни билмайди. Улар маҳсулот ҳақида деярли тушунчага эга эмас, маҳсулотни харидорнинг эҳтиёжига боғлаш учун зарур бўлган маҳорат ва билими йўқ».

Шундай қилиб, дўконлардан бирига бордим. Президент чиндан ҳақ бўлиб чиқди. Бироқ мени бир савол ҳануз қийнарди: «Ходимларнинг бундай муомаласига сабаб нима экан?»

– Қаранг, биз муаммоларнинг энг чўққисидамиз, – деди президент галдаги учрашувда. – Бизда ўрнак бўла оладиган бўлим бошлиқлари бор. Уларга ишларининг учдан икки қисми сотиш ва бир қисми бошқарув эканини айтганмиз. Улар савдони қойилмақом уddaляяпти. Мен шунчаки сотувчиларга озгина машғулот ўтиб, муомалани ўргатишингизни истардим.

Унинг сўнгги сўзлари кулоғимда қайта-қайта жаранглади.

«Келинг, яна озгина маълумот тўплаймиз», – дедим.

Бу гапим президентга ёқмади. У муаммо аслида нимадалигини «билар» ва уни машғулот орқали бартараф этмоқчи эди. Лекин мен қаттиқ туриб олдим ва машаққатли икки кундан сўнг, асл муаммони топишга муваффақ бўлдик. Иш тақсимоти ва рағбатлантиришдаги чалкашликлар сабабли бошқарувчилар тушунмовчиликка дуч келганди. Улар касса аппарати олдида турганча, савдони чалкаштирар эди; барча қора ишларни – инвентаризацияни назорат қилиш, омбордаги юмушлар ва ҳатто тозалашни ҳам сотувчиларга буюрар, ўзлари эса рўйхатга олиш жойида

## Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

туриб оларди.

Буни тушуниб етгач, рағбатлантириш тизимини ўзгартирип – муаммо бир кечада ҳал бўлди. Биз ўрнатган янгича тизимга мувофиқ, сотувчилар пул ишлагандагина бошқарувчилар пул оладиган бўлишди. Бунда сотувчилар ва бошқарувчиларнинг эҳтиёж ва мақсадлари бир-бирига боғланди. Шахслараро муносабатларни ўргатувчи машғулотга бўлган эҳтиёж бирдан йўқолди. Бунга сабаб, ютуқ-ютуқ мукофот тизими ривожлантирилганида эди.

Бошқа сафар бир компания раҳбари ходимларнинг расмий иш фаолиятини баҳолашимни сўраб мурожаат қилди. Унинг бир бошқарувчига берган рейтинг баҳосидан ҳафсаласи пир бўлган эди. «Аслида учга лойиқ эди» – деди у сұхбат давомида, «Бироқ мен бир беришга мажбур бўлдим» (бир – хизмат пиллапояси бўйича қўтарилиш имконини берувчи олий балл эди).

– Нима учун унга бир бердингиз? – деб сўрадим.

– У энг яхши кўрсакичларга эга, – деб жавоб берди раҳбар.

– Хўш, у ҳолда нима сабабдан у учга арзиди деб ўйлайсиз?

– Гап уни кўрсаткичларга қандай эришганида. У одамларга тупуриб кўяди, уларга қарши юради, жанжалкаш, фирт бошоғрикнинг ўзгинаси.

– Афтидан, у бор диққатини Таъминотга жамлаганга ўхшайди. Шу сабаб кўрсаткичлари юқори бўлиб, тақдирланмоқда. Бироқ сиз у билан сұхбатлашиб, Таъминот воситасига ҳам эътибор қаратиши кераклиги ҳақида айтсангиз бўлмасмиди?

У худди шундай йўл тутганини, бироқ бари самарасиз бўлганини айтди.

– Унда у билан ютуқ-ютуқ келишувини тузинг. Келишувга кўра, уни рағбатлантиришнинг учдан иккى қисми Таъминот – яъни кўрсаткичлари, қолган бир қисми эса ТВ, яъни одамларга муомаласи, уни қандай қабул

қилишлари, етакчилик ва бошқарувчилик қобилиятига қараб баҳоланишини айтинг.

– Бу унинг эътиборини тортса керак, – деб жавоб берди у.

Кўрганингиздек, муаммолар инсонларда эмас, аксар ҳолларда тизимда бўлади. Агар сиз одамларни ёмон тизимга қўйсангиз, ёмон натижага эришасиз. Богингиздаги гул ўсиб, гуркирашини истасангиз, унга аввало сув қўйинг.

Одамлар ютуқ-ютуқ руҳида фикрлаш тамойилини ўрганар экан, тўғри тизимни яратибина қолмай, уни яхши йўлга кўя оладилар. Улар кераксиз ракобат ва муаммоли вазиятларни йўқотиб, ўзаро ҳамкорликни шакллантиради ҳамда Т/ТВ куриш орқали самарадорликка эришади.

Бизнесда бошқарувнинг мақсади – меҳнатни шундай ташкиллаштириш керакки, бунда ўзаро эмас, балки ташқи рақобатчи билан мусобақалашадиган, елкама-елка ишлайдиган юқори самарадор ишчиларнинг мустаҳкам жамоасини яратиш лозим.

Таълим соҳасида ўқитувчилар келишилган мезонларга кўра, шахснинг ижросига асосланган баҳолаш тизимини яратиб, ўқувчиларни ўзаро ҳамкорликка даъват қилиши, бирга ўрганиб, ютуқларга биргаликда эришишига ундаши мумкин. Ота-оналар оиласда бир-бiri билан рақобатлашиш ўрнига муштарак келажак учун бирлашиши мумкин. Масалан, агар улар ютуқ-ютуққа асосланган «Уй юмушлирини бажариш» келишувини тузса, фарзандларини уй ишларини бажаришга руҳлантириши, шунинг баробарида ўzlари ҳам муҳимроқ ишлар учун қўшимча вақт топиши мумкин.

Бир дўстим икки фарзандининг ўзаро сұхбатини менга айтиб берганди. «Агар ойим тез орада уйғонмасалар», дебди бири, «мактабга кеч қоламиз». Бу сўзлар яхши ташкиллаштирилмаган, масъулиятсиз ва ютуқ-ютуқ тамойили ишламайдиган оиласдан дарак берарди.

Ютуқ-ютуқ – шахслар олдига аниқ талаблар билан

## Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

енгиб ўтиладиган масъулият қўяди, натижаларни баҳолаш учун шахснинг ўзини жавобгар қиласди, бажаришнинг табиий натижаси сифатида оқибатларни келтириб чиқаради. Ютуқ-ютуқ тизими ҳамиша ютуқ-ютуқ келишувларини кўллаб-қувватлайдиган мукаммал муҳит яратади.

### ЖАРАЁНЛАР

Ютуқ-ютуқ руҳида фикрлашга – ҳеч қачон ютуқ-мағлубият ёки мағлубият-ютуқ парадигмаси билан эришиб бўлмайди. Сиз кимгадир ҳеч қачон: «Ёқадими-йўқми, ютуқ-ютуқ тамойилида ўйлашга мажбурсиз» деб айта олмайсиз. Хўш, ютуқ-ютуқ руҳида фикрлашни қандай ўрганиш мумкин?

Харварднинг икки хукуқшунос профессори Р.Фишер ва Уилям Юри «Розилик томон йўл» номли жуда фойдали ва мазмунли китоб ёзган. Улар ушбу китобда айирбошлишнинг «тамойилли» ва «мавқели» ёндашувларини бир-бирига таққослаб кўрган. Гарчи ютуқ-ютуқ сўзи ишлатилмасада, китобнинг руҳи ва асосий фалсафаси ушбу ёндашувга мос келади.

Уларнинг фикрича, «тамойилли» музокаралар моҳияти – инсонни муаммодан ажратиш, мавқега эмас, фойдага эътибор бериш, ўзаро манфаат учун вариантларни кашф қилиш ва ҳар икки томон учун бирдек қадрли бўлган тамойиллар, объектив мезонларни таклиф қилишдан иборатdir.

Мен китобимда ютуқ-ютуқ ечимларини ўрганмоқчи бўлган одамлар ва ташкилотларга қуйидаги тўрт босқичли жараёнда иштирок этишни таклиф қиласман: биринчидан, муаммога бошқа нуқтаи назаридан қараш. Ҳақиқатан ҳам, бошқа томоннинг эҳтиёж ва хавотирларини тушуниш, ифодалашга интилиш. Иккинчидан, муаммога алоқадор туб саволларни аниқлаш. Учинчидан, ҳаммага мақбул ечимни аниқлаш. Тўртингчидан, ушбу натижаларга эришиш учун зарурий янги имкониятларни аниқлаш.

Бешинчи ва олтинчи кўникма ушбу жараённинг икки

йўналиши билан ишлайди. Кейинги бобларда бу мавзуларга чукурроқ тўхталиб ўтамиз.

Айни пайтда, ютуқ-ютуқ жараёни ва ютуқ-ютуқ парадигмасининг бир-бири билан қандай боғлиқлигини айтиб ўтаман. Гап шундаки, ютуқ-ютуқ ечимиға ютуқ-ютуқ жараёни орқали эришамиз – якун ва воситалар бир хил.

Ютуқ-ютуқ – шахс техникаси эмас. Бу шахслараро муносабатларнинг умумий парадигмаси бўлиб, тўғрилик, етуклик ва серобарчилик менталитети каби хислатлардан келиб чиқади, юксак ишончга асосланган муносабатлардан униб-ўсади. Бу парадигма кутилган натижаларни самарали аниқлаш ва бошқаришга кўмаклашувчи келишувларга сингдирилади, қўллаб-қувватловчи тизимларда ривожланади. Ва унга кўйида танишажагимиз бешинчи ва олтинчи кўникмалар ёрдамида эришилади.

#### ҚЎЛЛАШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР:

1. Яқин келажақда маълум бир ечим ёки келишувга эришиш учун ташкиллаштирадиган мулоқотингиз хақида ўйлаб кўринг. Жасорат ва эътибор мувозанатини сақлашга ҳаракат қилинг.
2. Ютуқ-ютуқ парадигмасини қўллашга халал берадиган тўсиқлар рўйхатини тузинг. Баъзи тўсиқларни бартараф этиш учун нима қилишингиз мумкинлигини аниқланг.
3. Ютуқ-ютуқ келишувини ривожлантирадиган аниқ бир муносабат танланг. Ўзингизни бошқа одамнинг ўрнига қўйишга уриниб кўринг ва у одамнинг бу масала ечимини қандай кўраётганини аниқ ёзинг. Кейин сизга ғолиблик келтирадиган натижалар рўйхатини тузинг. Ўша одамнинг ёнига бориб, келишув ва ўзаро манфаатли ечим топмагунча мулоқотни давом эттиришга розилигини сўранг.
4. Ҳаётингиздаги асосий уч муносабатни аниқланг.

### III ҚИСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

Хар бир муносабатнинг Ҳиссиётлар банкидаги хисоб рақами тўғрисида нимани ҳис қилишингизни қайд этинг. Уларни ривожлантирадиган, депозит бўлувчи айрим усулларни ёзинг.

5. Шахсий сценарийингиз ҳақида ўйлаб кўринг. У мағлубият-ютуқми? Сценарийингиз бошқалар билан мулоқотингизга қандай таъсир этади? Унинг асосий манбаси нима? Бу сценарийлар ҳаётингизга кўнгилдагидек хизмат киладими?

6. Ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам, ўзаро фойданни кўзлаб, ютуқ-ютуқ руҳида ўйлайдиган, намунали кишини топишга ҳаракат қилинг. Шу кишини яқиндан кузатиб, ундан ўрганишни бошланг.

# БЕШИНЧИ КҮНИКМА: ТУШУНИНГ ВА ТУШУНАРЛИ БҮЛИНГ

## ЭМПАТИК МУЛОҚОТ ТАМОЙИЛЛАРИ

*Қалбимизнинг ақтимизга номаълум ўз сабаблари бор.*

ПАСКАЛ

Тасаввур қилинг, кўришингизда муаммо туфайли офтальмологга мурожаат қилдингиз. Шикоятингизни диққат билан тинглагач, шифокор кўзойнагини ечди ва сизга узатди.

– Мана буни тақиб кўринг. Бу кўзойнакни ўн йилдан бери тақаман, у менга катта ёрдам берган. Уйимда яна битта бор, бунисини ўзингизга олиб қолишингиз мумкин.

– Қандай даҳшат! – дедингиз кўзойнакни тақиб. – Хеч нарсани кўрмаяпман!

– Фалати, – ажабланади шифокор. – Менга яхши ёрдами теккан-ку. Яна бир бор ҳаракат қилинг-чи?

– Ҳаракат қиляпман. Ҳамма нарса хиралашиб, чалкашиб кетяпти.

– Сизга нима бўляпти? Ижобий ўйлашга уриниб кўринг.

– Мен ижобий ҳеч нарса кўрмаяпман!

– Фирт ношукур экансиз, – дейди шифокор тоқати ток бўлиб. – Сизга шунча ёрдам берганимни билмадингиз!..

Келаси сафар ишингиз тушса, шу офтальмологга яна мурожаат қиласизми? Тахминимча, йўқ. Таҳхис қўймасдан олдин рецепт ёзадиган шифокорга ишона олмасангиз керак.

Лекин ўзимиз-чи? Мулоқотда ташхис қўймасдан туриб рецепт ёзиб берган ҳолатларимиз бўладими?

– Қани, асалим, сенга нима бўляпти, очикроқ айтгин-чи? Биламан, бу қийин, лекин сени тушунишга ҳаракат қиласман.

### ШІ КІСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

— Билмайман, ойи. Сиз буларни ахмоклик деб ўйласангиз керак.

— Албатта, ундау эмас, болам! Менга күнглингни очсанг бўлади. Ўзинг айт, сени яна ким менчалик яхши кўради? Мен фақат сенинг фаровонлигинг, шодлигинг ҳақида қайгураман. Хўш, нима безовта қиляпти сени?

— Билмасам...

— Келақол, асалим. Айт менга.

— Ростини айтсам, энди мактабни яхши кўрмайман, менга ёқмай қолди.

— Нима? – дейсиз ишонқирамай. – Бу нима деганинг? Энди мактабингни яхши кўрмай қолганинг нимани англатади? Биз келтирган шунча курбонликлардан кейин-а! Таълим – келажагинг пойдевори! Агар сен опангдан намуна олсанг, яхши ўқишни бошлайсан ва мактабингни яхши кўриб қоласан. Сенга неча марта ўзингга келиб олишни айтдик! Сен қобилияти боласан, фақат қобилиятингдан фойдаланмайсан, холос. Қаттикроқ ҳаракат қил. Мактаб ҳақида ижобий нарсаларни ўйла.

Жимлик.

— Энди эса сени нима безовта қилаётганини айтиб бер. Биз ҳамиша шошиб, яхши маслаҳатлар билан муаммони ҳал этишга мойилмиз. Бироқ унинг асл моҳиятини ўрганиб чиқиб, чуқур таҳлил қилишни унутамиз.

Шахслараро муносабатлар бўйича ўрганган энг муҳим тамойилимни бир оғиз гап билан қуидагича ифодалаш мумкин: «Аввало тушунишга, сўнгра тушунарли бўлишга интилинг». Бу – шахслараро самарали мuloқotning бош калитидир!

#### ФЕЪЛ-АТВОР ВА МУЛОҚОТ

Хозир сиз мен ёзган китобни ўқияпсиз. Ёзиш ва ўқиши – иккиси ҳам мулокот шаклларидир. Худди шундай гапириш ва эшитиш ҳам. Умуман олганда, мулокотнинг тўртта асосий кўриниши шулардан иборат. Ушбу мулокот шаклларидан камида биттаси учун қанча вақт сарфлашингизни ҳисоблай

оласизми? Мулоқот қобилияти ишларингиз самарадорлиги учун жуда муҳимdir.

Мулоқот ҳаётимиздаги энг муҳим маҳоратдир. Ухламаган вақтимизнинг асосий қисмини мулоқотга бағишилаймиз. Бир нарсани кўздан қочирманг: сиз ўкиш, ёзиш ва гапиришни бир неча йиллар давомида ўргангансиз. Лекин тинглаш-чи? Бошқа инсонни тинглаб, чинакамига англашни ва ҳодисаларга унинг кўзи билан қарашни ўрганиш учун нима қилдингиз?

Киёсан олиб қаралса, ҳақиқатан, жуда кам инсонлар тинглаш машғулотларига боради. Ва аксарият ҳолларда, ўша машғулот шахс этикаси доирасида қолиб кетиб, ўзга инсонни тушуниш учун ўта зарур бўлган феъл-автор ва муносабат асосига курилмайди.

Агар сиз мен билан самарали мулоқот ўрнатишга интилсангиз; менга – турмуш ўртоғингизга, кўшнингизга, бошлиғингизга, ҳамкасбингизга ёки дўстингизга таъсир ўтказмоқчи бўлсангиз, даставвал мени тушунишингиз керак, бу эса факат техника билангина амалга ошмайди. Агар мен сизнинг кичик бўлса-да, эшлиш техникасидан фойдаланаётганингизни сезсам, буни иккюзламачилик ва носамимилик сифатида қабул қиласман; нега бундай қилаётганингизни, мақсадингизни ўйлаб бошим қотади, сиз билан очиқ мулоқот қилишга эҳтиёт бўламан.

Менга таъсир этиш калитингиз – биринчи галда шахсий намунангиздир. Намунангиз – бошқаларнинг сиз ҳақингиздаги фикри ёки сиз ҳақингизда нима деб ўйлашини исташингиздан эмас, аксинча, феъл-авторингиздан, аслида қандай инсонлигингииздан табиий равишда келиб чиқади.

Феъл-авторингиз ҳамиша ўзидан нур таратади, мулоқот қиласми. Шу орқали, узок муддатли муносабатларда, сиз тўғрингизда аниқ хуласалар қиласман, сизга ишонч ёки ишончсизлик билдираман.

Агар ҳаётингиз бир иссиқ, бир совуқ бўлса: сиз бир вақтнинг ўзида ҳам кўпол, ҳам меҳрибон бўлсангиз, энг

## ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

мухими шахсий ҳаётингиздаги хатти-харакатингиз билан жамоатчилик олдида ўзингизни тушишингиз ўртасида фарқ бўлса, сиз билан очик мулоқот қилишим, сизга қалбимни очишим жуда қийин.

Бу ҳолатда, сизнинг меҳрингиз ва қўллаб-кувватлашингизга қанчалик муҳтоҷ бўлмай, ёнингизда ўзимни хавфсиз ҳис қилмайман, сизни дардларимни айта оладиган инсон сифатида кўрмайман. Ким билади кейин нима бўлишини?

Лекин сизга юрагимни очмасам, менинг ҳиссиёт ва муаммоларимни тушунмасангиз, менга жўяли маслаҳат беролмайсиз. Сўзларингиз тўғри бўлиши мумкин, бироқ менга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Мени хурмат қилишингиз ва қадрлашингизни айтарсиз балки? Бунга жуда ишонгим келади. Бироқ гушунмаган одамингизни қандай қилиб хурмат қилишингиз мумкин? Эшитаётганим – куруқ гаплар, мен эса куруқ гапларга ишонмайман.

Мен жуда жаҳлдор ва хужумкор кўринишими мумкин. Бу менинг таъсирингизга тушиб қолищдан кўрқаётганимни билдиради.

Сиз ўзимга хос шахсиятимни кўрмагунингизча, маслаҳатларингизни қабул қилмайман. Шу боис, шахслараро мулоқот жараёнида самарали бўлишни истасангиз, эмпатик тинглаш маҳоратини эгаллашингиз керак бўлади. Бу маҳорат феъл-атворга асосланган бўлиб, самимийлик ва ишонч ниҳолига сув қуяди. Бундан ташқари, Ҳиссиёт банкида ҳисоб рақамлари очишингиз лозим. Бу қалблар ўртасидаги мулоқотни таъминлайди.

### ЭМПАТИК ТИНГЛАШ

«Аввало тушунишга, сўнгра тушунарли бўлишга интилиш» кўникмаси жуда чуқур Парадигма алмашинувиdir. Одатда биз тушунарли бўлишга интилимиз. Аксарият одамлар тушуниш учун эмас, балки шунчаки жавоб қайтариш учун тинглайди. Улар ё гапиради, ёки

гапиришга тайёргарлик кўради. Бундай кишилар ҳамма нарсага ўз парадигмалари орқали қараб, бошқаларнинг ҳаётига ўз таржимаи ҳолини жойлайди:

«Вой, айтаётгандарингиз менга жуда таниш!»

«Мен билан ҳам худди шундай бўлган эди. Келинг айтиб бераман».

Улар ўз ҳаётини доимий равишда бошқа одамларнинг хатти-харакатларида намойиш қилади; ҳаммага ўзининг шахсий кўзойнагини тавсия қилган офтальмологга ўхшайди.

Агар ким биландир – ўғил, қиз, турмуш ўрток, ишчи билан муаммога дуч келса, бундай инсонларнинг муносабати «Ўша инсон шунчаки мени тушунмайди!» қабилида бўлади.

Бир ота менга шундай шикоят қилган эди:

– Ўз ўғлини тушунмайман. У мени умуман тингламайди.

– Келинг аниқлаштириб оламиз, – таклиф билдиридим. – Ўғлингиз сизни тингламаётгани учун уни тушунмаяпсизми?

– Худди шундай.

– Яна бир бор сўрашга изн беринг. Демак, сизни ТИНГЛАМАЁТГАНИ учун ўғлингизни ТУШУНМАЯПСИЗМИ?

– Ҳа дедим-ку!

– Ўйлашимча, кимнидир тушунишингиз учун, аввало уни тинглаш зарур.

– Наҳотки? – деди сухбатдошим ажабланиб. Орага узоқ жимлик чўқди. – Аҳа! – деди у тилга кириб. – Аҳа! Лекин мен уни тушунаман, нималарни ҳис қилаётганини яхши биламан. Ўзим ҳам шунақа нарсаларни бошимдан ўтказгандман. Менга фақат бир нарса тушунарсиз: нега у мени тингламаяпти?

Фарзандининг бошига аслида нималар тушгани ҳақида бу одам заррача тасаввурга эга эмасди. У шунчаки ўз ўтмишига назар солди ва ўғлининг дунёсини англадим деб ўйлади.

### Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

Кўпчилигимиз худди шундай қадам ташлаймиз. Онгимизга ўзимизнинг тўғрилигимиз, ҳақ эканимиз, таржимаи ҳолимиз сингиб кетган. Биз тушунарли бўлишни истаймиз. Бошқалар билан мулоқотимиз умумий монологларга айланади: бизни тинглаётгандарнинг миясида аслида нималар ғужғон ўйнаётганини ҳеч қачон тушунмаймиз.

Тинглашнинг жами беш даражаси мавжуд. Биз ана шу беш даражанинг дастлабки тўрттасидан кўпроқ фойдаланамиз. Биринчи даражада, биз тингламасдан тўлиқ эътиборсиз қолдирамиз. Ёки ўзимизни худди эшитайдек қилиб кўрсатамиз: «Ҳа-ҳа... ҳа... Тўғри... Шуни айтинг...»

Галдаги даражаларда, биз «танлаб эшитамиз», яъни маълум воқеаларга кулок соламиз. Масалан, боғчага борадиган фарзандимизнинг тўлиқ нутқини тингламаймиз, фақат айрим қисмларига эътибор қаратамиз. Ёки дикқат билан тинглашимиз мумкин. Бунда суҳбатдошимизнинг оғзидан чиқаётган ҳар бир жумлага бор дикқатимизни берамиз. Бу даражаларнинг барчасини кундалик ҳаётимизда доим қўллаймиз, бироқ тинглашнинг энг юқори, бешинчи даражаси – ҳамдардлик, эмпатик тинглашдан камдан-кам фойдаланамиз.

Эмпатик тинглаш деганда, мен «фаол» ёки «рефлексив» тинглаш техникаларини, яъни бошқа инсоннинг гапларига монанд мимика кўрсатишимиизни назарда тутмаяпман. Фаол тинглаш – феъл-автор ва муносабатлардан айро бўлиб, кўпинча тинглаётган инсонимизни хафа қилиб кўяди. Бундай тинглаш жараёнида, ўз таржимаи ҳолимизни ўртага қўшиб кетишга тайёр турамиз. Биз тинглаймиз, лекин бундан мақсад жавоб қайтариш, назорат қилиш ва ўз йўригимизга солиш бўлади.

Эмпатик тинглаш деганда мен тушуниш мақсадида тинглашни назарда тутяпман. Чиндан ҳам тушунишга интилишга ишора қиляпман. Бу эса – бутунлай бошқа

парадигма.

Сиз эмпатик тингласангиз, ўзингизни сұхбатдошингиз ҳолатига қўйиб кўрасиз, атрофга унинг кўzlари билан боқасиз, дунёни унинг дунёкарашидан келиб чиқиб таҳлил қиласиз. Бунда сұхбатдошингизнинг парадигмасини тушунасиз, у нимани ҳис қилаётганини англайсиз.

Эмпатия – симпатиядан фарқ қиласиди. Симпатия, яъни ҳамдрадлик, келишувнинг баҳолаш шаклидаги кўринишидир. Баъзида у энг муносиб ҳиссиёт ва жавоб бўлади. Бироқ одамлар симпатияга жуда боғланиб қоладилар – бу уларни қарам қилиб қўяди. Эмпатик тинглашнинг моҳияти сұхбатдошингиз билан келишишингиз эмас, балки уни руҳий, ҳиссий ва ақлий жиҳатдан теран тушунишдир.

Эмпатик тинглаш шунчаки айтилётган сўзларни тушуниш ва акс эттиришдан иборат эмас. Мулоқот бўйича мутахассислар мулоқотнинг атиги 10 фоизи жумлалар орқали ифодаланади, 30 фоизи товушлар, 60 фоизи эса имо-ишоралар ёрдамида тақдим этилади дейди. Эмпатик тинглашда нафақат кулок, балки кўз ва юрак билан тинглаш ҳам мухимдир. Чунки сиз сўзловчининг ҳиссиётларини, хулқ-авторини тушуниш учун тинглайсиз. Бу жараёнда миянгизнинг факат чап эмас, ўнг яримшаридан ҳам фойдаланасиз. Сиз уни туясиз, ҳис қиласиз.

Эмпатик тинглаш жуда кучли; у сиз ҳақингизда аниқ маълумотларни етказиб беради. Унда сиз бошқа инсоннинг мияси ва юрагидаги воқелик билан юзлашасиз. Сизнинг мақсадингиз – тушуниш. Ўзга инсоннинг қалби билан чукур мулоқот қилишга диққат қиласиз.

Бундан ташқари, эмпатик тинглаш – ҳиссиёт банки ҳисоб рақамига депозитлар киритишнинг қалити, чунки бирор нарса депозит бўлиши учун, қабул қилувчи уни тан олиши керак. Ўзга инсонга чиндан нима мухимлигини тушунмасангиз, жонингизни жабборга бериб депозит яратишга уринишларингиз ҳавога учади.

Эмпатик тинглашнинг ўзи ҳиссиёт банки ҳисоб рақами

учун катта миқдордаги депозитдир. У инсонга психологик ҳаво бергани туфайли даволовчи характерга эга.

Хозир ўтирган хонангиздаги бор ҳавони чиқарып юборишиша, ўқиётган китобингизга нисбатан қизиқишилди? Албатта, йўқ. Китобни бутунлай унутасиз; ҳаводан бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламайсиз. Жон сақлаш ягона мақсадингизга айланади.

Хонангиз ҳаво билан тўла бўлса, жон сақлаш сизни қизиқтирмайди. Бу инсон мотивлари соҳасидаги энг катта тушунчалардан биридир: Қониқтирилган эҳтиёжлар мотивация бермайди. Қониқтирилмаган эҳтиёжларгина мотивация бера олади. Жисмоний омон қолишидан кейинги энг катта эҳтиёж – бу психологик омон қолишдир. Инсон руҳан тирик бўлиши учун, уни тушунишлари, қабул қилишлари ва қадрлашлари лозим.

Сұхбатдошингизни эмпатик тингласангиз, унга психологик ҳаво берасиз. Ушбу ҳаётий эҳтиёж қондирилгандан сўнг, таъсир ўтказиш ёки муаммони ҳал қилишга диққат қаратишингиз мумкин.

Психологик ҳавога нисбатан эҳтиёж ҳаётнинг ҳар бир соҳасидаги мулоқотга таъсир килади.

Мен бу концепцияни Чикагодаги семинарда кўллаб, иштирокчиларга эмпатик тинглашни ўргатдим. Эртаси куни тонгда бир киши ёнимга келди:

– Кеча кечқурун нима содир бўлганини айтишга ижозат берсангиз. Хуллас, йирик тижорат кўчмас мулк шартномасини кўлга киритишга ҳаракат қилаётгандим. Бу масала юзасидан директор, адвокатлар ва кўчмас мулк агенти, яъни рақобатчим билан кўришдим.

Ғолиб бўлишга имкониятларим жуда камдек кўринди. Бу келишув устида ярим йил ишлаб, бор-будимни шунга тиккандим. Мени ваҳима ва саросима босди. Кўлимдан келган ҳамма ишни қилдим – барча имкониятларни ишга солдим, ўзим билган барча савдо техникаларини кўлладим. Менда қолган ягона вариант «Қарорни бироз узайтира

оламизми?» деб сўраш эди. Бироқ иш шу даражада чўзилган эдики, улар тезроқ тугатишни хоҳлашарди. Мен боши берк кўчада эдим. Шунда миямга «Хўш, нега энди уриниб кўрмаслигим керак? Бугун дарсда ўргангандаримни амалда кўлласам-чи? Аввало тушунишга, кейин тушунарли бўлишга уриниб кўрсам-чи? Барibir, йўқотадиган хеч нарсам қолмади» деган фикр келди ва музокара олиб бораётган одамга: «Келинг, ҳозир позициянгизни, мен берган маслаҳат бўйича сизни нима ташвишга солаётганини қанчалик тўғри тушунганимни аниқлаштириб олайлик. Буни билганингиздан сўнг, таклифимни қайта кўриб чиқамиз».

Мен ўзимни унинг ўрнига кўйишга, унинг ҳолатига киришга уриндим. Унинг гаплари ва эҳтиёжларига диққатимни жамладим. У секин-асталик билан очилишини бошлади. Уни ташвишлантираётган нарсаларни, кутган натижаларини қанчалик кўп ҳис қилиб тасвирлаганим сари, у тобора очилиб борди.

Ахийри, сухбатнинг ярмида у ўрнидан турди, рафиқасига кўнфироқ қилди. Кўли билан микрофонни ёпиб, менга қараб пичирлади: «Иш сизники». Мен бутунлай карахт бўлиб қолдим, – давом этди сухбатдошим. – Ҳалигача ўзимга келолмаяпман.

У мижозини психологик кислород билан таъминлади ва шу билан бир қаторда ўзининг «Ҳиссият банк»ини тўлдирди. Шундай вактлар бўладики, инсоннинг динамиклиги шартноманинг техник жиҳатларидан кўра мухимроқдир.

Аввал тушуниш, кейин тушунарли бўлиш, олдин ташхис қўйиб, сўнг рецепт ёзиб бериш – осон эмас. Анча йиллардан бери ўзингиз такиб келган кўзойнакни бирорнинг кўлига тутқазиш анча енгилроқ.

Бироқ бу узоқ муддатли муносабатларда Таъминот ва Таъминот воситасига путур етказади. Бошқа инсонларни тўғри тушуммай, максимал ўзаро боғлиқ таъминотга эришиб

## Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

бўлмайди. Агар инсонларда уларни тушунганликлари ҳақида ҳис пайдо бўлмаса, «Хиссиёт банк»ида катта микдорда депозитга эга бўлишнинг иложи йўқ.

Эмпатик тинглаш, шунингдек, хатарли ҳамдир. Чинакам теран тинглаш учун хотиржамлик захираси керак, сабаби бу жараёнда сиз юрагингизни очасиз ва бегона таъсирни қабул қиласиз. Сиз заиф бўлиб қоласиз. Қайсиdir маънода бу ҳақиқий парадокс: таъсир этиш учун авваламбор таъсирланиш керак. Яъни кимгадир таъсир ўтказмоқчи экансиз, уни чиндан ҳам тушунишингиз лозим.

Шу боис, биринчи, иккинчи, учинчи кўunikмалар феъл-автор пойдевори ҳисобланади. Улар сизни ташқи заифлигингизни хотиржам қабул қилиш учун зарур бўлган ички марказ, тамойил маркази билан таъминлайди.

### РЕЦЕПТ ЁЗИШДАН ОЛДИН ТАШХИС ҚЎЙИНГ

Хатарли ва қийин бўлса-да, аввало тушунишга интилиш – ҳаётнинг кўплаб соҳаларида намоён бўладиган тўғри тамойилдир. У ҳақиқий мутахассислик белгисидир; окулистга ҳам, терапевтга ҳам бу тамойил жуда зарур. Ташхисга ишончингиз бўлмагунча шифокорнинг рецептига ишона олмайсиз.

Икки ойлик қизимиз Женни касал бўлиб қолди. Ўшандо шанба – туманимиздаги ҳар бир шахс муккасидан кетган футбол куни эди; стадионга олтмиш минг киши йигилганди. Сандра иккимиз футболга бормоқчи эдик, бироқ жажжи Женнини ташлаб кетиш мумкин эмасди. У қайт қиласиз ва ичи кетарди; биз қаттиқ хавотирда эдик.

Шифокор ҳам стадионда эди. У бизнинг оиласидан шифокоримиз эмасди, бироқ дам олиш кунлари айнан у чақиривларга жавоб берар эди. Женнининг аҳволи янада ёмонлашганидан сўнг, мутахассис маслаҳатисиз уни даволашнинг иложи йўқлигини тушундик.

Сандра стадионга қўнғироқ қилиб, шифокорни телефонга чақиришларини сўради. Ўйинда салбий вазият ҳукмрон эди ва шифокорнинг овозидан буни сезиш

қийинмасди.

– Эшитаман? – деди у асабий равища. – Ким гапиряпти?

– Бу миссис Кови, бизни қизимиз Женнининг аҳволи хавотирга соляпти.

– Унга нима бўлди?

Сандра симптомларни тушунтириб берди. Уни тинглагач, шифокор деди:

– Яхши. Ҳозир рецепт айтаман. Қайси дорихона сизга ҳизмат кўрсатади?

Сандра телефонни қўйди. У барча симптомларни айтмаган бўлса-да, умумий ҳолатни тушунтириб бера олдим деб ўйлаганди.

– Доктор Женнини янги туғилган чақалоқ эканини тушундимикан? – деб сўрадим.

– Шундай бўлса керак.

– У бизнинг шифокор эмас, Женнини ҳеч қачон кўрмаган.

– Ўйлашимча, у ҳаммасини тўғри тушунди.

– Бироқ, ўзинг ҳам юз фоиз ишонмаяпсан-ку?

Сандра ўйланиб қолди.

– Энди нима қиласиз?

– Унга яна бир бор қўнғироқ қиласиз.

– Ўзингиз қўнғироқ қилинг, – деди рафиқам.

Мен қўнғироқ қилдим. Шифокорни яна бир бор ўйиндан чалғитишиди.

– Доктор, сиз дорихонага қўнғироқ қилганингизда Женни икки ойлик чақалоқ эканини билардингизми?

– Йўқ, албатта! – хитоб қилди у. – Яхшиям қўнғироқ қилдингиз! Ҳозироқ кўрсатмамни ўзгартираман!

Кўриб турганингиздек, ташхисга шубҳалансангиз, рецептни қабул қила олмайсиз.

Бу тамойил савдо соҳасига ҳам тўғри келади. Ишнинг кўзини биладиган сотувчи аввалига мижоз эҳтиёжини тушунади ва харидорнинг ҳолатига тушиб кўради. Ҳаваскор

### ШІКСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

сотувчи маҳсулотини сотади, профессионал эса – муаммони ечади. Бу умуман бошқача ёндашув. Профессионал мутахассис ташхис қўйиш, яъни мижозни тушуниш қобилиятига эга бўлади. У инсонларнинг эҳтиёжлари, маҳсулот ҳамда хизматлари орасидаги боғликларни ҳис қиласи ва шу сўзларни айтишга журъат топа олади: «Менинг маҳсулотим (ёки хизмат) сизга тўғри келмайди».

Рецептдан олдин ташхис қўйиш тамойили хукуқ соҳасида ҳам муҳимдир. Профессионал хукуқшунос суд ишини тайёрлашдан олдин вазиятни тушуниш учун фактлар тўплайди.

Бу тамойилни маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам кўлласа бўлади. Компаниянинг қайсиdir бир ходими: «Харидорлар ўртасида сўровнома ўтказиши – вақтни ҳавога совуриш билан баробар. Бунинг ўрнига маҳсулот ишлаб чиқариш керао», – дейишини тасаввур қила оласизми? Бошқача айтганда, харидорларнинг согиб олиш кўникмалари ва максадларини тушунишга ҳаракат қилманг – шунчаки маҳсулот ишлаб чиқаринг! Шу йўсинда ишловчи компаниялар инқирозга учраши табиий.

Яхши мухандис кўприкни лойиҳалашдан аввал кучлар, ишдаги стресслар ҳакида тасаввур қилиб кўради. Тажрибали ўқитувчи аввал ўқувчилар билан танишади, шундан кейин ўқитишни бошлайди. Ақлли абитуриент ҳужжат топширишдан аввал барча университетларни ўрганиб чиқади. Яхши ота-она аввал вазиятни ўрганиб, сўнг муҳокама қиласи. Тушуниш – тўғри хулоса қалитидир. Баҳо беришга шошсангиз, вазиятни тўғри тушуна олмайсиз.

Аввало тушуниш, сўнг тушунарли бўлишга интилиш – ҳаётнинг ҳар жабҳасига мос келувчи тўғри тамойил бўлиб, шахслараро муносабатларда катта кучга эга.

### ТАРЖИМАИ ҲОЛГА АСОСЛАНГАН ТЎРТ РЕАКЦИЯ

Таржимаи ҳолга асосланиб тинглар эканмиз, қуйидаги тўрт реакциядан бирига мойил бўламиз. Биз баҳолаймиз – сўзловчининг фикрига қўшиламиз ёки қўшилмаймиз; биз

тергов қиласыз – сүзловчига ўз тажрибамизга асосланиб саволлар берамиз; биз маслаңат берамиз – сүзловчига ўз тажрибаларимиздан келиб чиқиб маслаңат берамиз; биз талқын қиласыз – ўз хулқ-атворимиз ва мотивларимиз асосида суҳбатдошимизга унинг хатти-харакатлари ва мотивларини тушунтиришга уринамиз.

Бу каби реакциялар ўз-ўзидан пайдо бўлади. Биз шундай дастурланганмиз; ҳамиша шу реакцияларга ўралашиб яшаймиз. Хўш, улар инсонларни чинакам тушунишимиизга қандай таъсир қиласы?

Мулоқот жараённада, фикрларини ҳали тушунтиришга улгурмаган ўғлимга баҳо бериб кўйсам, у очиқ мулоқотта кириша оладими? Ўғлимга психологик ҳаво бераманми? Агар тергов қилсан, ўзини қандай ҳис қиласы? Тергов қилиш бирданига йигирмата саволни ёғдиришга ўхшайди. Тергов қилиш – сүзловчини назорат қиласы ва босим ўтказади. У, шунингдек, мантиқийдир. Мантиқнинг тили эса ҳис-туйғулар тилидан фарқ қиласы. Сиз кун бўйи йигирмата саволни айлантириб ўтиришингиз мумкин, барибир суҳбатдошингизни нима қийнаётганини тушуна олмайсиз. Доимий тергов – ота-она ва фарзандлар нега дўстлаша олмаслигининг асосий сабабларидан биридир.

- Ўғлим, қалайсан?
- Яхши.
- Нима янгиликлар?
- Тинчлик.
- Мактабинг қалай?
- Ўзига яраша.
- Дам олиш кунлари нима қилмоқчисан?
- Билмайман.

Фарзандингиз телефонда дўстлари билан гаплашаётганда оғзи тинмайди. Бироқ сизнинг саволларингизга келгандай, жавобларни оғзидан суғуриб оласиз гўё. Сизнинг уйингиз меҳмонхона, фарзандингиз бу ерда фақат овқатланади ва ухлайди, ҳеч қачон фикр ва ҳисларини сиз билан баҳам

### ШАСЫРЫМДАУ

### ШІКСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

күрмайди. Лекин қандай баҳам күрсін? Ахир боланғыз ҳар сафар оғиз жуфтілаб, муаммолари ҳақида ниманидір гапиришни бошлаши билан, «Мен сенға айтгандым-ку!» қабилиціда ўз ҳаётингиздан келиб чиқсан ҳолда маслағаттар ёғдирасиз.

Бу каби реакция қон-қонимизга сингиб кетғанки, ўзимиз ҳам сезмаймиз. Мен бу концепцияни мамлакат бүйлаб ўтказған семинарларимда қатнашған мінглаб инсонларға ўргаттынман. Қатнашувчилар ўз реакцияларини таҳлил қилиб, шокка тушади. Лекин аста-секін эмпатия билан тинглашни ўрганиб борар экан, доимий реакция ва эмпатик тинглаш ўртасидаги фарқни аңглаб, мұлоқот жараёнида катта ютуқларға ерішади. Күпчилик учун аввало тушуниш етти күнімдіннег әңг ажойиб, әңг осон турига айланади.

Келинг, ота ва ўғыл ўртасидаги аńданавий суҳбатни күриб чиқамиз. Отанинг сўзларини тўртта реакция нұктай назаридан сархисоб қилинг:

– Э Худо, дада, ҳаммаси бўғзимга келди! Бу мактаб аҳмоклар учун.

– Нима бўлди, ўғлим? (тергов қилиш)

– Ҳаммаси дабдала. Мактабдан бир тийинлик фойда йўқ.

– Биласанми, сен фойдани ҳали кўрганинг йўқ. Сенинг ёшингда эканимда менда ҳам худди шундай бўлганди. Мен ҳам ўқишни бекорга вақт сарфлаш деб ўйлардим. Хуоса қилишга шошилма. Яна бироз сабр қил. (маслаҳат бериш)

– Мен ўн йилдан бери сабр қиласман! Сиз менга « $x+y$ » формуласи автомеханик бўлишимга қандай ёрдам беришини тушунтириб бера оласизми?

– Автомеханик? Ҳазиллашыпсанми? (баҳо бериш)

– Йўқ. Жога қаранг. Ў мактабни ташлади ва автомобиль таъмирлаш билан шуғулланяпти. Мўмай пул ишляяпти. Мана буни амалиёт десса бўлади!

– Ҳозир шундай кўриниши мумкин. Бироқ бир неча

йиллардан сўнг Жо ўқишидан кетганига афсусланади. Сен автомеханик бўлмайсан. Жиддийроқ қасбни эгаллашинг учун яхши таълим олишинг зарур. (маслаҳат бериш)

– Билмадим. Жо жуда мамнун.

– Кулоқ сол, ўғлим, сен ўқишига ҳаракат қилдингми? (баҳолаш, тергов қилиш)

– Икки йилдан бери шу ердаман. Албатта, ҳаракат қилганман. Аммо бари бекор.

– Бу обрўли мактаб. Уларга бироз адолатли бўл. (маслаҳат бериш, баҳолаш)

– Бошқа болалар мен каби фикрда.

– Онанг билан қанча курбонликлар қилганимизни биласанми? Ҳаммасини ҳавога совурмоқчимисан? (баҳолаш)

– Кўп курбонликлар қилганингизни биламан. Бироқ бари беҳуда.

– Кулоқ сол, ўғлим, балки сен телевизор қарписида камроқ бўлиб, кўпроқ шуғулланарсан... (маслаҳат бериш, баҳолаш)

– Кўйинг, дада. Майли. Бу ҳакда бошқа гашлашишни хоҳламайман.

Ота барчаси яхши бўлишини истади, албатта. Ёрдам беришга ҳаракат қилди. Бироқ у ўғлини тушундими?

Энди ўғилни диққат билан тинглаймиз. Сўзларига эмас, балки фикрларига (пастда баён қилинган) ва отасининг таржимаи ҳолдан келиб чиқсан реакциясининг унга таъсирига қараймиз.

– Э Худо, дада, ҳаммаси бўғзимга келди! Бу мактаб аҳмоқлар учун. (Мен сиз билан бўлишмоқчиман, сизнинг эътиборингизни истайман.)

– Нима бўлди ўғлим? (Сиз қизиқяпсиз!)

– Ҳаммаси дабдала. Мактабдан бир тийинлик фойда йўқ. (Мактабимда муаммо бор. Мен ўзимда эмасман.)

– Биласанми, сен фойдани ҳали кўрганинг йўқ. Сенинг ёшингда эканимда менда ҳам худди шундай бўлганди. (Э

### Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

Худо! Отамнинг мемуаридан учинчи боб бошланяпти! Мен умуман буни назарда тутганим йўқ! Қорда оёқ кийимсиз мактабга бориш учун неча километр босиб ўтганининг менга нима қизиги бор? Менинг ўз муаммоларим бор). Мен ҳам ўқиши бекорга вакт сарфлаш деб ўйлардим. Хулоса қилишга шопшилма. Яна бироз сабр қил. (Вақтнинг нима алоқаси бор? Қанийди ҳаммасини борича тушунтира олсан! Юрагимда борини очиқ айтсан!)

— Мен ўн йилдан бери сабр қиласман! Сиз менга « $x+y$ » формуласи автомеханик бўлишимга қандай ёрдам беришини тушунтириб бера оласизми?

— Автомеханик? Ҳазиллашяпсанми? (Мен автомеханик бўлсан, унга ёқмаган бўларди. Мактабдан воз кечсан, у хафа бўлади. Ўз фикримни ишончлироқ тушунтиришим керак.)

— Йўқ. Жога қаранг. У мактабни ташлади ва автомобилларни таъмиглаш билан шуғулланяпти. Мўмай пул ишлайпти. Мана буни амалиёт деса бўлади.

— Ҳозир шундай кўриниши мумкин. Бироқ бир неча йиллардан сўнг Жо ўқищдан кетганига афсусланади. (Э Худо! Таълимнинг аҳамияти ҳақида ўн олтинчи маъзуза бошланади!) Сен автомеханик бўлмайсан. (Қаёдан биласиз, дада? Нимани хоҳлаш им ҳақида бирор фикрга эгамисиз?) Жиддийроқ касбни эгаллашинг учун яхши таълим олишинг зарур. Таълим олишинг ва ҳаётда яхшиларга эргашишинг керак.

— Билмадим. Жо жуда мамнун. (У омадсиз эмас. У мактабни ташлади – лекин омадсиз бўлиб қолмади.)

— Кулоқ сол, ўғлим, сен ўқишига астойдил ҳаракат қилдингми? (Бекорчи нарсаларга ўтиб кетдик, дада. Қанийди эшитганингизда, жуда муҳим нарса ҳақида сўзлаб бермоқчи эдим).

— Икки йилдан бери шу ердаман. Албатта, ҳаракат қилганман. Аммо бари бекор.

— Бу обрўли мактаб. Уларга бироз адолатли бўл.

(Ажойиб! Энди адолат ҳақида вәзэ эшитаман).

— Башқа болалар мен каби фикрда. (Мана, фикрдошларим бор, мен жинни эмасман.)

— Онанг билан қанча қурбонликлар қылганимизни биласамми? (Оббо, энди мени айбдор ҳис қылдирмоқчимисиз? Балки чиндан ҳам жиннидирман. Мактаб зүр. Ойим билан дадам зүр. Битта мен жинниман.) Ҳаммасини ҳавога совурмоқчимисан?

— Күп қурбонликлар қылганингизни биламан. Бирок бари бехуда.

— Эшит ўғлим, балки сен телевизор қаршисида камрок ўтириб, күпроқ шуғулланарсан... (Гап ундамас! Умуман ундамас. Йүк, сиз мени ҳеч қачон тушунмайсиз. Келиб-келиб сизга гапирдимми...)

— Кўйинг, дада. Майли. Бу ҳақда бошқа гаплашишни хоҳламайман.

Кўрдингизми, инсонни тушуниш учун фақатгина сўзларга таянсак, ўзимизни чегаралаймиз, айниқса, унга ўз кўзойнагимиз орқали қараганимизда. Таржимаи ҳол реакциямиз қанчалик чегараланганига гувоҳ бўлдингизми?

Агар эмпатик тинглашни ўзингизга сингдириб, «Хиссиёт банк»ида ҳисоб рақами очмас экансиз, бошқа инсон ҳолатига ўзингизни ҳеч қачон кўйиб кўра олмайсиз, ҳаётни унинг кўзлари билан кўролмайсиз.

Эмпатик тинглаш маҳоратини айсберг деб олсак, унинг кўриниб турган чўққисига чиқиши учун тўрт босқични босиб ўтиш керак:

Биринчи босқич – мимикадан иложи борича камроқ фойдаланиш. Мимика – «фаол» тинглаш белгиси ҳисобланади. У баъзан сўзловчини қаттиқ ранжитиши мумкин. Нима бўлса ҳам, у тинглашнинг биринчи босқичи саналади, чунки тинглашингизга сабаб бўлади. Мимика ёрдамида ҳаракатланиш унчалик ҳам қийин эмас. Бунда миянгиздан деярли фойдаланмайсиз.

— Э Худо, дада, бари бўғзимга келди! Бу мактаб

аҳмоқлар учун.

– Сенинг бўғзингга келган. Сен мактабни аҳмоқлар учун деб ҳисоблаяпсан.

Сиз фақатгина айтилганни қайтардингиз. Баҳоламадингиз, тергов қилмадингиз, маслаҳат бермадингиз ёки талқин қилмадингиз. Шунчаки, сўзловчига эътибор қилаётганингизни ифодаладингиз. Лекин уни тушуниш учун бу етарли эмас.

Эмпатик тинглашнинг иккинчи босқичи айтилган жумлалар мазмунини такрорлаш бўлиб, у нисбатан самаралироқ, бироқ барибир оғзаки мулоқот билан чекланади.

– Э Худо, дада, бари бўғзимга келди! Бу мактаб аҳмоқлар учун.

– Сен энди мактабга боришни хоҳламайсан.

Бу сафар сиз мазмунни ўз сўзларингиз билан ифодаладингиз, асосан, миянгизнинг чап яримшари, мантикий тарафини ишга солиб, эшитганларингиз ҳақида ўйлаяпсиз.

Учинчи босқичда ўнг миянгиз ишга тушади. Сиз хиссиётларни акс эттирасиз.

– Э Худо, дада, бари бўғзимга келди! Бу мактаб аҳмоқлар учун.

– Қаттиқ жаҳлинг чиққанга ўхшайди.

Бу босқичда сиз сўзловчининг нима деётганига эмас, нимани ҳис қилаётганига дикқат қиласиз.

Тўртингчи босқич эса иккинчи ва учинчи босқични ўз ичига олади. Сиз тинглаётган фикрларингизни мазмунан ўз сўзларингизда ифодалайсиз ва сўзловчи бошидан ўтаётгандарни ҳис қиласиз.

– Э Худо, дада, бари бўғзимга келди! Бу мактаб аҳмоқлар учун.

– Мактабдан жуда жаҳлинг чиқяпти.

Жаҳл чиқипши – хиссиёт, мактаб – мазмун. Мулоқотнинг икки томонини тушуниш учун миянгизнинг ҳар икки шарий

бирдек ишләяпти.

Эмпатик тинглашнинг тўртинчи босқичидан фойдаланганда содир бўладиган ҳолатни мўъжизага қиёслаш мумкин. Самимий тарзда тушунишга уриниб, мазмун ва хиссиятларни акс эттириб, сұхбатдошингизни психологик ҳаво билан таъминлайсиз. Шунингдек, унга шахсий фикрлари ва ҳисларини тартибга солишига ёрдам берасиз. Қалби ва онгидагилар орасидаги тўсиқ йўқ бўлади. Сұхбатдошингиз қалбини очади. У эндиликда бошқа нарсани ўйлаб, бошқа нарсани ҳис қилмайди. Яна озгинадан кейин у энг ички ҳислари ва фикрлари билан бўлишишни бошлайди.

– Э Худо, дада, бари бўғзимга келди! Бу мактаб аҳмоқлар учун. (Мен сиз билан гаплашмоқчиман, эътиборингизни тортмоқчиман.)

– Мактабдан жуда жаҳлинг чиқяпти. (Ҳа-ҳа! Мен айнан шуни ҳис қиляпман!)

– Албатта. Ундан ҳеч қандай фойда йўқ.

– Тушунаман. У сенга ҳеч нарса бермаётгандек туюляпти. (Тўхтанг. Шундай демоқчи эдимми?)

– Ҳа-ҳа. Ҳаётда керак бўладиган ҳеч нарса ўрганмаяпман. Жога қаранг. У мактабни ташлади ва автомобиль таъмири билан шуғулланяпти. Мўмай пул ишләяпти. Мана буни ҳақиқий амалиёт деса бўлади!

– Сенингча, Жо тўғри иш қилдими? (Яхши...)

– Қайсиdir маънода, ҳа. Ҳозир у ҳақиқатан ҳам кўп пул ишләяпти. Кўрқаманки, бир неча йилдан сўнг у бармоғини тишлаб қолади.

– Пушаймон бўлади деб ўйлайсанми?

– Шундай бўлади. Ахир у мактабни ташлади. Айтмоқчиманки, агар таълим олмасангиз, ўз ўрнингизни тополмайсиз.

– Таълим энг муҳим омиллардан бири.

– Ҳа. Агар мактабни битирмасангиз, шаҳодатнома олмайсиз, шаҳодатнома бўлмаса, ишга ёки университетга

### Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

киролмайсиз. Шунда нима қиласиз? Таълим олишингизга тұғри келади.

– Бу келажагинг учун мұхим.

– Албаттa. Вa... биласизми нимa, дадa... Мeн чиндан ҳам хавотирдаман. Бu ҳaқda oйimga aйтманг. Xүпми?

– Oйинг иккиланишинг ҳaқida билишини истамайсан.

– Унчаликмас. Умуман, aйтсангиз ҳам bўлади. Барибир билиб олади-ку. Bугун назорат иши бор эди ва менга тўртинчи синфдагилардек ўқишимни айтишди. Тўртинчи синф! Bитиришимга бир йил қолди-ку!

Чинакам тушуниш қанчалик катта аҳамиятга эга! Muамmoning илдизига етиб бормасак, куруқ яхши маслаҳат билан вазият тұғриланиб қолмайди! Bиз эса илдизни топишга ҳaракат қилмаймиз, ўз таржимai ҳолимиз, парадигмаларимиз ичидa адашиб юраверамиз, кўзойнагимизни олиб ҳaётta бошқa кўз билan қaрапни истамаймиз.

– Dадa, менимча, имтиҳондан ўтолмайман. Шундай экан, балки мен эртароқ коллeжни ташларман? Lекин ундай қилгим келмаяпти.

– Ҳa, сенга осон эмас!

– Нимa қилсам bўлади, дадa?

Тушунишга интила туриб, бу отa ўзи учун имконият яратди. У шунчаки юзаки сұхбатлашишдан воз кечиб, нафақат ўғлига, балки ўзарo муносабатларигa ҳam ижобий таъсиr этадиган вазият яратди; таржимai ҳолини бир четта кўйиb, самимий тарзда тушунишга уринди, шu орқали «Ҳиссиёт банк»ига сармоя киритди ва ўғлига ўзини ўйлантираётган муаммоларни очишига имконият берди.

Энди отa ва ўғил ўз фикрларини ҳимоя қилмайди, аксинча, muамmoni ҳal этишга биргалиқда уринади. Bola ўзи muамmolarini отасига гапириб беряпти ва маслаҳат сўрайпти.

Ota эса маслаҳат беришдан аввал, худди аввалларидағи каби ўғлининг ҳолатини тушунишга уриняпти. Жавоблар

мантиқий экан, савол сұраб, маслаңат берса бўлади. Бироқ хиссиётлар бошланиши билан, эмпатик тинглашга қайтиш керак.

- Менда сени қизиқтира оладиган маълумотлар бор.
- Нима экан, дада?
- Ўқишингта ёрдам бериш учун. Техника мактабида маҳсус дастур борга ўхшайди.
- Мен маълумот йигиб бўлдим – улар ҳафтасига икки марта бўлиб, шанбада кунбўйи шуғулланишар экан. Кўп!

Хиссиёт ошаёттанини ҳис қилиб, ота эмпатик тинглашга ўтади:

- Ҳа, бу кўп.
- Бундан ташқари, олтинчи синфдаги болаларга етакчилик қиласман деб ваъда бергандим.
- Албатта, уларнинг умидини пучга чиқариб бўлмайди.
- Бироқ, биласизми, дада... Агар кўшимча дарслар ҳақиқатан ҳам ёрдам беришига ишонганимда, ҳар кун бўлса-да, қатнардим. Олтинчи синфларга бошқа одам етакчилик қилишини сўрардим.
- Сен ёрдамга муҳтоҗсан, бироқ бу дастур ёрдам беришига иккиласяпсан.
- Сизнингча, ёрдам берармикан?

Ўғил яна очилди. Ўзи истаб отасининг шахсий тажрибаси ва фикрига юзланяпти. Ота вазиятни ўзгартириб, ўғлига таъсир этиш учун ажойиб имкониятга эга.

Баъзида, ортиқча ҳаракат ва ёрдамнинг ҳам кераги бўлмайди. Инсонларга юрагида борини тўкиб солишига имкон берилгач, уларнинг кўзи очилади ва ўзи тўғри холосага келади.

Бироқ баъзида шундай ҳоллар бўладики, улар кўшимча маълумот ва ёрдамга муҳтоҷ бўлади. Асосийси – уларга самимий яхшилик тилаш, эмпатик тинглаш ва табиий равишда ўз муаммолари илдизига кириб боришига кўмаклашишдир.

Азоб чекаётган инсонларни самимий тингласангиз, улар

### ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

юракларини қанчалик тез очишларини күриб, ҳайратда қоласиз. Болалар юракларида борини тұқиб солишини яхши күрадилар – айниңса, ота-оналарига. Бу улар самимийликни ва сүзсиз мұхаббатни ҳис этганды, ота-она ҳеч қачон уларни мұхокама ёки мазах қылмаслыгини билганды содир бўлади.

Агар сиз иккюзламачилик қылмасдан, ғайр ниятлариз тушунишга уринсангиз, сўзловчидан сиз томон оқиб келаётган асл билим ва тушунишни күриб ҳайратга тушасиз. Баъзан шундай бўладики, сўзсиз мулоқот курасиз. Шунинг учун, ўзгани тинглашда фақат битта техникага суюниб қолмаслик керак. Техниканинг ўзигина самарали мулоқотни таъминлай олмайди.

Эмпатик тинглаш маҳорати масаласига алоҳида тўхтадим, чунки у ҳар қандай кўникманинг мұҳим унсуридир. Лекин биздаги маҳорат самимий тушуниш истаги билан мустаҳкамланмаган бўлса, фойда бермайди. Инсонлар алдамчи хатти-ҳаракатдан норози бўлади. Энг яқин инсонлар билан мулоқотда ҳам, нима қилаётганингиз ҳақида айтиш фойдадан холи бўлмайди.

«Мен эмпатия ва тинглаш ҳақида китоб ўқиб, сен билан муносабатларимиз ҳақида ўйланиб қолдим. Тушундимки, сени керагича тингламаган эканман. Бироқ энди тинглашни истайман. Бу осон эмас. Балки баъзида портлаб кетарман, лекин ўз устимда ишламоқчиман. Ахир сени яхши кўраман ва тушунишни хоҳлайман. Умид қиласманки, менга ёрдам берасан». Бу мотивингиз қабул қилинса, Ҳиссиёт банки учун катта депозит бўлиб хизмат килади.

Аммо самимий эмас экансиз, яхшиси бунга ҳаракат қилманг. Бу очиқлик ва заифликка сабаб бўлади. Кун келиб, шеригингиз уни яхши кўрмаганингизни, тушунишни истамаганингизни сезиб қолса, қаттиқ ранжийди. Айсбергнинг устки қисми мулоқот бўлса, остки қисми феъл-автордир. Демак, мулоқотингиз феъл-авторингиздан келиб чиқиши лозим.

Айримлар эмпатик тинглаш вақтни чўзишидан норози

бўлади. Бошида шундай бўлиши мумкин, кейин эса вақтингизни анча тежайди. Шифокор сифатида, тўғри рецепт ёзишнинг энг яхши усули – тўғри ташхис қўйишдир. «Мен шошяпман, сизга ташхис қўйишга вақтим йўқ, мана дорилар рўйхати», – дея олмайсиз-ку ахир.

Гавая, Оахунинг шимолий соҳилида яшаб юрган пайтимиизда юз берган бир воқеани эслайман. Ўшанда, кабинетимда китоб устида ишлаётгандим. Енгил шамол эсарди; тоза ҳаводан баҳра олиш учун хонанинг қарама-қарши тарафидаги ойнани очдим. Катта ёзув столи устида боб-боб кўлёзмалар ётарди. Тўсатдан сал кучлироқ шамол бўлди ва қофозлар хона бўйлаб сочилиб кетди. Бирданига кучли ғазаб ва йўқотиш ҳиссини туйдим; ахир қофозлар рақамланмаганди ҳам. Ваҳима ичида, шошганча хона бўйлаб кўлёзма варакларни йиғишишга тутиндим. Ҳаракатим кўп ҳам самара бермади; шамол эсгани сари қофозлар хона ичида баттар сочилиб кетарди. Шунда, ўн сонияни қизғанмасдан, битта ойнани ёпишим кераклигини тушуниб етдим.

Эмпатик тинглаш маълум вақт талаб қиласди. Лекин бу тушунмовчиликлар ва хатоларни тўғрилашга кетадиган вақтдан бир неча баробар кам бўлади.

Эмпатик тингловчи нималар бўлаётганини дарҳол англаб, тушуниш ва қабул қилишни бошлиайди. Натижада ўзга инсонлар уларга ҳеч иккиланмай қалбини очади ва муаммонинг асл илдизини ошкор қиласди.

Инсонлар тушунарли бўлишни истайди. Бунга эришиш учун сарфлаган вақтингиз кун келиб кўпроқ наф беради. Муаммо ва масалаларни аниқ тушунганингиз, Ҳиссиётлар банкидаги ҳисоб рақамингизда етарли маблағ борлиги туфайли, сўзловчи ҳам сизни чуқур тушунади.

### ТУШУНИШ ВА ИДРОК ЭТИШ

Бошқа кишиларни чинакамига тинглашни ўрнар экансиз, идрок этиш борасидаги катта фарқларга гувоҳ бўласиз. Шунингдек, ушбу фарқларнинг шахслараро

### Ш КИСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

муносабатларга күрсатажак таъсири сизни ҳайрон қолдиради.

Биз дунёни турлича идрок этамиз.

Сиз ёш қизни күрасиз; мен эса қари аёлни. Иккимиз ҳам ҳақ бўлишимиз мумкин.

Сиз ҳаётингиз марказига турмуш ўртоғингизни, мен эса пулни қўйишмиз мумкин.

Сизда серобчилик, менда эса етишмовчилик менталитети шаклланган бўлиш эҳтимол.

Сиз муаммоларга образли, ҳиссиётларга суюнган ўнг миянгиз орқали ёндашсангиз, мен аналитик хусусиятта эга чап яримшардан фойдаланаарман.

Иккимизнинг идрокимиз бир-биридан тубдан фарқ қилиши мумкин. Шунга қарамай, иккимиз ҳам йиллар давомида ўз парадигмаларимизни «факт» сифатида кўрганмиз, бизнига ўхшамайдиган парадигмаларга шубҳа билан қараб келганимиз.

Шунча фарқларга қарамай, муайян нитажаларга эришиш йўлида – оилада, жамоада, ишда сиз билан бирга ишлашга ҳаракат қиляпмиз. Хўш, бунга қандай эришамиз? Қандай қилиб ўз парадигмамиз чегарасидан чиқиб самарали мuloқотда бўламиз, қай тарзда ютуқ-ютуққа эришамиз?

Бу саволга жавобни бешинчى кўникма беради. У – ютуқ-ютуқ жараёни учун даствабки қадам. Бошқа инсонда буткул ўзгача ҳаётий фалсафа бўлса ҳам, аввало уни тушунишга интилинг.

Бу тамойил бир бошқарувчига катта ёрдам берган ва у бошидан кечирган тажрибасини мен билан ўртоқлашганди:

«Мен ишлаётган кичикроқ бир компания йирик миллий банк ташкилоти билан шартнома имзолаш арафасида эди. Ташкилот келишув музокаалари учун бизга саккиз кишидан иборат гуруҳни юборди; гуруҳ таркибида Сан-Францискодан адвокатлар, йирик банклар президентлари ва Оҳаёлик музокарачи бор эди. Менинг компаниям ютуқ-

ютуқ ёки музокарани бекор қилиш тамойили бўйича иш олиб боришга қарор қилди. Биз хизмат сифатини ва даромадни кўтармоқчи эдик, бироқ йирик ташкилотнинг талаблари хикилдоғимизга келганди.

Компаниямиз президенти: «Сизнинг қизиқиши ва талабларингизни аниқ тушунишимиз учун ўзингиз истаган усулда шартнома ёзишингизни сўраймиз. Биз уни таҳлил қиласиз, шундан кейингина хизмат қиймати ҳақида гаплашамиз», – деди.

Музокара вакиллари шартнома матнини ўзлари тузишини эшитиб ҳайрон қолди. Орадан уч кун ўтди. Улар сўралган шартнома матнини тақдим этди. Бизнинг президент: «Келинглар, энди сизларнинг эҳтиёжларингизни биз қандай тушунишимиз ҳақида аниқлик киритсак», – деди. Ва у шартномани бандма-банд, бироқ ўзининг сўзлари билан, таъсири ва ишончли қилиб, улар ўзига нима кераклигини тушунгунинг қадар изоҳлади. Қарама-қарши тарафдан: «Ҳа. Тўғри. Йўқ, умуман бундай эмас, биз буни назарда тутмаган эдик. Ҳа, энди тўғри!» каби сўзлар эшитилиб турарди.

Ташкилотнинг талаб ва истакларини тўлиқ тушунгач, президентимиз ўз нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, айрим муаммоларни тушунтириди ва улар дикқат билан тинглади. Улар тинглашга тайёр эди. Энди психологик ҳаво учун курашишлари шарт эмасди. Келишув бошидаги ўта расмий, ишончсиз, деярли душманона руҳдаги кайфият янгишаниб, синергия учун ажойиб муҳит яратилганди.

Муҳокамани тугатгач, ташкилот аъзолари хулоса сифатида шундай деди: «Сиз билан ишлашни истаймиз. Келишувга мутлақо розимиз. Нархини айтинг, шартномани имзолаймиз».

Аввало тушунишга, сўнгра тушунарли бўлишга интилинг. Қандай қилиб тушунарли бўлишни билиш бешинчи кўнкиманинг иккинчи ярми бўлиб, у ютуқ-ютуқ ечимини топишга ёрдам беради.

Олдинрок «егуклик – жасурлик ва эътибор мувозанати» деган эдик.

Тушуниш – эътиборни; тушунарли бўлиш эса – жасурликни талаб этади. Ютук-ютуққа етиш учун ҳар иккиси ҳам юқори даражада бўлмоғи шарт. Шундай экан, ўзаро боғлиқ вазиятларда тушунарли бўлиш аҳамиятлидир.

Қадимги юононлар ишлаб чиқкан буюк фалсафанинг маъноси уч сўзда мужассам: *ethos*, *pathos* ва *logos*. Менимча, бу уч сўз аввал тушуниш, кейин самарали тақдимот ўтказиш моҳиятини ифодалаб беради.

*Ethos* – инсонларнинг феъл-авторингизга, тўғрилигининг ва ваколатингизга бўлган эътиқодидир. Бу сизнинг «Ҳиссиёт банки»даги ҳисоб ракамингиз, сизни руҳлантирувчи ишонч ҳисобланади.

*Pathos* – шахснинг эмпатик жиҳати, ҳиссиётдир. У ўзга инсоннинг мулоқотидаги ҳиссий ишончга муносабатингизни англатади.

*Logos* – мантиқ, тақдимотнинг ақлий қисми саналади.

Кетма-кетликка эътибор қаратинг: *ethos*, *pathos* ва *logos* – феъл-авторингиз, муносабатингиз ва ундан кейингина тақдимотингиздаги мантиқ. Мана яна бир оғрикли стереотип. Кўпчилик бирданига логосга ўтади, чап яримшарини ёқади, маънони идрок этиб, ўз қараашларига тўғри ишонтириб – феъл-автор ва муносабатни ҳисобга олмайди.

Бир танишим раҳбарининг бошқарув услубидан, яъни бу услуб унга хато кўринганидан доимо стресс ҳолатда юради.

– Нима учун у ҳеч нарса килмайди? – деб сўраб қолди у бир куни. – Мен унга ҳаммасини тушунтириб бердим-ку, у барини билади, аммо ҳеч нимани ўзгартирмайди.

– Фикрларингни астойдил, самарали шаклда тушунтирмайсанми?

– Аллақачон тушунтирганман, – жавоб қайтарди у.

– «Самарали» деганда нимани тушунасан ўзи?

Агар сотувчи ўз маҳсулотини сота олмаса, кимни қайта ўқишига жўнаташади – харидорними? Самарали – натижа кўрсатадиган дегани. Сен натижага эришдингми? Муносабатни яхшиладингми?

– Ахир айтдим-ку: у ҳеч нимани ўзгартиришни истамаяпти. Эшитишни хоҳламаяпти.

– Унда ҳақиқатан САМАРАЛИ тақлиф кирит. Унинг фикрлаш образини англа, ўз нуқтаи назарингни осон ва кўргазмали усулда тушунтир. Муқобил вариантларни тақдим эт. Тўғри, бунинг устида бироз тер тўкишингта тўғри келади. Бунга тайёрмисан?

– Нега энди бундай қилишим керак?

– Ўзинг ўйла, сен ҳозир бошлиғингнинг бутун бошли етакчилик услугбини ўзгартиришини хоҳляяпсан-у, лекин ўз тақдимот услубингни алмаштиришини истамаяпсан?

– Ҳа, шундай.

– Ундей бўлса, – кулиб дедим, – ҳаммасини борича қабул қил.

– Ундей қила олмайман. Унинг услублари менинг шахсиятимни таҳқиrlаляпти.

– Унда самарали тақдимот устида ишла. Бу – сенинг ТАЪСИР ДОИРАНГДА.

У рад этди. Бунга кўп вақт ва қувват ажратишни истамади.

Шунга ўхшаш масала университет ўқитувчиси бўлган бошқа бир танишим билан юз берганди.

– Стивен, илмий тадқиқотимга сармоя ололмаяпман, – деб шикоят қилганди у менга. – Чунки кафедра тадқиқотимга қизиқиш билдиrmаяпти.

Узок давом этмаган суҳбатимизда унга самарали тақдимот тайёрлашни тавсия қилдим. Бунда унга *ethos*, *pathos* ва *logos* ёрдам бериши керак эди.

– Биламан, сен самимиjsan, илмий ишинг катта фойда келтиради. Тақдимотда тадқиқотингнинг кафедрадагилар учун фойда келтирадиган жиҳатларини очиб бер. Уларни

### Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

тушунишингни намоён қил. Шундан кейин, тақдимотинг ортидаги мантиқни тушунтири.

– Яхши, уриниб кўраман, – деди танишим.

– Хоҳлайсанми, репетиция қилиб кўрамиз?

У рози бўлди ва биз машқ қилдик.

Орадан бироз вақт ўтгач, танишим кафедра мудири ёнига кириб, шундай гап бошлиди:

– Келинг, аввало, сизнинг мақсадларингизни, тақдимотим ва тавсияларим бўйича нимадан хавотирда эканингизни тўғри тушундимми ёки йўқ, аниқлаб олсак.

У шошмади, нутқининг ярмида кафедрадагиларнинг қарашларини чуқур тушунишини кўрсатди, уларнинг нуқтаи назарларига ҳурмат билдириди. Шундан сўнг, кафедра бошлиги бошқа профессорга қараб, бош силкиди ва танишимга ўгирилиб деди:

– Сизнинг лойиҳангизни молиялаштирамиз.

Ўз мақсадингизни ишончли ва етиб борадиган тарзда тушунтирсангиз, тингловчининг нуқтаи назарини англаганингизни кўрсатсангиз, фикрларингизга нисбатан ишончни ошираверасиз.

Ўз қобиғингизга ўралиб, тушунарсиз тақдимот беришдан қочинг. Сизнинг ҳозирги фикрларингиз аввалгиларидан фарқ қилиши аниқ: ўзгаларни тушунишга ҳаракат қилганда сиз ниманидир кўшимча ўрганасиз.

Бешинчи кўникма сизга тақдимот тайёrlаш жараёнида аниқ ва тўғри фикрлашга ёрдам беради. Ва инсонлар буни ҳис қилади. Улар тақдимотингизни барча факт ва қарашларни инобатга олиб тайёrlаганингизни, ундаги фикрларга ўзингиз ишонишингизни ва барчага фойда келтиришни ният қилганингизни билади.

#### БИРГА БИР

Бешинчи кўникма катта кучга эга, чунки у ТАЪСИР ДОИРАНГИЗНИНГ қоқ марказида жойлашади. Ўзаро боғлиқ вазиятлардаги кўплаб омиллар – муаммолар, келишмовчиликлар, бошқаларнинг хатти-ҳаракатлари

– Хавотир доирангиздадир. Бор дикқатингизни хавотир доирангизга қаратиб, күч-кувват ва вақтингизни унга сарфласангиз, ижобий натижага деярли эриша олмайсиз.

Лекин ҳамиша тушунишга ҳаракат қилишингиз мумкин. Бу – таъсир доирангиз ичида содир бўлади. Таъсир доирангизга эътибор қаратиб, ўзгаларни тушунишни бошлар экансиз, муаммонинг илдизини тез англаб етасиз, «Хиссиёт банк»идаги ҳисоб рақамингизни бойитасиз, инсонларга психологик ҳаво берасиз, сиз билан ҳамкорликдаги иш яхши натижалар келтиришига ишонтирасиз.

Бу – ичкаридан ташқарига ёндалуви ҳисобаланади. Шу ишни бажариб, Таъсир доирангизни кузатинг. Сиз дикқат билан тинглайсиз, демак, бошқанинг таъсирини қабул қиласиз. Бу эса кимгадир таъсир ўтказиш имкониятингизни оширади. Таъсир доирангиз кенгаяди. Энди Хавотир доирангиздаги нарсаларга ҳам таъсир кўрсата оласиз. Ўзингизга нима бўлади? Бошқаларни чуқурроқ тушунганингиз сари уларни кўпроқ ҳурмат қиласиз, ҳайратга тушасиз. Инсоннинг қалбига этиш – муқаддас ерга қадам кўйиш билан баробар.

Бешинчи кўнирма ҳеч қандай тайёргарлик талаб этмайди, сиз исталган вақт машқ қилишни бошлапингиз мумкин. Кейинги сафар, мулокот жараёнида, таржимаи ҳолингизни бир четта суриб, чин дилдан сұхбатдошингизни тушунишга ҳаракат қиласиз. Ҳатто инсонлар ўз муаммосини айтишни истамаса-да, уларнинг ичида кечаетганларни ҳис қилиб, ҳамдардлигингизни билдирасиз. «Бугун кайфиятингиз йўқдек». Улар жавоб бермасликлари мумкин. Бу муҳим эмас.

Асосийси – уларнинг ҳолатини тушундингиз ва ҳурмат кўрсатдингиз.

Шошилманг, сабрли бўлинг, ҳурматли бўлинг. То сиз тушунишингизни англаб етмагунларича, улар юракларини очмайди. Сұхбатдошингизнинг ҳатти-ҳаракатларига эътиборли бўлинг, мулозаза юритинг, таржимаи

### ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

ҳолингиздан мисоллар келтираверманг.

Проактив бўлсангиз, келгусидаги муаммоларни олдиндан ҳал қилишга имконият тайёрлайсиз. Фарзандларингиз билан ҳозирнинг ўзидаёқ вакт ўтказинг, юзма-юз. Уларни тингланг, тушунинг. Оилангизга қаранг, мактаб ҳаётига назар солинг ва фарзандларингиз дуч келаётган қийинчиликларга уларнинг кўзи билан боқинг. «Ҳиссиёт банк»ида хисоб рақамларини тўлдиринг. Болаларга кислород беринг.

Рафиқангизни ҳамиша бирор ерга таклиф қилинг. Кечки овқатта ёки вақтингизни мароқли ўтказувчи бирор машғулот ташкиллаштиринг. Бир-бирингизни дикқат билан тингланг, тушунишга интилинг. Ҳаётга бир-бирингизнинг кўзингиз билан боқинг.

Сандра билан бирга ўтказилган вақтни мен дунёдаги ҳеч бир хазинага алмашмайман. Биз нафақат бир-биримизни тушунишга ҳаракат қиласми, балки эмпатик тинглашни машқ қиласми, фарзандларимиз билан самарали сұхбат қуришга уринамиз. Фикр алмашамиз, оиладаги қийин вазиятларни қандай енгишга турли ечимлар қидирамиз ва ролларга кирамиз. Одатда мен ўз мажбуриятини бажармаган ўғил ёки қиз фарзандимиз ролини бажараман, Сандра эса ўз ролида қолади.

Бу худди волейболга ўхшайди, муаммоларни бир-биримизга улоктирамиз; вазиятни яққол кўришга ҳаракат қиласми; кетма-кетликка амал қиласми, фарзандларимизга тўғри принципларни сингдиришга машқ қиласми. Баъзан ўтмишдаги қийин вазиятни қайта тиклаш орқали тажрибаларни ёдга соламиз. Яқинларни тушуниш учун вақт ва қувват сарфлаш очиқ мулокотни такомиллаштиради; оила ва никоҳларда учрайдиган аксарият муаммоларнинг ривожланишига йўл бермайди. Очиқ мулокот эҳтимолий муаммоларни юзага чиқиши олдини олади. «Ҳиссиёт банки» хисоб рақамидаги йирик маблағ эса пайдо бўлган муаммоларни енгишга ёрдам беради.

Бизнесда ҳам ходимларингиз билан бирга вакт ўтказсангиз, фойдадан холи бўлмайди. Уларни тингланг, воқеаларга уларнинг нуқтаи назарлари билан қарашга урининг. Харидорлар, даллоллар ва ишчилар билан ишончли муносабат ўрнатинг. Жудди техник ва молиявий омиллар сингари, инсон омилига ҳам эътибор қаратинг. Бизнеснинг ҳар бир даражасида инсон омилини инобатта олсангиз, кўп вакт, кувват ва маблағингизни тежайсиз. Тингласангиз – ўрганасиз. Ва сиз билан ишлаётганларга психологик кислород берасиз. Бу эса ўз ўрнида уларнинг содиқлигини таъминлайди.

Аввало тушунишга интилинг. Муаммо пайдо бўлишидан, вазиятга баҳо беришдан, ўз ғояларингизни тақдим этишдан аввал тушунишга интилинг. Бу – ўзаро самарали боғлиқлик учун зарур кўнинкадир.

Биз бир-биримизни чиндан ҳам тушуна олсак, янгича ечимларга эшик очамиз. Ўртамиздаги фарқлар мулокотга ортиқ тўсиқ бўла олмайди, аксинча, синергия учун тамал тоши вазифасини ўтайди.

### ҚЎЛЛАШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

1. Бирор инсон билан «Ҳиссиёт банки»даги ҳисоб рақами бўшаб қолган муносабатингизни танлант. Ўша инсоннинг нуқтаи назаридан келиб чиқиб вазиятни тушунишга ҳаракат қилинг ва фикрларингизни ёзинг. Келаси мулокотингиз чоғида, уни тушуниш учун тинглаб, эшитганларингизни ёзганларингиз билан солиштиринг. Тахминларингиз қанчалик тўғри чиқди? У инсоннинг муддаосини тушундингизми?

2. Яқинларингиздан бири билан эмпатик тинглаш концепциясини бўлишинг. Эмпатик тинглашни машқ қилмоқчилигингизни ва бир ҳафта давомида сизга ёрдам беришини ундан сўранг. Буни қандай улдаладингиз? Ўша киши ўзини қандай хис қилди?

3. Икки инсон сұхбатини кузатиб, қулокларингизни бир неча дақиқага ёпинг ва шунчаки кузатинг. Сұхбат жараёнида, сүзларда акс эттириб бўлмайдиган қандай ҳиссиётлар мулоқот қилмокда?

4. Тергов қилаётган, баҳолаётган, маслаҳат берәётган ёки талқин қилаётганингизда, дарҳол тўхтанг ва вазиятни «Ҳиссиёт банки» учун депозитга айлантиришга ҳаракат қилинг, айбингизни тан олиб, узр сўранг. (Мени кечиринг, сизни тушунмаётганимни англадим. Барини бошидан бошласак майлимим?)

5. Галдаги тақдимотингизни эмпатияга асосланиб тайёрланг. Масалани тингловчингиз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, лекин ундан яхшироқ тарзда тасвирлаб беринг. Сўнг қарашларингизни тушунишларига шароит яратинг.

# **ОЛТИНЧИ КҮНИКМА: СИНЕРГИЯГА ЭРИШИНГ**

## **ЯРАТУВЧАН ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ**

*Қийин вазиятларда бирлик, мұхым вазиятларда хилма-хиллик, қолған ҳолларда бағрикенглик қылыш менинг энг мұқаддас қоидамдир.*

**ЖОРЖ БУШ**

Жаноб Уинстон Черчилли Буюк Британиянинг Германияга қарши урушини бошқаришга чакиришганида, у бутун умри давомида шунга тайёргарлик күрганини айттан. Худди шу каби, юқорида күриб чиқылған күнікмаларни машқ қилиш бизни синергия күнікмаси учун тайёрлайди.

*Синергия – ҳаётнинг энг фаол даражаси, барча күнікмаларнинг биргаликда намоён бўлишидир.*

Синергиянинг энг юқори шакллари инсонларга хос тўрт ноёб қобилият (ўз-ўзини билиш, тасаввур, виждон ва мустакил ирода), шунингдек, ютуқ-ютуқ мотиви, мураккаб паллалардаги эмпатик мулокот маҳоратини бирлаштиради. Натижада мўъжиза содир бўлади гўё. Биз янги муқобил варианtlарни – олдин мавжуд бўлмаган қарор ва сўчимларни яратамиз.

Синергия – тамойилга марказлашган етакчиликдир. У тамойилга марказлашган ота-оналик асосини ташкил этади. Синергия инсонлардаги буюк кудратларни кашф киласди, бирлаштиради ва озодликка чиқаради. Шу вақтга қадар ўзлаштирилган барча күнікмалар бизни синергия мўъжизасини яратиш учун тайёрлайди.

Синергия ўзи нима? Оддий қилиб айтганда, синергия – бутун ўз қисмлари йиғиндисидан катта маъносини билдиради. Синергия – қисмлар орасидаги ўзаро, муносабатнинг ўзи яратувчанлик жараёнини ташкил этишини англатади. Яратувчанлик жараённи энг яхши кашф

### III ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

килувчи, энг кўп куч ато этувчи, энг бирлаштирувчидир.

У, шунингдек, энг хатарли ҳамdir, чунки бунинг сўнгтида нима содир бўлишини, қаерга бориб қолишимизни билмаймиз. Жараён мобайнода қандай янги хавфлар ва қийинчиликларга дуч келишимиздан хабаримиз бўлмайди. Яратувчанлик жараёнини саргузашт руҳи, кашф қилиш иштиёқи, яратиш умиди билан бошлиш учун кишида ички хотиржамлик бўлмоғи керак. Шубҳасиз, бунда сиз комфорт ҳудудингизни тарқ этишингиз – бутунлай янги ва номаълум, ҳали кашф этилмаган манзилларга дуч келишингиз керак бўлади. Сиз йўлбошчига айланасиз: янги имкониятлар, янги қитъаларни очасиз, бошқаларни ортингиздан эргаштирасиз.

Синергия – табиатнинг ҳар бурчагида учрайди. Агар икки ўсимликни бир-бирига яқин экса, илдизлар бирлашади ва тупроқ сифатини ошириб, шу тариқа якка ҳолдагига қараганда тезроқ ва яхшироқ ўсишни бошлайди. Агар иккита ёғочни бирлаштиrsангиз, иккалasi ўзи алоҳида кўтара оладигандан кўпроқ оғирлик кўтара олади. Кўрганингиздек, бутун нарса ўз қисмларидан кўра кучлироқдир.

Асосий масала ижтимоий мулоқотимиздан, табиатдан ўрганган яратувчан ҳамкорлик тамойилларини амалда қўллашдир. Оилавий ҳаёт синергияни кузатиш ва машқ қилиш учун кўплаб имкониятлар яратиб беради. Эркак ва аёл бирлашиб, фарзанд дунёга келтиришида ҳам синергия намоён бўлади. Синергиянинг моҳияти – фарқларни қадрлаб, уларни ҳурмат қилиш, кучли томонлардан фойдаланиб, ожизликларни биргаликда бартараф этиш демакдир.

Биз эркак ва аёл, эр ва хотин ўртасидаги жисмоний фарқини қадрлаймиз. Бироқ ижтимоий, ақлий ва ҳиссий фарқларни-чи? Шу фарқлар ҳаётнинг янги шаклини – ҳар бир инсоннинг қадр-қимматини, ўзига ишончини шакллантирадиган, уларни даставвал мустақиллик,

сүнг ўзаро боғлиқлик томон етаклайдиган ўзаро мақбул мұхитни яратиши манбаи бўла оладими? Синергия янги авлод учун бизницидан-да яхшироқ, масъулиятли, янаям эркинроқ, баҳам кўришга тайёр бўлган, танқид ва муҳокама қилмайдиган сценарий ёза оладими?

### **СИНЕРГЕТИК МУЛОҚОТ**

Синергия руҳида мулоқот қылсангиз, янги имкониятлар, муқобил варианtlар ва ечимлар учун ақл ва юрагингизни очасиз. Бир қараща, сиз Иккинчи кўникма (якунни ёдда тутиб иш бошлиш)ни инкор қилаётгандек бўласиз; лекин аслида, аксинча, уни тўлдирасиз.

Синергетик мулоқотга киришаётганда, ишлар қандай кетиши ёки якун қандай бўлишини аниқ билмайсиз, бироқ сизни саргузашт, хотиржамлик ва ҳаяжон ҳисси қамраб олади. Сиз ҳаётингиз аввалгига қараганда бойроқ бўлишига ишонасиз. Айнан ана шу якун ҳисобланади.

Синергетик мулоқотда қатнашувчиларнинг барчаси бирдек фойда, хурсандчилик топиши, ўрганиш, тажриба орттириш орқали биргаликда асл етукликка эришишидан воеиф бўласиз.

Кўпчилик одамлар оилада ёки бошқа шахслараро муносабатларда асл синергияни ҳис этмаган. Уларни рақобат қилишга ўргатишган, инсонларга ишонмаслик руҳида тарбиялашган. Натижада улар ҳеч қачон Олтинчи кўникма ва унинг тамойилларини қабул қила олмайди.

Афсуски, бу катта фожиадир. Чунки бу ҳолатда, инсонларнинг ички кудрати очилмасдан, ривожланмасдан ва фойдаланилмай қолиб кетади; уларнинг бутун умри бекорга соврилади. Самарасиз инсонлар ҳамиша фойдаланилмаган имкониятлар билан кун кўради. Улар синергияни жуда-жуда оз бошдан кечиради.

Уларда яратувчан ҳамкорлик билан боғлиқ қандайдир хотиралар бўлиши мумкин. Масалан, спортчилар маълум жамоаларга бирлашиб, муваффақият ва ютуқларга эришганда синергияни ҳис қиласи. Ёки фавқулодда

### ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

вазиятга тушган одамлар яқин ҳамкорлик қилиб, кимнингдир ҳаётини сақлаб қолганида ёки инқироз вақти эго ва мағрурликдан воз кечиб, ечим учун бирлашганида айнан синергия содир бўлади.

Шунга ўхшаш кўп воқеалар улар учун ноодатий, ўз феъл-авторига зид, ҳатто мўъжизавий хисобланади. Аслида ундан эмас. Бу каби вазиятлар доимий равишда содир бўлиши мумкин, ҳар доим, ҳаттоки ҳар куни. Бироқ улар улкан шахсий хотиржамлик, очиқлик ва саргузашт руҳини талаб этади.

Деярли барча яратувчанлик ҳаракатларини олдиндан тахмин қилиб бўлмайди. Улар кўпинча шуҳратпастлик, рақобат, синов ва хатолик каби кўринади. Инсонлар юқори даражадаги сабрни ўзлаштириб олмагунларига ва юқори қадр-қиммат тамойилларига ишсигуналарига қадар, ҳар қандай яратувчанлик олдида ўзини асабий ҳис қиласди. Чунки уларнинг тартиб, аниқлик, ҳаётий тизимни меъёрлаштиришга эҳтиёжи жуда катта.

#### СИНФХОНАДАГИ СИНЕРГИЯ

Ўқитувчи сифатида мен шундай хуносага келдим, яхши дарсларнинг аксарияти тартибсизлик чегарасида туради. Синергия ўқитувчи ва талабанинг «бутун ўз қисмларидан катта» тамойилига амал қилишини кўрсатади.

Баъзида ўқитувчи ҳам, талаба ҳам нима содир бўлишини билмайди. Аввалига синфхонада инсонларнинг билимларини очадиган, бир-бирларининг ғояларини тинглаб, ўзига сингдирадиган муҳит бўлади. Кейин жиддий таҳлил ўрнини илҳом, хаёллар парвози ва ақлий қувватлар кўшигуви эгаллаб, фикрий ҳужум бошланади. Шундан сўнг, бутун синфхонада бир тўлқин туради, фикрлар қийинчилик билан бир йўналишда ҳаракатланади – бироқ йиғилганлар буни ўзгача руҳда қабул қиласди.

Синергия тамойилидан мақсад эски сценарийдан воз кечиб, бирлашиб, ўзаро ҳамкорликда кучларни сафарбар этиб, янги сценарий ёзишдан иборат.

Семестр бошланганига уч ҳафта бўлди – машғулотлар ўртасида тўсатдан бир талаба ўзининг ҳиссий ва фалсафий тажрибаси ҳакида гапира бошлади. Барча нафас олмасдан уни тингларди. Бу рух синергия ва яратувчанлик жараёни учун унумдор тупроққа айланди. Ушбу ҳолаг қолганларни ҳам «портлатди» – улар ўз кузатувлари, кашфиётлари ҳамда иккиланишлари ҳакида сўзлай бошлади. Аввалдан тайёрлаган сценарийлари ўрнига ўз янги ғоялари билан бир-бирларини руҳлантира бошлашди, натижада, янги сценарий дунёга келди.

Бу каби ижод мени ҳам завқлантириди. Мен одатий машғулот схемаси қандай ҳавога учиб, умуман янги шакл ва имкониятлар пайдо бўлаётганини ўз кўзим билан кўриб туардим. Бу факат хаёлий парвоз эмас эди; бу етуклик ва барқарорлик туйғуси бўлиб, унда эскича тузилиш ҳамда қолипни парчаловчи модда мавжуд эди.

Биз эски дарсликлар, конспектлар ва машғулот режаларини бир четга суриб, янги мақсад формуласини туздик, янги вазифа ва режалар пайдо бўлаётганини сездик. Кейинги уч ҳафта мобайнида барчамиз нима содир бўлаётганини бошқалар билан баҳам кўриш иштиёқида юрдик.

Машғулотлар давомида биз ўрганаётган фанимиз – етакчилик тамойиллари тўғрисида китоб ёзишига қарор килдик. Вазифалар ўзгарди, янги лойиҳалар тузилди, янги гуруҳлар шакллантирилди. Ўқувчилар бутунлай бошқа сабабларга кўра анъанавий дарсларга қараганда кўпроқ тер тўқди.

Ушбу тажрибадан жуда ноёб, бирлаштирувчи ва синергетик маданият пайдо бўлди ва бу бир чорак билан якунланиб қолмади. Йиллар давомида ўша гуруҳ талabalari ҳамон учрашиб туради. Ҳагто ҳозиргача, орадан кўп йиллар ўтган бўлса-да, ҳар сафар кўришганимизда ўшанда нима сабабдан бундай воқеа бўлганини эслаб турамиз.

## Ш КИСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

вазиятга тушган одамлар яқин ҳамкорлик қилиб, кимнингдир ҳаётини сақлаб қолганида ёки инқироз вакти эго ва мағрурликдан воз кечиб, ечим учун бирлашганида айнан синергия содир бўлади.

Шунга ўхшаш кўп воқеалар улар учун ноодатий, ўз феъл-авторига зид, ҳатто мўъжизавий ҳисобланади. Аслида ундан эмас. Бу каби вазиятлар доимий равишда содир бўлиши мумкин, ҳар доим, ҳаттоки ҳар куни. Бироқ улар улкан шахсий хотиржамлик, очиқлик ва саргузашт рухини талаб этади.

Деярли барча яратувчанлик ҳаракатларини олдиндан таҳмин қилиб бўлмайди. Улар кўпинча шуҳратпарастлик, рақобат, синов ва хатолик каби кўринади. Инсонлар юқори даражадаги сабрни ўзлаштириб олмагунларига ва юқори қадр-киммат тамойилларига ишснгуналарига қадар, ҳар қандай яратувчанлик олдида ўзини асабий ҳис қиласди. Чунки уларнинг тартиб, аниқлик, ҳаётий тизимни меъёрлаштиришга эҳтиёжи жуда катта.

### СИНФХОНАДАГИ СИНЕРГИЯ

Ўқитувчи сифатида мен шундай хулосага келдим, яхши дарсларнинг аксарияти тартибсизлик чегарасида туради. Синергия ўқитувчи ва талабанинг «бутун ўз қисмларидан катта» тамойилига амал қилишини кўрсатади.

Баъзида ўқитувчи ҳам, талаба ҳам нима содир бўлишини билмайди. Аввалига синфхонада инсонларнинг билимларини очадиган, бир-бирларининг ғояларини тинглаб, ўзига сингдирадиган муҳит бўлади. Кейин жиддий таҳдил ўрнини илҳом, хаёллар парвози ва ақлий қувватлар кўшилуви эгаллаб, фикрий ҳужум бошланади. Шундан сўнг, бутун синфхонада бир тўлқин туради, фикрлар қийинчилик билан бир йўналишда ҳаракатланади – бироқ йиғилганлар буни ўзгача руҳда қабул қиласди.

Синергия тамойилидан мақсад эски сценарийдан воз кечиб, бирлашиб, ўзаро ҳамкорликда кучларни сафарбар этиб, янги сценарий ёзишдан иборат.

Семестр бошланганига уч ҳафта бўлди – машғулотлар ўргасида тўсатдан бир талаба ўзининг хиссий ва фалсафий тажрибаси ҳакида гапира бошлади. Барча нафас олмасдан уни тингларди. Бу рух синергия ва яратувчанлик жараёни учун унумдор тупроққа айланди. Ушбу ҳолат қолганларни ҳам «портлатди» – улар ўз кузатувлари, қашфиётлари ҳамда иккиланишлари ҳакида сўзлай бошлади. Аввалдан тайёрлаган сценарийлари ўрнига ўз янги гоялари билан бир-бирларини руҳлантира бошлаши, натижада, янги сценарий дунёга келди.

Бу каби ижод мени ҳам завқлантириди. Мен одатий машғулот схемаси қандай ҳавога учиб, умуман янги шакл ва имкониятлар пайдо бўлаётганини ўз кўзим билан кўриб турардим. Бу фақат хаёлий парвоз эмас эди; бу етуклик ва барқарорлик туйғуси бўлиб, унда эскича тузилиш ҳамда қолипни парчаловчи модда мавжуд эди.

Биз эски дарсликлар, конспектлар ва машғулот режаларини бир четга суриб, янги мақсад формуласини туздик, янги вазифа ва режалар пайдо бўлаётганини сездик. Кейинги уч ҳафта мобайнида барчамиз нима содир бўлаётганини бошқалар билан баҳам кўриш иштиёқида юрдик.

Машғулотлар давомида биз ўрганаётган фанимиз – етакчилик тамойиллари тўғрисида китоб ёзишга қарор килдик. Вазифалар ўзгарди, янги лойиҳалар тузилди, янги гуруҳлар шакллантирилди. Ўкувчилар бутунлай бошқа сабабларга кўра анъанавий дарсларга қараганда кўпроқ тер тўқди.

Ушбу тажрибадан жуда ноёб, бирлаштирувчи ва синергетик маданият пайдо бўлди ва бу бир чорак билан якунланиб қолмади. Йиллар давомида ўша гуруҳ талабалари ҳамон учрашиб туради. Ҳагто ҳозиргача, орадан кўп йиллар ўтган бўлса-да, ҳар сафар кўришганимизда ўшанда нима сабабдан бундай воқеа бўлганини эслаб турамиз.

### Ш КИСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

Мен қандай қилиб қисқа фурсатда бундай кучли синергия юз берганига ажабланаман. Ўйлашимча, бу қатнашувчилар етукликка эришгани учун рўй берганди. Ўқувчилар битирувчи курснинг якуний семестрида ўқиётганди ва оддий машғулотлардан кўра ўзгача бир машғулоттга муҳтож эди. Улар қандайдир янгича нарсага эҳтиёж ҳис этди, ижод қилиб ниманидир яратгилари келди. Бу уларнинг чинакам балоғатини англатарди. Мен синергия ҳақида гапиришдан кўра уни ҳис қилиш қудратлироқ эканлигини англадим. Ахир эски нарсани ўқигандан кўра янги нарса ишлаб чиқариш қизикроқ-ку!

Бошқалар каби мен ҳам тартибсиз бошланиб, айрим сабабларга кўра тартибсизлик билан якунланган синергетик дамларни бошдан кечирганман. Афсуски, бундай тажрибалардан тили куйган кишилар онгида мағлубият ҳисси ўрнашиб қолади, янги тажрибаларни ҳам шу ўй билан бошлайди. Улар иложи борича эҳтиёткор бўлиб, синергиядан ўзини ажратиб кўяди.

Бу худди ташкилот ичидаги айрим «тарбиясиз» ходималар туфайли бутун бошли қондалар ва талаблар тизими ишлаб чиқкан, натижада бошқа ишчиларнинг ҳам эркинлиги ва яратувчанлик имкониятларини чеклаб кўйган бошқарувчиларга ўхшайди. Ёки шундай бизнес ҳамкорлар бўладики, юз бериши мумкин бўлган энг ёмон эҳтимолий натижаларни тасаввур қилиб, шартнома тузади. Бу эса ўргадаги яратувчанлик рухини, ишлаб чиқариш ва синергетик имкониятларни бўғиб кўяди.

Инсонлар билан ишлаб ортирган тажрибамга таянган ҳолда айта оламанки, ҳал қилувчи қарорлар ҳар доим синергетик бўлади. Шундай вазиятлар бўлади: оила, ташкилот ёки муайян шахс борасида айтишимиз зарур бўлган ички ҳақиқатимизга дуч келамиз. Лекин уни ошкора сўзлаш учун етарли жасорат ва муҳаббат зарур бўлади. Қачонки, шу ҳақиқатни самимий тарзда изҳор қидалар эканмиз, атрофимиздагилар ҳам биз каби очик, самимий

## ЯРАТУВЧАН ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

бўла бошлайди, шу тарзда синергетик муроқот жараёни бошланади. Бу муроқот тобора яратувчаник хусусиятини касб этиб, олдин ҳеч кимнинг хаёлига келмаган янги режалар, ечимларни юзага чиқаради.

Карл Роджерс шундай дейди: «Энг шахсий нарсалар, бир вактнинг ўзида, энг умумий ҳамдир». Сизнинг фикрларингиз ва сўзларингиз, айниқса, шахсий тажрибаларингиз қанчалик ҳақиқий бўлса, одамлар шунча bemalol улар билан боғланади, ўзларини bemalol ifoda қилишга киришади. Бу, ўз навбатида, бошқа инсонга кўчади. Натижада, ҳақиқий яратувчаник эмпатияси рўй беради; янги тушунчалар ва саргузашт хисси пайдо бўлади.

Шунда одамлар бир-бирини ярим сўзданоқ тушунишни бошлайди, ҳатто тушунарсиз жумлалардан ҳам сўзловчи нима демоқчилигини тезда англаб олади. Сўнгра янги тушунчалар, янги истиқболлар, янгидан-янги танловларни яратувчи янги дунёқарашлар, парадигмалар дунёси очилади. Баъзида янги ғоялар ҳавода қолиб кетса-да, аксарият ҳолларда амалий ва фойдали шаклда ижро этилади.

### БИЗНЕСДА СИНЕРГИЯ

Ҳамкасларим билан жамоавий вазифа баёнотини тузётганда рўй берган синергетик вазият ёдимдан чиқмайди. Бу менга жуда ёққанди. Ўшанда компаниянинг деярли барча аъзолари баланд тоққа чиқдик ва табиатнинг гўзаллигидан баҳра олганча баёнотнинг хомаки вариантини тузишни бошладик.

Дастлаб бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муроқот қилаётгандик. Бироқ олдиндаги турли муқобил варианtlар, имкониятлар муҳокамасига ўтганимизда ҳамма очилишни бошлади – овоз чиқариб фикрлашга ўтди. Вазифа баёноти эркин фикр алмашишга йўл очиб берди. Ҳамма бир-бирини дикқат билан тингларди; даврада эмпатик рух ҳамда жасорат хукмронлик қиласарди. Биз ўзаро ҳурмат ва тушунишдан асл яратувчан синергетик

### ІІІ КИСМ. ОММАВИЙ ГАЛАБАЛАР

мулоқотга ўтдик.

Буни ҳамма ҳис қилиб турарди. Мұхит жуда ҳаяжонли эди. Мулоқотнинг ушбу шакли ўзини оқлагач, биз ўз вазифамизга қайтдик – жамоавий қарашларни умумийлаштириб, ҳар бир иштирокчи учун ўзига хос мазмунга эга сўз қолипини кийдирдик.

Натижада куйидаги жамоавий вазифа баёноти ҳосил бўлди:

«Бизнинг вазифамиз инсонлар ва ташкилотларга Тамойилга асосланган етакчиликни тушунтириш, уларни шу асосда яшашга ундаш, бу орқали арзирли мақсадларга эришишда кўмаклашиш, ишлаш қобилиятини юқори даражада оширишга кўмаклашишдан иборатdir.

Синергетик жараён таъсирида яралган ушбу вазифа баёноти ҳар биримизнинг юрагимиз ва онгимизга муҳрланди; кимлигимиз ва ким эмаслигимизни аниқ тушунишга хизмат қилди.

Синергияни йирик сугурта компаниясининг йиллик режалаш учрашувига мунозара олиб борувчи сифатида таклиф килинганимда бошдан кечиргандим. Бу воқеадан бир неча ой аввал ушбу икки кунлик учрашувга тайёргарлик учун масъул кўмита бошқарувчилари билан учрашган эдим. Улар анъанавий учрашув одатда анкета ва интервьюлар орқали тўрт ёки бешта мухим масалаларни аниқлаш ва раҳбарлар тақдим этган муқобил таклифлар бўйича ўтказилишини айтишди. Аввалги учрашувлар расмий фикр алмашинуви билан чекланган бўлиб, баъзан ютуқ-мағлубият тишидаги баҳсларга уланиб кетарди. Очиги, улар жуда зерикарли эди, яратувчанлик руҳида эмасди.

Кўмита аъзоларига синергия ҳақида сўзлаб берганимда, улар ушбу турдаги мулоқотнинг кучини ҳис қилди. Ва бироз хавотир билан бўлса-да, анъанавий учрашув тартибини ўзгартиришга рози бўлди. Улар компаниядаги ижрочи масъуллардан ҳар бир устувор муаммо юзасидан аноним тезис тайёрлашни талаб қилди. Ижрочилар учрашувгача

## ЯРАТУВЧАН ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

бўлган вакт давомида муаммоларни ўрганиб, турли нуқтаи назарлардан келиб чиқсан ҳолда таҳдил қилиши, тушуниши ва маълум таклифлар киритиши лозим эди. Энди улар учрашувга тақдимот қилиш учун эмас, балки тинглашга тайёр ҳолда келиши, масала юзасидан ҳужум ва химоя қабилида иш тутмай, синергия яратиши кўзда тутилганди.

Шундай қилиб, учрашув бошланди. Биз куннинг биринчи ярмини 4, 5, 6-кўникмаларининг тамойиллари ва одатларини ўрганишга ҳамда амалда кўллашга сарфладик, қолган ярмини эса яратувчан синергияга бағишладик.

Бу катта кувватни эркинликка чиқарди. Зерикиш ўз ўрнини қизиқишига бўшатди. Улар ўзаро таъсирга қалб эшикларини очди; янги варианtlар ва ечимлар ишлаб чиқилди. Тадбир сўнгига марказий компаниядаги муаммолар тўғрисида бутунлай янгича тушунча пайдо бўлди. Аноним таклифлар кучини йўқотди. Иштирокчилар бир-бирининг қарашларини тан олди. Янги жамоавий нуқтаи назар шаклланди.

Бир марта асл синергияни ҳис этган одам ҳеч қачон аввалгидек бўла олмайди. Бу каби ажойиб туйғуни яна бир бор ҳис қилиш имкониятини кўлдан бой бермайди.

Кўпинча синергетик тажрибани қайта ишлашга уринишлар бўлади, лекин бу камдан-кам ҳолларда амалга ошади. Бироқ яратувчаник иши ортидаги асосий мақсад қайта тикланиши мумкин. Шарқ мақолида шундай дейилади: «Биз буюк усталарга тақлид қилишига эмас, балки улар қидирганини топишга интиламиз». Шундай экан, биз ўтмишдаги яратувчан синергетик тажрибаларга тақлид қилмаймиз, балки бутунлай янги, аввалгисидан ҳам юқорироқ мақсадлар йўлида синергия қидирамиз.

### СИНЕРГИЯ ВА МУЛОҚОТ

Худди ижодкорлик каби синергия ҳам жуда ҳаяжонлидир. Очиклик ва мулоқот ноёб натижалар беради. Бунда муайян фойда ва ривожланишга эришиш эҳтимоли шу қадар баландки, ҳар қандай хатар билан юзлашишга

### Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

арзийди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, Кўшма штатлар Девид Лилиенталга Атом энергияси қўмитаси раҳбари лавозиминӣ берди. Лилиентал ўз соҳасида етакчи бўлган олимларни тўплаб, бир жамоа шакллантириди. Жамоага оғир кун тартиби белгиланди ва улар тезроқ ишга киришиш иштиёқида ёнарди. Бундан ташқари матбуот ҳам уларни шоширади.

Бироқ Лилиентал шошилмади. У «Ҳиссиёт банк»ида йирик ҳисоб очишга бир неча ҳафта сарфлади; кўл остидагиларни бир-бирлари билан бемалол танишиб олишига – қизиқишлигини ўрганиш, аввалги ютуқ ва қарашларини таҳжил қилишга вақт берди. Лилиентал кишиларни бир-бирига боғловчи шахслараро мuloқot учун шарт-шароит яратди. Албаттa, уни қимматли вақтни «самарасиз» сарфлашда айблаб, қаттиқ танқид остига олганлар ҳам бўлди.

Нихоят, Лилиентал иноқ жамоа тузишга эриши – ҳамма бир-бирининг фикрини тинглар, жуда яратувчан ва синергетик эди. Жамоа ичida ўзаро ҳурмат шунчалик баландлигидан, бирор ҳолат юзасидан келишмовчилик чиқса, аъзолар фикрини ҳимоя қилиб, бошқаларга «хужум»га ўтмас, аксинча, бир-бирларини тушунишга ҳаракат қиласиди. Уларнинг муносабати мазмунини қуидагича ифодалаш мумкин: «Сиздек ақлли, лаёқатли ва масъулиятли инсон менинг фикримга қарши чиқяптими, демак, мен тушунмайдиган нимадир бор. Ва мен буни тушунишпим керак. Бу вазиятда, сизнинг қарашларингизга назар солишим зарур». Шундай қилиб, ходимлар орасида шикоятларсиз мuloқot ривожланди, ноанъянавий жамоавий маданият дунёга келди.

Мулодотнинг энг қуи даражаси, ўзаро ишонч заиф вазиятларда келиб чиқади. Унинг асосий хусусиятлари ҳимоявийлик ва хужумкорлик, ҳеч қандай ҳиссий бўёқларсиз, расмий тилда сўзлаш, шарт эргаш гаплардан

## ЯРАТУВЧАН ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

қочиш, ё ютуқ-мағлубият, ё мағлубият-мағлубият натижани келтириб чиқариши билан характерланади. Бундай мулокот самарали эмас – унда Т/ТВ мувозанати мужассамлашмаган ва «хужум-ҳимоя» услуги учун шароит яратади.

Мулокотнинг ўрта даражаси – ҳурматта асосланган мулокот бўлади. Бу даражада нисбатан етук кишилар алоқа қилади. Улар бир-бирини ҳурмат қилади, турли хил хунук оқибатлардан қочишга уринади, шунинг учун ўртада масофа ва илтифот саклаб, эмпагик мулокотга киришмайди. Уларда бир-бирини ақлан тушуниши мумкин, шундай бўлса ҳам, бир-бирининг парадигма, нуқтаи назарларига эътибор қилмайди ва янги имкониятлар учун ўзини очмайди.

Ҳурмат асосидаги мулокот мустақил, ҳатто ўзаро боғлиқ вазиятларда яхши натижা беради, лекин унда яратувчанлик имкониятлари очилмайди. Ўзаро боғлиқ вазиятларида одатда муроса йўли танланади. Муроса  $1+1=1,5$  деганидир. Икки томон ҳам беради, ҳам олади. Бундай мулокотда манипуляция, ҳимояланиш, жаҳл сезилмаса ҳам, одамлар биргаликда яратиб ижод қилишга қодир бўлмайдилар. Бу ютуқ-ютуқнинг куйи шакли ҳисобланади.

Синергия –  $1+1=8$ , 16 ёки 1600 бўлиши мумкин дегани. Синергетик мулокот даражасида ҳукмрон бўлган юқори ишонч дастлаб таклиф қилингандан кўра яхшироқ, муқобилроқ ечим яратади. Ва ҳар икки томон буни яхши билади. Қолаверса, улар ижодий жараёнга асосланган мулокотдан роҳатланади. Мулокотнинг синергетик даражасида ёқимли маданият шаклланиб, қисқа муддатта бўлса ҳам, Т/ТВ Мувозанати мавжуд бўлади.

Албатта, айрим вазиятларда на синергияга эришиб бўлади ва на келишувни бекор қилиш имкони бор. Лекин, барибир, синергияга эришишга уринишнинг ўзи одатда самарали муросага элтади.

### УЧИНЧИ ҚАРОРНИ ИЗЛАБ

Мулокот даражасининг ўзаро боғлиқ самарадорликка таъсири ҳакида аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун куйидаги

### Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

ҳолатта эътибор қилинг.

Таътил вақти эди. Эр оиласи билан табиат қўйнига – кўл бўйида балиқ овлашга бормоқчи. Унинг учун бу мухим, у йил бўйи шунга тайёргарлик кўрган, олдиндан кўл бўйида уй буюртма бериб, қайиқ ижарасини келишиб қўйган. Ўғиллар ҳам бу таътилни сабрсизлик билан кутмокда.

Рафиқа эса таътил вақтида олисда яшайдиган бемор онасини кўргани бормоқчи. Онаси билан тез-тез кўришишга имкони йўклиги боис, аёл учун бу жуда мухим.

Бундай вазият жуда катта жанжалга сабаб бўлиши мумкин:

– Биз ахир келишгандик-ку! Болалар сабрсизлик билан кутишпаги. Кўлга бориши керак, – дейди эр оёқ тираб.

– Онамнинг қанча яшапни номаълум, – дея асабийлашади рафиқа. – Мен онам билан кўришишим керак. Бу сўнгти имконият бўлиши мумкин.

– Ҳамма бир вақтда таътилга чиқадиган шу фурсатни бир йил кутган эдик. Бувисининг уйида қўл-оёқлари боғлиқ ҳолда ўтириш болалар учун қанчалик зерикарли бўлишини тасаввур қиляпсанми? Улар ҳаммани жинни килади-ку! Ойинг ҳам вахима қиладиган касал эмас. Бундан ташқари, опанг онангдан атиги икки километр нарида яшайди!

– У менинг ҳам онам! Мен у билан бирга бўлмоқчиман.

– Сен унга ҳар куни кечкурун қўнғироқ қилишинг мумкин. Биз унтика Исо мавлудида боришни режалаётган эдик. Эсингдан чиқдими?

– Мавлудгача беш ойдан ошиқ вақт бор. Ўша пайттacha етиб бора оладиларми-йўқми, ким билади? Мен унга ҳозир керакман!

– Унга ғамхўрлик қиладиган одам бор. Сен бизга ҳам кераксан.

– Бироқ онам балиқ овидан мухимроқ!

– Эринг ва фарзандларинг онангдан ҳам мухим бўлиши керак!

Тортишув шундай давом этаверади. Охир-оқибат улар

## ЯРАТУВЧАН ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

қандайдир муросага эришишлари мумкин. Масалан, эр ва болалар балиқ овига, рафиқа эса онасиникига жүнайди. Иккаласи ҳам ўзларини баҳтсиз ва айбдор ҳис қиласы. Буни сезган болаларга ҳам таътил татимайди.

Иккінчи вариант ҳам бор: эр истар-истамай хотинига ён беради. Сүңг, англаб ё англамай ҳафтани барча учун расво ўтишига сабаб бўлади.

Учинчи вариантда эса, хотин эрига ён беради, лекин онасининг соғлиғи масаласида жуда кизиққон бўлиб қолади. Агар онасининг ахволи жиддийлашса ёки вафот этса, эр ўзини бир умр айбдор ҳис қилиб ўтади. Худди шунингдек, хотин ҳам уни кечирмайди.

Улар қандай муросага келмасин, у йиллар давомида дилхиралиқ, омадсиз танлов ва нотўғри қарор сифатида қолади. Бу қарор оилани икки қутбга бўлиб ташлаши ҳам мумкин. Шундай вазиятларни деб қанча-қанча севиб турмуш қурган оилалар парчаланиб кетган.

Эр ва хотин вазиятга турлича қарайди. Қарашлардаги фарқлар уларни турли томонларга бўлиб, ўргада тўсик хосил қилиши, ёку уларнинг муносабатини янада мустаҳкамлаб, мулоқотнинг юқори чўққисига олиб чиқиши мумкин. Агар эр-хотин самарали ўзаро боғлиқликнинг кўникмаларини ривожлантирган бўлса, қарашлардаги фарқларга бутунлай бошқа парадигмадан келиб чиқиб ёндашади. Шунда улар мулоқотнинг юқори даражасига кўтарилади. «Ҳиссиёт банк»ларида ҳисоб рақами йирик бўлгани туфайли, эр-хотин бир-бирига ишонади, уларнинг турмушидаги мулоқоти очиқ ва самимийдир. Улар ютуқ-ютуқ руҳида ўйлагани сабабли, ҳар иккисига бирдек маъқул бўладиган, дастлаб таклиф қилингандан ҳар томонлама устун ечим – Учинчи қарор – мавжудлигига ишонади. Улар бир-бирини эмпатик тинглайди, аввало тушунишга интижади, натижада қарор қабул қилишда инобатта олиш зарур бўлган қадриятлари, хавотир ва эҳтиёжларни яхши тушунади.

## Ш КИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

Барча элементлар – «Ҳиссиёт банк»и ҳисоб рақамидағи иирик маблағ, ютуқ-ютуқ рухида фикрлаш, аввало тушунишга иятилиш, синергия учун муносиб мұхит яратади.

Буддизмда бу «ўрта йўл» деб аталади. «Ўрта» бу вазиятда муросани эмас, юкориликни, пирамида чўққисини англатади.

«Ўрта йўл» ёки учинчи қарорни қидирар экан, эрхотин ўзаро муҳаббати ва муносабати – синергиянинг бир қисми эканлигини тушуниб етади.

Мuloқot давомида эр рафиқасининг истагини, онаси билан бўлишга эҳтиёжманд эканлигини чуқур ҳис қилади; рафиқаси оз бўлса-да, опасининг оғирини енгил қилишни хоҳлаётганини фаҳмлайди. Чиндан ҳам, қайнонасасининг яна қанча умри қолгани номаълумлигини англайди. Энг мухими, рафиқасининг онаси балиқ овидан устун туришини тушунади.

Ўз ўрнида, хотин ҳам эрининг таътил баҳонасида оиласини бирлаштироқчилигини, фарзандларига ажойиб таътил тухфа қымоқчилигини тўлиқ тушунади. У эрининг ушбу таътил учун қаттиқ ҳаракат қилгани, керакли жиҳозлар тайёрлаб қўйганини англайди; таътил бутун оила учун ёрқин эсадалик бўлиб қолишини ҳис қилади.

Улар барча карталарни стол устига қўйишади – қарши ва рози томонларни муҳокама қилишади. Эндиликда улар тўсиқнинг бир тарафида турган ҳолда муаммога қарши биргаликда ҳаракат қилиб, Учинчи Қарорни қидирмоқда.

– Балки ойингникига таътилдан сўнг, шу ой ичиди боришинг учун бирор вақт белгилармиз? – таклиф қилади эр. – Уй юмушларини ўз бўйнимга оламан. Бу сен учун қанчалик мухимлигини биламан-ку.

– Оромгоҳни ва балиқ овини онангнинг уйига яқин жойдан изласам-чи? – давом этади эр. – Албатта, у ер унча яхши бўлмаслиги мумкин, ҳар ҳолда очиқ ҳавода яшаймиз ва бошқа режаларимизни амалга оширишимиз мумкин,

болалар ҳам зерикмасди. Балки жиянларинг, холаларинг, тоғаларинг ва бошқа қариндошларинг билан биргаликда нимадир ўйлаб топармидик.

Мана шу ерда синергия яралади. Улар то иккала тараф учун дастлабки таклифлардан кўра муқобил вариандта тўхтамагунча давом этишади. Бу муросадан анча яхши, Т/ТВ мувозанатини курувчи синергетик ечим бўлади. Ушбу ечимдан иккала томон ҳам бирдек мамнун бўлиб, уларнинг муносабатлари янада мустаҳкамланади.

### САЛБИЙ СИНЕРГИЯ

Учинчи қарорни қидириш – дихотомия, яъни қаршилантириш менталитетидаги йирик Парадигма алмашинуви ҳисобланади.

Куйидаги турли натижаларга назар солинг:

Ўзаро боғлик воқеликда одамлар муаммони ҳал этишга уринганда одатда қанча салбий кувват сарфланади? Бошқа инсонларнинг камчиликлари, фитналар, мусобақалашув, иккюзламачилик, яширин манипуляцияга қанча вақт сарфланади? Бу худди автомобилни бир оёқни газда, иккинчисини тормозда ушлаган ҳолда бошқаришга уринишга ўхшайди.

Тормоздан оёқни олиш ўрнига кўпчилик газни кучлироқ босишига уринади: босимни оширади, нутқини янада бойитиб, мантиқий маълумотларни кўпайтиради ва шу орқали ўз нуктаи назарини мустаҳкамламоқчи бўлади.

Ўта қарам инсонларнинг муаммоси ўзаро боғлик мухитда муваффақиятга эришишга уринаётганида саналади. Улар мавқесидан куч қарз олишга қарам бўлади ва шу кучни ютуқ-мағлубият йўлида ишлатади. Ёки улар бошқаларнинг машҳурлигига қарам бўлиб, мағлубият-ютуқни танлайди. Қарам кишилар ютуқ-ютуқ техникаларини оғизда таъкидласа-да, тинглашни деярли истамайди, сўзловчини алдашга ҳаракат қиласди. Бундай вазиятда синергия ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ўзига ишонмайдиган одамлар бутун дунё уларнинг

### ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

парадигмаларига мувофиқ бўлиши керак деб ўйлайди. Улар атрофдагиларга ўз қарашларини сингдиришга мойил бўлади, муносабатнинг асл кучи нуқтаи назардаги фарқларда эканлигини англамайди. Бир хиллик – бирлик дегани эмас; ўхшашлик – яхлитликни билдиримайди. Яхлитлик ёки бирлик – бир-бирини тўлдиришдир. Бир хиллик эса зерикарли, ижодкорликка руҳлантирумайди. Синергия моҳияти – фарқларни қадрлашдадир.

Мен ишонч ҳосил қилдимки, шахслараро синергия калити – шахсдаги синергия, яъни ичимиздаги синергия ҳисобланади. Шахслараро синергиянинг қок юраги дастлабки уч кўнкиманинг тамойилларига сингдирилган. Бу тамойиллар очик бўлиш ва заифлик туфайли келиб чиқадиган хатарларни даф қилиш учун етарли. Уларни ўзлаштира туриб, ўзимизда ютуқ-ютуқ парадигмасига тегишли серобгарчилик менталитетини ва бешинчи кўнкимани ривожлантирамиз.

Тамойилларга марказлашувнинг амалий томонларидан бири шуки – у бизнинг бир бутун бўлишимизга ёрдам беради. Мантиқий фикрлайдиган одамлар ижодкорона ёндашувни талаб этиш масалани ҳал этолмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бундан хабар топгач, ўнг ярим шарда янги сценарий тузишни бошлайдилар. Ўнг ярим шар ҳаммада бор; шунчаки айримларда «уйқуда» ётади, яхши ривожланмаган ёки болалиқдаги расмий таълим ва ижтимоий сценарийлар туфайли фалажланган бўлади.

Одам бир вактнинг ўзида ҳам ижодкорона ўнг, ҳам мантиққа мослашган чап мия ярим шаридан фойдаланса, демак, унинг бутун мияси ишляпти деб айта оламиз. Бошқача айтганда, ўз бошида руҳий синергия юз беряпти. Ва бу ҳаёт воқеликларига бутунлай мутаносибdir, сабаби ҳаёт фақат мантиқ эмас, ҳиссиётлардан ҳам иборат.

Орландода жойлашган бир компания ходимларига «чапдан бошқариб, ўнгдан йўналтирум» мавзусида маъруза ўқиган эдим. Танаффус пайти компания президенти

олдимга келди.

– Стивен, бари жуда кизиқарли, – дега гап бошлади у.  
– Бирок очигини айтсам, компаниядан кўра турмушимдан кўпроқ хавотирдаман. Рафиқам билан мулоқотимизда муаммолар бор. Биз билан тушлик қилиб, муаммо нимада эканини тушунишга ҳаракат килолмайсизми?

– Келишдик, – рози бўлдим мен.

Стол атрофига ўтирганимиздан кейин, биз бир-бири мизга жилмайиб кўйдик. Кейин президент рафиқасига юзланиб деди:

– Мана, жоним, мен Стивенни бизнинг мулоқотимизга ёрдам беролмасмикан, деган умидда тушликка таклиф қилдим. Биламан, сен мени эътиборсиз ва ҳиссиз деб ҳисоблайсан. Мен нима қилишим кераклигини аникроқ қилиб тушунтира оласанми? – ҳозир компания президентининг чап ярим шари исбот, рақам, аниқликни талаб этарди.

– Аввал ҳам айтганимдек, аниқ нарсанинг ўзи йўқ. Шунчаки, ўртамида қандайдир муҳим нарса етишмаётгандек туюляпти, – аёлнинг ўнг ярим шари ҳиссиётлар ва бутун бошли муносабат билан банд эди.

– «Қандайдир муҳим нарса етишмаяпти» нима дегани? Нима истайсан мендан?

– Бу шунчаки ҳиссиёт, – унинг ўнг ярим шари интуиция, тасвирлар билан ишларди. – Қанча гапирманг, оиласиз сизга муҳимлигини ҳис қилмаяпман.

– У муҳим бўлиши учун мен нима қилишим керак? Бирор аниқ гап айт!

– Сўз билан тушунтириб бера олмайман.

Эр энсасини қотирди ва менга «Стивен, наҳотки мен шу каби маънисизликни тинглашим қерак бўлса» дегандек қаради.

– Бу шунчаки ҳиссиёт. Кучли ҳиссиёт.

– Асалим, – жавоб қайтарди эр. – Бу сенинг муаммоинг. Ойингда ҳам шунаقا муаммо бор. Дарвоқе, бу муаммо

## Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

мен билган барча аёлларда бор.

Шундан сўнг, президент худди терговдагидек хотинини сўроқ қилишни бошлади.

– Ўзинг истаган жойда яшаяпсанми?

– Гап бунда эмас, – хўрсинди рафиқа. – Умуман бунда эмас.

– Тушунаман, – жавоб берди эр. – Сен гап нимада эканини айтишни хоҳламас экансан, ўзим жавоб топишга ҳаракат қиласман. Ўзинг истаган жойда яшаяпсанми?

– Балки.

– Асалим, Стивен бизга ёрдам бериш учун бир неча дақиқага кирган. Кел, «ҳа» ёки «йўқ»да қоламиз. Хўш, сенга уйинг ёқадими?

– Ҳа.

– Ажойиб, ҳаммаси тушунарли. Сенга керак бўладиган ҳамма нарсанг борми?

– Ҳа.

– Жуда соз. Хоҳлаган нарсанг билан шуғуллана оласанми?

Шу тарзда яна бир неча дақиқа давом этди. Менинг борлигимдан ҳеч қандай фойда бўлмади. Шу сабабдан мен гапни бўлдим:

– Сизларда доим шундайми?

– Худо берган ҳар куни, – жавоб берди эр.

– Никоҳимизнинг ҳикояси шундай, – хўрсинди аёл.

Мен иккисига ҳам қарадим ва иккисида ҳам миянинг маълум ярим шари етишмаётганини сездим.

– Фарзандларингиз борми?

– Икки боламиз бор.

– Ростданми, – ҳайратланиб сўрадим. – Қандай қилиб?

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Сиз ўша пайт синергетик бўлгансиз, – жавоб қайтардим. – Одатда,  $1+1=2$ . Бироқ сиз  $1+1=4$  қилгансиз. Мана шу синергия. Бутун нарса ўз қисмларидан кўра кучлироқ. Хўш, буни қандай эпладинглар?

- Қандайлигини ўзингиз биласиз, – эр тумтайди.
- Сиз фарқларни қадрлай олгансиз ўшанда, – дедим мен.

### ФАРҚЛАРНИ ҚАДРЛАШ

Инсонлар ўртасидаги ақлий, ҳиссий ва руҳий фарқларни қадрлаш – синергиянинг туб моҳияти саналади. Фарқларни қадрлашнинг қалити – ҳамма одам ҳаётни асли қандайлигига эмас, балки ўзлари қандайликларига қараб идрок килишини тушунишдир.

Агар мен дунёни қандай бўлса, борича кўришимга ишонсан, нега энди фарқларни қадрлашпим керак? Нега энди кимнингдир «йўлда адашгани» билан ишпим бўлиши керак? Менинг парадигмам менинг объективлигимда; мен дунёни борича кўраман. Бошқалар майда тафсилотларда кўрса, мен бутунлигича кўраман. Мана нима сабабдан мени назоратчи, йўлбошчи дейишади: менинг назарим юкори.

Шу менинг парадигмам экан, ўзаро боғлиқ у ёқда турсин ҳатто самарали, мустақил шахс бўла олмайман. Мен аҳволим маҳсули бўлмиш парадигмаларга занжирланганман.

Чинакам самарали инсон ўз идрокидаги чекловлардан хабардор бўлиш, имкониятларини баҳолаш учун етарлича камтар ва эҳтиромли бўлади. У фарқларни қадрлайди, чунки шу фарқлар уни ўраб турган мухит ҳақида қўшимча билим, тушунча беради. Факат ўзимизнинг ҳаётий тажрибамизга боғланиб қолсак, маълумот этишмаслигидан узлуксиз азият чекамиз.

Икки қарама-қарши тараф бир-бирига тескари нуқтаи назарда туриб олиб, иккаласи ҳам ҳақ бўлиши мантиқса сиғадими? Йўқ, бу мантикий эмас – бу ПСИХОЛОГИК. Бу жуда реал. Сиз ёш кизни, мен эса қари аёлни кўраман. Иккаламиз битта расмга қараб, бир хил қора штрихлар ва оқ доғларни кўрамиз, бироқ турлича талқин қиласмиз, чунки вазиятимиз шунга мажбур қиласди.

Ва биз идрокимиздаги фарқни қадрламасак, иккимиз

### ІІІ ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

ҳам ҳақ бўлишимиз мумкинлигига ишонмасак, ҳаёт иккилантиришдангина иборат эмасигини тушунмасак, учинчи қарор мавжудлигини фаҳмламасак, чекланиб қолаверамиз.

Мен қари аёлни кўраман, лекин сиз бошқа нарса кўрганингизни ҳис қиласман. Ва сизни қадрлайман. Идрокингизни қадрлайман. Сизни тушунишни истайман.

Идрокимиздаги фарқларга дуч келганимда, шундай дейман «Ажойиб! Сиз бошқа ниманидир кўряпсизми? Нимани кўряпсиз?»

Агар икки инсон бир нарсада туриб олса, биттаси ортиқча. Биз билан бир нарсани кўрадиган инсон билан мулоқотдан не маъно? Мен билан бир хил нарса кўрадиганлар билан мулоқот қилгим келмайди, улар мени ўзидан итариғади, ўзгача кўра олган одам мени ўзига тортади. Мен – фарқларимизни қадрлайман.

Бу орқали, нафақат билимимни кенгайтираман, балки сизни тасдиқлайман ҳам. Сизга психологик кислород бераман. Оёғимни тормоздан олиб, салбий қувватни камайтираман. Синергия учун муҳит яратаман.

Фарқни қадрлашнинг аҳамияти муаллим доктор Р.В.Реевес томонидан ёзилган «Ҳайвонлар мактаби» номли масалда келтирилган.

Кунлардан бирида ҳайвонлар «Янги дунё»даги муаммоларни ҳал қилиш учун қаҳрамонона иш қилмоқчи бўлишиди ва мактаб очишиди. Ўкув фанлари югуриш, дарахтта тирмасиб чиқиш, сузиш ва ҳавода учиш эди. Бошқаришга қулай бўлиши учун барча ҳайвонлар ҳамма фанларга қатнай бошлади.

Ўрдак сузиш борасида устозидан ҳам ўтарди – сузарди ва учишда ҳам юқори баҳо оларди, бироқ югуришда орқада эди. У дарсдан сўнг мактабда қолиб, югуришини қўшимча машқ қилишига тўғри келди, ҳатто сузиш дарсидан ҳам воз кечди. Зўр бериб машқ қилганидан оёқлари кучсизланди, охир-оқибат ўргамиёна сузувлига айланди. Ўртамиёна

ўкувчиларни мактаб қабул қиласди, шунинг учун бундан ўрдакдан бошқа ҳеч ким ташвишланмади.

Куён югуришда аъло кўрсаткичларни намойиш килди, бироқ сузиш унинг асабларини зўриқтиради.

Олмахон дарахтга тирмасиб чиқишида ажойиб натижа кўрсатса ҳам, учишга келганда ҳафсаласи пир бўлди. Устози уни дарахт учидан эмас, ердан кўтарилишга мажбур қиласди. Охир-оқибат у жуда чарчади ва дарахтга тирмасиб чиқишидан қониқарли, югуришдан ёмон баҳолар ола бошлади.

Бургут муаммоли бола эди ва баъзи жойларда интизомли бўлишига тўғри келарди. Дарахтга тирмасиб чиқишида у ҳаммадан аввал дарахт учида пайдо бўларди ва ўз услубида колишни истарди.

Ўкув йилининг охирида, энг зўр сузадиган, шунингдек, дарахтга тирмасиб чиқиши, югуриш ва бироз учиш бўйича энг юқори ўртacha даража кўрсатган ҳайвон – илонбалик бўлди. Айнан унга битирув оқшомида нутқ сўзлаш имконияти топширилди.

Ёввойи итлар мактабга қатнамади, улар маъмурият ўкув дастурига қазиш ва кўмишни кўшмагани учун солиқ ундириш учун курашди. Итлар болаларини бўрсиққа шогирдликка берди ва кейинчалик, сугур ва тошбақага кўшилиб, хусусий мактаб очди.

### КУЧ МАЙДОНИ


Ўзаро боғлиқ вазиятда, синергия – ўсиш ва ривожланишга тўғаноқ салбий кучларга қарши курашда кудратли куролдир.

Жамиятшунос Курт Левин «Куч майдони таҳлили» моделини ишлаб чиқди. Бунда у бажарилаётган ишнинг мавжуд даражасини, олдинга ундовчи ҳаракатланиш ва ортга тортувчи тормозланиш кучларни кўрсатиб берган.

Ҳаракатланиш кучи одатда ижобий, мантикий, ақлий, онгли ва иқтисодий хусусиятларга эга бўлади. Тормозланиш кучи салбийлиги, ҳиссийлиги, мантиқсизлиги,

### ШІКСМ. ОММАВИЙ ФАЛАБАЛАР

аңгланмаганлиги, ижтимоий-рухий жиҳатлари билан харakterланади. Ҳар иккала күч реал мавжуд; ўзгаришлар вактида уларни инобатта олмок лозим.



Оилада, масалан, маълум бир иқлим – ижобий ёки салбий алоқанинг, муайян ҳиссиётлар тўғрисида bemalol гапиришнинг, оила аъзолари ўртасидаги хурматининг маълум даражаси мавжуд.

Сизда бу даражани оширишни, юқори ишонч ва меҳр иқлимини кўпайтиришни исташингиз мумкин. Сизни бу ишни бажариш учун мантикий сабабларингиз – ундов бўлиб, даражани кўтариш йўлида хизмат қиласди.

Ўзгариш учун ҳаракатланиш кучини кўпайтириш етарли эмас. Сизнинг уринишларингизга тормозланиш кучи халал беради. Болалардаги рақобат руҳи, рафиқангиз билан муносабатларга олиб кирган турли сценарийлар, оиласи кўникмалар, вакт ва қувватингизга муҳтоҷ бошқа юмушлар – тормозланиш кучига мисол бўла олади.

Ҳаракатланиш кучини кўпайтириш маълум муддат натижада бериши мумкин. Тормозланиш таъсир этар экан,

силжиш жуда катта қийинчилик билан амалга ошади. Бу худди пружинани сиқиш билан тенг; қанчалик қаттиқ боссанг, шунчалик уни ушлаш қийин бўлади. Ҳар қандай вазиятда у орқага қайтишини кутиш мумкин.

Натижа – «Бир қадам олдинга – бир қадам орқага» қабилида бўлади. Ўзгаришлар ортга суриласвергач, ҳадеб ҳаракат қилишдан чарчаб, охир-оқибат «Букрини гўр тўғрилайди» ёки «Нимаям қилардик?» кайфиятига тушасиз.

Агар синергия яратсангиз, тўртинчи кўникма мотивлари, бешинчи кўникма маҳорати ва олтинчи кўникма мулоқотидан фойдаланасиз ҳамда бевосита тормозлантириш кучлари устида ишлайсиз. Сиз уларни эритасиз, бўшашибрасиз ва янги қарашлар яратасизки, тормозланиш кучлари ҳаракатланиш кучларига айланади. Сиз муаммони бошқа кишилар билан бўлишасиз, уларга сингдирасиз – натижада улар муаммони ўзиникидек ҳис қиласи ва ечилишига ёрдам беришга уринади.

Натижада янги, умумий мақсадлар яратилади; бутун иш ҳеч ким кутмаган йўсинда олдинга силжийди. Шу ҳаракат қамраб олган ҳаяжон янги маданият ҳосил қиласи. Ҳаммада яхшилик, умумийлик ҳисси эгалик қиласи, одамлар янги ғояларни қабул қиласи, янги имкониятларга янги ёндашув қидирадилар.

Бир-биридан жаҳли чиқиб, судма-суд юрган кишилар ўртасидаги музокараларга бир неча маротаба жалб қилинганман. Улар ўз ҳақини ҳимоя қилиш учун адвокат ёллаганди; лекин қилган ишлари аҳволни чигаллаштиради, холос. Чунки хукуқий жараёнга тақалган шахслараро муносабатлар бутунлай бузилади. Ўртадаги ишонч пасаяди, иккала тараф ҳам суддан бошқа чора тополмасди.

Мен шундай савол берардим:

– Иккала тарафни ҳам қониқтира оладиган ютуқ-ютуқ ечимини истайсизми?

Жавоб одатда тасдиқ шаклида бўлса-да, кўпчилик бунинг иложи борлигига ишонмасди.

### ІІІ. ҚИСМ. ОММАВИЙ ГАЛАБАЛАР

— Агар мен қарши тарафнинг розилигини олсам, мулокотни бошлайсизми?

Жавоблар доимгидек – «ҳа».

Шундай қилиб, мулокот бошланарди. Энг қизиги, деярли барча суд ишларининг якуний натижалари ҳайратда қолдирарди. Инсонлар ҳаётини кўп ойлардан бери заҳарлаган муаммолар, бир неча соат ёки бир неча кунда ўз ечимини топарди. Бунда ечим муросадан иборат бўлмасди, улар синергетик эди; дастлаб таклиф қилинган ечимлардан яхшиrok, ҳар икки томон учун бирдек маъқул учинчи қарор эди. Бундан ташқари, тикланиши амримаҳол бўлган муносабатлар мулокот жараёнида қурилган ишонч туфайли бузилмасдан, давом этарди.

Машғулотларим давомида, бир бошқарувчи қизиқ вазият ҳақида сўзлаб берди. Унда ишлаб чиқарувчи харидори томонидан судга берилган экан. Ҳар икки томон ҳам ўзини ҳақ деб билади ва бир-бирига умуман ишонмайди.

Улар бешинчи кўникмани қўллай бошлаганда, икки нарса юзага чиқди: биринчидан, энг бошиданоқ мулокотдаги муаммолар тушунмовчиликга сабаб бўлган. Иккинчидан, ҳар икки томон ҳам бари яхшилик билан тугашини истар, ортиқча пул ва маблағ сарфлашга хошиши йўқ эди. Шунчаки, бошқа ечим кўрмаганидан судга мурожаат қилганди.

Шу икки нарса аниқлашгач, 4, 5 ва 6-кўникмалар иш берди ҳамда муаммо қисқа вакт ичida ҳал бўлди. Муносабатлар тикланди ва янги кўринишга кирди.

Яна бир воқеа бундай бўлганди. Эрта тонгда менга кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи бир тадбиркор кўнғироқ қилди – у жуда ёрдамга мухтоҷ эди. У банкдан кредит олиб, катта қурилиш бошлаган экан. Банк уни фоизларни вактида тўламаяпти деган даъво билан кредитларни музлатиб қўймоқчи бўлибди. Тадбиркор эса кредитни музлатаётгани учун банкни судга берганди.

Тадбиркорга дўконларни битказиб, ишга тушириши, ундан олинган фойдани банкка фоиз сифатида тўлаши учун кўшимча маблағ зарур эди. Банк эса эски фоизлар тўланмагунча кўшимча маблағ ажратишдан бош тортарди. Бу капитал соҳасидаги «товук ва тухум» муаммосига ўхшарди.

Шу аснода лойиҳа ишлари издан чиқа бошлади. Курилиш обьекти ташландик аҳволга келди, куриб битказилган уй соҳиблари бўлгуси хўжалигининг қадри тушаётганини кўриб сочи тикка бўлди. Бутун шаҳар ажойиб лойиҳанинг ер билан битта бўлаётганидан хафа эди. Суд ишлари учун иккала томон ҳам минглаб доллар сарфлади; ишни кўриб чиқиш эса бир неча ойга чўзилди.

Нима қиласини билмаган тадбиркор, унча ишонмаса ҳам 4, 5 ва 6-кўникмани кўллашга рози бўлди ҳамда банк расмийлари билан учрашди.

Учрашув конференциялар залида кундузги соат саккизда бошланди. Бир-бирига ишонмаслик юзларидан ҳам сезилиб турарди. Банкнинг адвокати мижозига оғиз очмасдан фақат тинглашни маслаҳат берди: судда ўзларига қарши бўлишидан кўркди.

Биринчи ярим соатда мен 4, 5 ва 6-кўникманинг мазмуни ҳақида гапирдим. Катта доскада банкнинг қизиқишлирини ўзимиз тушунгандек ёзиб чиқдик. Банкирлар сукут сақлашди, лекин биз тушунганимизни айтиб, ютуқ-ютуқ ниятида эканимизни сўзлаб, уларнинг нуқтаи назарларини англашга қаттиқ уринганимиз сари, уларда ўз фикрларини айтиш истаги кучайиб борарди.

Банк вакиллари биз уларни тушунганимизни ҳис қила бошлагач, учрашув муҳити бутунлай ўзгарди. Одамлар муаммони тинч ҳал этишини хоҳларди. Адвокатга қулоқ солмай, банк бошқарувчилари очиқ мулокотга ўтиб, ҳатто шахсий хавотирларигача билдира бошлади. «Шу ердан чиқишимиз билан, президент биринчи навбатда: «Пулни қайтариб олдикми?» – дея сўрайди. «Унга нима деб жавоб

## Ш ҚИСМ. ОММАВИЙ ҒАЛАБАЛАР

**берамиз?»**

Соат ўн бир бўлди. Банкирлар ҳануз ўз фикрларини маъқулларди, шу билан бирга, тушунарли бўлганини ҳис қилганидан ҳужумкор эмасди. Улар тадбиркорнинг ташвишларини тинглашга тайёр бўлиб қолиши. Бу чукур ўзаро тушунишга олиб келди. Тўпланганларнинг барчаси бесамар ташкилланган дастлабки мулоқот нақадар хунук оқибатларга олиб келганига, айни дам, ютуқ-ютуқ руҳида давом этаётган мулоқот эса келгуси йирик муаммолар ривожланишининг олдини олишига ишонч ҳосил қилди.

Сурункали касалликка чора топилганини ҳис қилиш – мулоқотнинг давомийлигини таъминлади. Кун ярмига келиб, мажлис якунланиши керак эди, бироқ энди ҳамма синергетик яратувчанлик руҳида ва муҳокамани давом эттиришни истарди.

Тадбиркор томонида берилган биринчи таклиф ютуқ-ютуқ ёндашуви сифатида қабул қилинди. Таклиф устида бирга ишланди ва ривожлантирилди. Шундай қилиб, 12:45 да тадбиркор ва икки банк ходими «Home Owners' Association»га ва шаҳарга тақдим қилиш учун тайёр режа билан учрашув жойини тарк этди. Барча қийинчиликларга қарамай, судлашув бекор қилинди; давомий музокара муваффақиятли натижага олиб келди.

Мен бу билан судга ҳеч қачон мурожаат қилманг демаяпман. Баъзи вазиятларда бошқача иш кўриб бўлмайди ҳам. Бироқ суд мен учун биринчи эмас, охирги йўл. Ҳеч бир йўл иш бермагандагина, унга мурожаат қилиш мумкин.

### **БУТУН ТАБИАТ СИНЕРГЕТИҚДИР**

Экология – табиатдаги синергияни ифодаловчи туб сўздир. Табиатда ҳамма нарса ҳамма нарсага боғланган. Айни ана шу муҳитда инсонларнинг ижодкорлиги юқори даражага кўтарилади. Етти кўникма билан ҳам шундай. Улар алоҳида кўникма бўлганда эмас, балки бир-бирига боғланганда юксак натижалар сари етаклайди.

Қисмлар орасидаги муносабат – оила ёки жамоа ичида

синергетик маданият яратиш кучидир. Қатнашчилар қанчалик очиқ, муаммоларни таҳлил қилиш ва самимий бўлса, ҳар кимнинг ички ижодкорлиги шунча кўп озодликка чиқади. Ишончим комил, японларнинг бизнесга жаҳон бозорини ўзгартириб юборган ёндашуви можияти ҳам айнан синергияда.

Синергия иш беради, у тўғри тамойил. У юқорида кўриб чиқилган барча кўникмаларнинг энг олий ютуғидир. Синергия – ўзаро боғлиқ воқеликдаги самарадорлик – бошқа инсонлар билан жамоавий иш, жамоа яратиш, яхлитлик ва яратувчанликни ривожлантиришdir. Ўзаро боғлиқ мулоқотда ёки синергетик жараёнда бошқа инсонлар парадигмасини бошқара олмасангиз ҳам, таъсир доирангизда чексиз синергия тўпланади.

Аввало ички синергиянгиз шу доира ичida бўлади. Сиз табиатингизнинг ҳар икки – аналитик ва яратувчан томонини бирдек эътиборга оласиз. Улар орасидаги фарқни қадрлайсиз ва ундан ижодкорликни оширишда фойдаланасиз.

Сиз ички синергиянгизни ҳатто энг қийин вазиятларда ҳам сақлаб қолишингиз мумкин. Ғашлик ва хафагарчиликни ўзингизга олишингиз шарт эмас. Салбий қувватлардан ўзингизни сақланг; бошқаларнинг ижобий жиҳатларини қидириб, шу ижобийликдан дунёқарашингизни кенгайтиришда, нуқтаи назарингизни ривожлантиришда фойдаланинг.

Ўзаро боғлиқ вазиятларда жасорат кўрсатинг – очик бўлинг, фикрларингиз ва ҳисларингизни рўйи рост айтинг, тажрибангиз билан бўлишинг. Буни шундай самимий амалга оширингки, ўзгалар ҳам орtingиздан шуни такрорласин.

Инсонлардаги фарқларни хурмат қилинг. Агар кимдир сизга қўшилмаса, шундай денг: «Ажойиб! Биз нарсаларга турлича қараймиз». Уларнинг фикрига қўшилишингиз шарт эмас – уларнинг мавжудлигини тан олсангиз, бас.

Тушунишга ҳаракат қилинг.

Икки муқобил ечим кўрсангиз, учинчи қарорни қидиринг. Учинчи қарор ҳамиша, ҳар ерда мавжуд. Ютук-ютуқ фалсафаси билан ишласангиз, аввало ўзаро самимий тушунишга ҳаракат қиласангиз, ҳамма учун бирдек маъқул ечимни, албатта, топасиз.

### ҚЎЛЛАШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

1. Ҳаётни сиздек кўрмайдиган кимнидир эсланг. Ҳаётий қарашларингиздаги фарқлар қандай қилиб учинчи қарорга эришишнинг тамал тоши бўлиши ҳакида ўйлаб кўринг.
2. Ғашингизга тегадиган одамлар рўйхатини тузинг. Агар сиз фарқларни қадрлаб, кўпроқ ички хотиржамликка эга бўлганингизда, уларнинг турли қарашлари синергияга сабаб бўлармиди?
3. Сиз жамоавий иш ва синергия истайдиган вазиятни фараз қилинг. Синергияни қўллаб-куватлаш учун қандай шароит зарур бўлади? Бу шароитни яратиш учун сиз шахсан нима қила оласиз?
4. Келаси сафар бирор киши билан ўртангизда тушунмовчилик ёки можаро келиб чиқса, унинг ҳаётний қизиқиши ва қадриятларини тушунишга ҳаракат қилинг. Бу қизиқишларга имкон қадар яратувчанлик ва эътибор билан қаранг.

4  
киим

Янгиланиш

# ЕТТИНЧИ КҮНИКМА: АРРАНИ ЧАРХЛАНГ

## ЎЗНИ МУВОЗАНАТЛИ ЎЗГАРТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

*Баъзан майда нарсалар келтирадиган буюк оқибатлар  
ҳақида ўйласам, шууримга «табиатда майда нарса  
бўлмайди» деган фикр келади.*

БРЮС БАРТОН

Тасаввур қилинг, ўрмонда айланиб юрганингизда дарахтни арралаётган одамни кўриб қолдингиз.

– Нима қиляпсиз? – деб сўрадингиз.

– Кўрмаяпсизми? – деди у жеркиброк. – Дарахтни арралаяпман.

– Ҳолдан тойган кўринасиз, – дея хитоб қилдингиз.

– Анчадан бери ишляпсизми?

– Беш соатдан ошди, – деб жавоб қайтарди одам. –

Оёқда аранг турибман. Оғир иш.

– Нега бироз нафас ростлаб, аррангизни чархламайсиз?

– деб сўрадингиз. – Ишингиз анча тезлашармиди.

– Аррани чархлашга вақтим йўқ, – деди у. – Мен арралаш билан бандман!

Еттинчи кўникма – аррани чархлашга вақт ажратишдир. У қолган барча кўникмаларни Етти кўникма парадигмаси атрофига йиғади, чунки фақат у сабаблигина қолган кўникмаларни амалда қўллаш мумкин.

### ЯНГИЛАНИШНИНГ ТЎРТ ЎЛЧАМИ

Еттинчи кўникма – шахсий Таъминот воситангиздир. У сизнинг энг кучли таъминот воситангизни – ўзингизни сақлаб, ривожлантиришга ёрдам беради. Еттинчи кўникма табиатингизнинг тўрут ўлчами – жисмоний, руҳий, ақлий ва ижтимоий/ҳиссий. Турли сўзларда ифодаланса-да, ҳаётнинг асосий фалсафалари бевосита ёки билвосита шу

түрт ўлчам билан белгиланади. Файласуф Ҳерб Шепперд соғлом, мувозанатлашган ҳаётни мана шу түрт ўлчам билан ўлчайды: ИДРОК (рухий ўлчам), МУСТАҚИЛЛИК (аклий ўлчам), ЎЗАРО БОҒЛИКЛИК (ижтимоий ўлчам) ва ТОНУС (жисмоний). Жорж Шихан ҳаётдаги түрт роль хакида таъкидлаб ўтади: яхши мавжудот бўлиш (жисмоний ўлчов), яхши уста бўлиш (аклий), яхши дўст бўлиш (ижтимоий) ва авлиё бўлиш (рухий). Кучли мотивация ва ташкилот назарияси түрт ўлчам ёки мотивацияни қамраб олади: иқтисодий (жисмоний ўлчам); кишиларга қандай муносабатда бўлиш (ижтимоий ўлчам), кишиларни қандай ривожлантириш ва фойдаланиш (аклий ўлчам) ҳамда ташкилот тақдим қиласиган хизмат, касб, ҳисса (рухий ўлчам).

«Аррани чархлаш» тамойили ана шу түрт мотивацияни ифодалайди. Бу мунтазам равишда, оқилона мувозанат билан табиатимиздаги түрт ўлчамни машқ қилдиришdir.

Буни бажариш учун проактив бўлишимиз керак. «Аррани чархлаш» учун вақт топиш иккинчи квадратдаги фаолият тури саналади. Билганингиздек, иккинчи квадратни бошқариш лозим. Биринчи квадрат шошилинчлиги туфайли бизни бошқаради: доим босим ўтказади. Шахсий ТВ то иккинчи табиатимизга айланмагунча ҳаракат қилишимиз керак. У таъсир доирамиз марказида бўлгани туфайли, ўзимиздан бошқа ҳеч ким буни қилмайди, қилолмайди.

Аррани чархлаш – ўзимизга киритишимиз мумкин бўлган энг қудратли сармоядир. Биз – ўз ҳаракатларимиз воситасимиз. Биз – арамиз. Шундай экан, самарали бўлиш, самарали ишлаш, самарали яшаш ва ҳисса қўшиш йўлида биз аррани, яъни ўзимизни түрт усуlda чархлаш учун вақт ажратиш нақадар муҳимлигини тушунишимиз лозим.

### ЖИСМОНИЙ ЎЛЧАМ

Жисмоний ўлчам – танамизни парвариш қилиш – тўғри овқатланиш, етарлича ҳордик чиқариш, жисмоний машқлар

билан узлуксиз шуғулланишдан иборат.

Жисмоний машқ – иккинчи квадратта кирувчи муҳим вазифалардан бири саналади, лекин у шошилинч бўлмагани туфайли, узлуксиз бажармаймиз. Узлуксиз бажармаганимиз туфайли эртами-кеч, биринчи квадратта тушиб қоламиз ва соғлиғимиздаги жиддий муаммоларга зудлик билан эътибор қаратишимиизга тўғри келади.

Кўпчилик машқ қилиш учун вақти йўклигини айтади. Нақадар тартибсиз парадигма! Бизда бажрамаслик учун вақт йўқ! Гап ҳафтасига уч ёки олти соати ҳақида ёки кунига ўттиз дақиқа вақт ажратиш ҳақида кетялти. Ҳафтанинг қолган 162-165 соатини ҳисобга олганда, бу учнчалик ҳам катта эмас.

Жисмоний машғулот билан шуғулланиш учун қандайдир маҳсус жиҳоз керак эмас. Гимнастика залига бормоқчимисиз ёки спа-салонгами? Теннис ёки ракетбол каби спортнинг энг қиммат туридан роҳатланмоқчимисиз? Жуда яхши, бу қўшимча имконият! Аммо булар аррани чархлаш учун ягона восита эмас.

Энг яхши машқлар дастури – уйда бажариш имкони бўлган, шу билан бирга чидамли, қайишқоқлик ва кучли бўлишга хизмат қиласди.

Чидамлиликни ошириш машқлари (масалан, аэробика) – юрак мушаклари самарадорлигини таъминлаб, қон айланишини яхшилайди. Юракни тўғридан-тўғри машқ қилдириб бўлмайди, факат бошқа гурӯҳ мускуллари орқали, асосан, оёқ мускуллари ёрдамида машқ қилдирилади. Шунинг учун тез юриш, югуриш, велосипедда учиш, сузиш ҳамда сакраш катта ёрдам беради.

Агар сизнинг юрагингиз дақиқасига юз марга урса ва бу пульс ҳеч бўлмаганда ярим соат бир меъёрда турса, демак, сиз меъёрдагидек ҳолатдасиз.

Юрак уришингизни максимум томир уришингизнинг олтмиш фоизига кўтаришингиз керак. Бу максимум одатда қуйидаги формулада ҳисобланади: сизнинг ёшингизни

#### IV ҚИСМ. ЯНГИЛАНИШ

220 дан айирамиз. Яъни, сиз кирк ёшда бўлсангиз, бир дақиқада юрак уришингиз микдорини 108 га ( $220-40 \times 0.6 = 108$ ) ётказишингиз керак. Спортчиларнинг шахсий максимумида бу ошириш 72 фоиздан 87 фоизгача ташкил қилиши лозим.

Қайишқоқликка маҳсус машклар орқали эришилади. Аксар мутахассислар машғулот бошлидан аввал қизиб олишни, охирида эса совиб олишни маслаҳат беради. Қизиб олиш бўшаштиради, янада фаол машкларга тайёрлайди. Совутиш орқали мушаклардаги зўриқиши ва қотиб қолишининг олдини оладиган сут кислотасини ишлаб чиқарилади.

Кучни кўпайтириш учун итариш, ўтириб-туриш, оғир кўтариш каби машклар қилинади. Агар жисмоний меҳнат ёки спорт билан шуғулансангиз, кувват кўрсаткичларингиз ошади. Агар ҳаётий муваффақиятингиз катта жисмоний куч талаб қилмаса, аэробик енгил гимнастика, чўзилиш сингари машклар етарли бўлади.

Бир марта мен фалсафа фанлари доктори бўлган танишим билан бир залда эдим. Ўша вактларда у кучни оширишга диққат қилганди. У тош кўтарганда ёнида бўлишимни ва керак вақти оғирликни ундан олишимни сўрарди. «Фақат менинг сигналимдан кейин!» қаттиқ тайинларди у.

Мен тик турганча, унинг машғулотини, тепага-пастга бориб келаётган штангни ундан олишга тайёр ҳолда томоша қиласдим. Танишимга штангни кўтариш борган сари қийинлик қиласдирди. Ҳар он у штангни кўтарганида «Ана энди кўтаролмайди», деб ўйлардим. Бирок у эпларди. Кейин у штангни секин туширас ва яна кўтарарди. Юқорига-пастга, юқорига-пастга.

Унинг юзи қизариб, бўғриқиб кетган, кучли зўриқиши туфайли қон танасидан отилиб кетадигандек ёки кўқрак қафаси ёрилиб кетгудек эди. Буни кўриб, ўйладим: «Балки аралашсам бўлар? Балки у ўзини назорат қилолмаётгандир,

## ЎЗНИ МУВОЗАНАТЛИ ЎЗГАРТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

нима қилаётганини ўзи билмас?» Бирок у штангни туширди. Ва яна кўтарди. Кўзларимга ишонмасдим.

Ахийри у штангни олишимга ишора берди. Мен сўрадим:

– Сен қандай шунча чидадинг?

– Машқнинг асосий фойдасига энг охирида эришилади, – деб жавоб қайтарди дўстим. – Мен кучли бўлишни истайман. Бу эса мушак толаси ёрилиб, асаб толалари то оғрикни қайд этмагунча бўлмайди. Ёрилган жойлар ўрни тўла бошлайди. Қирқ саккиз соатда мушак толаси тикланади ва олдингидан кўра анча кучлироқ бўлади.

Дўстимнинг ҳаракатлари сабабини тушундим. Худди шу тамойил ҳиссий мушаклар, хусусан, сабр билан ҳам иш беради. Сабрингизни маълум чегарада синовдан ўтказсангиз, ҳиссий толалар парчаланади ва унинг ўрнини тўлдириш жараёни бошланади. Бу сафар сабр толалари анча мустаҳкам бўлади.

Шундай қилиб, дўстим ўз олдига мускулларини ривожлантиришни мақсад қилганди. Ва бу мақсадга қандай эришишни биларди. Бирок бу каби йўлдан ҳамма ҳам ўтиши шарт эмас. «Мехнатсиз роҳат бўлмас» деган фикр қанчалик ҳақ бўлмасин, ҳамма вазият учун ҳам мос келмайди. Самарали машғулотнинг моҳияти қаттиқ тер тўқмасликда ётади.

Жисмоний ўлчамни янгилашдан мақсад – аррани чархлаш, доимий равишда ўз танамизни шуғуллантириш, шу йўсинда ишлаш ва қайишқоқлик қобилийтимизни ривожлантиришга эришишdir.

Машқлар дастурини ишлаб чиқишда ақлли ва эҳтиёткор бўлиш керак. Агар сиз аввал шуғулланмаган бўлсангиз, бирданига оғир машқ қилишни танангиз кўтара олмаслиги мумкин. Бу ортиқча азобланиш, шикастланишга олиб келади ва соғлиғингиз хавф остида қолиши ҳеч гап эмас. Машқларни секин-аста бошлаган маъкул.

Агар сиз анчадан бери жисмоний машқлар билан

#### IV ҚИСМ. ЯНГИЛАНИШ

шүғулланмаган бўлсангиз, танангиз дангасалашиб, ўзини зўриқтиришни истамайди. Машкларни бошлаш қийин бўлади, уларни ёқтиромайсиз ва ҳатто ёмон кўришингиз ҳам мумкин. Ҳарна проактив бўлинг. Қаттиқ тиришинг. Югуришни режалаган бўлсангиз, ҳатто эрталаб ёмғир ёғаётганида ҳам уни бажариш керак. Ўзингизга шундай денг: «Қандай яхши! Ёмғир ёғяпти! Мен танамнигина эмас, балки иродамни ҳам тоблай оламан!»

Жисмоний машқ – муаммога тезкор ечим эмас; у иккинчи квадратдаги фаолият тури. Бу дегани машқлар бироз вакт талаб қилса-да, узок муддатта татигулик самарали натижা беради. Буни муттасил бажарувчи исталган одамдан сўрашингиз мумкин. Жисмоний машғулотлар ёрдамида танангиз имкониятларини ошириб, мия ва юрак ишини яхшилайсиз, натижада ҳатто оддий машғулотларингизда ҳам кўп завқ ола бошлайсиз. Мехнатга лаёқатингиз ортади, кечки соатларда оёғингиздан чаладиган чарчоқ тетикликка алмашади.

Жисмоний машқлардан энг катта фойда шуки, у биринчи кўникманинг «мушаклари»ни ривожлантиради. Машқ қилишингизга халал берәётган тўсиқларга қарши ҳаракат килар экансиз, ўз парадигмангиз, шахсий ишонч ва қадр-қимматингиз, тўғрилик ва ички хотиржамлигингида кўзга кўринарли ижобий ўзгаришлар содир бўлади.

#### РУХИЙ ЎЛЧАМ

Рухий ўлчамингиз тикланиши ҳаётингизни назоратга олишингизни енгиллаштиради. Бу – иккинчи кўникмага хос.

Рухий ўлчов – сизнинг илдизингиз, марказингиз, қадриятлар тизимингизга берган ваъдангиз ҳисобланади. У ҳаётингизнинг энг шахсий, шу билан бирга энг устун бўлаги ҳамдир. Уни таъминлайдиган манбалар сизни илҳомлантиради, рухлантиради ва инсониятнинг абадий ҳақиқатлари билан боғлайди. Шу боис, одамлар рухий ўлчамни янгилашга ўзгача муносабатда бўлади.

## ЎЗНИ МУВОЗАНАТЛИ ЎЗГАРТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мен ўзимнинг руҳий янгиланишинга тонгти эътиқод медитацияси орқали эришаман, у қадриятларим тизимини акс эттиради. Бу жараёнда ўзимнинг янгиланиб, кучга кирганимни, вазифаларни ўташга шайлигимни ҳис қиласман.

Худди шу каби таъсирни кўпчилик мусиқа ва адабиётдан олади. Бошқалар табиат қўйнида янгиланади. Табиат ўз бетакрорлиги билан кишини ўзига торгади. Сиз табиат билан ўйғунлашиш учун шовқинли катта шаҳарнинг талатўпини тарк этасиз ва янгиланган ҳолда қайтасиз. Қанчадир муддат ҳеч ким сизни ўзингиздан чиқариб юбора олмайди; сиз деярли химоялангансиз; маълум вақт ўтиб, шовқин секин-аста яна ички хотиржамлигингизга путур етказади.

Артур Гордон ўзининг руҳий янгиланишини «Такдирнинг бурилиши» номли кичик бир ҳикоясида келтирган. Унинг ҳаётида инқирозли давр бошланди, ҳаёти зерикарли, эскиргандек кўрина бошлади. Гордон ёзишга илҳоми келмас, кундан-кун бари ёмонлашиб борарди.

Охир-оқибат у шифокорга учрашди. Жисмоний айб тополмаган шифокор бироз ўйланиб, Гордондан унинг кўрсатмасига бор-йўғи бир кун амал қила оладими-йўқми, сўради.

Гордон барча кўрсатмаларни бажаришини айтди. Шунда шифокор унга болалигига ўзини баҳтли ҳис қилган жойларга боришни маслаҳат берди. Гордон йўл-йўлакай ўзи билан овқат олиши мумкин эди, бироқ ҳеч ким билан гаплашмаслиги, ўқимаслиги, ёзмаслиги ёки радио эшитмаслиги керак эди. Кейин шифокор унга тўртга рецепт берди ва биттасини эрталабки тўққизда, иккинчисини ўн иккода, учинчисини соат учда ва тўртинчисини соат олтида очиб ўқишини буюрди.

- Жиддий гапиряпсизми? – дея ажабланди Гордон.
- Хизмат ҳақимни тўлаётганингизда ҳазиллашмаганимни тушунасиз, – жавоб қайтарди шифокор.

Шундай қилиб, эртасига тонгда Гордон соҳилга борди ва биринчи рецептни очди. Унда «Дикқат билан тингланг» деб ёзилган эди. Гордон «шифокор ақлдан озган» деган хulosага келди. Уч соат кетма-кет тинглаш? Шунда у ваъдасини эслади ва тинглашга киришди. Аввалига одатий овозлар: денгиз ва қушлар овози. Кейин эса олдин сира эшитмаган овозлари қулоғига чалина бошлади. Тинглар экан, денгиз унга ёшлигида сабр, ҳурмат ҳамда воқеликларнинг ўзаро боғлиқлигини ўргатганини эслади. У овозлар ҳамда сукунатга кулок тутаркан, ич-ичидан тинчлик ҳиссини түйди.

Кун ярмида Гордон иккинчи рецептни очиб ўқиди: «Ортга қайтишга урининг». «Қаерга қайтишга?» – ҳайрон бўлди Гордон. Балки болаликка, энг баҳтли кунларгадир? У ўтмишдаги қувончга тўла кунларни эслади. Барчасини хотирасида тўлиқ тикилашга ҳаракат қилди ва буни уddeлади ҳам. Кўз ўнгидаги ўтмишдаги масъуд дамлар гавдаланааркан, Гордон қалбида қайнок баҳтиёрлик ҳисси ўсаётганини сезди.

Соат учда учинчи рецептни очди. Ҳозиргача, шифокор кўрсатмаларини бажариш осон кечётган эди. Аммо бу сафаргиси анча қийинга ўхшади: «Ўз мотивларингизни текширинг». Аввалига Гордон эҳтиёткор бўлиб, ўзи истаган нарсалар – муваффакиятлар, тан олиш, хотиржамлик тўғрисида ўйлади ва барчасини маъқуллади. Бироз ўтгач, унда иккиланиш пайдо бўлди: «балки бу мотивлар у ўйлаганчалик мақтовга арзигулик эмасдир; айнан шулар ҳозирги аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлмадимикан?»

У мотивлари ҳақида қайтадан чукур ўйлаб, текшириб чиқди. Шунда асл ҳақиқат кўринди.

«Бошимда чақмоқ чаққандек бўлди», деб ёзади Гордон. «Мен ўз хатомни кўрдим. Хат ташувчи, сартарош, суғурта агенти ёки уй бекаси бўлишнинг нима фарқи бор – агар буларнинг ҳеч бири аҳамиятта эга бўлмаса. Сен бошқаларга фойда келтираётганингни ҳис қилганингда, вазифангни

## ҮЗНИ МУВОЗАНАТЛИ ҮЗГАРТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

яхши бажараёттганингни ҳис қиласан. Фақат ўзинг билан ўралашиб қолсанг, ишинг кўнгилдагидек эмаслигини сезасан. Бу қонун – ернинг тортиш кучи каби шафқатсиз ва инкор этилмасдир».

Кечки соат олтида Гордон охирги рецептни ўқиди: «Хавотирларингизни қумга ёзинг». Уни бажариш қийин бўлмади. У чўк тушиб, чиганоқ парчаси билан бир нечта сўз ёзди. Кейин тескари бурилиб, узокроққа кетди. Тез орада сув сатҳи кўтарилиди.

Рухий янгиланиш вақт сарфлашни талаб этади. Аммо у иккинчи квадратнининг вазифаси бўлгани сабаб, доим шошилинч эмас деган важда ортга сурамиз.

Машҳур ислоҳотчи Мартин Лютер бир пайтлар шундай деган эди: «Бугун менинг ишларим шу даражада кўплигидан, яна бир соатни чўк тушиб, дуода ўтказаман». Дуо Мартин учун расмиятчилик эмасди, балки унинг кувватни кўпайтириб, эркинликка чиқарадиган куч манбай эди.

Бир куни доим ўзини хотиржам тутган устоз Далай Ламадан сўрашди: «Қандай қилиб қалб хотиржамлиги ва мулойимликни сақлайсиз?» У шундай жавоб берди: «Қалбимда ҳеч қачон дуо ва медитацияни тарк этмайман». У эрта тонгда ва кунига бир неча марта медитация қиласарди; бу дақиқаларда унинг онги ва қалбида хотиржамлик хукмрон бўларди.

Гап шундаки, ҳаёт маъноси, мақсад якуни ҳақида ўйлаб кўришга вақтимизни қизғанмасак, вақт ўтиб бу фикрлашлар соябон каби бизни катта-кичик ёқимсиз вазиятлардан ҳимоя қиласди. Улар тозаловчи ва янгиловчи хусусиятга эга.

Шунинг учун ёзма тузилган шахсий вазифа баёнотини муҳим деб биламан. Агар ҳаётий қизиқишлар марказимиз ва мақсадларимизни чукур тушунсан, уни тез-тез текшириб, қайта кўриб чиқишимиз мумкин бўлади. Кундалик рухий янгиланиш жараёнида қадриятларимиз билан уйғун

#### IV КИСМ. ЯНГИЛАНИШ

вазифаларни кўз олдимизда гавдалантириб, шу асосда яшай оламиз.

Диний етакчи Девид О.Маккей шундай ёзади: «Хаётимиздаги буюк курашлар қалбимизнинг дусиз хужраларида содир бўлади». Агар бу жангда ғалаба қозонсангиз, ички зиддиятларга барҳам берсангиз, тинчлик ҳиссини туясимиз, аслида ким эканингизни англайсимиз. Ана шунда ҳамкорлик руҳида йўлашни, ўзгаларнинг ҳам фаровонлигини оширишни ва бошқаларнинг муваффақиятидан самимий мамнун бўлишни қамраб олган Оммавий ғалаба ўз-ўзидан сизга эргашади.

#### АҚЛИЙ ЎЛЧАМ

Биздаги ақлий ривожланиш ва ўқиши интизоми асосан расмий таълим орқали бўлади. Ўқиши битигранимиздан сўнг, кўпчилигимиз миямизни фалажлаб кўяшимиз: жиддий китоблар ўқимайшимиз, хизмат соҳамизга тааллуқли бўлмаган бирор илмни чуқурроқ ўрганишга интилмайшимиз, таҳлил қилишга ҳаракат килмайшимиз, деярли ёзмайшимиз – равон ёзма нутқда фикрларимизни баён килмайшимиз. Бунинг ўрнига, телевизор қархисида вақт ўтказишни афзал кўрамиз.

Ижтимоий сўровномалар кўрсатишича, кўп уйларда телевизор ҳафтасига ўттиз беш соатдан то кирқ беш соатгача ишлайди. Бу «ҳафталик» иш соати мактабда сарфланиши керак бўлган вақт билан баробар. Умумий олиб қараганда, телевидениенинг бизга кучли таъсири бор. Биз кўрсатувларни кўра туриб, экрандаги дуч келган қадриятларни қабул қилишга тайёр бўламиз. «Қора кути» бизга нисбатан мислсиз кучли таъсирга эга.

Агар телевизорни ақл билан кўришни хоҳласангиз, унда Учинчи кўниkmага мурожаат этишингизни сўрайман – у маълумотларни бир-биридан фарқлаб, мақсад ва қадриятларимизни ифодаловчи энг яхши дастурларни саралаб олишга кўмаклашади.

Оиламизда ҳафтасига етти соат давомида телевизор кўрамиз, яъни кунига бир соатимизни зангори экранга

сарфлаймиз. Оилавий мажлисларнинг бирида, статистик маълумотларга қараб, телевизорнинг оиласаларга кўрсатаётган таъсирини муфассал муҳокама қилдик. Ва шуни аникладикки, зерикарли оиласада аъзоларнинг турли енгил-слали сериаллар ёки муайян теледастурларга қарамлиги ортиб борар экан. Шубҳасиз, телевизордан таълимга оид сифатли дастурлар ва кўнгилочар кўрсатувлар учун миннатдорман. Улар ҳаётий мақсад ва вазифаларимизни бойитишга хизмат қилиши мумкин. Лекин шундай дастурлар борки, вақтимизни бекорга совуради ва бизга салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли юқори. Инсон танасига ўхшаб, телевидение яхши хизматчи, лекин ёмон хўжайин. Вазифаларимизни улдалаш учун ҳар қандай воситадан самарали фойдаланиш учун ўзимизни бошқаришимизга учинчى кўникма ёрдам беради.

Давомий таълим – ақлий улғайишда энг керакли омиллар. Баъзан таълим синфхонадан ташқаридағи фанлар ва тизимли ўқув дастурларини қамраб олади, лекин доим ҳам бундай бўлавермайди. Проактив инсонлар ўрганишга доим усул топа олади.

Онгимизни танадан ташқарига чиқариб, ўз дастурини четдан текширишга ўргатишими жуда муҳим. Бу мен учун мустакил таълим демакдир. Бунда мен каттароқ савол ва мақсадлар, шунингдек, бошқа парадигмаларга қарши ҳаёт дастурларини текшира оламан. Бундай таълимсиз машғулот онгни торайтиради ва бутунлай кулфлаб қўяди: Шунинг учун ҳаётнинг буюк саволлари ҳақидаги адабиётларни ўқиб, буюк ақл эгалари билан билвосита мулокот ўрнатиш аҳамиятилдири.

Ақлни янги маълумотлар билан бойитиш ва эрудицияни кенгайтиришнинг энг яхши усули – яхши китобларни ўқишини одат қилишдир. Бу иккинчи квадрат доирасидаги фаолият турига киради. Шу китоблар сажиғаларида сиз буюк мутафаккирлар билан тўқнашасиз. Мен ҳар бир инсон ўз олдига шундай вазифа кўйишини хоҳлайман:

#### IV КИСМ. ЯНГИЛАНИШ

бошланишида бир ойда ҳеч бўлмагандан бир китоб ўкиш, кейин эса икки ҳафтада бир китоб. Ўқимайдиганларнинг ўқишини билмайдиганлардан фарқи йўк.

Юксак адабиёт, хусусан, «Буюк китоблар» ва «Ҳарвард мумтоз адабиёти» туркумида нашр қилинган асарлар дунёкарашни кенгайтиради, аклий арамизни чархлади. Айниқса, мутолаа жараёнида бешинчи кўникма ҳакида эсланса, ва аввало тушунишга ҳаракат қилинса, олинажак фойда каррасига кўпаяди. Баъзиде чала ўйлаб, муаллиф нима демоқчилигини фаҳмламай, аклий хулоса чиқаришга шошамиз – шу билан биз ўкиш самарасини пасайтирамиз.

Аклий ўлчамни яна бир чархлаш усули – ёзиш. Кундалик тутинг; таассуротларингизни, тажрибаларингиз, ўйларингиз ва ўргангандарингизни ёзисб боринг; бу сизнинг фикрларингизни тартибга солади. Батафсил ёзинг, аклли хатлар – кундалик ишларингизни санаб ўтманг, унинг ўрнига фикрларингиз, ҳисларингиз, ғояларингиз ҳакида қайд қилинг. Бу аклий фаолиятингизни оширади, уни аниқ ва равshan баён этишга ундейди; қолганлар сизни яхшироқ тушуна бошлайди.

Ташкиллаштириш ва режалаштириш – аклий янгиланишнинг яна бир шакли бўлиб, иккинчи ва учинчи кўникмалар билан боғлиқдир. Бу якунни ёдда тутиб иш бошлаш ва ўша якунни аклан уддалашни режалашдан иборат бўлади; тасаввурингиз курдатидан фойдаланиб, ҳар қандай ишнинг якунга элтувчи бутун йўлни онгингизда гавдалантирасиз.

Айтишларича, урушда ғалабага генералларнинг чодирида эришиллади. Дастлабки уч – жисмоний, руҳий ва аклий ўлчамларда аррани чархлаш – мен «Кундалик шахсий ғалабалар» деб атайдиган амалиётдир. Аррани доим соз сақлаш учун кунига ҳеч курса бир соат вақт ажратинг ва умрингиз сўнгигача тўхтатманг. Бу қабул қиласа ҳар бир қарорингизга, ўрнатган ва ўрнатажак муносабатларингизга улкан ижобий таъсир кўрсатади; куннинг бошқа қисми ҳам

## ЎЗНИ МУВОЗАНАТЛИ ЎЗГАРТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

самарали, сифатли ўтишига кўмаклашади, ҳатто уйкуда ҳам хотиржамликни хис қиласиз; қийинчиликларни енгид ўтиш учун тана ва қалбингизда тетиклик туясиз.

### ИЖТИМОИЙ/ҲИССИЙ ЎЛЧАМ

Жисмоний, руҳий ва ақлий ўлчамлар – шахсий қарааш, етакчилик ва бошқарув тамойилларига марказлашган биринчи, иккинчи ва учинчи кўникмаларга яқиндан боғлиқдир. Тўртинчи, ижтимоий/ҳиссий ўлчам эса шахслараро етакчилик, эмпатик мулоқот ва яратувчан ҳамкорлик тамойилларига асосланган тўртинчи, бешинчи ва олтинчи кўникмаларга бевосита алоқадордир.

Ҳаётимиздаги ижтимоий ва ҳиссий ўлчовлар бирбирига чамбарчас боғланган, сабаби ҳиссий ҳаётимиз асосан ўзгалар билан муносабатимиздан келиб чиқади, шу аснода ўзгалар билан муносабатимизда акс этади.

Бошқа ўлчамлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий/ҳиссий янгиланиш катта вақт талаб этмайди. Уни кундалик мулоқот жараёнида амалга оширишимиз мумкин. Лекин, албатта, маълум машқларни бажаришимиз талаб этилади. Баъзида ўзимизни мажбурлашга тўғри келади, чунки аксариятимиз Шахсий ғалаба ҳамда Оммавий ғалаба даражасини эгалламаган бўлишимиз мумкин.

Тасаввур қилинг, сиз ҳаётимдаги асосий одам, айтайлик, раҳбарим, ҳамкасбим, кўшним, турмуш ўртоғим, ўғлим, оиласминг бошқа аъзоси – доимо мулоқотда бўладиган, бир лойиҳада ишлайдиган, ҳаётий мухим саволларни мухокама қиласиган, муаммоларни ҳал этадиган шахссиз. Бироқ, биз вазиятларга турлича ёндашамиз. Ҳар биримизнинг ўз қаричимиз бор. Сиз ёш аёлни кўрасиз, мен эса қари аёлни.

Шунда мен тўртинчи кўникмани қўллайман. Олдингизга келаман ва айтаман: «Биз вазиятга турлича қараётганимизни тушундим. Келинг, иккимиз учун ҳам бирдек маъқул ечимга келмагунча мулоқот қилсанк нима дейсиз?»

Қоидага асосан, жавоб «Ҳа» бўлади.

#### IV ҚИСМ. ЯНГИЛАНИШ

Шундан сўнг мен бешинчи кўникмага ўтаман: «Аввало сизнинг нуқтаи назарингизни тинглайлико».

Сиз сўзлашни бошлайсиз, мен эса жавоб қайтариш учун эмас, аввало тушуниш учун эмпатия билан тинглайман. Нуткингиз мазмунини ўз сўзларим билан тўғри ифодалаганимдан сўнг, гапириш навбати менга келади. Фикримни сизга тушунарли, равон етказишга ҳаракат қиласман.

Бир-биримизнинг қарашларимизни англағач, иккимиз учун бирдек маъқул ечим қидиришга келишганимиздан сўнг олтинчи кўникмага ўтамиз – дастлаб таклиф қилингандан кўра яхшироқ бўлган учунчи қарорни ишлаб чиқишига киришамиз.

Тўртинчи, бешинчи ва олтинчи кўникмаларни муваффакиятли қўллаш фақат ақлга эмас, балки ҳиссиятларга ҳам боғлиқдир. Бу шахсий хотиржамлик ҳиссими билан ҳам узвий алоқадор.

Шахсий хотиржамлик мустаҳкам ички манбаларимиздан келса, Оммавий ғалаба кўникмаларини машқ қилишга куч топамиз. Ақлий кўрсаткичимиз юқорилигига қарамай, ҳиссий жиҳатдан ожиз бўлсан, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи кўникмаларни бизга қарама-қарши фикрдаги инсонлар билан машқ қилиш жуда мураккаб бўлади.

Ички хотиржамлик ҳисси қаердан келади? У бизга тутқазилган сценарийлардан, вазият ёки шароитимиздан келмайди.

Ички хотиржамлик – ўз ичимиздан, онгимиз ва қалбимизга чуқур сингган тўғри тамойиллар ва аниқ тартибли парадигмалардан яралади. У «Ичкаридан ташқарига» тамойилидан, муқаддас қадриятларимизни акс эттирувчи кундалик кўникмаларга асосан яшашдан ҳосил бўлади.

Ишончим комилки, шахсий қадр-қимматнинг асоси – муносиб ўтган ҳаётдир. Муваффакият ҳақидаги машҳур адабиётларда келтирилган, «кишининг ўзига ишончи,

## ЎЗНИ МУВОЗАНАТЛИ ЎЗГАРТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

хотиржамлиги унинг руҳий ҳолатига, кайфиятига боғлиқ» деган фикрларга қўшилмайман.

Хотиржамликка эришиш учун ҳаётингизният тўғри тамойиллар ва қадриятлар билан уйғунилигини таъминлашингиз лозим. Шунингдек, ўзаро самарали боғлиқ мухитда яшаш натижасида ҳам ички хотиржамлик яралади. Ютуқ-ютуқ ечимлари мавжудлигини билиш, ҳаёт доим ҳам қаршилантиришдан иборат эмаслигини англаш, барча томон учун мақбул Учинчи қарор ҳамиша топилишини фаҳмлаш ҳам хотиржамлик учун асос бўлади. Ўз қарашингиздан воз кечмасдан туриб, бошқа инсонни ҳам чинакамига тушунишингиз мумкинлигидан хабардор бўлсангиз, хотиржам бўласиз. Ўзга инсонлар билан самарали, яратувчанлик руҳида, жонли мулоқот қилганингизда, ўзаро боғлиқ кўнималарни бошдан кечирганингизда ич-ичингиздан хотиржамлик туясиш.

Хотиржамликнинг яна бир манбай – бошқаларга ёрдам бериш, хизмат кўрсатишда бўлса, иккинчиси чиндан ҳам ривожланишга ҳисса қўшаётганингизни билишдадир. Ҳеч ким ҳеч қаён хабар топмайдиган, аноним яхшилик қилиш ҳам хотиржамлик манбанингизга айланади. Мухими, яхшиликни танилиш учун эмас, таъсир ўтказиш учун қилиш лозим.

Виктор Франкл ўз назарияси асосига инсоннинг маъно ва мақсадга бўлган эҳтиёжини қўйган. Айнан шу эҳтиёж ичимиздаги энг яхши қувватларни атрофга таратади. Доктор Ҳанс Селе стрессга бағишлиланган тадқиқотида, узоқ баҳтли ҳаёт – фойда келтириш, мухим ва қизиқарли лойиҳалар ишлаб чиқиш, ўзгаларнинг ҳаётини фаровонлаштиришга ҳисса қўшиш натижаси бўлиши ҳақида таъкидлаган. Бу этиканинг маъноси қуйидаги гапларда акс этган: «Кўшнингизнинг мұхаббатига сазовор бўлинг».

Жорж Бернард Шоу айтганидек, «Буюк мақсадга эришишда восита бўлиш, шунчаки асабийлашмай табиатнинг кучи бўлиш, сизни баҳтли қиласиганлар билан

#### IV ҚИСМ. ЯНГИЛАНИШ

бирга бўлиш – мана ҳақиқий ҳаёт кувончи. Мен, менинг ҳаётим жамиятга тегишили. Шу фикрда қоламан ва токи тирик эканман; энг асосий устунлигим номус ва ғуруримда – улар учун қўлимдан келган барини қиласман. Ўзимни бутунича топширмоқчиман, шундан кейин бу дунёни тарк этаман. Қанчалик кўп қилсам, шунча яшайман. У мен учун қўлимга тутқазилган, тез ёниб ўчмайдиган шам, ажойиб лампа, кейинги авлодга тутқазгунча мен унинг янаям ёрқинроқ ёнишини истайман».

Элдон Таннер шундай деган: «Хизмат кўрсатиш – ҳаётда умргузаронлик қилиш учун тўланадиган ижара ҳақидир. Қарзни тўлашнинг кўп усуслари бор. Қаерда ишлashingиздан, қандай жамоага тегишили бўлишивиздан қатъи назар, ҳаётимизнинг ҳар бир кунида манфаатсиз муҳаббатнинг депозитларини яратиш орқали ўзга бир инсон зотига хизмат кўрсатмоғимиз шарт».

#### БОШҚАЛАР УЧУН СЦЕНАРИЙ ЁЗИШ

Аксарият инсонлар «Ижтимоий кўзгу» вазифасини бажаради. Уларнинг сценарийси атрофдагиларнинг фикрлари, дунёқараш ва парадигмаларига асосланниб қолган. Ўзаро боғлиқ шахс сифатида сиз билан менинг парадигмам бошқача бўлади. Биз ижтимоий кўзгунинг бир қисми эканлигимизни тўлиқ англаймиз. Ўзимиз ҳам кўзгу эканмиз, биз атрофдагиларнинг аслида қандай эканлигини аниқ ва яққол кўрсата оламиз, уларнинг проактив табиатини тасдиқлаб, шу орқали уларга масъулиятли инсондек қараб, муносабатда бўлишивиз мумкин. Ён-атрофмиздаги кишиларни ҳам тамойилга марказлашган, қадриятларга асосланган, мустақил, муносиб шахс сифатида сценарийлашга кўмак бера оламиз. Серобгарчилик менталитети ёрдамида, бошқаларга ижобий акс еттириш билан ўзимиз ҳам илдам кетишимишни англаймиз. Бошқаларни ҳам проактив шахсга айлантириш орқали, самарали мулоқот қилиш имконимиз кўпаяди, бу эса шахсий ривожланишимизга йўл очади.

Баъзан ҳатто ўзингиз ҳам ўзингизга ишонмай қолган вазиятда сизга чин кўнгилдан ишонган ѹнсон бўлади. Ўша инсон сизнинг сценарийингизни ёзади. Ва бу ҳаётингизни ўзгаришига сабаб бўлади, шундай эмасми?

Хўш, ўзингиз ким учундир ижобий сценарийнавис бўлишга уриниб кўрсангиз нима бўлади? Бу қийин эмас, шунчаки ижтимоий ойна пастга тортқилаётган пайтда, уларни юқорига чиқишига ундан, руҳлантирасиз. Уларни тинглайсиз ва ҳис қиласиз. Уларнинг масъулиятини олмайсиз, аксинча, ҳаётга нисбатан проактивлигини оширасиз.

«Ламанчлик киши» мюзиклини билсангиз керак. Бу кўча аёли, яъни фоҳишани учратадиган ўрга асрлик рицарь ҳақидаги ҳикоя. Атрофдаги кимсалар аёлни шундай салбий ролга маҳкамлаган эди. Бироқ шоир рицарь аёлда бошқа нарсани кўра олади – гўзаллик ва жозибани ҳис қиласи. Ва у аёлга буни қайта-қайта таъкидлайди, унга янги исм беради – Дулсинея.

Аввалига, аёл буни инкор этади: эски сценарий уни тормозлаётган эди. У шоирни ҳаёлпарастга чиқаради. Бироқ рицарь ўжарлик қиласи; аёлга чексиз соғ муҳаббат ҳадя этади ва аёлнинг ҳаётий сценарийси секинлик билан ўзгара боради. Янги сценарий аёлнинг табиатига ўрнаша бошлагач, унинг чин салоҳиятини намоён қиласи. Энди аёлнинг ҳаёт тарзи ўзгара боради. Аёл шоир ёзган сценарийга ишонади ва янги парадигма бўйича йўл тутади, атрофдагиларнинг дастлабки таассуротларини, стереотипларини йўққа чиқаради.

Кейинроқ, аёл эски ҳаётига қайтмоқчи бўлганида, рицарь уни ўзининг ўлим тўшагига чақиради ва чиройли ашула – «Ушалмаган орзу»ни куйлаб беради ва аёлнинг кўзларига қараб пичирлайди: «Ёдингда сақла: сен – Дулсинеясан!»

Ўз-ўзини бажо келтирадиган башоратлар бўйича классик ҳикоялардан бири – Англияда бехосдан нотўғри

#### IV ҚИСМ. ЯНГИЛАНИШ

дастурланган компьютер түғрисида. Чорак якунидаги синовлар сүнгтига, бу компьютер «аълочи» болалар гурухига «иккичи» деган, «иккичи» болалар гурухига эса «аълочи» деган ёрлик ёпишидиради. Янги ўкув йили аввалида ўқитувчиларнинг талабалар ҳақидаги парадигмаси компьютернинг шу ҳисоботига асосланиб яралади.

Беш ярим ой ўтганидан сўнг хатоликни англаған маъмурият талабаларни қайта синовдан ўткизишга қарор қиласди (нима бўлгани ҳақида ҳеч кимга айтмасдан). Натижалар барчани ҳайратга солди. «Аълочи»ларнинг ақлий ривожланиш коэффициенти пастлаб кетганди. Чунки ўқитувчилар беш ярим ой мобайнида уларга худди ақлдан қолган, ижодий ёндаша олмайдиган ва яхши ўқий олмайдиганлардек муносабатда бўлган эди. Уларнинг парадигмаси ўзини-ўзи бажо келтирувчи башоратга айланган эди.

«Иккичи»ларнинг иши эса юришиб кетди. Ўқитувчилар уларга худди «аълочи»дек яхши муносабатда бўлган ва бу уларга катта куч-қувват берган, умид бағишлаган, рухлантирган эди. Уларнинг самарадорлиги ўсганди.

Ўқитувчилардан ўкув йилининг дастлабки ҳафтаси қандай ўтгани ҳақида сўрашганда шундай жавоб беришди:

– Дастлаб ўқитиш методларимиз иш бермади, шунинг учун уларни алмаштиридик. Компьютер ҳисоботига қараганда, талабалар қобилиятли эди. Шу туфайли, ўқитувчилар эски методни ташлаб, янги ўқитиш усуслари устида иш олиб борди. Педагоглар проактив бўлиб, ўз Таъсир доирасига вақт ва қувват сарфлаганди. Талабаларнинг дарсни ўзлаштира олмаслигини улар ўзларида етарлича педагогик маҳорат йўқлигига деб ҳисоблаган эди.

Бошқалар борасида ўзимизда нимани акс эттирамиз? Ва бу акс қай тарзда уларнинг ҳаётига таъсир этади? Биз бошқаларнинг ривожланишига катта таъсир эта оламиз. Инсонлардаги маҳфий салоҳиятни қанча кўп кўрсак,

## ҮЗНИ МУВОЗАНАТЛИ ҮЗГАРТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

хотирадан кўра тасаввуримиз шунча фаол ишлайди. Биз ёрлиқ ёпиштиришни бас қиласиз; ҳар сафар уларни янги, мусаффо ойнада «кўра» оламиз. Шу билан уларга мустақил шахс бўлишида дастак берамиз, ўзгалар билан самарали муносабат ўрнаташиб кўмаклашамиз.

Гёте шундай ёзади: «Одамларни барча камчиликлари билан қандай бўлса, шундайлигича қабул қилсангиз, унда уларни хеч қачон яхши томонга ўзгартира олмайсиз. Агар одамларга комил инсондек муомалада бўлсангиз, уларни ўша даражага кўтаратасиз».

### ЯНГИЛАНИШДАГИ МУВОЗАНАТ

Ўз-ўзини янгилаш жараёни табиятимиздаги жисмоний, рухий, ақлий ва ижтимоий/хиссий ўлчамларнинг ҳаммасида мувозанатлашган шаклда қамраб олиши керак:

Янгиланиш ҳар бир ўлчамда муҳим бўлса-да, тўрталасида ҳам бирдек таъминлангандағина самара беради. Бир ўлчамдаги муносабатлар бошқаларида акс этади. Бунинг ҳақиқаттага нақадар яқинлигини жуда кўп жамоалар ва инсонлар тақдирларида кўрдим. Ташкилотларда жисмоний ўлчам иқтисодий маблағлар билан ифодаланади. Ақлий ўлчам эса тан олиш, ривожланиш, малака ошиши, қобилиятнинг очилиши билан боғлиқ. Ижтимоий/хиссий ўлчам – инсонлараро муносабатлар, ташкилий яхлитлик, умум ишига ҳисса қўшиш иштиёқи билан белгиланади.

Агар жамоада ушбу ўлчамларнинг бири бузилса, бу бутун ташкилотга салбий таъсир этади. Улкан, ижобий синергия яратувчи ижодий кувват издан чиқиб, ташкилот ичидаги тушунмовчилик ва жанжалларга сабаб бўлади, ўсиш ҳамда ривожланишни тормозлантирувчи кучга айланади.

Иқтисодий омил – пул топишни устувор вазифага айлантирган кўплаб ташкилотларни кўрдим. Улар, албатта, бу вазифани оммага ошкор этмайди, лекин ич-ичидан фақат пул топиш илинжида ёнади.

Бундай ташкилотларда ўзаро мусобақалашувни

#### **IV ҚИСМ. ЯНГИЛАНИШ**

келтириб чиқарадиган, ҳужумкор, фитналар ва бир-бирини тингламаслик асосидаги салбий синергия ҳукмрон бўлади. Пул топмасдан бизнесни самарали йўлга кўйиб бўлмайди, аммо пул ташкилий мавжудликнинг ягона сабаби эмас. Биз овқатланмасдан яшай олмаймиз, аммо яшаш учун овқатланмаймиз.

Бошқа томондан, факат ижтимоий/ҳиссий ўлчамни ривожлантиришга эътибор қаратган ташкилотларга ҳам дуч келаман. Улар бир қарашда ижтимоий тажриба ҳисобланади; қадриятлар тизимида иқтисодий мезонлар акс этмайди. Бу каби ташкилотларда самарадорликнинг муайян ўлчовлари мавжуд бўлмагани туфайли мен, шунингдек, уч ўлчамни ривожлантирган кўплаб ташкилотларни кўрдим: улар маҳсулот ёки хизматнинг тақрорланмас сифатига эришади, юқори иқтисодий кўрсаткич ва шахслараро яхши маданиятга эга бўлади, аммо инсонларнинг қобилиятини очиш, ўстириш ва ривожлантиришга имконият яратмайди. Шундай психологик куч етишмаса, жамоада турли қарама-қаршиликлар чиқади; ишчилар узлуксиз алманиб туради, сурункали муаммолар пайдо бўла бошлайди.

Ташкилий, шунингдек, шахсий самарадорлик тўрт ўлчамнинг оқилона ва мувозанатлашган усулда янгиланиши ва ривожланишини тақозо қиласди. Эътиборсиз қолдирилган ҳар қандай ўлчам салбий кувват чиқаради ва мэррага эришиш йўлидаги самарадорлик, ривожланишга тормоз бўлади. Вазифа баёнотида тўрт ўлчамни кўздан қочирмайдиган ташкилотлар ва шахслар мувозанатлашган янгиланиш учун кучли муҳит яратади.

Доимий такомиллаштиришнинг бу жараёни «Умумий сифат» ҳаракатининг белгиси ва Япония иқтисодий юксалишининг қалити ҳисобланади.

#### **ЯНГИЛАНИШДАГИ СИНЕРГИЯ**

Мувозанатлашган янгиланиш синергияга эришища янгича, қулай имкониятлар яратади. Бир ўлчамда «аррани чархлашингиз» бошқа ўлчамларга ҳам ижобий таъсир

## ЎЗНИ МУВОЗАНАТЛИ ЎЗГАРТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

этади, боиси улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Жисмоний соғломлик ақлий соғломликка таъсир қиласы; рухий күч ўз навбатида ижтимоий/хиссий күчта таъсир ўтказади. Бир ўлчамни такомиллаштириш баробарида қолганларининг ҳам салоҳиятини оширасиз.

«Муваффақиятли инсонларнинг етти кўникмаси» ўлчовлараро ушбу синергияни яратади. Исталган ўлчамни янгилаш етти кўникмадан ҳеч бўлмаса бирини эгаллашингизда ёрдам беради. Ва кўникмалар аниқ кетма-кетликда бўлса ҳам, бирини ўзлаштириш қолганларини эгаллашга кўмаклашади.

Қанча кўп проактив бўлсангиз (1-кўникма), шунча кўп самарали шахсий етакчиликка (2-кўникма) ва бошқарувга (3-кўникма) эришасиз. Ҳаётингизни қанча самарали бошқарсангиз (3-кўникма), иккинчи квадратдаги янгиланиш фаолиятини шунча кўп бажара оласиз (7-кўникма). Аввало тушунишга қанча кўп интилсангиз (5-кўникма), шунча кўп синергетик ютуқ-ютуқ ечимларига келасиз (4 ва 6-кўникма). Мустақилликка етакловчи ҳар қандай кўникмани қанча кўп ривожлантирангиз (1, 2, 3-кўникмалар), ўзаро боғлиқ муносабатларда шунча самарали бўласиз (4, 5, 6-кўникмалар) ва янгиланиш (7-кўникма) барча кўникмаларнинг янгиланишидир.

Жисмоний ўлчамингизни янгилар экансиз, шахсий қарашингизни мустаҳкамлайсиз (1-кўникма). Ўзликни англаш ва мустақил ирода, проактивлик, ҳаракатнинг субъекти эканингиздан хабардор бўлиш, ҳар қандай стимулга ўз реакциянгизни билдириш парадигмаси такомиллашади. Бу – жисмоний машғулотларнинг энг буюк фойдаси бўлса керак, эҳтимол. Кундалик Шахсий ғалабанинг ҳар бири шахсий хотиржамлигингизни мустаҳкамлашга хизмат қиласы.

Рухий ўлчамни янгилаш ёрдамида, шахсий етакчилигингизни мустаҳкамлайсиз (2-кўникма). Сиз фақат хотирангиз эмас, балки тасаввур ва

#### IV КИСМ. ЯНГИЛАНИШ

виждонингиз кўрсатгандек яшайсиз; Ички парадигма ва қадриятларингизни тубдан тушунишга, қалбингизда тўғри тамойиллардан тузилган марказ яратишга, ҳаётдаги фақат ўзингизга хос бўлган вазифани ифодалашга, ҳаётингизни тўғри тамойиллар билан уйғунликда қайта сценарийлаштириб, шу сценарий асосида яшашга ва шахсий манбаларингиздан куч олишга қодир бўласиз. Рухий янгиланиш орқали яратган шахсий ҳаётингиз шахсий хотиржамлигингизни мустаҳкамлайди.

Ақлий ўлчамингизни янгилаш билан шахсий бошқарувингизни мустаҳкамлайсиз (3-кўникма). Режалар экансиз, вакт ва кувватингиздан максимал фойдаланиш учун иккинчи квадратдаги муҳим фаолият турларини, устувор мақсад ва вазифаларни аниқлаб оласиз. Давомий таълимга киришасиз, билимингизни оширасиз ва имкониятларингизни кенгайтирасиз. Иқтисодий хотиржамлигингиз ишингизда эмас, ишлаб чиқариш кудратингизда – ўйлаш, ўрганиш, яратиш ва мослаша олиш салоҳиятингиздадир. Ҳақиқий молиявий мустақиллик – кўлингиздаги маблағ эмас, балки маблағни ишлаб чиқариш учун етарли кудратга эга бўлиш билан ўлчанади.

Кундалик Шахсий ғалаба – кунига ҳеч курса бир соат жисмоний, рухий, ақлий ва ижтимоий/ҳиссий ўлчамларни янгилашга сарфлаш – Етти кўникмани ривожлантиришнинг асосий қалитидир. Ва у сизнинг таъсир доирангиздадир. Кундалик шахсий ғалаба кўникмаларни ҳаётингизга сингдириш, тамойилга марказлашиш учун ажратган вактингизда кўринади.

У шунингдек, кундалик Оммавий ғалабанинг пойдевори бўлиб, ижтимоий/ҳиссий ўлчамда «аррани чархлаш» учун зарур бўлган ички хотиржамлик манбаидир. Кундалик шахсий ғалаба ижтимоий муносабатларда таъсир доирангизга дикқат қаратиш учун куч беради. Бу куч ёрдамида бошқаларга серобгарчилик менталитети парадигмаси орқали бокасиз, уларнинг ўзига хослигини

## ЎЗНИ МУВОЗАНАТЛИ ЎЗГАРТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

қадрлайсиз ва улар эришган муваффакиятлардан хурсанд бўласиз. Кундалик Шахсий ғалаба.– ўзаро тушуниш ва синергетик ютуқ-ютуқ ечимига келиш, шунингдек, ўзаро боғлиқ воқеликда 4, 5, 6-кўникмаларни амалда қўллаш учун пойдевор бўлади.

### ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШ СПИРАЛИ

Янгиланиш – тамойил ва жараёндир. У бизга ўсиш ва ўзгаришнинг, услуксиз ривожланнишнинг юқориловчи спирали узра юриш имконини беради.

Ушбу спираль бўйлаб мазмунли ва муттасил тарақкий қилиш учун биз янгиланишнинг яна бир жиҳатини инобатга олишимиз даркор. Бу жиҳат бизни юқорига ҳаракатлантирувчи инсоний қобилият – виждонимиздир. Мадам де Стал ёзганидек: «Виждоннинг овози шу қадар сокинки, уни бўғиш жуда осон, бироқ шу қадар аниқки, уни адаштириб бўлмайди».

Виждон шундай қобилиятки, у тўғри тамойиллар билан не қадар ҳамоҳанг эканимизни ҳис қиласи ва бизни доим улар томон йўналтиради.

Аъло спортчи учун асаб таълими, олим учун ақл таълими зарурдир. Худди шу каби, чинакам проактив, муваффакиятли инсон учун виждон таълими ҳаётий аҳамиятга эга. Виждонни машқ қилдириш ва ўқитиш эса ҳар доимидан кўра кучлироқ дикқат, интизом ва самимий ҳаёт тарзини талаб қиласи. Виждонингизни ривожлантириш учун ҳамиша юксак адабиёт намуналаридан баҳра олишингиз, олийжаноб фикрлар билан озиқланишингиз, энг мухими, виждонингизнинг сокин овозига уйғун яшашингиз лозим.

Нософлом овқат ва кам ҳаракат спортчининг аҳволини ноҷорлаштириши қанчалик ҳакикат бўлса, одобсиз, кўпол ёки шаҳвоний нарсалар олий ҳисларимизни фалажловчи ички зулматни келтириб чиқариши шунчалик рост. Заарали одатлар бирлашиб «Нима тўғрию нима нотўғри?» деган саволни ҳал қилувчи илоҳий виждонни бўғиб ўлдиради,

#### IV КИСМ. ЯНГИЛАНИШ

унинг ўрнига «Килиқларимдан хабар топишадими ёки йўқ?» деган масала атрофида айланувчи ижтимоий виждонни ҳосил қиласи.

Даг Ҳаммерхулд шундай деган: «Ҳайвонга айланмай ҳайвон билан ўйнаб бўлмайди; ҳақиқатта ҳакки қолмай ёлғон билан ўйнаб бўлмайди; таъсирчанликни йўқотмай шафқатсизлик билан ўйнаб бўлмайди. Кимки бодини гуллаган ҳолда кўрмоқ истаса, бегона ўтларга жой қолдирмайди».

Ўзимизни англай оларканмиз, ҳаётий мақсад ва тамойилларимизни танлашимиз керак; акс ҳолда, онгимиз бўшлик билан тўлади, ўзликни англаш қобилиятимизни йўқотамиш ва жон сақлаш учун яшайдиган ҳайвонлардан фарқимиз қолмайди. Бу даражадаги инсонлар реактив, ич-ичида ривожланмай қолиб кетган қобилиятларидан бехабар умр кечиради.

Бу ерда ҳосил қонуни ишлайди: нима эксанг – шуни ўрасан. Адолат қонуни ўзгармасдир ва биз тўгри тамойилларда қанча мустаҳкам турсак, ҳаёт бошқарувини шунча яхши муҳокама қила оламиш; парадигмаларимиз шунча бенуқсон бўлади.

Юқориловчи спираль бўйлаб ўсиб, ривожланар эканмиз, ишончим комилки, виждонимизни тарбиялаб, унга мувоғиқ шаклда янгиланиш жараёнини намойиш қиласиз. Таълим билан кучайтирилган виждон бизга шахсий озодлик, хотиржамлик, донолик ва кудрат йўли бўйлаб ҳамроҳлик қиласи.

Ўсиш ва ривожланишнинг юқориловчи спирали узра ҳаракатланиш ҳар сафар янги погонага кўтарилиганимизда биздан янада кўпроқ ўрганишни, масъулиятни бўйинга олишни ва бажаришни талаб қиласи. Ушбу вазифалардан бирини бажаришнинг ўзи етарли дейиш билан факат ўзимизни алдаймиз. Ривожланиш учун биз ўрганишимиз, масъулиятни бўйинга олишимиз ва бажаришимиз ва яна қайта ўрганишимиз, масъулиятни бўйинга олишимиз ва бажаришимиз лозимдир.

## Масъулият



### ҚҮЛЛАШ УЧУН КҮРСАТМАЛАР:

1. Жисмоний күринишингизни яхши сақлашга ёрдам берадиган машғулотлар рўйхатини тузинг. Улар ҳаёт тарзингизга мос тушадиган, сизга роҳат бағишлайдиган бўлиши кераклигини инобатга олинг.
2. Рўйхатдаги машғулотлардан бирини танланг ва келаси ҳафтада шахсий ролингизга мақсад қилиб қўйинг. Ҳафта охирида натижани баҳоланг. Агар вазифани бажармаган бўлсангиз, бунинг сабаби олийроқ қадриятми? Ёки қадриятларингизга ҳамоҳанг йўл тутмаганингизми?
3. Руҳий ва ақлий ўлчамингизни янгилайдиган машғулотлар рўйхатини тузинг. Ижтимоий/ҳиссий ўлчамда яхшиланиши керак муносабатларни ёки Оммавий ғалабалар юқорироқ самара келтирадиган

#### IV КИСМ. ЯНГИЛАНИШ

вазиятлар рўйхатини тузинг. Вазифалардан бирини келаётган ҳафта учун танлаб олинг. Уни бажаринг ва баҳоланг.

4. Ҳар ҳафта тўрт ўлчам бўйича «аррани чархлаш» машғулотлари режасини тузишни одат қилинг. Вазифани бажаринг ва бажарган машқларингиз натижасини баҳоланг.

## ЯНА БИР БОР ИЧКАРИДАН ТАШҚАРИГА

*Яратган инсоннинг ичидан ташига таъсир қиласди.*

*Жамият эса ташқаридан ичкарига таъсир ўтказади.*

*Жамият инсонларни харобалардан сувуриб олишига уринади. Худо эса аввало инсонлар қалбидаги харобаларни тозалайди. Шундагина инсонлар ўзи харобадан чиқа олади. Жамият инсонларни муҳитни ўзгартириши орқали қолилга солади. Худо инсонларни ўзгартиради, шунда уларнинг ўзи муҳитини ўзгартира олади. Жамият инсон хулқ-авторини шаклантиради, Худо эса инсон табиатини ўзгартиради.*

ЭЗРА ТАФТ БЕНСОН

Ўз бошимдан ўтган бир ҳикояни сизлар билан баҳам кўрмоқчиман. Ўйлашимча, бу ҳикоя ушбу китобнинг асл моҳиятини очиб беради. Умид қиласманки, сиз унинг замиридаги тамойилларни англай оласиз.

Бир неча йил муқаддам китобни тугатиш мақсадида дарс бераётган университетимдан академик таътил олдим ва оиласиз билан бутун йил бўйи Ҳаваи оролларидан бири, Оахунинг шимолий қирғозларида жойлашган Лаяда яшадик.

Бориб жойлашганимизга ҳеч қанча вақт ўтмай, яшаш ва ишлаш учун нафақат самарали, балки қизиқ ҳам бўлган жадвал туздик.

Эрта тонгда, соҳиlda енгил югуришдан сўнг, болаларни ялангоёқ ва шортикда мактабга жўнатар эдик. Ўзим эса шакар плантацияси ёнидаги ижодхона қилиб олганим бинога кетардим. У ер жуда чиройли ва сокин эди: телефон кўнғироқлари безовта қилмас, учрашув ҳам, босим ҳам йўқ эди.

Ижодхонаминг бир ёнида коллеж жойлашганди. Бир куни коллеж кутубхонасида бир китобга дуч келдим. Китоб

#### IV ҚИСМ. ЯНГИЛАНИШ

дархол диккәтимни тортди. Уни очишим биланоқ, ҳаётимга катта таъсир ўтказган жумлаларга кўзим тушди.

Ана шу жумлаларни қайта-қайта ўқидим. Умуман олганда, унда стимул ва реакция ўртасида бўш жой борлиги, бизнинг комиллигимиз ва баҳтимиз қалити уни нима билан тўлдиришда эканлиги ҳакидаги жуда оддий фикрлар баён қилинганди.

Ўз ҳолатимни тўлиқ тасвиrlаб бера олмайман. Мен фалсафий детерминизм руҳидаги дунёкараш билан улғайган бўлсам-да, бу образ – стимул ва реакция орасидаги бўшлиқ мени ҳайратга солган эди. Бу худди юракнинг тескари бўлиши, «ғоянинг етилиши»га ўхшар эди.

Бу жумлалар ҳаётий фалсафамга катта таъсир кўрсатди. Мен ўзимга ташқаридан қарай бошладим. Ўша бўшлиқ марказида туриб, ўз стимулларимни таҳлил қиласдим. Ўз ички эркинлигимдан завқланардим, хоҳлаган реакциямни танлардим ва шу тарзда ўз ҳаётимга таъсир ўтказар эдим.

Шу кичик шахсий инқилобдан кейин, Сандра билан юракдан суҳбат қуришни доимий одат қилиб олдик. Пешиндан олдин Сандранинг олдига ўзимнинг эски қизил «Хонда» машинамда борарадим; икки боламизни ўзимиз билан олардик – бири Сандра иккимизнинг ўртамизга жойлашса, иккинчиси тиззамдан жой олар ваофисим олдидан ўтиб, плантация бўйлаб бир соатча айланар эдик; биз сокин суҳбатлашардик.

Болалар машинада сайр қилишни интизорлик билан кутар, шовқин-сурон кўтармасди. Қаршимиздан транспорт чиқмасди, машинамиз ҳам шунчалик паст овоз чиқарап эдики, бир-биrimизни бемалол эшита олардик. Одатда оилавий ҳордиқ чиқариш учун машинани соҳилнинг овлок қисмида тўхтатиб, тахминан, икки юз ярд масофани пиёда юрардик.

Кумлоқ соҳил, оролдаги дарёдан оқаётган тиник сув болаларнинг бор эътиборини ўзига торгарди. Шунда Сандра билан бемалол суҳбатлашишга фурсат топардик. Бутун

йил бўйи кунига икки соатдан теран сухбат натижасида рафиқам билан ўртамиздаги ишонч ва тушуниш қанчалик яхшиланганини тасавур килиш қийин бўлмаса керак.

Йил бошларида биз қизиқарли мавзуларда сухбатлашдик – одамлар, ғоялар, ҳодисалар, болалар, менинг ижодим, оиласиз, келажакдаги режалар ва шунга ўхшаш нарсалар ҳақида. Бироқ секин-асталик билан мулоқотимиз чуқурлаша бошлади ва кўпроқ ички оламимиз ҳақида сухбатлашадиган бўлдик – бизни қандай вояга еткизишгани, сценарийларимиз, ўз ҳиссистларимиз ва шубҳаларимизни бўлишдик. Ўз қалбимизга кириб борганимиз сари, кўп ҳодисалар ойдинлашарди. Биз стимул ва реакция ўртасидаги бўшлиқни тўлдира бошладик – бизда шаклланган парадигмалар ва уларнинг ҳаётта қандай қарашимизни белгилаб беришини тубдан англадик. Биз ташки дунёдаги ҳар қандай саёҳатдан қизиқарлироқ, ҳайратланарли ва ҳаяжонлироқ бўлган саёҳатни бошладик – бу ички оламимизга қилган саёҳатимиз эди.

Бу доим ҳам текис кетмасди. Вақти-вақти билан гўр асаб толаларимизга зарба берардик, оғрикли ва уятли тажрибалар, бизни фош қилувчи тажрибаларни бошдан кечарардик. Улар бизни боримизни очиб ташлаб, бир-бирамизга заифликларимизни кўрсатарди. Шунга қарамай, биз буни умримиз охирига қадар давом эттиришни истардик. Биз энг ботиний оламимизга гарқ бўлар, беғубор ва ижобий кайфият билан юзага кўтарилар эдик.

Биз энг бошиданоқ бир-бирамизни кўллаб-кувватладик, ёрдам бердик, эмпатик ва руҳлантирувчи бўлдик, натижада ҳар бирамизнинг ичимиизда янгидан-янги ёқимли кашфиётлар учун замин тайёрладик.

Секин-асталик билан муносабатимизда икки қоида пайдо бўлди. Биринчиси «тергов қилмаслик». Биз жуда нозик, заиф ички оламга киришимиз билан бир-бирамизга савол беришимиз шарт бўлмай қоларди, фақат ҳис қилардик.

#### IV ҚИСМ. ЯНГИЛАНИШ

Тергов жуда қўпол ва мантикий эди. Биз янги, қийин мухитта тушиб қолган эдик, бу бизда кўркув ва иккиланиш пайдо қиласди; бор юрак кўримиз билан олга юришга интилардик, бироқ эҳтиёжларимизни ҳамда қачон вакти келса, ўшандагина кўнгил очишни қадрлай бошладик.

Иккинчи қоида шуки, мулоқотимиз ўта оғрикли тус олганда, уни ҳеч бўлмаса бир кунга тўхтатар эдик. Шундан сўнг, келган жойидан бошлиш ёки шерикнинг ўзи ўша мавзуга қайтишини кутишга тайёр бўлардик. Биз боғланмаган якунни боғлашни истардик, бироқ вақтимиз борлигини, турмушимида шароит зўр эканини ва эргами-кечми узилган кунларни бирлаштириб, ҳаётнинг яхлит картинасини ясаб олишимизни билардик.

Бу каби мулоқотнинг энг кийин, аммо энг самарали қисми менинг заифлигим ва Сандранинг заифлиги бир-бирига етганда бўларди. Шунда, стимул ва реакция орасидаги бўшлиқ қисқарар – деярли йўқолиб ҳам кетди. Баъзи ёқимсиз ҳислар юзага чиқарди. Бироқ бир-биrimизни чин дилдан тушунишни исташимиз ва барини бошидан бошлиш ҳақидаги ёзилмаган шартнома буларни енгиги ўтарди.

Энг оғир ўтган вақт менинг шахсиятимдаги майллар билан боғлиқ эди. Отам жуда камгар, эҳтиёткор ва ўзини назорат қила оладиган инсон эди. Онам эса аввал ҳам, ҳозир ҳам жуда дилкаш ва очиқкўнгил. Менда бу хусусиятлар қоришиган. Мен тўлиқ хотиржамлик сезмасам, ўз қобигимга ўралиб олишга мойилман. Ўз ичимга яшириниб, ўша ердан кузатаман.

Сандра кўпроқ онамга ўхшайди: киришимли одамлар билан тез чиқишиб кетади. Унинг очиқлиги менга тўғри келмайдиган бўлиб кўринган, у эса ёпиқлигим менга ёмон таъсир кўрсатади дерди; бу вазиятда бошқаларнинг ҳиссиётларини қабул қила олмайдиган бўлиб қоламан. Мен ўзимда куч топиб, Сандранинг донолиги ҳамда фикрларига хурмат билан ёндашдим, у менга очикроқ,

## ЯНА БИР БОР ИЧКАРИДАН ТАШҚАРИГА

киришимлироқ, ўзини одамларга бағишлишга тайёр инсон бўлишга ўргатди.

Яна бир оғрикли нұқталардан бири, Сандрага «осилиб қолганим» бўлди ва бу кўп йиллар мобайнида гашимга тегди. Сандра «Фригидер» фирмаси ишлаб чиқарган майший техникаларга муккасидан кетганди. Мен буни умуман тушунмасдим. У бошқа фирмалар ҳақида ҳатто эшитишни ҳам истамас эди. Бирга яшай бошлаганимизда пулни учма-уч етказганимизда ҳам, «Фригидер» сотиб олиш учун эллик миль наридаги йирик марказга олиб боришга мажбур этарди, чунки бу фирма маҳсулотлари бизнинг университет шаҳарчамизда сотувда йўқ эди.

Рафиқамнинг бу қилиғи баъзан ҳикилдоғимга келарди. Яхшиямки, майший техникани доим ҳам сотиб олишга ҳожат йўқ эди. Керак бўлиб қолса, унинг хоҳиши ҳазил бўлмасди. Бу қизил «қайнок тутмача»га, сигналга ўхшарди. «Фригидер» эса менда ёмон хотира сифатида қолди.

Шундай пайтларда мен ўз қобигимга ўралиб олар эдим. Менинг назаримда ягона йўл – айнан шу вазиятта кўз юмиш эди. Акс ҳолда, назоратни йўқотишим, оғзимдан ҳар турли сўз чиқиб кетиши мумкин эди. Баъзида шундай вакътлар бўлардики, ўз назоратимни йўқотиб, рафиқамга қаттикроқ гапириб юборардим, сўнг орқасидан кечирим сўраб юрар эдим.

Сандра «Фригидер»нинг афзал жиҳатларини гапириб, ҳақлигини уқтирумокчи бўлиши ғазабимни қўзгарди. Агар у ўзининг реакцияси шунчаки ҳиссий экани, мантиқ йўқлигини тан олса, анча енгил тортган бўлар эдим. Бирок унинг келтирган далиллари...

«Фригидер» муаммоси эрта баҳорда юзага чиқар эди. Аввалги мулоқотлар бизни очиқ сухбатлашишга тайёрлаган эди. Коидалар ўрнатилганди ва ҳеч бузилмасди. Юракка саволлар билан юзланмаслик, агар мухокама жуда оғрикли бўлса, тўхтатиш керак эди.

Мен ўша кунни ҳеч қачон унугтайман. Биз соҳил бўйида

#### IV ҚИСМ. ЯНГИЛАНИШ

тўхтамадик, аксинча, плантация бўйлаб айландик, эҳтимол бир-бirimizning кўзимизга карагимиз келмагандир. Бу жуда қайгули муаммо эди, у ёмон ҳислар билан уйқашганди, шу сабабдан у ҳакда гапиришга ҳайикардик. Агар чиройли, ишончли, мустаҳкам ва самимий муносабат истасангиз, унда ҳар бир тушунмовчиликка жиддий аҳамият беринг.

Натижалар барча хавотирларни ювиб кетди. Биз тўлиқ бутунликка эриша олдик. Сандра илк бор ўз фикрларидағи мантиқни қидирди. Ва ҳаммаси ойдинлашди. Рафиқам отаси ҳақида сўзлаб берди. Қайнотам бир неча йил мактабда тарихдан дарс берган, сўнг ўз бизнесини бошлаган. Иқтисодий инкиroz даврида жиддий молиявий қийинчиликни бошидан кечирган отасига бизнесни сақлаб қолишида «Фригидер» фирмаси молиявий ёрдам берган экан.

Сандра дадасини жуда яхши кўрарди. Отаси оғир иш кунини ўтказиб, уйга ҳориб қайтганида, у диванга ёнбошлаган, Сандра эса унинг оёғига малҳам суриб уқалаган. Ажойиб дамлар бўлган. Улар ҳар кунги суҳбатларидан завқ олишган. Ота киришимли бўлган ва барча қийинчиликларни енгиб ўтган. Шунингдек, «Фригидер»дан нақадар миннатдорлигини қизи билан бўлишган.

Бу каби очиқлик қиз ва ота ўртасида табиий юзага келган ва жуда самимий бўлган. Бундай вақтларда инсон ўта таъсирчан ва бошқа сценарийларни қабул қилишга мойил бўлади. Эҳтиёткорлик чекинади; ўйлар ва ҳислар онг остининг туб-тубидан жой олади. Эҳтимол, токи биз бир бутунликка ҳаракат қилганимизда – бари табиий юзага чиқмагунича Сандра буларни унугтган.

Рафиқам қалбининг туб-тубига назар солди ва «Фригидер» фирмасига муносабатининг ҳиссий илдизларини топди. Мен унинг яна бир қиррасини кашф қилдим ва унга нисбатан ҳурматим янайм ошди. Бир нарсани тушундим, мулоқот жараёнида Сандра шунчаки

маиший техника ҳақида эмас, балки отаси, унга бўлган хотираси ҳақида сўзлаб берганди.

Бу кашфиётдан эмас, балки яқинлик хисси қайтганидан иккимизнинг ҳам кўзимизга ёш келганини эслайман. Шунингдек, биз ишондикки, аҳамиятсиз кўринган нарсалар ҳам чукур хиссий илдизга эга бўлиши мумкин. Юзаки ёндашиш, бирорнинг қалбини яксон қилишдир.

Ўша йили жуда мазмунли ўтди. Биз шу даражада яқин бўлдикки, ҳатто бир-биримизнинг фикрларимизни ўқий бошладик. Ҳаванини тарқ эта туриб, одатимизга содик қолишга қарор қилдик. Ўшандан бери машинада сайдри доимий давом эттирамиз. Мұхаббатни асрар учун сұхбатлашиш керак – айникса, хиссиётлар ҳақида. Биз кун давомида ҳеч бўлмаганда гаплашишга ҳаракат қиласиз, ҳатто бошқа-бошқа шаҳарларда бўлсан ҳам. Бу худди баҳт, ишонч хисси, ҳаётингиз қадр-қиммати йигилган қадрли уй деворига суюнишдек гап.

Томас Вулф ноҳақ бўлган. Уйга қайтиш мумкин, агар уйингиз тенги йўқ муносабатлар устига курилган бўлса.

### АВЛОДЛАРАРО ҲАЁТ КЕЧИРИШ

Ўша йили стимул ва реакция орасидаги бўшлиқдан оқилона фойдаланганимиз, табиатимиздаги тўрт ноёб қобилиятни тарбиялаш имконияти бизни ичкаридан ташқарига олиб чиқди.

Биз ташқаридан ичкарига ёндашувини аввал қўллаб кўргандик. Бир-биримизни севдик ва ўз сўзимиз ва ҳаракатимизни назорат қилиш, мулокотдаги фойдали техникалардан фойдаланиш орқали фарқларимиз устида ишлашга уриндик. Бироқ тезкор даво чоралари – аспирин ва пластиръ вақтинча таъсир кўрсатди. Токи асосий парадигмаларимиз устида ишлаб, шу асосда мулокот қилмагунимизча – сурункали касалликлар жойидан жилмади.

«Ичкаридан ташқарига» ёндашувини қўллаб, биз янги, кучли ишончга асосланган муносабат қурдик,

#### IV КИСМ. ЯНГИЛАНИШ

оғрикли муаммолардан халос бўлдик. Дараҳт илдизига меҳр берганимиздан ширин мевалар ҳосил берди: ўз парадигмаларимизни кўриб чиқдик, қайта ёздиқ ва, энг муҳими, иккинчи квадрат учун вақт ажратдик.

Бундан ташқари, ота-онамиз ҳаётимизни қанчалик шакллантиргани, шунингдек, ўзимиз билмаган ҳолда, биз ҳам фарзандларимизни шакллантираётганимизга кўпроқ амин бўлдик. Ҳаётимиздаги сценарийнинг хукмронлигини билганимиздан кейин, тўғри тамойилларга асосланган мерос қолдириш учун янгиланган истак туйдик.

Бу китобда мен проактив тарзда ўзгартириши керак бўлган ўзимиздаги сценарийларни баён қилдим. Бироқ ўзимизни, сценарийларимизни таҳлил қилиш орқали аждодларимиздан ўтган ижобий дастурларни кўришини бошлиймиз. Ўз-ўзини ҳақиқий англаш бизга ўтмиш аждодларимизни қадрлашга, нафақат ҳозир ким эканимиз, балки ким бўлишимизни англашимизга ёрдам беради.

Бир неча авлоддан ташкил топган мустаҳкам оиласда файз бўлади. Баҳамжиҳат, аҳил оила ота-она, фарзандлар, хола-амма, бобо-буви, жиянлар билан биргаликда ҳар бир аъзосининг нима учун яшаётганини ҳис қилишига кўмаклашади.

Бутун қариндошлар мамлакат бўйлаб ёйилган бўлса ҳам, фарзандлар учун ўзининг қайси қавм аъзоси эканини, уни севишларини билиш ва ҳис қилиш муҳим. Ўз фарзандингизни вояга етказишида бунга амин бўласиз. Агар улардан қайсилир бири қийин даврни бошидан кечираётган бўлса-ю, ёнида бўлмасангиз, эҳтимол, у сизнинг акангизга ёки опангизга суюниши, акангиз ёки опангиз унга ота ё она ўрнини босиб туриши мумкин.

Невараларига вақт ажратадиган бобо ва буви дунёдаги энг азиз инсонлардир. Ва улар сеҳрли ижтимоий кўзгу вазифасини бажариши мумкин! Менинг онам – худди шундай бувилардан. Ҳатто ҳозир, ўзининг тўқсонга яқинлашган ёшида ҳам у ҳар бир ишга қизиқади; бизга

муҳаббатга лиммо-лим хатлар ёзади. Хатлардан бирини учокда ўқиганман ва кўзёшларимни тия олмаганман. Қачон унга қўнгироқ қилсам, у хурсанд ҳолда: «Стивен, мен сени қанчалик яхши кўришимни ва сен ажойиб инсонлигингни билишингни хоҳлайман», – дейди. Онам ҳамиша ўзимизга бўлган ишончимизни тасдиқлади.

Бир нечта авлодни ўзида жамлаган оила – инсоннинг энг баҳтили, саодатманд муносабатларидан биридир. Кўпчилик одамлар буни ҳис қиласди.

Энг олий ва энг кучли мотивация – ўзимиз учун эмас, балки бутун инсоният тараққийси, гуллаб-яшнаши учун хисса қўшишдир. Кимдир айтганидек: «Биз авлодларимизга қолдирадиган иккита бойлик мавжуд – бири илдизлар, иккинчиси эса қанотлар».

### ЎЗГАРТИРА ОЛАДИГАН ИНСОН БЎЛИШ

Ишонаманки, авлодларимизга қанот бериш – уларга тутқизилган салбий сценарийдан кўтарилиш учун куч бериш демакдир. Бу учун эса мен дўстим, ҳамкасбим, доктор Тери Уорнер тили билан айтганда «Ўзгартира оладиган инсон» бўлишим керак. Авлодларга салбий сценарий қолдиргандан кўра, шу салбий сценарийларнинг ўзини ўзгартиришимиз мумкин. Бу жараёнда муносабатларимизни янада юқори чўққига олиб чикиш имконияти пайдо бўлади.

Агар сизни болалигингизда хафа қилишган бўлса, бу сиз ҳам фарзандларингизни хафа қилишингиз керак дегани эмас. Шунга қарамай, ўша ҳолатга қайтишга мойил бўлишингизга кўплаб асослар мавжуд. Бироқ проактив бўлсангиз, сценарийни қайта ёза оласиз. Сизда нафакат фарзандларингизни хафа қилмаслик, балки уларнинг ўзларига бўлган ишончини тасдиқлаш, ижобий характерда сценарийлаш имкони бўлади.

Сиз бу масалани шахсий вазифалар баёнотингизга, ақлингизга ҳамда юрагингизга ўйиб битишингиз мумкин. Кундалик Шахсий ғалабангизда ана шу вазифа баёноти билан уйғунликда яшайдиганингизни тасаввур қилинг-а!

#### IV ҚИСМ. ЯНГИЛАНИШ

Қадамма-қадам сиз ота-онангизни кечиришга, агар тирик бўлишса, улар билан муносабатларни яхшилашга, уларни тушунишга муваффақ бўласиз.

Авлоддан-авлодга ўтиб келган бу нохуш тенденция сизда якунланиши мумкин. Сиз – ўтмиш ва келажакни боғловчи эмас, балки ўзгартирувчига айланасиз. Сиздаги ўзгариш авлодларингизга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

ХХ асрнинг ёркин намояндаси, ҳаётни яхшиликка ўзгартира олган Анвар Садат бизга ўзгариш борасида улкан мерос қолдириб кетган. Садат араблар ҳамда исроилликлар ўргасида «шубҳа девори, кўркув, нафрат ва тушунмовчилик» яраттан ўтмиш ҳамда низо ва адоватлар юз бериши тайин бўлган келажак ўргасида турган. Ўшанда музокара олиб бориш, ярашиш учун қилинган ҳар қандай ҳаракат кўплаб тўсиқларга дуч келарди.

Бошқалар мавжуд вазиятни «даражтнинг баргларини силкиш» орқали ҳал қилишга уринган пайтда, Садат бир кишилик камерасида ўтирганча тамойиллардан ўзига паноҳ қидирганча, «даражтнинг илдизи» билан шугуланишни бошлаган. Шу орқали миллионлаб инсонлар ҳаётини ўзгартиришга эришган.

Ўз мемуарларида Садат шундай ёзади:

«Шунда мен деярли англамаган шаклда Қоҳира Марказий қамоқхонасининг 54-камерасида ривожлантирган ички қудратимга – истасангиз, уни ўзгариш учун иқтидор дeng ёки лаёқат – унга таяндим. Ўта мураккаб вазиятта юзлашиб учун аввало руҳан ва ақлан қуролланишим зарурлигини англаб етдим. Шу ёлғизлиқдаги ҳаётим ва ортирган тажрибамдан бир нарсани ўргандим: ўз фикрларини ўзгартира олмайдиган инсон ҳеч қачон реал воқеликни ўзгартира олмайди, оқибатда ҳеч қандай ривожланиш, юксалишга эришишни уddyаламайди.

Ҳақиқий ва сифатли ўзгариш ичкаридан ташқарига қараб ҳаракатланади. Дарахтнинг шохларини силкиш

– муаммога тезкор чоралар топиш ўзгариш йўлида ҳеч қандай самара бермайди. Ҳақиқий ўзгариш илдизга – феъл-авторимизни ифодалаб, дунёга қаровчи линзаларимизни шакллантирадиган фикрларимизга, эски парадигмаларимизга зарба беришдан келиб чиқади. Амиел сўзи билан айтганда:

«Ахлоқий ҳақиқатни ақл билан англаш мумкин. Уни ҳис қилиш мумкин. Олдингта вазифа қўйиш ва у билан келишиб яшаш мумкин. Бироқ у барибир кўлдан чиқади. Онгимиздан-да чуққурроқ нарса – бизнинг шахсий борлиғимиз, бизнинг мавжудлигимиз, бизнинг табиатимиздир. Ана шу ҳудуддаги ҳақиқатларгина бизнинг мавжудлигимиз бўлаги сифатида, онгли ҳолда бизнинг ҳаётимиз ҳисобланади. Токи шу ҳақиқатларни ўзимиздан айро ҳолда қабул килар эканмиз, ҳаётдан ажралиб қоламиз. Ҳаётни ўйлаш, ҳис қилиш ёки хоҳлаш – ҳаётнинг ўзи дегани эмас. Энг илоҳий нарса – ҳаётни англашдир. Шундагина биз яшаяпмиз дея айта оламиз, шундагина ҳаётни йўқотиб қўйишдан кўрқмаймиз. Ҳаёт энди биздан ташқарида ёки бизнинг ичимида ҳам эмас. Биз – ҳаётмиз ва ҳаёт – биз».

Чин дилдан севган инсонларимиз, дўстларимиз ва ҳамкасларимиз билан бутунликка, бирликка эришиш – Етти кўникманинг энг ширин, энг исталган мевасидир. Ўтмишда кўпчилигимиз вақти-вақти билан бу мевадан татиб кўрганмиз. Шунингдек, бошбошдоқлик мевасининг аччик таъмини ҳам биламиз. Бирлик нақадар қадрли эканидан воқифмиз.

Бирликни пайдо қилувчи мустаҳкам феъл-авторни яратиш, муҳаббатга тўла ҳаётда яшаш, дунёга ҳисса қўшиш илинжида умид кечириш осон иш бўлмайди – бу тезкор даво эмас.

Лекин буни уddeлаш мумкин. Ҳаммаси марказга тўғри тамойилларни қўйиш, бошқа марказлар яратган парадигмаларимизни синдириш ва ёмон кўникмаларнинг

шинам худудидан чикиш билан бошланади.

Бу жараёнда баъзан хато қиласиз, уяламиз. Бироқ кундалик шахсий ғалабаларга эришсак ва ичкаридан ташқарига ҳаракат қилсан, албатта, самарасини кўрамиз. Ургуни экиб, сабр билан парвариш қилсан, кўкариб чиккан ниҳолнинг ўсаётганини ҳаяжон ила ҳис қиласиз. Бу ниҳол униб, кучли дарахтга айлангач, самарали яшашнинг тотли меваларидан ҳосил беради.

Эмерсон шундай дейди: «Доимий равища бажарадиган ишларимиз енгиллашишига вазифанинг ўзгариши эмас, балки бажариш қобилиятимиз ўсиши сабаб бўлади».

Ҳаётимизни тўғри тамойилларга қуриш, вазифаларимиз ва уларни бажариш қобилиятимиз ўртасида мувозанат яратиш орқали, ўзимиз ва авлодларимиз учун самарали, фойдали ва осуда ҳаёт барпо қиласиз.

## МУАЛЛИФДАН

Ушбу китобни якунлар эканман, тўғри тамойилларнинг бош манбани нимада кўришим тўғрисидаги шахсий фикрларимни сиз азизларим билан бўлишмоқчиман. Ишончим комил, тўғри тамойиллар – табиий қонулардир. Шундай экан, уларнинг асл манбаи Яратган Парвардигордир. Парвардигор, шунингдек, виждонимиз манбаи ҳамдир. Ушбу виждондан рухланиб умр кечирган инсондар ўз табиатини тўлдириш мақсадида ҳамиша ўсиб боради. Виждонни оёқости қилганлар эса ҳайвон даражасидан кўтарила олмайди. Ишончим комил, инсон табиатининг қонун ёки таълим билан забт этиб бўлмайдиган қирралари мавжуд. Бу қирраларни очиш учун Парвардигорнинг кудратига муҳтожмиз. Инсон сифатида ўзимизни ўзимиз мукаммал қила олмаймиз. Тўғри тамойилларга қанчалик мутаносиб бўлсак, мавжудлигимиз мезонларини бажаришга имкон берувчи илохий тамойиллар озодликка чиқади. Тейяр де Шарден айтганидек: «Биз руҳий тажрибаларга эга инсоний мавжудот эмасмиз. Биз инсоний тажрибаларга, эга руҳий мавжудотмиз».

Шахсан ўзим ҳам ушбу китобда баён этилган кўпгина муаммолар билан курашаман. Лекин бу кураш вақт ва қувват сарфлашимиға арзиди. У ҳаётимга мазмун бағишишаб, севишишга, дунё учун хизмат қилишга илҳомлантиради.

Т. С. Элиотнинг жумлалари қалбим тубидаги кашфиётни жуда гўзал ифодалайди: «Биз изланишдан тўхтамаслигимиз керак. Изланишларимиз якуни – бошлаган жойимизга қайтиб бориш ва ўша ерни янгидан капш қилиш бўлади».

## **МУНДАРИЖА**

<b>Ичкаридан – ташқарига</b>	<b>5</b>
<b>Етти кўникма – умумий тушунча</b>	<b>46</b>
<b>Биринчи кўникма: проактив бўлинг</b>	
Шахсий қараш тамойиллари	69
<b>Иккинчи кўникма: якунини ёдда тутиб иш бошланг</b>	
Шахсий етакчилик тамойиллари	103
<b>Учиничи кўникма: энг муҳимидан бошланг</b>	
Шахсий бошқарув тамойиллари	168
Ўзаро боғлиқлик парадигмалари	211
<b>Тўртингичи кўникма: «ютуқ-ютуқ» руҳида ўйланг</b>	
Шахслараро етакчилик тамойиллари	238
<b>Бешиничи кўникма: тушунинг ва тушунарли бўлинг</b>	
Эмпатик мулоқот тамойиллари	277
<b>Олтингичи кўникма: синергияга эришинг</b>	
Яратувчан ҳамкорлик тамойиллари	309
<b>Еттигиничи кўникма: аррани чархланг</b>	
Ўзни мувозанатли ўзгартириш тамойиллари	339
<b>Яна бир бор ичкаридан ташқарига</b>	365
<b>Муаллифдан</b>	377

**“ASAXIU BOOKS” ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ЧОП  
ҚИЛИНГАН КИТОБЛАР:**

1. Жорж Оруэлл, “1984”, 2019, 296 бет.
2. Жорж Оруэлл, “МОЛХОНА”, 2019, 100 бет.
3. Ден Браун, “РАҶАМЛИ ҚАЛЪА”, 2019, 480 бет.
4. Уолтер Айзексон, “СТИВ ЖОБС”, 2019, 624 бет.
5. Малкольм Гладуэлл, “ЗУККОЛАР ВА ЛАНДОВУРЛАР”, 2019, 220 бет.
6. Элиф Шафак, “ИШҚҚА ОИД 40 ҚОИДА”, 2019, 288 бет.
7. Лара Эдриан “ТҮНГИ ТАШРИФ”, 2019, 240 бет.
8. Стивен Р. Кови, “МУВАФФАҚИЯТЛИ ИНСОНЛАРНИНГ 7 КҮНИКМАСИ”, 2020, 438 бет.
9. Брайан Трейси, “САМАРАДОРЛИКНИНГ 21 ЙҮЛИ”, 2020, 92 бет.
10. Дэниел Киз, “ЭЛЖЕРНОНГА АТАЛГАН ГУЛЛАР”, 2020, 320 бет.
11. Марк Мэнсон, “БЕПАРВОЛИКНИНГ НОЗИК САНЬАТИ”, 2020, 192 бет.
12. Рамита Наваи, “ЁЛГОНЛАР ШАХРИ”, 2020, 276 бет.
13. Пауло Коэльо, “АЛИФ”, 2020, 308 бет.
14. Тони Шей, “БАХТ ЕТКАЗИШ: МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ИНТЕРНЕТ ДЎКОН ТАРИХИ”, 2020, 300 бет.

**Стивен Р. Кови**

**МУВАФФАҚИЯТЛИ  
ИНСОНЛАРНИНГ ЕТТИ  
КҮНИКМАСИ**

*Инглиз тилидан  
Орифаҳон Ғуломова  
таржимаси*

Муҳаррир	Х. Йўлдошев
Мусаххилар	F. Болиев
	Г. Қодирова
Дизайнер	А. Умарова
Саҳифаловчи	Х. Йўлдошев

Ушбу китобнинг ўзбек тилига таржимаси учун муаллифлик хукуки “Asaxiy Books” лойиҳасига тегишили бўлиб, “Asaxiy Books” руҳсатисиз китобни босма, электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар кандай шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан тақиқланади.

Босишига 30.11.2020 да руҳсат этилди.

Бичими: 84x108 1/32. “Times New Roman” гарнитурасида оғсет босма усулида босилди. Босма табори 11.8. Шартли босма табори 19.8. Адади 5000 нусха

RAVZA YAYINLARI ÖMER FARUK KASADAR, Истанбул, Туркия

*Қайдлар учун*